



# Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

Бош редактор:  
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,  
Эркин АЪЗАМОВ,  
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,  
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,  
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,  
Олимжон ИСМОИЛОВ,  
Фёдор КАМОЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари),  
Омон МАТЖОН,  
Хайриддин СУЛТОНОВ  
(масъул секретарь),  
Худойберди ТУХТАБОЕВ,  
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Улмаамбет ХУЖАНАЗАРОВ,  
Уриё ЭДЕМОВА,  
Ўткир ҲОШИМОВ.

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИИ  
ЖУРНАЛ

(37)

1985

ЙИЛ

ЯНВАРЬ



ТОШКЕНТ  
«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

## ОЙБЕКНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ

Одил <b>ЕҚУБОВ</b> , Умарали <b>НОРМАТОВ</b> . Ойбек даҳоси . . . . .	3
Ойбек. Қутлуғ қон. Романдан парча . . . . .	8
Ойбек. Кул, яйра. Сочма . . . . .	10
Ойбек. Қайтадан яратиш санъати . . . . .	66
Хуршид <b>ДАВРОН</b> . Учмаган овоз, сўнмаган қон . . . . .	40
Бахтиёр <b>НАЗАРОВ</b> . Санъаткор олим . . . . .	46
Наим <b>КАРИМОВ</b> . Шаффоф туйғулар шалоласи . . . . .	58
Шарифа <b>ШАРИПОВА</b> . Ардоқли адиб . . . . .	65
Ойбек ҳақида дил сўзлари . . . . .	26, 42, 45

## НАСР

Хайридин <b>СУЛТОНОВ</b> . Ҳикоялар . . . . .	14
Нурали <b>ҚОБУЛ</b> . Узаб кетмаган болалик. Ҳикоя . . . . .	43

## НАЗМ

Ҳалима <b>ХУДОЙБЕРДИЕВА</b> . Шеърлар . . . . .	11
Омон <b>МАТЖОН</b> . Шеър . . . . .	2
Турсунбой <b>АДАШБОВ</b> . Шеър . . . . .	27
Обид <b>ОЛИМЖОНОВ</b> . Шеър . . . . .	27
Нафас <b>ДУСАНОВ</b> . Шеър . . . . .	27

## КАЛДИРҒОЧ

Тўхтамурод <b>РУСТАМОВ</b> . Танаффус. Мактаб ҳикоялари . . . . .	28
Саломат <b>ВАФОЕВА</b> . Фарида. Ҳикоя . . . . .	48

## ДАВР МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Иброҳим <b>РАҲИМ</b> . Чиниқиш . . . . .	52
------------------------------------------	----

## КЎПЧИЛИККА ҲАВОЛА

Набижон <b>БОҚИЕВ</b> . Йўл бўлсин, йигит? . . . . .	60
------------------------------------------------------	----

## БИР ҚҰНГИЛ ИЗҲОРИ

Қодиржон <b>СОБИРОВ</b> . Оламда гуллар бор экан... . . . .	69
-------------------------------------------------------------	----

## «ЕШЛИК» ПОЧТАСИ

«Ешлик» анкетасига жавоблар . . . . .	72
---------------------------------------	----

## «ЕШЛИК»НИНГ АҚЛ ТИШИ

Ҳапалакда ҳалфана . . . . .	74
Хумий куллиёти топилди . . . . .	78
Уртоқлик ҳазиллари . . . . .	79

## Омон Матжон

### Кумуш учқунлар

Қишнинг, янги йилнинг баъзи дамлари  
Кумуш учқунларга байрамдир гулгун.  
Нурли бир тенгеликнинг гўё самари  
Қор бўлур борлиққа либоси мавзун.

Ҳар ёққан ёмғирга, қорга албатта,  
Шартмас фол очирмоқ, айтмоқ башорат.  
Оламлар уйғундир, бу ҳақиқатга  
Товланиб тушгувчи шул қор ишорат.

Кўрдик, не булутлар ўтдилар бир-бир,  
Сарҳадларни бузиб, иқлимни бузиб,  
Гоҳи тош ёғдириб, гоҳ қизил ёмғир,  
Гоҳ элда бесабаб ҳадик турғизиб.

Бу қорнинг учқуни аммо бежоглик  
Жажжи Галактика расмига ухшар.  
Олис дунёларга қуёшким боглик,  
Қишнинг қалбида ҳам бор бирон хабар...

Уни дарёларда пишитиб аввал,  
Сўнгра юксаклардан жой бериб синаб,  
Бахи этиб оқ, нафис талъат мукамал,  
Биз сари йўллабди табиат, сийлаб!

Бугун янги отган тонгдан, ёлқиндан  
Келгандир бу кумуш ёруғлик, учқун.  
Инсоннинг нур сари мағрур талпинган  
Қўлларидан қайта жон олмоқ учун!



### МУҚОВАДА:

Биринчи ва тўртинчи бетларни rassom Зулфи ШАМСИЕВА чизган

соҳиблар  
ўн тўққиз  
сечирган  
а қойил  
тозмала  
роза  
баркамол  
дабиёти  
анқидчи,  
ЕЗУВЧИ  
нинг ҳар  
мас. У  
ўққига к  
ТАНҚИ,  
дабиёт  
ирикаси  
оҳа — ул  
нтеллект  
ртдан т  
пуриб, н  
нинг бағ  
уайян м  
ргина «  
сликда  
заллиқни  
йбекнинг



Одил Ёқубов,  
Умарали Норматов

# Ойбек даҳоси

Ёзувчи — танқидчи суҳбати



**ТАНҚИДЧИ.** Октябрь инқилобидан кейинги йиллар ўзбек маданияти, адабиёти ва санъати учун ўзига хос уйғониш даври бўлди. Бу йилларда худди қадим Ренессанс вақтида бўлгани каби қомусий билим, универсал истеъдод, кўп қиррали ижод соҳиблари етишиб чиқди. Шулардан бири — Ойбек. Адибнинг ўн тўққиз томлик «Мукамал асарлар тўплами»ни кўздан кечирганда унинг иқтидорига, истеъдод кўламига, ишчанлигига қўйил қоласан киши. У ажойиб лирик шоир, қатор эпик поэмалар, драматик дostonлар муаллифи; айни пайтда бадий проза мастери, ўткир публицист, ҳикоя, қисса, хусусан, баркамол романлар автори; шу билан баробар, болалар адабиётининг етук намояндаси, улкан адабиётшунос олим, танқидчи, тарихчи, моҳир таржимон...

**ЁЗУВЧИ.** Гап фақат Ойбек истеъдодининг серқирра эканида, унинг ҳар хил адабий тур, жанрларда қалам тебратганидагина эмас. У ҳар бир соҳа, адабий тур ва жанрда аксари юксак чўққига кўтарила олган.

**ТАНҚИДЧИ.** Дарҳақиқат, у шеърятда ҳам, насрда ҳам, адабиёт илмида ҳам, таржимада ҳам етук аллома! Ойбек лирикаси ҳали адабиётшуносликда тўла кашф этилган эмас. Бу соҳа — улкан бир хазина. Бизда том маънодаги реалистик интеллектуал поэзия Ойбекдан бошланган. Унинг лирикаси сиртдан тинч, босиқ-вазмин, аммо унда фикрлар, туйғулар гупуриб, қулф уриб ётади. Ойбек лирикасини тўла тушуниш, унинг бағридаги фикр, ҳис-ҳаяжонни чуқур ўқиб етиш учун муайян маънода авторнинг даражасига кўтарилиш керак. Биргина «Наъматак» шеърини эслайлик. Бу асар, адабиётшуносликда таъкидланганидек, сўз сеҳри билан қад кўтарган гўзалликнинг тенгсиз обидасидир... Қизиқ, кейинги йилларда Ойбекнинг поэтик тажрибасига қизиқиш ғоят кучайди. Ҳозирги

ёшлар шеърятда, янгича поэтик мушоҳадага мойил қаламкашларнинг изланишларида Ойбек лирикасига бориб туташадиган жиҳатлар кўп... Шоир дostonлари-чи! «Уч», «Даврим жароҳати» бадий баркамоллик томонидан бу жанрнинг ҳар қандай нодир намуналари билан беллаша олади. Мен аминманки, Ойбек ижодий мероси фақат лирика ва поэмалардан иборат бўлганида ҳам у адабиётимизнинг классиги бўлиб қолаверар эди.

Ойбек таржималари, хусусан, «Евгений Онегин» таржимаси адабиётимизда улкан воқеа бўлган. Унинг адабиётшунослик, танқидчилик соҳасидаги фаолияти, Навоий ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлари бир етук танқидчи, адабиётшунос умр бўйи эришиши, улгуриши қийин, кўплар учун орзу бўлган чўққидир. У ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун адабиётдан бир қатор дарслик ва хрестоматиялар ҳам яратган... Аммо булар гўё йўл-йўлакай амалга оширилган ишлар. Ойбек аввало прозаик, романнавис сифатида ўзбек адабиётини бир қадам олға силжитган санъаткор. Қисқаси, Абдулла Қаҳҳор айтганидай, Ойбекнинг қирқ йиллик ижодий фаолияти тўрт юз йилга тенг келадиган фаолиятдир.

**ЁЗУВЧИ.** Чамаси, ижтимоий-маънавий тараққиёт, адабиёт ва санъат ривожининг кескин бурилиш, дадил кўтарилиш паллаларида кўпинча ана шундай кўп қиррали истеъдод соҳиблари етишиб чиқади. Сиз айтган хусусиятлари билан Ойбек рус адабиёти классикасига, хусусан, янги давр реалистик рус адабиётининг асосчиси А. С. Пушкинга ўхшаб кетади. Ахир биз Пушкин деганда фақат дилбар лирик шеърлар, «Мис чавандоз», «Боқчасарой фонтани», «Руслан ва Людмила» каби ўлмас поэмалар, тенгсиз шеърый роман — «Евгений Онегин» авторининггина эмас, «Борис Годунов»дек етук трагедия, «Дубровский», «Капитан қизи» сингари ажойиб повестлар, Пугачёв кўзғолони тарихига бағишланган худди бугунги ҳужжатли проза намуналарига ўхшаб кетадиган асарлар ва ўзи асос солган «Литературная газета»да эълон этилган ўз даври адабиёти ривожининг актуал масалаларига бағишланган кўплаб теран адабий-танқидий мақолалар муаллифини ҳам тушунамиз. Биласиз, Ойбекнинг Пушкинга ихлоси ниҳоятда баланд бўлган, Пушкиннинг ижодий жасорати, у яратган асарларнинг реалистик қудрати, маҳорат, санъат сирлари ҳамиша уни ўзига мафтун этган. Ойбек ҳам устоз изидан бориб, ҳам шеърятда, ҳам насрда, ҳам таржима ва адабиётшуносликда бирдек маҳорат билан ажойиб асарлар яратганки, бу ҳол бизни қўйил қолдиради.

**ТАНҚИДЧИ.** Ойбекнинг серқирра ижтимоий фаолияти, инсон, граждон, ташкилотчи-раҳбар, жамоат арбоби сифатидаги хил хилатлари ҳам ғоят ибратли. Ёзувчилар союзининг раҳбари, Фанлар академиясининг академиги, ношир сифатида қилган ишлари, фан заҳматкашлари, ижодкорларга кўрсатган ҳиммат-саховатларини айтмайсизми...

**ЁЗУВЧИ.** Адабиёт тарихидан маълумки, ҳар бир улкан истеъдод эгаси айни пайтда улкан шахс ҳам бўлган, унинг қалбда замонасининг жамики қувончу ташвишлари, орзу умидлари, дарду изтироблари жо бўлган. Ўз даврининг, халқининг жонкуяр фарзанди, чин маънодаги граждон бўлмаган ижодкор ҳеч қачон улкан адиб бўла олмайди. Улкан истеъдодларнинг ҳаммаси фақат ўз ижоди, тор профессионал машғулотлари доирасида ўралашиб қолмай, ҳамиша катта ижтимоий ҳаёт қозонида қайнаганлар. Истеъдоднинг кўлами қанчалик катта бўлса, унинг ижтимоий манфаат доираси ҳам шунчалик кенг бўлади. Адабиётимиз тарихида Навоий, Бобурга тенглаша оладиган истеъдодлар йўқ, ҳисоб. Зотан ҳеч қайси адиб ўтмишда ижтимоий ҳаёт қозонида улпарчалик қайнаган эмас. Тўғри, ижодда талант билан, аммо катта ижтимоий манфаат ва фаолият улкан талант учун кенг уфқлар очади. Мени, айниқса, Ойбекнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги серқирра, ғоят маҳсулдор фаолияти ҳайратга солади. Ўз тажрибамдан биламан, бир йирек романни ёзиб битириш учун тўрт-беш йил вақт кетади. Қаранг, Ойбек салкам тўрт йиллик уруш даврида, ниҳоятда оғир бир шароитда «Навоий» романини битирди. «Маҳмуд Торобий» драматик дostonини



яратди, «Қуёш қораймас» романини ёза бошлади, ўнлаб жанговар лирик шеърлар, публицистик мақолалар ёзди, Ватан уруши фронтларида, жангчилар орасида бўлиб оташин сўзлари билан уларни жасоратга чорлади, фронт хотираларини қоғозга туширди, Фанлар академиясининг академиги сифатида қизгин илмий ишлар олиб борди... Ойбекнинг сўнгги ўн йилдан ортиқроқ ҳаёти, фаолияти ҳам мислсиз жасорат намунаси! Бу табаррук зот шу йиллар давомида оғир хаста ҳолида «Қуёш қораймас» романини ёзиб тугатди, «Улуғ йўл», «Болалик» асарларини яратди, яна ўнлаб лирик шеърлар, поэмалар, адабий-танқидий мақолалар битди, сўнгги нафасига-ча янги ижодий режалар билан яшади, ишлади...

**ТАНҚИДЧИ.** Ойбекнинг яқиндан билганлар уни одамларга, ҳамкасб дўстларига ниҳоятда меҳрибон, ўта кўнгличан, сахий қалб эгаси сифатида таърифлайдилар. Бу хислат унинг ижодий фаолиятида, асарларида ҳам кўринади. Унинг шеър, дoston, роман ва мақолаларида буюк қалб саховати шундоққина сезилиб туради. Айни пайтда бу меҳрибон зотда шер ҳамласи ҳам бор, унда қабоҳатларга нафрат, қахр-ғазаб туйғуси ҳам жуда кучли, у адолатсизликларга қарши мардона жангга кирган олим. Бу жиҳатдан унинг биргина «Танқид соҳасида ур-ийқитчиликка қарши ўт очайлик» деган мақоласини эслаш kifоя. Мақолада қаламкаш дўсти Ҳ. Олимжонни асоссиз танқидлардан қаттиқ туриб ҳимоя қилади, вульгар социологизм концепциясига қақшатқич зарба беради.

**ЕЗУВЧИ.** Ҳақиқий граждан адиб теварак-атрофда, жумладан, ўз соҳаси — адабиёт оламида юз берган адолатсизликни кўрганда жим туролмайди, виждони бунга йўл қўймайди. Ойбек учун ҳам бу хислат бегона эмас.

**ТАНҚИДЧИ.** Ойбек прозасининг, баркамол шоҳ асарлари — «Қутлуғ қон» билан «Навой»нинг адабиётимизда тутган ўрни қандай! Бу асарлар ўзбек адабиётига қанақа янгиликлар олиб кирди!

**ЕЗУВЧИ.** «Қутлуғ қон» ва «Навой» романларининг адабиётимизда тутган ўрнини белгилаш борасида муайян ишлар қилинган. Яхшиси, мен бу ерда ҳар икки асарнинг ўзимга кўрсатган таъсири ҳақида гапира қолай. Мен «Қутлуғ қон»нинг ўн олти ёшимда, шу ёшдаги ҳозирги ўспиринлар мендан кулмасинлар, ўзимни йўқотар ҳолга тушиб, гоҳ қувончдан танамга сиғмай, гоҳ алам-изтироблар ичида ўзимни кўярга жой тополмай, гоҳ йнғидан ўзимни тутолмай қаттиқ ҳис-ҳаяжон ичида ўқиб чиққанман. Асар менинг мурғак қалбимни шунчалар ларзага солганки, унинг таъсирини ҳануз унутолмайман. Романдаги жамикки катта-кичик персонажлар худди тирик одамлардек шундоққина ёнимда турарди, мен уларнинг, аниқроғи, асардаги яхши одамларнинг дарду ташвишларини худди ўзимга яқин кишиларнинг ташвишлари каби қабул қилган эдим. Асар билан илк танишувда хотирда қолган чеҳралар ҳамон хаёлимда, кўнглимда...

«Қутлуғ қон» романи аллақачон дарслик ва хрестоматиялардан жой олган, бир неча ўн йиллар давомида халқимизнинг бир неча авлоди шу романини ўқиб тарбия олди. Эҳтимол, уларнинг кўпи роман билан танишганда менинг ҳолимга тушгандирлар... Демак, асар бутун халқнинг ҳаётига, онига сингиб кетган. Табиийки, бундай асар адабиёт ривожидоғина эмас, халқнинг маънавий ҳаётида бутун бир даврни ташкил этади. «Навой» романи билан танишувим бошқачароқ, бу ҳақда кейинроқ гапирарман.

**ТАНҚИДЧИ.** Дарҳақиқат, «Қутлуғ қон», шунингдек, «Навой» романлари «Ўтган кунлар» ва «Сароб»дан кейин ўзбек прозаси ривожига янги босқични ташкил этади. Назаримда, «Ўтган кунлар», «Сароб», «Қутлуғ қон», «Навой» яхлит ҳолда ўзбек романичилигига замин бўлган, кейинги тараққиётини, етакчи тенденцияларини белгилаб берган асарлардир. Сўнгги қирқ-эллик йил давомида ўзбек романичилиги асосан шу тўрт асар ғоявий-поэтик арсенали доирасида ривожланиб келди. Бу ҳақда ҳам кейинроқ тўхталамиз. Бу ерда мени ҳаммадан кўпроқ Ойбекнинг шоҳ асарлари «Қутлуғ қон» билан «Навой»нинг тугилишидаги адиб кўнглида кечган маънавий-руҳий, ижодий, психологик ҳолат қизиқтиради. Бу икки асар кетма-кет ва жуда қисқа муддат ичида ёзилган бўлса-да, адиб ҳар икки романга ёндош ҳолда узоқ вақт маънавий жиҳатдан тайёргарлик кўрган. Чунончи, Октябрь инқилоби арафасидаги ҳаёт, зулмга қарши исён, оддий халқ онгидаги ўзгариш, уйғониш, инқилобий руҳ ҳақида битилган талай шеърлар, дostonлар, 1928 йилдан Навоий ҳаёти ва ижодини

ўрганишга киришиш, 30-йиллар ўрталарида ёзила бошлаган илмий тадқиқотлар, Навоий сиймосини гавдалантирувчи дoston ва шеърлар... Улкан реалистлар поэтик тажрибасини ўрганиш, «Евгений Онегин» таржимаси, Абдулла Қодирий ҳақидаги тадқиқот, буларнинг устига, сиёсий иқтисод фани билан бевосита шуғулланиш, марксча-ленинча адабий танқидий тафаккур билан қуролланиш — барчаси бўлғуси улкан адабий кашфиёт учун маънавий тайёргарлик, муайян репетициядан далолат беради.

Ана шу тайёргарлик жараёнидаги бир момент айниқса диққатга сазовор. Шубҳа йўқки, «Қутлуғ қон», «Навой» романлари бўш жойда эмас, биринчи галда, миллий адабий аъёнларимиз, ўзбек реалистик насрининг илк тажрибачлари, аввало, Абдулла Қодирий романлари, улкан адиб реализми сабоқлари заминиде майдонга келди. Адабиётшуносликда кўпинча адабий ворислик, аъёнлар бирёқлама, силлиқ, осон кўчадиган ҳодиса тарзида талқин этилади. Аслида улкан санъаткорларда устозлардан ижодий ўрганиш гоёт мураккаб, баъзан эса кескин баҳс-мунозара тарзида кечади. Навоийнинг буюк салафларига муносабатини эсланг. У «Хамса»га қўл урар экан, ўзидан олдинги ҳамсанавис устозларга чуқур ҳурмат-эҳтиромини сақлагани ҳолда, улар билан қизгин баҳсга киршади. Баҳс пайтида ўз «Хамса»си, унинг етакчи қахрамонлари ҳақидаги концепцияларини баён этади... Шундай диалектик ижодий-руҳий жараёни Ойбекнинг Қодирийга муносабатида ҳам кўриш мумкин. Ойбекнинг «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқоти 1936 йили — айни «Қутлуғ қон» ва «Навой» асарига ҳозирлик кўриш пайтида майдонга келган. Тадқиқотда Абдулла Қодирий ижодининг, романларининг бир талай фазилатлари, адиб реализмининг ўзига хос хусусиятлари катта билимдонлик, нозик дид билан инкишоф этилган. Айни пайтда адиб кўп ўринларда Қодирий билан жиддий баҳс олиб боради. Тадқиқотнинг танқидий мулоҳазаларига синчиклаб қарасангиз, улардан кузатилган асосий мақсад Қодирий романларининг камчиликларини «очиб ташлаш» эмас, кўпроқ адибнинг ўз ижодий принциплари, концепцияларини белгилашга интилишдан иборат эканлигини сезиб турасиз; гўё ёзувчи Қодирий романларига, реализмига хос бир қатор хусусиятларни танқид қилиш билан ўзининг бўлғуси романларига хос ижодий принципларини баён этади; тадқиқотдаги тарихий роман, романда тарихий шахслар ва тарихий ҳодисалар муносабати, социал типлар, социал типларнинг шароит билан алоқаси, ижтимоий-синфий конфликтлар ифодаси, оддий меҳнаткаш халқ вакилларининг асардаги ўрни, бадиий талқини билан боғлиқ қатор мулоҳазалар кейинчалик «Қутлуғ қон» ва «Навой» романларида авторнинг ўзи амал қилган принциплар бўлиб қолди.

**ЕЗУВЧИ.** Кузатиш ва мулоҳазаларингиз тўғри. Умуман, улкан санъаткорлар ўзларидан олдин ижод этган ёки ўзларига замондош адибларнинг шакл, услуб, тил бобидаги тажрибаларини, изланишларини ҳеч қачон тўлиқ қабул қилган эмаслар. Адабиётдан узоқроқ баъзи кимсалар учун Толстойнинг Шекспирга салбий муносабати, Тургенев асарларини ёқтирмагани ёхуд Достоевскийни тўлиқ қабул этмагани эриш, ғалати туюлиши мумкин. Аслида бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Улкан адиблар орасидаги баҳс-мунозараларга дуч келганда, буни қандайдир бир-бирини кўролмаслик ёхуд ҳасадгўйлик деб билмаслик лозим. Бу хилдаги баҳслар, зиддиятли қарашлар улкан санъаткорлардаги ижодий принципларнинг ўзига хослиги туфайли келиб чиқадиган ҳолдир.

**ТАНҚИДЧИ.** Шуниси ҳам борки, Ойбек амалий фаолиятда, хусусан, «Навой» асарида Қодирий романлари муносабати билан айтган баъзи танқидий қарашларидан хиёб чекинади. Масалан, адиб «Ўтган кунлар»да Отабек, Юсуфбек ҳожи сингарни савдогар табақа намоёндалари ўзларида социал кучнинг хусусиятларини атрофлича тўла ёритиб бермаганини айтади, улар асарда савдогарлар табақаси моҳиятини ташувчи шахслар эмас, балки ўз даври учун нисбатан прогрессив қарашларни акс эттирувчи кишилар эканлигини етарли ҳисобга олмайди. Ёзувчи «Қутлуғ қон» романида айни шу ўзи илгарти сурган концепцияга тўла риоя қилади, ундаги ҳар бир қахрамон, персонаж муайян табақа, социал кучнинг моҳиятини ташувчи хусусиятларга эга, уларнинг ҳар бири бевосита социал тип, ё ёзувчи — эксплуататор ёки эзилувчи — меҳнаткаш ишчи-деҳқон синфи вакили... «Навой» романида эса ўзгачароқ манзарага дуч келамиз. Ҳаётий ҳақиқат, мавзу-



материал, асарнинг ғоявий-бадий проблематикаси, бадий ният характеридан келиб чиққан ҳолда адиб қаҳрамонлар танлаш ва уларнинг талқинида энди муайян даражада Қодирий тажрибасига таянади, қаҳрамонларнинг ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи билан уларнинг ирода йўналиши, асарда тутган ўрни, кураш-интилишлари ифодасида, В. Белинский айтган анохронизм, бадий ниятга кўра тарихий ҳодисаларни «ўзгартириб кўрсатиш» принциpidан ҳам фойдаланади. Чунинчи, Навоий ижтимоий мавқеи жиҳатидан катта мулк эгаси, саройда улкан мансабларни эгаллаган, бош вазир, бек лавозимларига кўтарилган одам. Ойбек Навоий ҳақидаги тадқиқотларида бу ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтади, аммо ёзувчи романда Навоий ҳаёти билан боғлиқ бу жиҳатларни атайин четлаб ўтади, Навоий образида катта мулкдорга, мансабдорга хос социал хусусиятларни очишга асло уринмайди, уни асосан халқпарвар, эрқпарвар, адолатпарвар гуманист аллома сифатида талқин этади; саройдаги яна айрим илғор тарихий шахслар ҳам шу тарзда берилган. Шу жиҳатдан қараганда шахсан менга «Утган кунлар»даги Юсуфбек ҳожи Навоий образининг поэтик модели бўлиб туюлади. Юсуфбек ҳожини қийнаган кўп-ҳаётий жумбоқлар, ўзоро урушларга, беҳуда қон тўкишларга қарши туриш, мансабдорларни адолатга, инсофга ундаш, халқнинг бирлиги, осойиши, фаровонлиги учун кураш, ақл-идрок тантанасига ишонч — булар кейинчалик Навоий образида ҳаётий фактлар асосида янги куч билан кенг масштабда намоён бўлди.

Шу тарихи «Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»нинг таъсири, ҳар икки роман тажрибаларидан ижодий ўрганиш, уларни ижодий ривожлантириш самараси бўлган ўринлар «Навоий» асарида бир талай. Дўстга садоқатли, фидойи Султонмурод «Меҳробдан чаён»даги Султоналини эслатади, Дилдор билан Арслонқулнинг севги саргузаштлари, Дилдорни ҳарамдан қутқариш, саройдаги муҳит, хилма-хил интригалар ифодасида ҳам Қодирийга бориб туташадиган ўринлар йўқ эмас.

**ЁЗУВЧИ.** Адабиёт ривожига ғалати қонуниятлар бор. Гарчи улкан санъаткорлар орасида қизғин баҳслар кетса-да, ҳар бир ижодкор ўз принципларига амал қилиб ўз йўлидан боришга ҳаракат қилса-да, у ўзгалар тажрибасини баъзан онгли равишда, баъзан эса беихтиёр тарзда қандайдир даражада ўзлаштиради. Сиз «Навоий» билан Қодирий романлари орасида параллеллар мавжудлигини айтяпсиз. Дарҳақиқат, бу романлар орасида мавзу, материал, ҳаётий проблематика, қаҳрамон ва конфликт жиҳатидан муштаракликлар кўп. Агар синчиклаб ўрганилса, Сиз Қодирий принципларидан кескин фарқ қиладиган асар санаган «Қутлуғ қон»да ҳам, хусусан, унинг поэтикаси, айрим сюжет линияларида «Утган кунлар»ни эслатадиган ўринларни топиш мумкин. Масалан, Йўлчининг ўғирланган Гулнорни қутқариш воқеаси «Утган кунлар»даги Отабекнинг Қумушбиби шайини ҳимоя қилиш учун Ҳомид билан олиб борган жанг-тўқнашувини эсга солмайди!! Демак, Ойбек улкан санъаткор сифатида Қодирий билан тортишган-баҳслашган, ўз принципларини тайин этиб ижодда ўз йўлидан борган бўлса-да, устоз романларидан, шубҳасиз, таъсирланган, ижодий ўрганган.

**ТАНҚИДЧИ.** Адабиётдаги чинакам новаторона кашфиётлар шу тарихи традициялар билан мураккаб диалектик алоқада майдонга келади. «Қутлуғ қон» ва «Навоий» адабиётимизда чинакам оригинал бадий кашфиёт, улкан новаторона ҳодиса бўлди. Ойбекнинг энг буюк адабий хизмати, новаторлиги шундан иборатки, у бутун бир халқнинг тимсоли бўла оладиган, халқ тарихининг энг муҳим палласи ҳақида тасаввур берадиган, халқнинг тақдир, савия-даражаси, орзу интилишларини ўзида акс эттирадиган ўлмас образлар яратди; адиб даҳоси маҳсули бўлган Йўлчи ва Навоий образлари, Сиз айтгандай, аллақачон халқнинг қалби тўридан жой олган, мангу ўлмас сиймолар сифатида унинг онгига, маънавий ҳаётига сингиб кетган.

Ойбек санъатининг сеҳри шундаки, у оддий меҳнаткаш деҳқон йигити Йўлчининг ҳам, тарихда ўтган буюк зот Навоийнинг ҳам бирдек давр қаҳрамони, халқ руҳияти ифодачилари, халқнинг фахри даражасига кўтара олди.

**ЁЗУВЧИ.** Бу гапларга яна шуни илова қилиш керакки, реалист санъаткор ҳаётий ҳақиқатга таянган ҳолда оддийликдаги ғайриоддийликни ва, ақсинча, улғувор ҳодисалардаги оддийлик, одмиликни кашф эта олди. Ойбек улкан санъаткор

сифатида реализмнинг шу икки муҳим хусусиятини ўз ижодида ажойиб тарзда намойиш эта билган. Қаранг, «Қутлуғ қон»даги Йўлчи ўта оддий, камсуқум, меҳнаткаш йигит, лекин у бора-бора тарихий жараёни ҳаракатга келтирувчи улкан бир кучга айланади; «Навоий»даги Навоий улғу шоир, давлат арбоби, Ойбек айни пайтда, мана шу фавқуллодда улғувор шахс характеридаги оддий одамлар дилига яқин жиҳатларни очиб беради.

Ойбекнинг «Қутлуғ қон»даги энг катта новаторлиги, оригиналлиги яна шундаки, адиб ҳаётдаги социал типларни чинакам бадий типлар даражасига олиб чиқа олди. Боя Сиз айтгандай, «Қутлуғ қон» қаҳрамонлари ё эзувчи мулкдор, ё эзилувчи меҳнаткаш халқ вакили; асар конфликтли ҳам синфий кураш асосига қурилган. Биласиз, 20-, 30-йилларда яратилган қатор насрий асарларда синфий курашни шундоғича жўнгина асарга кўчириб, персонажларни эса эзувчи-бой ёки эзилувчи-камбағал синфининг оддийгина иллюстрациясидан иборат қилиб бериш ҳолларига дуч келамиз. Улардан фарқли ўлароқ, «Қутлуғ қон» ҳодиса моҳиятини чуқур бадий таҳлил этиш, социал зиддиятларни чинакам таъсирчан конфликт, социал кучларни эса тирик одам, тўлақонли ёрқин пластик характер — тип даражасига кўтариш санъати билан ажралиб туради.

**ТАНҚИДЧИ.** Ойбек «Навоий» романи билан ўзбек адабиётида том маънодаги тарихий романга, аниқроғи, тарихий-биографик романга асос солди. Бу роман чуқур илмийлик ва юксак бадийлик синтезидан туғилган. Адиб Қодирий ҳақидаги тадқиқотларида, жумладан, шундай дейди: «Ҳақиқий реалист санъаткор билан илмий методология ила қуролланган тарихчи маълум нуқталарда учрашувлари керак. Уларнинг тарихий ҳаётни текширишлари, ҳодиса ва воқеаларни танлашдаги йўл ва приёмлари қанчалик айрим бўлмасин, охириги пайтда, сўнгги натижада улар учрашувлари лозим, яъни, тарихчининг ҳақиқати ила санъаткорнинг ҳақиқати мувофиқ, ҳамохан бўлиши керак. Қисқача айтганда, бадий ҳақиқат тарихий ҳақиқатга мос келсин». Адиб романда бу принципга тўла риоя қилган. Навоий ҳаёти, даврини жуда чуқур билган, у ҳақда ажойиб тадқиқотлар яратган Е. Э. Бертельс: «Романинг катта муваффақияти шундаки, унга киритилган барча воқеалар бизгача етиб келган тарихий ҳужжатлар билан тасдиқланади», — деб гувоҳлик беради.

Ойбек Навоийнинг ҳаёти, шахсияти тасвирида ҳаётий фактларга таянади, Навоий ҳаётини «тўлдирадиган» тўқималардан мумкин қадар ўзини тияди; эҳтимол, тарихда аниқ фактлар бўлмагани учун унинг интим ҳаёти, севгиси соҳасини очик қолдиради.

Аммо «Навоий» романида бошқа хилдаги тўқима воқеалар, персонажлар бор. Арслонқул, Дилдор, Султонмурод, Зайнидин, Тўғонбек сингари бадий тўқима йўли билан яратилган персонажлар Навоий образи билан турли даражада мулоқотга киришадилар, романинг умумий сюжет йўналишида улар муайян ўрин тутадилар... Шундай усул билан яратилган образлар «Юлдузли тунлар»да ҳам, Сизнинг ҳар икки тарихий романингизда ҳам бор. Кейинги романингиз «Кўҳна дунё»да ҳатто ижодий фантазия маҳсули бўлмиш Ибн Шаҳвоий етакчи персонажлардан бирига айланган, Ибн Шаҳвоий билан боғлиқ мужоралар Ибн Сино, Беруний билан салтанат, Султон Маҳмуд орасидаги зиддиятларнинг энг муҳим ҳалқасини ташкил этади. Тарихий романларда тарихий шахсларни тўқима образлар билан мулоқотга киритиш бу шунчаки адабий анъаналар кўринишими ёки бадий эҳтиёж, зарурият тақозосими!

**ЁЗУВЧИ.** Тарихий романда илмий ҳақиқат билан бадий ҳақиқатнинг муносабати ғоят нозик ва мунозарали масала. Адабиёт тарихида шундай асарлар борки, улар илмий жиҳатдан асосланган тарихий фактларга тўла мос келадиган ҳужжатларга таяниб ёзилган. Ойбек домла улкан олим, тарихчи, файласуф бўлгани, Навоий ҳаёти, ижоди, у яшаган даврини пухта билгани учун ҳам, эҳтимол, тарихий фактлардан унча чекинган эмас. Айни замонда шундай тарихий асарлар ҳам борки, уларда умуман ҳаётий ҳақиқатга таянилгани ҳолда ёзувчи хаёлотли-фантазияси орқали тарихий фактни қайта идрок этиш муҳим ўрин тутайди, тарихий ҳодисалар, шахслар автор бадий нияти асосида ўзгача талқин этилади. Адабиёт тарихида бунга мисоллар кўп. Навоий дostonидаги Искандар тарихий шахс Александр Македонскийдан кескин фарқ қилади, Мария Стюартни Шиллер ўзича, Вальтер Скотт

бошқача, Степан Цвейг яна ўзгача талқин этади. Степан Разин ҳақидаги асарларда ҳам бу машҳур тарихий шахснинг бадий талқини ҳар хил... Мен бу гапларни Ойбек «Навой» романида тутган йўл, амал қилган принципни камситиш ё рад этиш учун эмас, балки тарихий асар яратиш йўллари ҳар хил эканлигини таъкидлаш учун айтаётirman. Шахсан мен тарихий асарда ёзувчи ҳаёлот-фантазиясига тўла эрк бериш, «тарихчи олим иши тугаган жойда ёзувчи иши бошланади», деган қараш тарафдориман.

Навойнинг интим ҳаёти, севгиси билан боғлиқ масалада мен Ойбек йўлини ҳеч камситмаган ҳолда, Иззат Султон ва Уйғун драмасидаги талқини ҳам тўла қўллаб-қувватлайман. Модомики, Ойбек ҳам тарихий фактларга изчил риоя қилган романида бадий тўқиммага, ҳаёли меваси бўлган образларга ўрин берган экан, бу ҳар қандай тарихий асар учун табиий, зарурий, қонуний бир ҳол.

**ТАНҚИДЧИ.** Шундайку-я, лекин «тарихий асар» тушунчасидаги «тарихий» сўзининг маъно, аҳамиятини қадрлаш ҳам керак. Том маънодаги тарихий-бадий асар тарихий ҳақиқатга, аниқроғи, фанга яқинлиги, ҳамоҳанглиги билан ўтмиш ҳақидаги бошқа тур бадий асарлардан ажралади.

Тарихий романда, хусусан, улкан тарихий шахслар ҳаётдан олинган асарда энг қийин ижодий муаммо ўша тарихий шахсларнинг бадий концепциясини белгилаб олишдан иборат бўлса керак. Мен кейинги пайтларда Ойбекнинг Навоий ҳақидаги тадқиқотларини роман билан қиёсан ўқиб чиққанда шунга амин бўлдимки, адибда Навоий образининг концепцияси анча аввал мукамал тарзда шаклланган, илмий жиҳатдан асосланган экан. Кейинчалик романда ўша илмий жиҳатдан асосланган концепция бадий тус олган.

Навоий ҳақидаги тадқиқотлар билан танишганда туғилган яна бир таассурот шуки, Ойбек Навоий ҳаёти ва ижодини буткул эгаллаган, Навоийга оид жаммики фактлар унинг учун миридан-сиригача аён, энг муҳими, Навоий ҳаёти, ижоди, шахсияти моҳиятини теран англаб етган, бениҳоя чуқур ҳис этган.

**ЁЗУВЧИ.** Тарихий шахслар бадий концепциясини белгилаб олиш ва уни жонли гавдалантириш, бадий образга айлантириш тарихий асардаги ёзувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади, ёзувчи меҳнатининг бутун машаққати ҳам ана шунда. Ойбек «Навой» романининг ёзилш тарихига оид мақоласида асар яратиш каби мушкул, оғир иш дунёда йўқдир, чуқур ҳис этиш, қалбнинг зўр ҳаяжони, ўткир фикр, фаҳм, ажойиб илҳом... билмадим, яна ва яна кўп хислатлар керак, дейди. Ҳа, асар яратиш, бинобарин, тарихий шахс концепциясини тайин этиш, жонли гавдалантириш машаққатиди, бунинг учун жуда кўп хислатлар зарурлигини бошдан кечирган кишигина чуқур тушунади, ҳис этади. Ойбек «Навой» романига тайёргарлик жараёни ҳақида тўхталиб: «Кўп тарихий фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини қақиш учун чуқур ҳис этишга, ўйлашга бошладим», — деб ёзади. Сиз сўраган тарихий шахслар концепцияси худди ўша — тарихий факт, материалларни таҳлил этиш, мағзини қақиш, уларни тушуниш, ҳис этиш орқали шаклланади. Шундан кейингина кўп қаламга боради. Ойбек романининг ёзилш жараёни ҳақида гапириб дейди: «Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки, романининг иш плани қоғозда йўқ эди, у менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлигимни банд этган эди. Юрсам-турсам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим». Бу ҳар бир ҳақиқий ижодкор учун таниш ҳолат, шундай ҳолатга тушмаган ижодкор яхшиси қўлга қалам олмагани, ёзув столига ўтирмагани маъқул.

Боя Сиз тарихий асарда анохронизм, тарихий фактларни бадий ниятга кўра «ўзгартириб кўрсатиш» принципи ҳақида гапирингиз. Ҳатто Ойбекдек, тарихий фактларга изчил риоя қилган реалист ёзувчи ҳам Навоий талқинида унинг ижтимоий мавқеи билан боғлиқ баъзи жиҳатларни атай четлаб ўтгани тўғри. Бугина эмас, романдаги Мажиддин образи ҳам ҳаётдаги, аниқроғи, В. В. Бартольд таърифлаган Мажиддиндан бошқачароқ, ёзувчи бу одамнинг олим қайд этган ижобий фазилатларини деярли эсга олмайдди. Буларнинг барчаси худди ўша тарихий шахс образи концепцияси билан алоқадор масалалардир.

**ТАНҚИДЧИ.** Мажиддин образи ҳақидаги гапларингизга қўшилган ҳолда романдаги бир моментни хотирга солмоқчиман. Мажиддин ўз фаолиятининг сўнггида ҳаёт йўлини, қилган ишларини сарҳисоб этиб чуқур афсус ва қайғу билан

дейди: «Умримдаги энг катта хато — Алишер Навоийга душманлигим бўлди. Мен йигирма йилдан ортиқ Алишерга қарши ҳаракат қилдим... Алишер юраги тоза одам эди». Бу гапларни гарчи боши деворга урилиб, кўзи ярқ этиб очилган дақиқаларда айтган бўлса-да, ҳар ҳолда, шундай адолатли хулосага келган одамнинг табиатида, кўнглида озми-кўпми инсоф, диёнат бўлиши керак! Қаранг, реалист адиб озгина бўлса-да, шунга ишора қилиб ўтади.

Атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов «Ойбек маҳорати» китобининг «Навой» романига бағишланган боби «Буюк шахс фожиаси» деб атайди. Олим асарни бадий маҳорат нуқтаи назардан атрофлича таҳлил этади-ю, негадир романда «Буюк шахс фожиаси» масаласини етарлича ёритиб бермайди. Бунинг муайян сабаби бор. Асарда Навоий, унинг улғу идеаллари, орзу-интилишлари, гуманизми билан замонаси, аниқроғи, салтанат орасидаги зиддиятлар кенг тасвир этилади, адиб бу зиддиятлар туфайли шоир қалбида кечган руҳий кечинмаларни, шунингдек, қарашларидаги айрим оғиз жиҳатларни ҳам кўрсатади, лекин бу ҳол, менинчга, асарнинг асосий пафосини ташкил этмайди. Навоий даҳоси, ундаги ақл-иҳроқ, мушоҳадакорлик, тадбиркорлик ҳамиша биринчи планга олиб чиқилади... Кейинги йилларда яратилган тарихий романларда эса улғу шахсларнинг фожиаси, қалбидаги руҳий драматик туғғени пафос ҳолига кўтариш характерли хусусият бўлиб қолаётир.

**ЁЗУВЧИ.** Бу ердаги фарқнинг сабаби материалнинг характерида бўлса керак, деб ўйлайман. Навоий тўғрисидаги романга кўра Ибн Сино, Улуғбек, Бобур ҳаётдан олинган асарларда драматизм, фожиавий тасвирнинг кенг ва чуқурроқ бўлиши табиий. Чунки, ҳазрат Навоий бошига тушган кулфатлар қанчалик оғир бўлмасин, Улуғбек ёки Бобур бошига тушган савдолар характер бошқача, кескин ва даҳшатли. Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ва ўша даврнинг қоқоқ, тубан кимсалари орасида кечган зиддият, тўқнашувлар бошқача Улуғбек билан ўз ўғли-оқпадар Абдуллатиф ва реакцион дин пешволари ўртасидаги қарама-қаршилик, курашлар табиати, зарби, шиддати ўзгача! Бадий конфликт, гарчи унинг ифода тарзи, хиллари қанчалик турли-туман бўлмасин, пировард натижада ҳаётдаги зиддиятларнинг инъикоси-ку! Шу маънода сўнги романларда улкан тарихий шахсларнинг фожиаси кескин тарзда тасвирланган экан, бунга «Навой»дан ўзиб кетиш, деб қарамаслик керак.

**ТАНҚИДЧИ.** Гапингиз тўғри, асарда кўп нарса ҳаётини материалнинг характерига боғлиқ. Аммо бунда ижодий принципларнинг роли ва аҳамиятини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Сўнги йиллар адабиётида ҳаётини, характерларни бутун мураккаблиги, зиддиятлари, ҳаётини муаммоларни ўткирлиги, кескинлиги билан кўрсатиш тенденцияси хийла кучайдики, бу ҳол тарихий мавзудаги асарларга, жумладан Ибн Сино, Улуғбек, Бобур образлари талқини, ифодасига ҳам дахлдордир.

Тарихий роман, умуман тарихий асар учун яна бир мушкул ижодий муаммо — тарихий давр, тарихий шахслар руҳиятини, колоритини ифода этишдан иборат. Ойбек даҳоси, истеъод сеҳри яна шундаки, «Навой» романининг илк сатрларини ўқий боллашингиз биланко ҳаёлингиз беш аср бурунги макон ва замонага кўчади-қолади: қадимги Ҳирот манзаралари кўз олдингизда жонланади, фақат ўша даврга хос манзаралар, Ҳиротдаги мадрасаларнинг ҳайбатли гумбазлари, хонақоҳлар, катта-кичик хужралар эмас, давр руҳини берадиган аллақандай нурлар ва тасвирдаги ички бир ҳиссий оҳанг сизни ўзига асир этади. Кўнгиңг тиниқ ферузасида мадрасанинг ҳайбатли гумбаз устида порлаган баҳор қуёши, қуёш шуълаларида азамат пештоқларнинг нақшлари ҳавойи бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар қақнатиши, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб гумбаз теварағида қувонча билан иноқ ўйин қилиши — булар ҳаёлингизни бутунлай ўзига тортади-олади. Бутун асар давомида сизни романдаги ана шу сеҳрли руҳ-кайфият асло тарк этмайди. Шу билан баробар, мадраса толиби илмлари аҳвол-руҳияти, уларнинг тирикчилик ташвишлари, уларни қизиқтирган ҳаётини муаммолар, Навоий, Бойқаро ҳақидаги гурунглари тасвири орқали автор бизни даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳодисалари ичига олиб киради. Китобхон бутун асар давомида шу ҳодисалар руҳи билан нафас олади.

**ЁЗУВЧИ.** Тарихий асарда тарихий давр, тарихий шахслар



руҳияти, колоритини ҳаққоний ифода этиш учун экзотик лавҳа, деталларни қалаштириш шарт эмас. Бунинг учун ҳаммадан бурун ўша қаламга олинган даврни фақат чуқур ўрганишгина эмас, уни юракдан ҳис этиш ҳам керак. Чуқур ҳис этилган материал қорозга тушгандагина давр руҳини ифода этадиган ҳиссий оҳанг туғилади. Ойбекда бу ҳислат жуда кучли.

**ТАНҚИДЧИ.** «Навой»га бағишланган бир қатор адабий-танқидий ишларда романда улўғ шоирнинг ижод психологияси яхши очилмагани, буюк шоир асарларининг яратилиш жараёни йўл-йўлакай қайд этиб ўтилгани айтилади. Шундай эътироз кейинги пайтларда яратилган тарихий романлар, жумладан, «Кўҳна дунё»га нисбатан ҳам билдирилди. Бундай танқидий мулоҳазалар ҳақида нима дер эдингиз!

**ЁЗУВЧИ.** Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов билан суҳбатларимиздан бирида у тарихий роман ҳақида фикр юритиб шундай деган эди: «Мени шоҳлар, улкан лашкарбошилар олиб борган сон-саноксиз жангу жадаллар мутлақо қизиқтирмайди. Бундай асарлар даври ўтди. Ўтмиш ҳақида, ўтмиш сиймолари ҳақида ўйланганда мени биринчи навбатда уларнинг тафаккури, фалсафий ўйлари, бошқачароқ қилиб айтганда, уларнинг ҳаётий-маънавий концепцияси, кўнглида кечган ғоялар драмаси, қалбдаги туйғулар туғени қизиқтиради. Асло жанг тафсилотлари эмас!»

Мен ўшанда унинг бу фикрини тўла қўллаб-қувватлаган эдим. Албатта, шоҳ ёки саркарда ҳақида ёзилган асарда жанг картиналари, олим ҳақидаги асарда илмий қарашлар, шоир ҳаётига бағишланган асарда эса, ижод психологияси, асарларининг туғилиш жараёни, тарихи бир қадар бўлса-да ифода этилиши даркор. Лекин мен, барибир, биринчи навбатда тарихий шахснинг касби-кори, ҳунари, машғулотини эмас, унинг ҳақиқат, адолат учун олиб борган курашлари, бу йўлда чеккан машаққатлари, изтироблари, ўй-кечинмалари биринчи планга қўйилиши керак, деб ҳисоблайман. Чунки, адабиётнинг бош вазифаси оқибат натижада яхшилик билан ёмонлик орасидаги курашни, адолат ва адолатсизлик орасидаги зиддият, тўқнашувларни кўрсатишдан, қаҳрамоннинг маънавий оламини забт этишдан иборат. Шу маънода, мен ўзимни асло оқламаган ҳолда, аввало Беруний, Ибн Синоларнинг илмий-ижодий фаолиятини эмас, уларнинг жоҳил феодализм жамиятида инсоф ва адолат йўлида олиб борган курашлари, чеккан заҳматлари, қалб туғёнларини ифода этишни асосий мақсад қилиб қўйганман. Ўйлайманки, «Навой» романидан Ойбек ҳам шу мақсадни кўзлаган.

**ТАНҚИДЧИ.** Тарихий романда замон, яъни асар яратилган давр руҳини ифода этиш, тарихий асарнинг замонавийлиги, бугунги кун учун аҳамияти ниҳоятда муҳим масала. Бу ҳақда кўп гапирилади. Баъзан асарнинг замонавийлиги утилтират — тор амалиётчилик барзида, баъзан эса ўта мавҳум тарзда талқин этилади. Шахсан Сиз тарихий романининг, конкрет ҳолда «Навой» асарининг замонавийлигини нималарда кўрасиз? Ойбекнинг: «Мен, ёзувчи қайси бир тарихий даврга мурожаат қилмасин, мабодо у даврнинг ғайри ёки ҳаттоки ғалати кўринган барча хусусиятлари орасидан ўзига таниш бўлган ҳис-туйғулар ва фикрлар изласа, лировардида мутлақо хато қилмайди, деб ўйлайман», «Бегона даврни билиш, яъни унинг бизнинг давримиздан нимаси билан ажралиб туришини тасаввур қилишнинг ўзигана етмайди. Уни яна тушуном оқ, яъни бизнинг давримиз билан боғлаб турган нарсаларини кўрмоқ лозим», — деган сўзлари, менинчга, бу масала моҳиятини очиб учун калит бўла олади.

**ЁЗУВЧИ.** Дарҳақиқат, тарихий асарнинг бугунги кун билан боғлиқ томонлари, замонавий қимматини белгилашда бир-ёқламликлар, чунончи, тарихий асарда акс этган ҳодисалар билан бугунги воқеалар орасида жўнгина параллеллар қидириш ҳоллари учраб туради. Мен умуман тарихий асар бугунги кунга батамом ҳамоҳанг бўлиши керак, деган гапга қўшила олмайман. Бундан беш юз йил ёки минг йил бурунги давр акс этган асардан бугунги кунга моё келадиган ўринларни қидириш ақлдан эмас. Беш юз ёки минг йил олдинги феодализм

даври қаеқда-ю, бугунги давр қаеқда! Аммо масаланинг бошқа бир нозик жиҳати бор. Бу шундан иборатки, инсоният ҳаммиша ўзи босиб ўтган йўлга бот-бот назар ташлаб туриши, ундан тегишли сабоқлар чиқариши лозим. Минг афсуски, ўтмишнинг ачиқ сабоқлари гоҳо унутилади, тарихда йўл қўйилган хатолар такрорланиб туради. Ахир Гитлер давлат тепасига келиб инсон тафаккурининг энг буюк маҳсули бўлмиш гуманист алломалар яратган асарларни ўтда ёққанида Улуғбек замонида ҳам аини шу ҳодиса юз берганини, бу улкан хато, йўқотиш, жодиллар учун тавқи лаънат бўлганлигини ўйлаши лозим эмасмиди! Йўқ, у бунни ўйламади! Тарихнинг ачиқ сабоғидан ўзи учун хулоса чиқармади. Ёки у ўз замонасининг буюк истеъдод соҳибларини қувғин остига олганида минг йиллар аввал кечган ҳодисаларни — ўтмишда яшаб ўтган мустабид ҳукмдорлар ҳам шундай қабиҳ ишлар қилганини, оқибатда эса, улар номи ҳам тавқи лаънатга учраганини ўйлаши лозим эди-ку! Йўқ, ундай қилмади! Демак, адабиётнинг вазифаларидан бири бундай ачиқ тарих сабоқларини эслатиб туришдан ҳам иборат. Иккиламчи; инсон руҳиятидаги кўп ҳолат ва хусусиятлар — яхшилик ва ёмонлик, саҳийлик ва худбинлик, мурувват ва тошбағирлик, адолат ва адолатсизлик — даврлар ўтиши билан шаклан ўзгариши мумкин, аммо ботинан ўз кучини, характери-ни, моҳиятини сақлаб қолаверади. Модомики шундай экан, кишилар орасида бундай қарама-қарши хусусиятлар тўфайли келиб чиқадиган зиддиятлар, фожиалар ҳамма давр учун хос, аҳамиятли бўлиб қолаверади, актуаллигини асло йўқотмайди. Демак, ёзувчи беш юз ёки минг йил бурунги воқеалар, одамлар характери тасвирлаганда мана шу жиҳатларни назардан четда қолдирмаслиги керак. Ойбек ўтмишдан ўзига, бинобарин ҳозирги давр кишисига таниш бўлган ҳис-туйғулар, фикрлар излаш, ўтмишнинг бизнинг давримиз билан боғлаб турган жиҳатларини кўриш лозимлиги ҳақида гапирганда, эҳтимол, шуларни назарда тутгандир. Буларсиз тарихий роман чин маънодаги замонавий аҳамият қасб эта олмайди.

**ТАНҚИДЧИ.** Ниҳоят, «Навой» романининг тили, Ойбекнинг тарихий роман тили бобида тутган йўли, умуман, Ойбек тажрибасининг кейинги йиллар тарихий романчилигимиз учун аҳамияти ҳақида нима дер эдингиз?

**ЁЗУВЧИ.** Бу саволга жавоб қайтаришдан олдин суҳбатимизнинг бошида чала қолган бир гапни давом эттирсам — «Навой» романининг шахсан менга кўрсатган таъсири ҳақида озгина сўзлаб ўтсам дейман. Меънинг «Навой» романи билан танишувим ўзгачароқ, «совуқроқ» бошланган. Мен армияда, Узок Шарқда хизмат қилиб юрган кезларим «Навой» романи доврўғини эшитиб, уни таниш-билишлардан сўраб-сориштириб, почта орқали олиб ўқишга тушдим. Лекин бу асар негадир «Қутлуғ қон»чалик мени ўзига мафтун этмади. Кейинчалик армиядан қайтиб, Тошкент Давлат университетиде таълим олиб юрган кезларим бу асарга яна қайта мурожаат этдим, диплом ишим учун мавзу қилиб шу романи танладим. Асарни синчиклаб ўргана бошладим. Секин-аста бу етук асар бағрига жо бўлган улкан ҳаёт ҳақиқати, бой тарихий материал, теран маъно, чуқур туйғуларни, адибнинг реалистик маҳорат сирларини ўзим учун кашф эта бошладим. Шунда билдимки, бу асарни чуқур тушуниш, тўла қабул этиш учун ҳам китобхонда муайян тайёргарлик бўлиши зарур экан. Эҳтимол, бир чеккаси, менда тарихий ўтмишга, тарихий мавзуга майл шу романи ўзим учун кашф этган кезлар туғилгандир... Ф. Достоевский «Бизларнинг ҳаммамиз Гоголнинг «Шинел»идан чиққанмиз» деб ҳақ гапни айтган. Шу сўзларни сал ўзгартириб, биз, тарихий мавзуда қалам тебратаётган барча ўзбек ёзувчилари Ойбекнинг «Навой»сидан таълим олганмиз, десам хато қилмайман. Ойбекдан кейин тарихий ўтмишга, буюк зотлар ҳаётига қўл урган бирорта адиб «Навой» тажрибасини четлаб ўтган эмас. Мирмуҳсин ҳам, Пиримқул Қодиров ҳам, мен ҳам тарихий мавзуда бирон муваффақият эришган бўлсак, бунинг учун биринчи галда устоз Ойбекка қуллуқ қиламиз. Кўп соҳаларда, жумладан, тил бобида, ҳеч шубҳасиз Ойбек тажрибаси, даҳоси биз учун катта мактаб бўлган.





Ойбек

## ҚУТЛУҒ ҚОН

Романдан парча



улнор «доқи юнус»дан қолган кавушни кийиб, чирик паранжига ўралиб, Йўлчи билан жўнади. Катта кўчага чиққач, мусулмонларнинг ёмон фикрларига замин бермаслик учун Йўлчи ўзини беш-ўн қадам олдинроқ олиб юрди. Тутқунликдан,

фалокат чуқури ёқасидан севиқли йигит томонидан қутқазилган Гулнорнинг қушдек учгуси келар, лекин бошидан кечган даҳшатли воқиялар орқасида оёқларида заррача мадор сезмас эди. Бунинг устига кавуши монилик қилар эди. Деярли ҳар қадамда бир пой чирик кавуш оёқдан тушиб, лойга ботар, қиз энгашиб яна илар, қадамини ҳар қанча авайлаб қўйса ҳам кавушлар юришдан бўйин товлар эди.

Йўлнинг ярмига етганда, одамлар сийрак жойда Йўлчи тўхтади. Гулнор унинг ёнига келгач, ийманиб секингина деди: — Қаерга олиб борай сизни! Ўз уйингизгами! Тўғрисиини айтаверинг, Гулнор, сира тортинманг.

Бу саволни Гулнор ҳали ўйламаган эди, у деворга суялиб туриб қолди. У паранжида бўлса-да, ҳозирги кечинмалари ва ҳаяжонлангани Йўлчига билиниб турди.

— Тортинманг, ихтиёр сизда, — такрорлади Йўлчи.

— Уйимга қайтмайман. Бошқа жойга борамиз, гаплашамиз, — қатъий жавоб берди Гулнор. Агар кўчада бўлмаса эди, Йўлчи шу онда бу гўзал, тоза юракли, жасур, вафодор қизнинг оёқларига бош қўйишга тайёр эди. Лекин шунда ҳам унинг бундай ҳаракати, қизнинг улуг қалби ва севгиси олдида ҳеч эканини чуқур сезди. Йўлчи чексиз севинч билан юриб кетди. Йўл-йўлакай фикри жой қидириш билан машғул бўлди. Қоратой, Шокир ота уйи жуда мос. Лекин бойнинг маҳалласида, билиниб қолади, ҳозир тўппа-тўғри қишлоққа жўнаш учун ҳеч қандай имкон йўқ. Гулнор ҳориган, кийим йўқ. Яна у билан оқиқча сўзлашув керак, йигит ўйлай-ўйлай Шоқосимнинг хизмат қиладиган жойини, жувозкашиникини маъқул кўрди. Чунки бу жой Мирзакаримбой уйдан икки-уч маҳалла нарида, ҳам бундан бошқа холи жойни топиш қийин. Эҳтиёт юзасидан тўғри йўлни қўйиб айланма йўллар билан намозгар вақтида Шоқосимниқига бошлаб келди. Жувозкашнинг ташқарисида жувозхона, бедахона, отхонадан бошқа, бир бурчакда кичкина ҳужра бор эди. Бу ерда Шоқосим яшар эди. Йўлчи атрофга кўз югуртириб, отхонага кирди. Эндигина ишдан чиқиб, отларнинг

ем-хашаги билан овора бўлган Шоқосимни кўрди. Саломни, сўрашмоқни унутиб, қўлоғига шивирлади. Ишдан ҳориб-толиб чиққан Шоқосим чала-чулла эшитса-да, маънони тез илиб олди. Уртоғига ҳайрон бўлиб тикилди.

— Ростми! Ҳужрага олиб кир, эшикни орқасидан занжирла. Қорангни кўрсатма, — деди.

Ҳужра кичкина, лекин илиққина эди. Эски бўйра устига солинган эски кўрпачага Гулнор ўтирди. Ҳужранинг бурчагида Шоқосимнинг увада чопони, тўзиқ кўрпа-ёстиғи уюлган. Ташқари ҳали ёруғ бўлса-да, эшик ёпилгани учун, деразасиз ҳужра қоп-қоронғи бўлди. Йўлчи тоқчада ётган шамни ёқиб, бир пиёлани тўнтариб, унинг устига шамни ўтқазди ва ўзи билан Гулнор ўртасига қўйди. Иккисининг юрагида севинч ва бахт лим-лим тошган эди. Бу бахт, бу чексиз севинч уларнинг кўзларида, қарашларида, юзларини қоплаган табассумларида жилваланди... Ҳозир иккиси бундай учрашувдан, бир-бирларига қониқмай боқишларидан ўзга, дунёда ҳеч нимани назар-писанд қилишмас, қалбларида йилларча сақлаган мўқаддас орзуларга етишганликларидан, иккиси ҳам маст каби эди. Бу фақир ҳужрада милтираган шам, улар учун азамат ва ҳаётбахш қўёш каби кўринар эди.

Улар кўпдан бери кўракларида тўпланган, ифодаси учун вақт, шароит имкон бермаган ўйларини, дардларини гаплаша бошладилар. Гулнор айниқса, кейинги кунлардаги воқиаларни ҳаяжон билан сўзлади. Мирзакаримбойнинг уятсизлиги, дадасининг нодонлиги, кўзёшлари билан Йўлчини қутишлари, Қора Аҳмадининг совуқ уйида тун бўйи ва кундузи ҳам, Йўлчи келгунча, ёлғиз ўз ўлимини, ўз-ўзини қай равишда осон ўлдириб қилиш билан овора бўлганини, Қора Аҳмадининг опаси кўрсатган баъзи бир меҳрибончилигини ва ҳоказоларни ҳикоя қилади. Йўлчи ҳамма эски, янги воқиаларни, хусусан кечадан буён тортган ташвиш ва ҳаяжонларини гапирди, қизнинг пешонасини силаб, ўтганларни унутиш кераклигини тушунтирди. Эшик тақиллади. Йўлчи ирғиб туриб қия очди. Шоқосим бир чойнак чой, иккита нон, бир тарелка қора майиз узатди: «Палов қиладиган гези экан-у... ука, камбағалмиз-да, ози кўп кўриб оласизлар...», деди. Яна бирпасдан кейин битта кўрпа келтириб берди, азиз меҳмоним бор деб, хўжайинлардан ялиниб олганини айтиб кулди. Йўлчи унга миннатдорчилик

билдириб, коймаслигини ўттиди. Бундан бир неча соат илгари қайғудан бошқа овқатни танмаган бу икки ёр энди севиниб, иштаха билан ея бошлади. Йўлчи, пул берай, Шоқосим ошпаздан овқат келтирсинми, деб сўраган эди, Гулнор позим топмади. У чойни ўзи қўйиб, Йўлчига гамхўрлик кўрсатди, қувиқ кўзларини бу кичик, фақир ҳужранинг ҳар томониغا югуртиб, кула-кула сўзлади:

— Ўртоғингизга айтинг, шу ҳужрасини биздан аямасин. Шу ерда тинчгина яшайлик!

Йўлчи қулиб бошини қимирлатди. Лекин, бирдан қизинг юзини қайғу кўлкаси босди:

— Йўқ, ўртоғингиз ҳужрасини биздан аямас, лекин бошқалар бизга ҳеч нимани раво кўрмайдилар. Ўз кўнглимизда ва ўзимизники бўлган ишқини ҳам юлиб ташламоқчилар...

Йўлчи унинг фикрига қўшилди. Сўнгра Тошкент каби катта шаҳарнинг биронта бурчагида улар хавфсиз тура олмасликларини, агар Гулнор чиндан истаса, у вақт тезроқ ҳаракат қилиб, бу ерлардан узоқлашиш позимлигини сўзлади. Гулнор Йўлчининг кўзларига боқиб кулди ва дадил жавоб берди:

— Сиз қаерни хоҳласангиз, ўша ер менга яхши кўринади. Мана бу ҳужрага бошлаб келдингиз, менга жуда ёқди... Энди уйга қайтиш йўқ. Мирзакаримбой бурнини тишлаб қолсин! Икковлари ҳам узоқ қулишди.

— Мен ўз қишлоғимни мўлжаллаган эдим, — деди Йўлчи жиддий, — тўғри, у ерда ҳозир уй-хойимиз йўқ. Қўшимиз онамни кўмишга, маъракасига пул сарф қилган экан; тўлаш керак, албатта. Мен уйни бир юз йигирма сўмга сотдим. Жуда арзон... Аммо, қарздан қутилдим. Синглимга кийим қилиб бердим. Ёнимда яна ўттиз сўмча қолди. Аммо, қишлоқ — ўсиб-унган юртим. Албатта, жойсиз қолмасмиз, соғ бўлсак, тирикчиликни ҳам йўлга солармиз. Аммо, Гулнор, сиз яхши ўйланг, ихтиёр сизда.

Гулнор Йўлчининг сўзларини диққат билан тинглади, ҳассос қизнинг хаёли меҳнат-машаққат билан тўла, лекин содда, тинч қишлоқ ҳаётини жонли раиғлар билан чизиб, кўз олдида бир-бир ўтказди, у бирдан ўзини тоғлар, сувлар орасида сездди, Йўлчининг фикрини маъқуллади, яна унга далда бериш учун деди:

— Ҳамма вақт қишлоқда яшаймиз. Сиз ишлайсиз, мен ишлайман. Дўппи тиқишни яхши биламан. Эркак, хотин, болачақа — ҳаммасининг кийимларини тикаман. Маҳаллада мени чевар қиз дейишади. — У бу сўзларини ярим ҳазил, ярим ифтихор билан қулиб айтди. — Синглингиз бағримда бўлади. Уҳ, мен уни кўришни шундай орзу қиламанки...

Йўлчи унинг сўзларини тингларкан, келажак умри, орзулари, умид ва хаёллари бир парча доғсиз, туташ нур ичида кўриниб кетди. У қизга яқин ўтирди, унинг қоп-қора қуюқ сочларини силади, қиз бошини унинг кўксига қўйиб, ҳазин товуш билан ўз-ўзига сўзлади:

— Ойим бечора қолади, ёлғиз боласидан айрилади, ўликми-тирикми эканини билмай қолади... Йўқ, у ўлади, бундай гами кўтара олмас! Бир кўрсам, бир қучоқласам... — Гулнор холамини кўринишга керак эди-да, лекин... қайдам... — Йўлчи жим бўлди.

— Йўқ, — бошини йигит кўкрагидан узмасдан гапирди, — дадам билиб қолади. Яхшиси, бундай қилинг. Эл ётар пайтида Қоратой аканикига бориб, мана бу паранжи билан чориқини эгасига қайтариш учун унга топшириб, бошқа паранжи, кавуш олиб келтираман дегандингиз ҳали. Биз буюн саҳарда жўнаймиз, шундайми! Қоратой ака эртага кечқурун хотинини бир баҳона билан бизникига юборсин; у тирикчилигини, сиз билан бир ёққа қочганини секингина оймга сўзласин. У вақт балки гами, ҳасрати озаар, нима дейсиз!

Йўлчи қизинг бундай туйғунлиги ва фидокорлигига қандай баҳо беришни, қандай қилиб ўзининг чуқур ташаккурини билдиришни билмай қолди. Гулнорнинг гўзал бошини ўз кўксига қучди, муҳаббати, бутун йигитлик ғурури ва оташи билан унга тикилди-да, фикрини жуда маъқул кўрганни, ҳам қишлоқда тинчланиб олгач, тезда шаҳарга қайтиб хўжайиндан ҳақини талаб қилишни, синглиси билан бирга, мумкин бўлса, унинг онаси Гулсумбинини ҳам аравага солиб, қишлоққа олиб боришни истаганини айтди.

Даҳшатли кечинмалар билан, қайғу билан чарчаган қизнинг кўзлари юмила бошлади. Йўлчи унинг бошини кир ёстиққа оҳиста қўйди. Устига кўрпа ташлади, нашъали ҳислар, ёркин умидлар билан юраги лим тўлган ҳолда анча вақтгача ёрига

термулиб ўтирди. Кейин шамни тоқчага олиб қўйди, ташқарига чиқиб, ҳужра эшигини секингина ёпди.

Вақт хуфтондан ўтган; жувозхонада чироғ кўринди. Шоқосим кечалик ишни бажаради. Йўлчи у ерга бориб остонада эшикка суялди, жувозхонанинг бир чеккасида девор катакчасига қўйилган, шишаси кирланган кичкина лампаннинг нурида нарсалар гира-шира кўзга чалинар эди. Жувозхона ичидан тезак, шиптир, мой ва кунжара ҳидларидан бириккан аллақандай қўланса ҳид Йўлчининг димоғига дарров урди; паства иқиқта от оҳиста, лекин бир текис юриш билан гир-гир айланади. Оёқлари остида гўдаклар «бекинмачоқ» ўйнаса, думини қимирлатмайдиган бу ёввош ва меҳнатда чақилган отларнинг кўзлари ним қоронғилиқда аллақандай ғазаб билан ёнгандай кўринди Йўлчига. Отлар билан бирга Шоқосим ҳам оҳиста айланиб, узун қамчинни отлар устида ёввош силкиб қўяди. Бу ишда одам билан от орасида фарқ йўқ. Иккиси ҳам гир-гир айланади, баравар ишлайди. Кеча-кундуз қўланса ҳам, қоронғида гир-гир айланиш!.. Лекин одамда жавобгарлик бор, хўжайин моини яхши чиқаришни буюради. Яна шу одам отларни ҳам боқади. Бир оздан сўнг Шоқосим отларни тўхтатиб, Йўлчига қичқирди:

— Тушунтир мундоқ, ўзи нима гап! Янги кийим кийган етимчадай, кўзларинг така-пука, юришларинг инчунин бежо!

Йўлчи у ёқ-бу ёққа шубҳали назар ташлаб, кейин Шоқосимни ишдан қўймаслик учун, икки-уч минутда воқинани сўзлаб берди. Қизик чўпчак тинглаган боладай, Шоқосимнинг оғзи очилиб қолди. Яна жувозни юритиб, отларнинг дуқури, жувознинг ғижирлаши ичида қичқирди:

— Қандинги ур, юлдузларинг жуфт тушган бўлса-чи, одам боласи сенларни ажрата олмайди!

Сўнгра гир-гир айланиб, у ўз турмушидан шикоят қила бошлади:

Хўжайинлар тоифасида инсоф йўқлигидан, кунжара еб, тезак ҳидлаб яшашдан, бировга фарзандликка берган ўғлини кўриб келишга ҳам вақт топа олмаганидан, умуман, ярали кўнглининг додидан бир-бир баҳс очди. Йўлчининг кўнгли қувонч билан тўла эди, чунки ёри ўз ёнида ва хўжайинларнинг бўйинтуруғини ўз бўйинда сезмас эди. Лекин Шоқосимнинг сўзлари унинг эркин юрагини тимдалади. У юпатувчи сўзлар билан дўстини умидлантиришни истамади, тўғри йўл кўрса-тишга тиришди.

— Жувозхонада вайсаб йиғлашдан нима фойда! Бошқалар сизни хўрласа, сиз хўрланманг, яна кўпроқ енгилманг, қадри-қийматингизни билинг. Мен сизни биламан, сиз бундай қилмайсиз, хўжайин камситса, сўкса, ғазабингиз ўт олмайди, яна пасаясиз. Бу ёмон!

Шоқосим унинг сўзларини яхши эшитмадимми, ё аҳамият бермадимми, индамай отини айлантираверди.

Йўлчи ҳовли ўртасида тўхтаб, осмонга қаради. Тим қоронғилик ичида узокдан юлдузлар жимир-жимир кўз қисар эди. Хўлқарга боқиб, Қоратойникига боришга ҳали вақт эрта эканини билди. Ҳужра эшигини эҳтиёт билан очиб кирди. Кўрпанинг учини кўтариб, қизинг юзига қаради. У уйқуда. Фақат, нафас олиши бир қадар қисқа ва кескинроқ кўринди. Йўлчи ҳеч нима гумон қилмади. Гулнорнинг устини яхшилаб ўради-да, унинг оёғида, деворга суялиб ўтирди. Эсон-омон бу ердан қочишни, шаҳардан чиққач, қишлоққа қатновчи аравалардан бирига ўтиришни, Гулнорга қалинроқ кийимларни Қоратой топа оладими-йўқми — шунинг сингари ўйларга берилди. Ёрматни, айниқса Гулсумбинини ўйлаб, уларга ачинди. Гулнорга боқаркан, кўкрагини йигитлик ғурури ва жанг, можаро орқасида ёрига етишган ошиқнинг бахти қавақтирди. Бир мuddатдан сўнг унинг кўзини ҳам уйқу қиса бошлади, кўзларини дам очиб, дам юлиб, уйқуга қаршилик кўрсатди, бармоқлари билан ишқалади, ниҳоят, ўтирган ҳолда, ярим уйқу, ярим хаёл билан бошини эгди, секин-секин киприкларини ёпиштирди.

Қандайдир, инграшми, алақлашми Йўлчининг қўлоғига кирди, сесканиб кўзини очди. Тоқчада шам тагигача ёниб тўчаётган. «Хийла вақт ўтибди!», деб ўйлади у. Тоқчаларни тимскилаб, янги шам толиб ёқди, шамни қўлида ушлаб Гулнорнинг бошида чўққайди. Кўрпа Гулнорнинг кўкрагида, юзи бўртиб, тарам-тарам қизарган; бурнининг катаклари қисилган, ҳарсиллаши аввалгидан зўрроқ. Йўлчининг бутун баданини, томиларини изғирин ялагандай бўлди. У бир қўлини қизинг пешонасига қўйди: нақ оловдай... Йўлчи «ух»

тортиб, чуқур меҳр билан, бутун вужудини эзган алам билан силаркан, Гулнорнинг кўзлари аллақандай хаста ёрқинлик билан очилиб кетди, уялган каби, кўрпани тортиб, кўкрагини ёпди ва Йўлчига тикилди.

— Нима қилди, жоним! — сўради Йўлчи, лекин «бетобмисиз!» дейишга тили юрмади. Қуруқ лабларини базўр қимирла-тиб, ҳарсиллаб деди Гулнор:

— Ух... баданим ёниб боради...

— Шамоллагансиз, хафа бўлманг, ўтиб кетади.

— Қаттиқ шамолладим, — ласт овоз билан деди қиз, — ман эрталаб сезган эдим, ҳалиги ерда, оти нима, уйи жуда совуқ эди, эгнимда юпқа нимча. Қандай жўнаймиз! Сиз нарсаларни тайёрладингизми! Билмадим, шу аҳволда қишлоққа ета олармикинман!

— Танангизда оғриқ борми!

— Бутун баданим зирқираб оғрийди, энди жуда кучайди оғриқ. Ух, тақдир қурғур ҳар дамда бизни қоқилтиради. Нима қиламиз! — деди-да, Гулнор кўрпадан қўлини чиқариб, Йўлчининг қўлини ушлади. Йўлчи унинг ёнган қўлини юмшоққина сиқиб ўпди ва бутун борлиги билан хўрсиниб деди:

— Гулнор, сизга соғлиқ керак. Ҳеч нимани ўйламамг, тинчиб ҳордиқ чиқаринг. Агар дунёнинг нариги бурчига сизни опичиб боришга тўғри келсайди, мен севина-севина бажарардим. Аммо, шу ҳолатда... яна ўзингиз биласиз. Ё тонггача арава топиб келайми! Аммо, далада шамол кучли бўлади, айниқса шу кезларда.

— Сизни қийнаб қўяман. Тўғри, қийналасиз. Руҳим пича енгил тортсин. Қилча дармоним йўқ. Улар сезмасмикан! — Гулнор гўё ўзини жасоратсизликда айблаган ва ўз аҳволдан умидсизланган, ўксинган каби, кўзлари ёш билан тўлди, томчилар унинг ёниб бўртган юзига юмаланаверди.

Йўлчи шами қизнинг тепасидаги тоқчага ўрнатди, кейин рўмолча билан унинг кўзёшларини авайлаб артиб деди:

— Йиғламамг, йиғламамг, руҳингиз енгиллашсин.

— Тўхтата олмайман, ўзи қуюлаверади. Йўлчи ака, нима учун улар бизни қийнайдилар, нега у бойни, у бойваччаларни ер ютмайди! Нега мунча зўрлик, жабр!

— Ер ютади, ютмаса агар, зўрлаб, ниғизлаб ютидирамиз! — Йўлчи муштумини ерга тираб жавоб берди.

Гулнор чуқур садоқат ифода этган кўзлари билан йигитга қаради, ҳароратли қўллари билан унинг юзини силади. Гоҳ тинчиб, гоҳ қийналиб ётди. Аммо, бир зум бўлсин, кўзларини Йўлчидан узмади.

Эшик тақирлади. Йўлчи аввал шубҳаланиб, тирқичдан қараб, Шоқосимнинг товушини эшитгач, очди.

— Авжи кетиш пайти, бир оздан кейин тонг отади. Мен бедахонада уйқуни урдим, ошиқ-маъшукни қузатиб қўяй, деб чиқдим. — Совуқдан қалтираб, тишларини шақиллатиб, деди Шоқосим.

Йўлчи ғамгин товуш билан қизнинг нотоблигини тушунтирди. Шоқосим елкасини қисиб, бир лаҳза жим туриб қолди. Кейин Йўлчининг қўлидан ушлаб, бошини тебрата-тебрата гапирди:

— Шунча азоб, шунча ташвиш кўрган қиз, албатта, касалга чалинади-да. Қиз монанд нозик бўлади. Иссиғи баланд дедингми! Чатоқ-ку...

— Куйиб-ёниб ётибди. Ух, бирпасда касалга чалинди-я. Туришга мажболи йўқ, — Йўлчи кўкка қараб, сўнг давом этдирди сўзини, — ҳайронман, Шоқосим ака, Ерматлар, хўжайинлар изимизга тушмасмикан!

— Қандай кетасан, қаерга борасан! Занбилга соласанми! Шу ҳужрага қамалинглар. Кундузи нафас чиқармайсанлар. Хўжайиннинг, бола-чақаларининг кўзини шамғалат қилиб, мен ўзим хабар олиб тураман. Кир ичкари. Ҳа, эшикни учта чертаман, шунда очасан. Эрталаб дору дармон ҳам топиб бераман. Шамоллаган, тумов. Шундайми! Бўпти.

Йўлчи унга, Қоратойнинг уйини ва дўконхонасини тушунтирди, эртага унга учрашиб, аҳволни билдиришни ўтинди. Шоқосим «хўп» деб отхона томонга кетди...

*Ойбек уй-музеи архивининг нодир китоблар фондида мамлакатимиздаги маданий инқилоб йилларининг маҳсули бўлган ўнлаб дарсликлар сақланади.*

*Шулардан бири бошланғич мактабларнинг I, II, III бўлимлари учун чиқарилган «Ўрнак» номли ўқиш китобидир. Мазкур китоб 1925 йилда чоп этилиб, ўша йиллар маориф ишларининг жонқуярларидан бири Элбек томонидан тузилган.*

*Китоб етти бобдан иборат бўлиб, «Мактаб ва кишилик турмуши» деб номланган биринчи бобнинг еттинчи саҳифа, тўртинчи рақами остида Ойбекнинг*

*«Кул, яйра» деб аталган сочма шаклидаги*

*(ёки мансур шеър) поэтик*

*хитоби босилган. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу сочма мазкур китобдан олинди.*

Ойбек

## Кул, яйра

СОЧМА

Букун зўр байрам, қуёш юксакларда куладур. Кўчалар кишилар билан лиқ тўла, ҳар кимнинг кўнглида буюк шодлиқ, юзинда кулги. Фақат сен, ўзбек қизи, нечун бу шодлиққа қўшилмайсан, кўнглингда орзу, юрагингда ўт йўқми! Сўлгун гул юзларингда маъюслик, кўзларингда умидсизлик сезаман. Ҳали сенга баҳор қуёши ёғду сепмадими! Еқимли еллар бошингдан эсмадими! Эсди... фақат сен сезмайсан. Сенинг сўзларингда яна тўфонлар ўйнайдир. Қора гуруҳлар сени эздими! Пардалар яна сенинг қутилиш йўлигни тўсади. Етар ортиқ, уйғон! Эскилик қўрғонларин буз, йиқ! Қизил Октябрнинг қизил байроқлари орасида қизил лола каби ўйна, кул, яйра!..

Нашрга Ш. РИЗАЕВ тайёрлаган.





## ЭНГ БУЮК ҚУВОНЧ

«Қирқ йилдан сўнгги нидо» туркумидан

### Ватан бахти

Урушдан қайтганлар, ё қайтолмаган  
Бевақт қўпорилган дарахт, оталар.  
Қайтиб дардин айтган, ё айтолмаган,  
Гунг оталар, соқов, карахт оталар.

Тутун бўлиб қочиб чиққанлар — Ватан  
Бухенвальднинг қора мўриларидан.  
Гўдакларин ерга экканлар — Ватан  
Ленинград. Қамал. Очлик зўридан.

Юпун, оч, қамалнинг изғиринида,  
Упқасини совуқ олганлар ҳаққи.  
Ҳар ханжарлар, ҳали чиқмай қинидан  
Ёв тупроғи аро қолганлар ҳаққи.

Йигитга кўрпадай ёпилган қорлар  
Очиқ кўзигача тўлгани ҳаққи.  
Тунда ўт-ўлан еб шишган беморлар  
Тонгда қаторлашиб ўлгани ҳаққи.

Ватан, бул яралар кетмайди битиб  
Ватан, Сенинг номинг ҚОН аралаш ШОН.  
Сенга келган ўққа кўксини тутиб  
Фарзандларинг шундай бергандилар жон.

Шундан Ватан десам, десам мен байроқ,  
Кўксим оғрир, оғир, кўп оғир бу бахт.  
Кўксимда ўт тушиб ёнабошлар боғ,  
Кўпорилабошлар дарахтлар бевақт...

Менам бир фидойи руҳ ила бир тан  
Ёз кунларинг ёзлаб, қишингни қишлаб.  
Кетяпман Сен билан қовушиб ВАТАН,  
Аччиқ, азиз бахтинг тишимда тишлаб.

Б. Х. 84.

\* \* \*

Бу эркак аёлнинг осмони эди  
Ери эди унинг, чопқиллаб юрган.  
Кўз очиб кўрган илк жаҳони эди  
Таоми эди у, илк бор қўл урган.  
Уруш ялмоғиздай солиб келиб чанг  
Осмонини ютди, ерини ютди  
Нима олса шу аёлдан олди жанг

### Ҳалима Худойбердиева

Унинг илк таоми — эрини ютди.  
Сўнг аёл таомдан бош тортди, толиб  
Силкиниб, ярқираб тармади соч.  
Уша-ўша аёл муаллақ қолиб  
Осмон-ердан айру, яшаётир оч.  
Бу эркак аёлнинг осмони эди.

Л.Х.84.



### Эски сандиқ

Эски сандиқ, эски сандиқ, ёғочмисан, темирми...  
Эски уйда макон тутдинг холигина бурчакни.  
Нимадир ул сенда туриб келинчакни емирди  
Нимадир ул кўнглин олиб гуллатди келинчакни.

От айланиб қайта-қайта қозигини топгандай  
Сенга қайтиб келаверди келинчакнинг йўллари.  
Не узилди кўкрагидан Сени ҳар гал ёпганда  
Кейин нечун қай пайтегача титраб юрди қўллари.

Воҳ биламан, унинг учун очилсанг — Сен ёрилтош,  
Сарғайиб, титилиб кетган эртак чиқиб келади.  
Йўқ кўз очиб кўрганам деб, бир ёстиққа қўйган бош  
Уни қўлда кўтаргувчи эркак чиқиб келади.

Кўтармади, жангга кетди, қайтган сариқ эртагин  
Почта қутисидан олди, уруш уни яхлатди.  
Дунёларга сигишмаган Гўрўғлидай эркагин  
Парчагина қоғоз қилиб сандиғига тахлатди.

Шу-шу, йиллар, сувлар оқди, келинчак ҳам қариди,  
Қирқ йил босди шу эртакни кўкракнинг чап ерига.  
Балки бугун қушдай енгил, бор ғамлари ариди,  
Ахир қирқ йил сир айтди у сандиқдаги эрига.

Шу сандиқни дарёга бир оқизсам деб ўйлар гоҳ,  
Ботаётган кунга қараб, артмасданам ёшини.  
Ажаб эмас Тоҳирдайин ул тирилиб чиқса оҳ,  
Тоҳирдайин... йўқ Тоҳирдай кўтармас ул бошини...

Эски сандиқ, эски сандиқ, ёғочмисан, темирми?

\* \* \*

Ёнаётган бу ўт бўлмас сира кул,  
На қор, на бўронда сўлмайди бу гул.  
Йўқдир бу ҳаётда бирор бир мушкул,  
Сен менинг қўлимдан тутганда жоним.

Юрак дарз кетмайди, девор қуламас  
Бахт жоми лиммо-лим тўлуғ, силамас.  
Кимки кетган бўлса ортга қайтар, бас,  
Мен сени нигорон кутганда жоним.

Ҳаёт абадий деб гуллар тераман  
Кучасан, ўзим ҳам гуллайвераман.  
Бу не чанқоқликдир, чўллайвераман,  
Сен менга ишқ жомин тутганда жоним.

Барига, барига тикилиб синчил  
Мен дейман бир куни қолсак биз тинчиб  
Эҳтимол бу ҳаёт бўлар ўткинчи  
Иккимиз дунёдан ўтганда жоним.

7.I.1984.

\* \* \*

Ёзда кўп ишларга мумкин улгурмоқ  
Умрингга вақтида кириб келса ёз.  
Ёз — бу тўлин ойдай ётоққа кирмоқ  
Кўкрак кериб юрмоқ худди оппоқ ғоз.  
Ишқ ақлдан озар ёз тунларида  
Теппангда юлдуз ҳам тик сузиб кетар.  
Аёл сочларининг тўлқинларида  
Қўмилган эркакни оқизиб кетар.  
Ёзда тез тил топар юрак юракка  
Ёз жон билан севса унга фидо бўл.  
Оҳинг етган бўлса юксал юксакка  
Кунинг битган бўлса ёз қўлида ўл.  
Ёз бу туйғуларда кечмоқ фаслидир.  
Шерик қилиб етук, самовий унни.  
Ҳам тугунни албат ечмоқ фаслидир  
Кўкламда ечилмай қолган тугунни.  
Умримизда ёздир. Қайдасан мардим,  
Сенга чопгум, ишқнинг йўллари билан.  
Қўрқаман не ечиб, нени ёзарди  
Куз ўзин қалтироқ қўллари билан.  
Ёзда кўп ишларга улгурмоқ мумкин...

2.XI.84.

## Марҳумнинг айтганлари

Умидим шулмиди, Сизни кўрган чоқ  
Пойингизда гулдай кўкарсам девдим.  
Кунлар ботиб, тонглар оқаргунча оқ  
Сизни қўлларимда кўтарсам девдим.  
Бўлмади, қўлларда кетдим қабрга  
Сизга кўтартиб ҳижрон юкини.  
Энди сабр берсин Сизга, Сабрга  
То ечунингизча эрнинг кўкини.  
Чунки ўшангача кетмасман бундан  
Унгача қўнмаса кўкрагимга доғ  
Айниқса гапимиз қовушар тунда  
Бағримга кирасиз ловуллаб, қувноқ...  
Йўқ-йўқ ёри жоним, қолмассиз якка  
Мен олдингидан-да ғамхўр бўламан.  
Яшириниб олиб уйга, бурчакка  
Кирсангиз отилиб, қучиб оламан.  
...Шундай, кетолмасман бесас, бенаво  
Сиз нечун кўндингиз бу кўк тулликка?!  
Қисмат Сизга уни кўрди-ю, раво  
Мени танладими қоровулликка?  
Кетолмасман. Улим бизга бўлмас ғов!  
...Қай бир тирик мени суриб келмаса  
Сизни қўлларида кўтариб биров  
Қай бир тун ётоққа кириб келмаса...  
Унда дунёнинг бор йўллари билан  
Қочаман, ўликлар — ожиз, бу бор гап.  
Сизни кўтарган шу қўлларим билан  
Чувалган кафаним тортқилаб, судраб...  
Умидим шулмиди, Сизни кўрган чоқ...

3.XI.84.

## Ҳайкалнинг айтганлари

Кўз ёшини тўкиб дув  
Тўкма тоқат жомимни.  
Тагин келдингми, ёҳу,  
Титратмоққа жонимни.  
Томган қўргошин ёшдан,  
Ўт чиқиб кетса тошдан  
Мен ёниб йўлга тушсам  
Қувониб йўлга тушсам.  
Тасаввур қил, бор ҳайкал  
Бир-бир ўрнидан турса  
Дала қолса, қолса зал,  
Бари ёниб югурса.  
Тасаввур қил, ётоққа  
Ёнар ўт, кириб борсам  
Ўт сиғмайди қучоққа  
Бегонадай боқарсам.  
Кўнелим оғриб ўшал тун  
Уйдан бўларман ғойиб.  
Ва ҳайкал дўстларимга  
Кўшиларман мунғайиб.  
Биламан Сен ортимдан  
Югурасан қоқилиб,  
Барча туллар уйида  
Бирдан чироқ ёқилиб  
Ялангоёш, ялангоёқ  
Отилишар кўчага  
Уйлар ёнар, ёнар боғ  
Ўт кетади кечага!

Йўқ, йўқ мен бу қизиққон  
Шеърни қўйдим-да ёзиб  
Эй, мен учун куйган жон  
Муносибим, муносиб,  
Тун. Уйга қайт-да шерик  
Сўзимни сўйлаб ухла,  
Бўйимни бўйлаб ухла.  
Сени қучолмаган тик  
Эрингни ўйлаб ухла.

31.8.84.

## Уят

Бошингни силаган осмон уятли,  
Суймай, куймай яшаш осон, уятли.  
Ишқ — шу бир дард билан чиқишолмасанг  
Дунёда дардларинг бесон, уятли.

Қирғоқ бузиб, тошиб, тўлмасанг уят,  
Ким учундир адо бўлмасанг уят.  
Яшашда яшарсан нени десанг деб,  
Улганингда ишқ деб ўлмасанг уят.

Эй одам, ИККИдан сен бўлгансан бир  
Маили ердан бахт, ё дакки бўлиб ўт.  
Важ топмасин Сени хўрлашга тақдир,  
Икки бўлгин, Ердан икки бўлиб ўт.

31.X.84.

## Хато такрорланмас...

Хиросимадаги атом бомбасининг кур-  
бонлари шарафига қўйилган ҳайкал  
пойида «Тинч ухланг, бу хато мангу  
такрорланмайди», — деган ёзув бор.

Хато такрорланмас, такрорланмайди  
Одам ўйлаб, кўриб турса ҳар лаҳза.  
Ким алаҳлаб келган жойига қайтди,  
Баданин куйдириб ўқ лаҳча, лаҳча.

Аёл, болаларни подадай ҳайдаб  
Бир саройга қамаб фашист ўт қўйди,  
Сен вақт топиб тез-тез бор ўша жойга  
Сен шу култепани юракка ўйгин.

Командирнинг аввал бир кўзин ўйиб  
Кўллари устунга михлаб қоқдилар.  
Кейин бошдан-оёқ керосин қўйиб  
Товонидан бошлаб гугурт чақдилар.

Аёл кўриб турди, эри отилди,  
Суйган гўдагига санчилди пичоқ.  
Ўзининг гуноҳи афу этилди,  
Аёлга очилди ишқ билан қучоқ.

Шу тун қаро кечди аёлнинг туни,  
Болта билан фашист бошини узди.  
Ва ақли ҳам учди бошдан унинг  
Шодмон қаҳқаҳаси дунёни бузди.

Сўнг, бор кийимларин ечиниб отди,  
Ёвни излаб кетди, соч ёйиб, дайдиб!  
Агар шу лаҳзалар чиқмаса ёддан  
Уруш — машғум хато такрорланмайди...

4.XI.84.

\* \* \*

Онажон, ўтир бир ҳасратлашайлик,  
Мен нени айтмадим, нимадир айтдим.  
Барчасин унутдим, сен-ла яшайлик,  
Югурик йўлларда тўхтадим, қайтдим.

Онам, танҳогинам, ёлғиз ойимсан —  
Умринг саволлардир, яккаш саволлар  
Сен менинг кўкракда оғриқ жойимсан —  
Кечир, ололдим уни даволаб.

Нега, нега сўрар кўзларинг чўкиб,  
«Нега»лар сарғайтар рангингни кун-тун.  
Сўроқлар остида куз япроқ тўкиб,  
Кўклам келаверар қувонч бермас ун.

Таърифи энг буюк қувончдир эринг  
Аёл талпинаркан минг дарё кечиб  
Сен ўша қувончни урушга бердинг  
Ўзинг ғамгин буюк ҳасратни қучиб.

Эшикдан эгилиб қувонч чиқар пайт  
Сим қандоқ чидади, кўкрак — тордаги.  
Ёстиқларга тўккан минг дардингдан айт —  
Минг соғинчингдан айт, ёстиқлардаги.

Бошқасин қўявер, ортиғи-ками,  
Ювсанг кетадиган қўлнинг гардидир  
Энг буюк ғам, асли Қувончининг ғами  
Энг табаррук дард ҳам соғинч дардидир.

Онажон, ўтир бир ҳасратлашайлик...

6.XI.84.

\* \* \*

Бу уйлар уй эмас бирдай тўлишиб  
Яшайверсанг, бир бор сўлиб чиқмасанг.  
Бу майдон майдонмас, ҳар куни тушиб  
Юз тирилиб, юз бор ўлиб чиқмасанг.

Эй шоир, яшаш-ку тинмас кураш, жанг  
Маили, тинма, иқбол берсин, гурулла.  
Навоийда минг дард, бирин айтмасанг  
Сен бу шоирлигинг хашакка пулла.

Йигит, мен билмайман, сенда қанча зарб  
Алмо содиқ эрсанг халқдай даҳога  
Илтижо қиламан, борар экан, ҳарб  
Ҳеч йўқса айлангин Бобур Мирзога,

Гарчанд бугун суймоқ, куймоқ дарди кам  
Ёраб, эртага ҳам тўлиб ўтмаса  
Бу дунёда йўқ денг Ҳалимани ҳам  
Қамида Нодири бўлиб ўтмаса.  
Бу уйлар уй эмас...

2.XI.84





Хайриддин Султонов

## Ҳикоялар

### Уч тун хурмо

**К**

ўклам чоғи, илик узилди палла, одамнинг силласи қуриб лоҳас бўлаверадиган кунларнинг бирида тушлик пайти икки-уч ҳамкасб шаҳар ташқарисига кабохўрликка чиқдик. Ишхонага қайтиб келсак, соат икки ярим бўпти. Ҳали жойимга ўтиришга улгурмасимдан котиба қиз эшикни қия очиб:

— Сизни Сафар Ашурович сўраяптилар, тез кираркансиз, — дедию ёв қувгандек югуриб изига қайтди.

Хайрон қолдим. Чунки директор мени танимасди ҳисоб: уч ой бурун ишга кираётганимда у бетоб эди, мен билан муовинларидан бири суҳбат ўтказган эди. Қолаверса, юздан ортиқ одам ишлайдиган идорада директор ҳаммани таниши шарт эмас, деб ўйлардим, кейин, ўзим ҳам бунга у қадар орзуманд эмасман — фақир киши панада бўлгани тузук. Хуллас, қабулхонага етгунча не бир хаёллар бошимга келиб кетмади. Ярим соатгина кечикканимга хабаркашлардан бирортаси кириб бонг урдимикан? Ё, боя кабоб устида «заҳри қотил» дан жиндак-жиндак тотинганимизни битта-яримта етказдимикан? Дарров-а? Қойил-э, одамлар қандай улгураркан? Умуман, қандай эплашаркин?..

Директорнинг столи ҳаддан ташқари силлиқ экан. Устида бемалол хоккей ўйнаса бўлади. Баҳайбат столнинг нариги бошида ўтирган жиккак, кўзойнакли одам муштдайгина бўлиб кўринарди. Эшик очилганда у олдидаги китобдан бош кўтариб, кўзойнаги устидан бир қараб кўйди. Қизиқ, ўқиётган китоби ҳам бениҳоя катта, нақ ёстиқдай келарди. Негадир, менга Сафар Ашурович маза қилиб қадимги жангномаларни ўқиб ўтиргандек туюлди: «Андоғ урдиларким, тиззаларигача ерга кириб кетдилар...»

«Мана, ҳозир андоғ урадиларким, тиззаларингача ерга кириб кетасан», деб ўйладим юрагим увишиб. Лекин, Сафар Ашурович титроқ саломимга «Ваалай...» деган бўйи яна китобини ўқийверди. Чамаси, жангноманинг қизиқроқ жойига келиб қолган шекилли. Оғирлигимни у оёғимдан бунисига солиб, эшик ёнида ўн беш дақиқача қаққайиб турдим, ниҳоят, тоқатим тоқ бўлиб:

— Мени йўқлатган экансиз? — дедим, «ўладиган ҳўкиз — болтадан қайтмас» қабилдаги бир жасорат билан.

Сафар Ашурович хаёлини бўлганимга оғриниб, китобидан кўзини узди, хийла вақт муддаомни англамагандек, елкам оша бўшлиққа фаромуш тикилиб турди-да, бир пайт эснаб:

— Сиз беш-ўн кун ўйнаб келинг, ўғлим, — деди. Сўнг яна китоби ичра шўнғиб кетди — ҳа, айнан, том маънода шўнғиб кетди — орқага ястаниб, кафтдек юзига «жангномаи ёстиқ»ни тутиб олди. «Тушунарли. Дийдорингни кўрмай, деяпти». Яна нима деярини кутиб, гангиб туравердим. Бироқ, Сафар Ашуровичдан қайтиб садо чиқмади.

Хит бўлиб, нимқоронғи йўлакка чиқдим. Сигаретим тугаган экан, ғудранганча кетиб бораётсам, биров шаппа билагимдан ушлади: Маллаев, матбуот бўлимидаги хомсемиз Эшназар Маллаев ҳансираб турибди, пешонасида мунчоқ-мунчоқ тер.

Расми О. АСОМОВ чизган

— Ҳа? — дедим бирдан кулгим кистаб.

— Йилингиз отми, намунча чопасиз? — У ялтираб кетган қора костюми чўнтагидан дастурмол олди. — Боядан бери орқангиздан лўкиллаб етолмайман-а! Қалай энди?

Маллаев — ўзининг гурур билан таъкидлаб юришича, «идорамизнинг йирик намояндаларидан бири». Лекин буни у асосан баҳайбат гавдасига нисбат бериб айтишини ҳамма билади. Шунинг учун тап тортмай:

— Зўр, — дедим.

— У, маладес! Хурсандмисиз, ахир?

— Нега хурсанд бўлишим керак? — дедим энди энсам қотиб. Ё тавба, бугун бу идорадагиларга бир бало бўлганми?

Маллаев шап этиб пешонасига урди-да, қиқирлаб кулганча бидирлай кетди:

— Э, калла! Сизга айтмабман-ку, муни қаранг! Ҳе, склероз чол! Ҳа, бу... хўжайин чақирдиларми?

— Хўш, чақирса нима?

— Зўр бўпти-да. Қани, кўлни ташланг, бир ҳафта маишат қилиб келамиз энди!

— Кайфингиз йўқми, Эшназар ака? — дея бир қадам жилдим.

— Э, шошманг, шошманг ахир, гап бор. Хўш, демак, бундоғ. Кеча кеққурун меням сизга ўхшаб тўсатдан чақириб қолдилар. Анча гаплашиб ўтирдик. Сафар Ашурович жуда улуғ одам, ҳеч нарса эсларидан чиқмайди. Ҳа-а, у киши янги ҳовли олганлар, хабарингиз бор. У ёққа ўғилларини чиқараётган эканлар, Асқаралини. Хўш, шунга ўша кўчатдан тагин топиб бўлмасмикан, деб қолдилар.

— Қанақа кўчат?

— Ҳе, дарвоқе, сиз буни билмайсиз-а... Анча бўлди, қани, ўн беш... йўқ, ўн етти йил бўлибди. Мен Сафар Ашуровичнинг қўлига ишга келган йилим Сарносиёдан уч туп хурмо кўчат опкелган эдим. Бир тупини ўзимнинг ҳовлимга, икки тупини у кишининг ҳовлисига эккан эдик. Яхши тутиб кетди, ҳозир жуда бинойи. Энди, Асқарали ҳам дадасидан илтимос қилган экан, менгаям икки туп эктириб берсангиз, деб. Шунга мени маслаҳатга чақирган эканлар.

Маллаевнинг узундан-узоқ даромади назаримда асло тугамайдигандек эди.

— Хўш, қисқаси? — дедим ғижиниб.

— Хўш, қисқаси, — дея лабини ялаб қўйди у. — «Майли, — дедим, — эски қадрдонлар бор, ахир, ўн йил тер тўкканмиз Сурхон воҳасида, икки туп кўчат одамнинг хуни бўптим! — деб юбордим. — Энди, ака, йўл узоқ, хурмо деганини жуда нозик нарса, поезд-моезд қилиб юрмасак-да, шу Файзуллажонга икки-уч кунга жавоб берсангиз, ғир этиб бориб келардик, гангир-гунгур», дедим. У кишига маъқул бўлди. Шу. Бу гапни кейин сизга бир оғиз айтиб қўярман, дедим, буни қаранг, паққос хаёлимдан кўтарилибди-кетибди.

Маллаев сийрак, сарғиш киприкларини пирпиратиб кулди. У куляпти-ю, менинг жоним бўғзимда лиқиллаб турибди. Вой, сурбет-эй! Вой, хушмадгўй-эй! Елпатаклик қилмоқчи экансан, ўзинг қилавермайсанми, мени нега кўшасан?! Ҳа, Маллаев бўлмай ҳар бало бўл!

— Ие, бу қанақаси? — дедим тишларим ғижирлаб. — Бир оғиз сўрамай-нетмай, бировнинг номидан... Қанақа одамсиз ўзи?!

— Э, роса маза қилиб келамиз, ука, — деди Маллаев қувнаб, сўнг шифтга бир қараб олиб: — Сарносиёда бўлганмисиз? О! — деди. — «Сарносиё, Сарносиё! Осиёдан нари Осиё!»

— Мен боролмайман, — дедим қатъий, — кириб айтишингиз мумкин.

— Ия, нега? — Маллаев, азбаройи ҳайрон қолганидан кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетди.

— Нега бўларди, ўзимга яраша тирикчилигим бор меням, — дедим тўнғиллаб. — Машина ҳам ярамайди — тор-моз чаток.

— Э майли, тўхтамасдан етиб оламиз! — деди Маллаев шоша-пиша.

Ё қудратингдан! Жинни-пинними бу?

— Хўв, ака, нима деяпсиз, худди умрингизда Тўйтепадан нари ўтмаганга ўхшайсиз-а! Сурхондарёдек жойга тор-мозсиз машинада бориб бўладими?!

— Жон Файзуллажон, бир амалланг! — Маллаев бирдан

ер бўлиб ялина бошлади. — Одамни шарманда қилманг. Бир мардлик қилинг энди. Мен аҳмоқ сизнинг устингиздан ваъда берворган эканман, шарманда бўлмайлик, жон ука. Майли, қанча чиқим десангиз — ўзим балогардон.

«Идоранинг йирик намояндаси» бўлган важдатли, савлатманд бу одамнинг ёш боладек эланиб ўтириши бир оз шаштимни қайтарса-да, барибир бўш келмадим:

— Баллонлар ейлиб кетган.

— Майли, ука, хўп, — деди Маллаев илтижо билан. — Дунёда ажалдан бошқа ҳамма нарсага чора топса бўлади.

Лекин, Маллаевнинг ўзига чора топиб бўлмади — нақ елимкуя экан, кулди, кулдирди; йиғлади, йиғламсиради — хуллас, тонг саҳарда йўлга отланиш мажбуриятини бўйнимга олди.

Жўнадик.

Машина хусусида Маллаевга айтганларим баҳона эмас эди: мен аниқ, бўладиган гапни ёқтираман, Жазоир жазираларида кечган уч йиллик умримнинг ёдгори — шартти кетиб қолган «Волга» жонивор билан манзилга етгунча не балоларга гирифтор бўлганими ёлғиз ўзим, агар билса, ёнимда тўнкадай бўлиб ўтирган мана шу Маллаев билади. Йўлга тушганимизда радио тонгги концерт бераётган эди, охирги ашуланинг бир мисраси бутун сафаримизга сарлавҳа бўлганини қаёқдан билибман денг: «Тортган азобим, вай-эй, ким десин!»

Шаҳардан энди чиқишимиз билан Маллаев тўсатдан елкамга туртиб:

— Бир секунд, Файзуллажон! — деб қолди. Шошиб тормоз берган эдим, изма-из келаётган «МАЗ» ўкириб сигнал босганча орқа ойнага қариб тақалиб тўхтади. Саватдек соч қўйган шофёр деразадан бошини чиқариб бўралаб сўкинди.

— Нима гап?! — деб қиқирдим Маллаевга ярим ўгирилиб.

— Ҳозир, ҳозир! — Маллаев бамайлихотир лапанглаб машинадан тушди. Қозондек шляпасини бошидан олиб, ярғоқ калласини сийпаб қўйди, ҳалпиллаган шимини юқори торти-да, орқа ўриндиққа савлат билан ўтириб: — Ана энди ҳайдайверинг, — деди.

— Э, нима қилганингиз бу! — деб бақирдим фиғоним фалакка чиқиб.

— Хўп деяверинг, ука, кейин хурсанд бўласиз, — дея мамнун ишшайди Маллаев.

Оғзимни очсам, сўкиб юборишимни сездим у жон-жаҳдим билан тишимни тишига қўйиб газни босдим.

— Энди, бу важдат билан орқада ўтирсак ярашадан-да, тўғрими, Файзуллажон? — деди Маллаев сал ўтиб.

Миқ этмадим. Асли, аҳмоқ бўлмасам...

— Ахир, дўст-душман ўтиб турибди, кўрган кўзга... Ким билади, ҳали мелиса ҳам тўхтадимми... — Маллаев суюнчиққа ястанганча ҳамон ўзича жавраб келарди.

Оҳ, қани эди, мелиса тўхтатса, гувоҳномани олиб қўйсаю мени бу бетайин сафару бетайин ҳамроҳдан бирийўла қўтқарса!

— Хомтама бўлманг, одамлар кўр эмасдир, — дедим зардам қайнаб.

— Ҳе, майли-да, ука, буям энди қирқ йилда бир эшак ўйин дегандек гап-да. Оҳ-оҳ! — Маллаев завқ билан бармоқларини қисирлатиб қўйди.

«Йирик намоянда» башорат қилган экан: бирор километр юрмасимиздан ГАИ пости келди. Ола-була таёғини ўйнаб турган мўйловли сержант йўл четига ишора қилди.

— Хўш, хўжайин, энди нима қилдик? — дедим Маллаевга истехзо билан

— Нима деяпти йигитча? — Маллаев кафтини пешонасига соябон қилиб милиционерга қаради.

— Ҳусни-жамолингизни бир кўрмоқчи эмиш!

— Хо-хо-хо! Нонушта қилманг бўлса, нон ботириб ермишми? — У шляпасини қаншарига бостириб, пихиллаб кулди, сўнг фитначимонанд кўз қисиб: — Қани, пича сабр қилинг-чи! — деди-да, чўнтагидан газета чиқариб, диққат билан ўқишга тутинди.

Ҳужжатларни олиб машинадан тушаётган эдим, Маллаевнинг гапидан сўнг қизиқиш хисси ғолиб келиб, қимирламай ўтиравердим. Сержант бир оз кутгач, ҳуснбузар тошган юзиде таажжуб ифодаси балқиб

олдимизга яқинлашди, честь бериб, дўриллаган товушда деди:

— ГАИ катта сержанти Хусниддинхўжаев!

— А? — Маллаев газетадан бошини кўтариб, милиционерга ниҳоясиз ҳайронлик билан боқди.

— ГАИ катта сержанти Хусниддинхўжаев! — деб такрорлади йигит зарда аралаш.

— Ҳа-а... Нима қилай шунга? — Маллаев кўзларини пирпиратиб милиционерга шундайин маъсум соддалик билан қарадики, кунига минг алвон одам билан минг алфоз муомала қиладиган сержант бечора ҳам довдираб қолди.

— Бир ҳужжатларни кўриб қўяйлик, ака, — дея журъатсизгина менга юзланди у.

— Ҳужжатлар жойида! — деди Маллаев мени гапиртиргани қўймай, сўнг газетани икки буклаб, лоқайдгина елпинаркан: — Қани, ҳайданг! — деди амирона.

Рўпарадаги кўзгучадан аста разм солдиму ҳайрон қолдим — орқада Маллаев йўқ, унинг ўрнида важоҳатли, қовоғи солиқ бир арбооб ўтирарди! Милиционерга қараб индамай елка қисдим.

— Кечирасизлар-да энди, — деб жилмайди милиционер, — хизматчилик...

Маллаевнинг оламшумул маъно билан чимирилган бароқ қошлари паст-баланд бўлиб кетди.

— Нима? Э, ука, қизиқ экансиз-ку! Е бизнинг гапимизга ишонмаяпсизми?

— Ишонамиз-у, лекин...

— Ия! Бу қандай гап! Ахир, бизнинг гапимизга эл ишонади, халқ ишонади, сиз нега ишонмайсиз?! Сизники хизматчилик бўлса, биз аммамининг чорбоғига анжир егани кетаётганимиз йўқ, бизники ҳам хизматчилик! Қани, кетдик!

— Майли, яхши боринглар, акалар, — деди милиционер бирдан бўшашиб.

— Шундоқ бўлсин, — дея Маллаев унга ҳомийларча бир назар солди.

«Дам бу дамдур, ўзга дамни дам дема», дея зудлик билан машинани ўт олдирдим. Катта сержант Хусниддинхўжаев честь бериб қолди.

— Балосиз-ку! — дедим анчадан кейин лабимга сигарет қистириб.

— Э, ука, Маллаевни билмайсиз-да! — У шляпасини бошидан олиб, негадир оғир уф тортди. — Аслида-ку... — Шундай дея хомш жимиб қолдию қарийб бир соатча чурқ этмади.

Чиндан ҳам, мен Маллаев ҳақида нима биламан? Деярли ҳеч нарса. Бир марта тўйда, бир гал ошда бирга бўлганмиз, холос. Қолгани — салом-алик, об-ҳавою нарх-наво хусусидаги икки-уч оғиз луқма. Унинг иши ҳам биздан бўлак — идорамиздаги янгиларни ҳар замонда газетага ёзиб туради.

Маллаевни билмаслигимга, мутлақо билмаслигимга манзилга етиб боргач буткул амин бўлдим.

Район марказига кун чошгоҳдан ўтганда кириб келдик.

— Уннга буринг, ижроқўмга! — деди Маллаев улуғворлик билан ва тагин лабимга сигарет қистираётганимни кўриб, пешонаси тиришди: — Э, шофёр деган ҳадеб тутатаверадими!

Маллаевнинг чиндан ҳам менга бошлиқ эмаслигига шукр қилиб, индамай қўяқолдим. Маллаевни кутиб олиш маросими кичикроқ бир тўйга айланиб кетди. Карнай-сурнай чалинмади, холос. Бирпасда бир дунё таниш-нотанишлари ёпирилиб келди. Маллаевни кучоқлаган ким, ўпган ким... Яна ҳайрон қолдим: орадан шунча йил ўтиб кетибди-ю... «Йирик намоянда» бу одамларга нима қаромат кўрсатган экан?

Озода, соя-салқин чорбоққа жой қилинди. Дастурхон нақ Маллаевнинг кўнглидагидек: чуқурию чакки, анор сувию анзур пиёз... Ижроком раиснинг ўринбосари — қиррабурун, унғ оёғи оқсоқ йигит Муртазо Маматқулов бир пайтлар область газетасида Маллаевнинг кўлида ходим бўлиб ишлаган экан, икки гапнинг бирида «Биз ҳам Эшназар аканинг оталиқлари туфайли...», дея тилидан бол томиб турибди.

Маллаев бу иззат-икромлардан чамаси ўн ёшлар яшариб кетган, қизариб-бўртиб ўтирар эди. Бир маҳал хиёл диққат





қилсам, таг-туби маргилолиқ одам, соф Сурхон шевасида жағи жағига тегмай гап сояпти:

— ...Шуйтиб десангиз, Файзуллабойди бир ўнатиб келайлик, деб келабардикда-е! Бу киши бизди шопир эмас, инимиз, инимиздан ҳам кадрдон бўлиб қолган.

Дод деб юбораёзим. Ҳаҳ, муттаҳам Маллаев, мана энди билдим ниятингни! Фирибгар! Канадай ёпишганидан ҳам сезувдим-а ўзи! Зўр бериб унинг шира босган сурбет кўзларини қидираман, қани, туқкич берса!

— Жуда соз бўпти-да, — дея даврадагилар менга манзират кўрсата бошладилар, — Қани, ука, пиёлангиз... Салдан кейин Маллаевнинг гап-сўзлари ғашимга тегмай қўйди. Аксинча, бу ўйин ўзимга ҳам ёқиб қолди, беихтиёр янги қиёфага киришиб кетганимни сезмадим ҳам.

Қовурдоқ келди. Ниҳоят, Маллаев овқатга андармон бўлиб, оғзи гапдан бир зун тинганди:

— Хўжайин, боя кўчатни эсимга солгин, девдингиз, — деб кўйдим, бэллон хусусида берган ваъдаси ҳам ёдига тушар, деган умидда.

— Дарвоқе! — Маллаев бошмалдоғини ялаб, Маматқуловга саволомуз тикилди.

— Қани, олингизлар. Қандай кўчат, ака? — деди Маматқулов.

Маллаев пиёладаги чайни бир хўллаб бўшатди.

— Э, Муртазобой, ўғил-қизди савдоси — елкага тегар новдаси, деб машойилар хўб билиб айтган, — деди тамшаниб. — Шу, тўнғич ўғилга ўтган кузада бир ҳовли қилиб бериб эдик. Рўзгорини токи игнаю ипигача бутлаб бердик. Ҳай, ўғлим, энди раччўтдир-а, десам, илжайиб нима дейди денг хумлар? «Мана шу хурмодан бизди ҳовлига ҳам икки тупгина ўтқазиб берасиз, кейин—раччўт», дейди.

— Ие, Эшназар ака, ўғил-қизлар шундай катта бўлиб қолганми? — деб сўради пойгакда ўтирган Самад деган молия ходими.

— Ҳе-ҳе! Умр кетяпти, биродар. Набиранинг ўзидан бир команда бўлди, — дея Маллаев ёлғонни ҳам ямламай ютарди. — Энди, асли келишимизга ҳам сабаб шу, Муртазобой.

— Отасига раҳмат ўғлингизнинг! — Маматқулов бир им қоққан эди, хизмат қилиб юрган эпчил йигитлардан бири бўйни узун шишалардан яна уч-тўртта қўйиб кетди. — Кўп эсли йигит экан. Агар шундай демаса, бу дийдор кўришув қаёқда эди, а, Эшназар ака? Қани, шундай ақлли йигитларнинг соғлиғига... Бўпти, ташвиш қилманг, мана, ҳозир Ҳамдамбойдан илтимос қиламиз, ҳаммасини қотиради. Ҳа, тўғри лимонарийга борасиз-да. Менга қаранг...

Кўчатга одам кетгач, пича хотиржам бўлиб, еган-ичганим ичимга туша бошлади. Энди Маллаев янги нағмалар бошламасидан — шарманда бўлмай туриб, эс борида этакни ёпган маъқул.

Зиёфат айни қизиган маҳал дарвоза олдига пачоққина «Москвич» келиб тўхтади. Машинадан тушган баланд бўйли, ёши қайтган чорпахил киши мошранг камзул-шимини бир-икки қоқиб, тўғри биз томон келаверди.

— Ким бу? Турдийёров эмасми? — деб шивирлади Маллаев Маматқуловга энгашиб.

— Уша. Дарров танидингиз-э? Буям қариб адо бўлган. Менда жиндай иши бор эди, излаб келаяпти шекилли.

— Пенсиядадир! — Маллаев ўтирган жойида бетоқат тўлганиб қўйди.

— Йўқ, ишлайди. Госстрахда инспектор.

— Ҳормангизлар!

— Э-э, келинг, Бердирахмат ака! — Маматқулов ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди. — Қани, бу ёққа.

— Ассалому алайкум. — Бердирахмат ҳамма билан бир-бир омонлаша бошлади. — У, жамоат жам-ку! Э, ўтираберингизлар. Ҳа, Муртозбой, димоқлар чоғми?

— Раҳмат. Мана, меҳмонлар келиб қолган экан, гурунглашиб ўтирибмиз-да.

— Бинойи. Қалай, меҳмонлар, толиқмай келдиларингизми? Хўш келибсизлар.

Мундоқ қарасам, Маллаевдан садо чиқмайдиган.

— Хўшвақт бўлинг, — деб қўяқолдим.

Самад Бердирахматга чой қўйиб узатди.

— Қани, ака, қовурдоққа қаранг.

— Хўш-хўш. Меҳмонларни таништирмадингиз, Муртозбой! — Бердирахмат чағир кўзларини қисиб Маматқуловга қараб қўйди.

— Танимадингизми? — Маматқулов кулимсираб, дастурхон четини ҳимарди. — Хўп, бу укамиз Файзуллабой. Бу киши... Эшназар ака, ўзимизнинг Маллаев, эсладингизми?

Бердирахмат манглайи тиришиб, бизга зеҳн билан узоқ разм солди, негадир дўпписини бошидан олиб кизагини эзиб кўрди, қоқиб қайта кияркан:

— Э! Буни қаранг! — деди. — Ҳа, ўртоқ Маллаев, қалайсиз? Узгармасиз-у, танимабман-а.

Маллаев хижолатли илжайди:

— Хўб саломат бормисиз, Бердирахмат ака? Бола-чақа? — Шукр.

Орага узоқ, маъноли сукунат чўкди. Назаримда, буларнинг ўртасида мендан бошқа ҳамма биладиган аллақандай синаот мавжуд эди-ю, шу барчанинг тил-жағига қулф солиб қўйгандек эди.

— Иш битдими, Бердирахмат ака? — деди Маматқулов анчадан сўнг.

— Битди ҳисоб. Мана шунга битта имзо боссалар — бас. — Бердирахмат камзули чўнтагидан аллақандай қоғозларни олиб Маматқуловга узатди. Маматқулов қоғозга қараб ҳам ўтирмай қўл қўйиб берди.

— Мана, ака.

— Кўп ашан! — Бердирахмат шундай деб бемалол ўрнашиб ўтириб олди, аллақандай синиқ кулимсираб: — Энди, хўжайин, рухсат берсангиз, ўртоқ Э. Маллаев билан бирпас отамлашамиз-да? — деди.

— Ҳе, марҳамат! — деди Маматқулов ва зимдан Маллаев билан кўз уриштириб олди.

— Қани, сузинг эса, Самадбой! Ўртоқ Маллаевнинг пойқадамларига битта олайлик! — дея Бердирахмат катак дастрўмолча билан миждоғларини артиб қўйди.

Самадбой ҳам имога маҳтал турган экан, кўз очиб юмгунча қадаҳларни лиммо-лим тўлдирди.

— Хўш, бўлмаса, — дея Маматқулов мутасаддиликни қўлга олди, — давраминг тўлаверсин. Қани, Бердирахмат ака, бир тоз айтинг энди.

— Э, бизди қўйинг-э, Муртозбой! — Бердирахмат қиҳқиқ кулди. — Мана, меҳмонлардан... ўртоқ Маллаевдан эшитайлик, у киши муҳбир, сўзга уст. Биз бир урилган одам бўлсак, чаласавод сугуртачи... — Сўнги жумлани кулиб айтarkan, лаблари негадир буришиб кетгани сезилди.

Маматқулов Маллаевнинг нимадир демоқчи бўлганини пайқайди шекилли, усталик билан гапни бурди:

— Қани, оларни! Қаторимизда хато бўлмасин!

«Қаторимизда хато бўлмади» — Бердирахмат ҳам кафтининг орқаси билан лабини артиб, устма-уст йўталди.

Сўхбат совиди.

Маллаев ўнғайсизлиниб тинмай илжайар, ҳалиги хўш-хандонлигидан асар ҳам қолмаган эди.

Мезбонлар дам-бадам дастурхонга манзират қилишар, гурунг мавзуи ҳам, боя айтганимдек, об-ҳавою нарх-наво хусусига оққан эди.

Бердирахмат қўлидаги қалампиргулли пиёлани аста айлантириб жимгина ўтирар, аҳён-аҳён бошини кўтариб Маллаевга ғалати-ғалати тикилиб қўяр эди.

Яна қадаҳ айланди. Маллаев алёр айтди, кейин — мен. Ҳамма хийла сархуш, бироқ даврадан аллақачон файз кетган.

Ниҳоят, барча бир-бир «тоз айтиб» бўлгани учун Маматқулов ноилож, сўз навбатини Бердирахматга берди.

— Қуллуқ, оғам! — Бердирахмат кўзлари милт-милт қисилиб, ўзини ўнглаб ўтирди. — Қуллуқ... бизниям одам қаторига қўшиб...

— Э, нега ундай дейсиз! — деди Маматқулов кескин. — Ундай гапга ўрин йўқ, ака. Қани, бир яхши тилак билдиринг, олайлик бу энағарди!

— Хўп, хўп! — дея Бердирахмат гуноҳқорона жилмайди, негадир ўрнидан турди-да, камзулининг тугмасини ечиб, бирдан кўксини очди. — Мана, Самадбой иним! Мана, меҳмон! Шу еримни, — деди кўрсатгич бармоғини оқиб чап тўшидаги аллақандай сезилар-сезилмас чандиққа нуқул, — ўн беш йил бурун илон чақиб эди. — Бир сесканиб тушдим. — Ҳа Муртозбой, кўзойнакли илон чаққан, Банди-

хоннинг даштига уполномоч бўлиб борганимда. Ҳа-а!.. Хўш, мен нима демоқчиман? Мен демоқчиманки, илон баданини чақса, битиб кетар экан. Мана, битиб кетди. Лекин юракни чақса-чи? Ҳе, йўқ! — У чап ёнбошига қийшайиб, ачиқ кулди. — Битмайди, ўртоқ Маллаев, битмайди! Қани, олайлиқ, шу даврада юракка заҳар солгичлар энди бўлмасин!

Ҳамма ўзаро кўз уриштириб, жимиб қолди. Бердирахмат чайқала-чайқала жойига ўтириб, пиёлани бир кўтаришда бўшатди.

Секин Маллаевга кўз қиримни ташладим: рангида ранг йўқ, бурун катаклари пир-пир учаяпти.

«Оббо! — дедим кайфим қочиб. — Эски адоват бор экан-да. Охири «қонтўқди» бўлмаса гўрга эди...»

Бундай пайтларда қийин-қийин — мезбонга қийин: Маматқулов ҳам сир бермай, «икки кўчқорнинг бошини бир қозонда қайнатишга» уринарди.

— Энди, ҳаёт мураккаб нарса, Бердирахмат ака, — дея сўз бошлади у салмоқлаб.

Бироқ, Маллаев бир юлқиниб унинг гапини бўлди:

— Хўш, Бердирахмат ака, ким илону ким чаён экан? Бердирахмат бўйини ичига тортиб сассиз кулди.

— Иршайманг, хўй, нимага иршасиз?! — деди Маллаев ҳансираб. — Ун етти йил ўтиб ҳам эсингиздан чиқмабди-да?

— Чиқмайди! Нега чиқар экан?! — дея тикчайди Бердирахмат яқкайтиб бўлиб. — Э, ўн етти йил дейсан-а, ўн етти минг йилда сен чаённинг қилмиши эсимдан чиқармикан?!

Маллаев — хомсемиз, тўнкадай кўпол одам, қутилмаганда ажиб бир чаққонлик ила сапчиб ўрнидан турди, тураётиб кафтининг қирраси билан дастурхондаги минерал сув шишасини шундай қарсиллатиб урдик, пўкак отилиб, Самадбойнинг қаншарига тегди.

— Ув, энангни!.. — деб шартта Бердирахматнинг ёқасидан олди Маллаев. — Ҳали мен чаён бўлдимми? Халқ кўйнида, давлат кўйнида кулча бўлиб ётган сен илонни фош қилган мен илон бўлдимми?!

Ҳаммамиз ўрнидан туриб кетдик, ҳай-ҳайлашиб орага тушдик. Бердирахмат пайт пойлаб, кўлидаги пиёлани Маллаевга олди. Маматқулов Маллаевни маҳкам қучоқлаб олди, қолганлар зўр бериб юлқинаётган Бердирахмат билан овора эди.

— Ҳаётимни барбод қилдинг, ит! — деб хирқирарди у шақ-шақ титраб. — Бутун ҳаётимни барбод қилдинг, илоё, косанг оқармасин!

— Кўйвор! Кўйвор мени! — Маллаев, ҳирси безанжир эмасми, бир силтаниб Маматқуловнинг кўлидан чиқиб кетди. Бало-қазодай Бердирахматнинг устига ёпирилганда аранг тутиб қолдим. — Вой, ифлос, ярама! Ҳаётингни барбод қилдимми? Узинг-чи ўзинг, қанча бечоранинг ҳаётини барбод қилганингни биласанми?! Ҳе, ҳаётингга!..

Бирпасда давра арининг уясидай тўзғиб кетди — ярмимиз Маллаевни у ёққа, ярмимиз Бердирахматни бу ёққа тортқилай-тортқилай, хайр-маъзурни насия қилиб тарқалишдик.

Машина олдига етганда хижолатдан ер ёрилса кириб кетгудек аҳволда эдим. Тўнкамижоз Маллаев кўзимга бениҳоя шумшук кўринарди: туз ичиб, тузлуққа тупургани нимаси!.. Маматқуловнинг кўзига қарашдан қочиб, шартта машинанинг капотини очдим-да, заруратсиз куймалана бошладим.

Маллаев ҳамон ўзига келмаган, гўё юз чақирим югуриб келгандек, ўпкаси тикилиб ҳансираб эди.

— Оббо, Эшназар ака, — деди Маматқулов хижолатли илжайиб, — озиб-ёзиб бир келганингизда... фалокатни қаранг, оёқ остидан... Асли, тўғри уйга бораверсан бўларкан.

— Э, қисмат бу, ука, — деди Маллаев тўзғиб кетган сийрак сочларини сийпаб. — Қисматдан қочиб қутулиб бўлмайди. Тавба, ҳалиям аламзада экан-а.

— Аламзада бўлмай, хурсандзада бўлсинми? — деб кулди Маматқулов. — Ахир, ўша бўйи учиб кетди-да. Емон яқсон қилгансиз-да ўзингиз ҳам. «Кўтондаги бўри»миди номи?

Маллаев бош ирғади, машинанинг орқа эшигини очиб, оёғини осилтириб ўтирди.

— Энди бизга рухсат, Муртозжон, — деди бир муддат жимликдан сўнг. — Кўчат келмагани чатоқ бўлди-да.

— Э, рухсатингиз нимаси! — Маматқулов ачиққланиб қўл силтади. — Бизди бундай хижолатга қўйиб кетманг-да, ака. Бир пиёла чойди ҳам мундай беғалва ичирилмадик, ахир.

Капотни ёпиб, уларга яқинлашдим. Кўлимни ҳўл латтага артатуриб Маллаевга саволомуз тикилдим: хўш?

— Жўнаймиз, — деди Маллаев. — Сиз, Муртозжон, кўнглингизга ҳеч қандай гап келмасин. Мен ҳеч кимдан ачиқ-араз эмасман. Бу одам ўшанда ҳам ноҳақ эди, ҳозир ҳам юз фоида ноҳақ, ўзингиз сезиб турибсиз. Энди, жўраларни олиб, бир ўтиб боринг биз томонларга.

— Эшназар, ака, астойдилми жўнаш? — Маматқуловнинг авзойи ўзгариб, чинакамига ранжигани билиниб турарди.

Маллаев кулди.

— Бу келганимиз, майли, ҳисоб эмас. Ишлар заруррок, Муртозбой, қайтмасак бўлмайди. Бир ёқда машинамиз ҳам сал ҳалигидай... Хўп, иним, қани, кўлди ташланг!

— Тоза қизиқ бўлди-ку, тушда кўргандек... — деди Маматқулов бошини қашиб. — Сал сабр қилинг, лоақал кўчат келсин.

— Файзуллажон, озроқ кутсак майлими? — дея яна асл товуши билан сўради Маллаев. — Мана, соат ҳам олтига қараб кетибди.

— Менга барибир, — дедим елка учуриб. Чиндан ҳам, менга энди бари бир эди — ҳозир жўнадик нимаю ярим соат кейин нима, гўр азобини тортадиган ўзим бўлгач...

— Бундай қилсак, — деди Маллаев ўйлиниб, — кўчат келиб қолса, тўғри станцияга жўнатаверасиз. Биз шундоқ буфетга кириб чиқамиз... бирров.

— Э-ҳа! — деди Маматқулов. — Шунга шошяпман, денг? Айтдим-а...

Маллаев хомуш тортди:

— Энди, ука, ўзингиздан қолар гап йўқ-ку.

— Бўпти! — дея Маматқулов бирдан тантилиқ билан қўл узатди. — Тушунаман, ака, бу оғир савдо. Ҳай эса, яхши борингизлар. Файзуллабой, айбга буюрмайсиз-да, акамиз... — У бош чайқаб кулимсираб кўйди.

— Йў-йўқ! — дедим тавозе билан.

Маллаев Муртазони бағрига босиб хайрлашди.

— Станциянгиз қайси томонда? — дедим машинани ўт олдираб. — Умунаман, ўша ёққа боришимиз жуда зарурми? Агар, шарт бўлмаса...

— Мана шу охири илтимосим, жон ука, — деди Маллаев аллақандай ялинчоқ оҳангда.

Индамай, рулни у кўрсатган томонга бурдим.

— Шер бўлиб кетаркансиз, — дедим радиони созлаётиб.

— А? Э, шерлигим бор бўлсин, — деди Маллаев. — Энди камиди бир ой уйқудори ичишим керак. Асаблар тамом бўлган, юрак ҳам... Ишқилиб, ўзимни ҳам, ўлимни ҳам алдаб юрибман-да.

— Ким эди у?

— Турдиевровми? Бу бир пайтлар шу райондаги биринчи одам эди. Хўб омилкор эди, кейинчалик ўздан кетиб, дунёда не номаъқулчилик бўлса, жамини қилган. Область газетасида фельетон қилганман. Шунинг алами.

— Сиз фельетон ёзганмисиз? — дея ишонқирамай Маллаевга зимдан қараб кўйдим.

— Ҳе-ҳе! Ҳозирги аҳволимизга қараб тўн бичманг-да, ука. Вақтида «Э. Маллаев» деса, бу юртда ҳамма зир титрарди. Э! Бари ўтди-кетди! — Маллаев ойнани очиб, оғир сўлиш олди. Мийғимда кулимсираганимни сизди шекилли: — Ишонмадингиз-а? — деди ҳафсаласи пир бўлиб.

— Албатта ишонмайман-да, — дедим. — Сизники худди кинодаги Шумболанинг гапларига ўхшайди: «иннайкейин» деб ёлғон устига ёлғон қўндиравераркансиз.

— Ие? Қачо-он? — Маллаев сохта таажжубланиб, кулги билан енгмоқчи эди, силтаб ташладим:

— Шошманг! Хурмо кўчат, деб Сафар Ашуровичнинг оғзига оҳак суртдингиз, баллон олиб бераман, деб мени лақиллатдингиз, бу бизнинг шофёр, деб манави бечораларни алдадингиз, энди бўлса... Фельетон эмиш! Ким билсин, балки у билан эчки бозорда уришиб қолгандир-сиз! — дея тутаб-тутақиб захримни сочдим.

Маллаев ғазабим пўртанасини лом-мим демай кузатиб турди-да, бир пайт бўғиқ товуш билан:

— Ёшсиз, ука, тушунмайсиз,— деди.

— Нимага ёшман? Нимани тушунмайман? Сизга ўхшаб тушуниб доно бўлгандан...

Станция яқин экан, тузукроқ уришиб олишга ҳам улгурмадик. Икковимиз ҳам бир-биримизга қиё боқмай тумшайиб ўтирардик.

Маллаев машинадан тушаркан, шалвираган улкан коматини, қизариб кетган кўзларини, қуйи эгилган хумдек бошини кўриб, тўстандан юрагим эзилиб кетди. Чакки бўлди! Бечора, мени одам деб ҳозиргина соғлиғидан ҳасрат қилган эди, мен эса...

— Тез чиқасизми?— деб сўрадим атай қовоғимни уюб.

Кулранг плашини билагига ташлаб олган Маллаев шартта ортига ўгирилди — кўзлари миннатдор чақнади.

— Ҳозир,— деди у ютиниб ва плашини орқа ўриндиққа қўйди.

Машинадан тушиб, рўпарадаги дўкончадан бир қути «ВТ» билан ўтган ҳафтанинг спорт газетасини сотиб олдим. Эшикни очиб қўйдим-да, маза қилиб тутатганча («хўжайин» йўқлигида!) газетани кўздан кечира бошладим. Бош мақоладан тортиб босмаҳона адресигача ўқиб бўлдим ҳамки, Маллаевдан дарак йўқ — гўё сувга чўккану фарқ бўлган. Қарасам, хомуза тортавериб, оғзим йиртилиб кетадиган.

Буфетнинг ёғоч пештахтаси тушириб қўйилган, эшик ҳам берк, ичкаридан гўнғир-гўнғир товуш эшитилар эди.

— Эшназар ака!— дедим эшикни силтаб тортиб.— Ҳў Эшназар ака!

Бир муддат саросима аралаш жимлик чўкди, сўнг Маллаевнинг «Оч, очавер!», деган овози чиқди.

— Нима бало, ухлаб қолдингизми?— дея ичкари кириб бордим. Эшик олдида — қўлида ғижимланган пешбанд, баланд бўйли, қоракўз, қора қош, оқ юзли, ўрта яшар бир аёл турарди.

— Келинг-келинг,— деди у секингина ва шу заҳоти ерга қаради. Ҳар хил қоғоз қўтилар, минерал сув шишалари, вино идишлари, банкалар қалашган, тузланган карам ҳиди аниқган захкаш хонада, пастак стол ёнида Маллаев ўн етти-ўн санкиз яшар, жингалак сочлари сарғиш бир йигитча билан ўтирар эди. Мени кўриб беўхшов илжайди:

— Узр, Файзуллажон, яна хафа қилдик-да бизни.

— Ничево. Ухлаб қолмадингизми, ишқилиб?— дея атрофга ажабланиб қарадим. Бу, Маллаев деганимиз жуда сирли шахс чиқиб қолди-ку!— Жўнамаймизми?

— Кўчат келмадимми?

— Бе! Ҳалиям ишониб ўтирибсизми? Буям бир...— «Сизнинг ёлғонингиздай гап-да», демоқчи бўлдим-у, тилимни аранг тийдим.

Сарғишоч ўспирин чиройли «кроссовка»си билан ер чизганча чурқ этмай ўтирарди — менга лоақал қайрилиб қарамади. Кўнглимга шубҳа оралади: Маллаев бу шўринг қурғур буфетчилардан бирор нима таъма қилмадимикан? Ким билади, мухбирман, деб...

— Турдикми?— дедим хўмрайиб.

— Ҳозир! Бир пиёла чой...— Маллаев гапини тугатмасидан бояғи аёл бир тақсимчада қовурилган балиқ, нон, елим вазада тўрт-бешта пирожний, тунука чойнақда чой билан иккита стакан келтириб қўйди. Унинг ҳам кўзлари қизарган, оқ оралаган сочлари паршонни. Эшитилар-эшитилмас овозда: «Олингизлар», деди-да, шарпадай юриб парда ортига ўтиб кетди.

Чой ниҳоятда қайноқ экан, пуф-пуфлаб ичгунча терга тушиб кетдим. «Пуф-пуф» деган товушимгина хонадаги жимликни бузарди, холос. Стаканни аранг бўшатиб ўрнимдан турдим, бу ғалати сукунатдан ҳайронлигим баттар ортиб:

— Мен машинани ўнглайвераман,— деб ташқарига йўналдим. Маллаев шоша-пиша бош ирғади.

Ун минутлардан сўнг у буфетдан аста судралиб чиқди, бир-бир, фаромуш фосганча машинага қараб келаверди. Қўлида — қаппайган қоғоз халта.

«Ана!— дедим жоним тагин бўғзимга келиб.— Худди айтганимдек! Э, нима қилиб юрибсан бу товламачи билан? Тавба! Шартта ташлаб кетсам-чи!»

Бироқ, Маллаевнинг авзойи шу қадар абгор, шу қадар

афтодаҳол эдики, ҳозир у нимадир ундирган кимсага эмас, аксинча, умр бўйи йиққан-терганини бирийўла бой берган одамга ўхшарди. У индамай, ёнимга гурциллаб чўкди.

Район чегарасидан чиққач, чироқларни ёқдим. Йўлда машина сероб, ялт-юлт шуъла кўзни қамаштиради, бирор нарса ҳақида ўйлашга ҳам қўрқиб, рулга ёпишганча олдинга тикилиб борардим.

Маллаев эса ҳамон жим.

Қизик, нимани ўйлаётган экан? Наҳотки, мендан хижолат чекаётган бўлса? Йўғ-э?! Туриб-туриб, бирданга ўзимдан ачиқланиб, ўзимга ачиниб кетдим: одамлар мендан хижолат ҳам тортмайдиган бўлиб қолган бўлса, демек, одам сонидан чиқиб қолибман ҳисоб-да! Аттанг!

— Сал тезроқ юришининг иложи йўқми?— дея бир пайт Маллаев тилга кирди. Чамаси, жим ўтиравериб юраги ёрилиш даражасига етган эди.

Истеҳзоли илжайиб, спидометрни кўрсатдим:

— Ажалга шошилиб нима қилдик?! Бизнинг баллон билан бундан ортиқ юриш мумкин эмас,— дедим-у, шу заҳоти.— Қўрқманг, таъна қилаётганим йўқ,— деб қўшиб қўйдим.

Маллаев бу гапни эшитмагандек, бардачокни очиб, бояғи «ВТ» қутисини олди.

— Ҳа? Муборак бўлсин!— дедим бепарво. Чунки Маллаевнинг ғалати хатти-ҳаракатларига энди ажабланмай қўйган эдим.

— Бир чектиринг. Уҳ!— Маллаев ютоқиб устма-уст тортиди.— Роса йигирма олти йил чекканман буни. Икки йил бўлувди ташлаганимга. Ҳойнаҳой, тоза ҳайрон қолаётгандирсиз, қандай тентакка дучор бўлдим, деб?— деб қолди у ноғоҳ фикримни уққандек.

Индамадим. Қап-катта одамни алдаб нима қилдим!

— Доим шошдим, доим. Умр бўйи!— деди Маллаев худди ўзига ўзи гапирётгандек.— Тез юрган сари тезроқ юргим келаверди. Одам бир мартагина яшайди, тезроқ ҳаммасини кўриб қолиш керак, деб ўйлардим. Йўқ, бекор, бари бекор, одам бор-йўғи бир мартагина яшар экан! Шошмаслик керак эди. Э!— У гўё «Сен барибир тушунмайсан», дегандек, ноумид қўл силтади.

Катта ўзбек трактига тушиб олдик. Машиналар оқими энди хийла камайган, йўлнинг икки томони қалин тутзор, қоронғида ваҳимали кўлагалардай қоп-қорайиб кўринади. Муздек шомол ғуриллаб ура бошлади.

— Ё ойнани ёпинг, ё плашингизни кийиб олинг!— дедим жунжикиб.

Маллаев орқага қўл чўзиб плашини энди олган ҳам эдики, худди тўп отгандек нимадир пақ этиб кетди. У сесканиб менга аланглади.

— Етиб келдик!— дедим шартта тормозни босиб.— Тамом, баллон ўлди. Нима девдим сизга, хўжайини!

Тушиб қарасам, айтганимдек, кап томондаги орқа баллон ёрилиб кетибди. Бошимни қашиб, ичимда Маллаевни, унга қўшиб ўзимни ҳам бўралаб сўкаётган эдим, у инқиллаб-синқиллаб машинадан тушиб ёнимга келди. Плашини елвагай қилиб елкасига ташлаб олибди, нақ саркарда Суворов дейсиз! Нима дейишини билмай, бир фурсат қаққайиб турди, сўнг базўр эгилиб, дами чиқиб ётган баллонни ушлаб кўрди.

— Энди нима қиламиз?

Маллаев кўзини олиб қочди:

— Билмадим. Запас баллон йўқмиди?

Эшикни қарсиллатиб ёпарканман, ансам қотиб тўнғилладим:

— Запас баллон нечта бўлади?! Қаршида бошига етувдик-ку, эсдан чиққидими?

Маллаев яна чурқ этмади, бўшашиб тураверди. Назаримда, кап томондаги орқа баллоннинг эмас, унинг дами чиқиб кетгандек эди.

Йўл ўртасига чиқиб, милтилаган чироққа умидвор тикила бошладим — гўё улар менга баллон берадигандек! Яқин келган машинага илтижо билан қўл кўтараман, қани энди!.. Беш-ўнта машина бепарво физиллаб ўтиб кетди. Албатта, аҳмоқми тўхтаб! Битта аҳмоқнинг ҳолини кўриб туришибди-ку! Бир «Жигули» билан силос ортан бир трактор тўхтаб ўтди-ю, қуруқ ҳамдардликдан бошқа нарса қўлларидан келмади.

Вақт алламаҳал бўлганда, баданимдан совуқ ўтиб, ҳамон



уфққа тикилганча шавкатли Суворовнинг ҳайкалидай қотиб турган Маллаевни қақирдим:

— Бу ёққа келинг.

— Нима дейсиз?— деди у тунд товуш билан. Бечоранинг безиллаб қолганини сездим.

— Машинани четроққа олиб қўяйлик,— дедим секин.— Шу ерда қолдик энди.

У итоаткорлик билан машинанинг орқасидан итара бошлади.

— Ғавго кўтариб маишатнинг ҳам белига тепдингиз,— дедим кабинага кириб ўтиргач.— Қорин пиёзнинг пўсти бўлиб кетди. Эсиз зиёфат-а!

Маллаев плашини тахлаб, орқа ойна олдига қўйди-да:

— Ҳозир, ҳозир!— дея энгашиб, оёғи остидан бояги қоғоз халтани олди.— Мана бунда егулик бор эди.

— Порами?— дедим ижирганиб.

Маллаев ўриндиққа газета ёзиб, халтадаги нарсаларни олиб қўяркан, ҳорғин бош чайқади:

— Порангиз нимаси, Файзуллажон! Мадина берди, қўймасдан. Қаранг, худди билгандек.

Газета устида ҳафсала билан кесилган оқ нон, колбаса, беш-ўнта тухум, барра пиёз, икки шиша минерал сув пайдо бўлди. Елим қоғоз ичидан ундек майда туз билан бир даста оппоқ салфетка ҳам чиқди.

— Уҳ-ҳў!— дедим оғзим очилиб.— Қойил-э! Тузгача бор-а! Жуда саранжом аёл экан.

Куракдай қўллари билан тухум арчаётган Маллаевнинг тўсатдан лаблари титраб, асабий жилмайди:

— Ҳе-е, ука! Рост айтасиз, саранжомликда тенги йўқ эди-ю... қадрига етмадик-да.

Оғзимга солган луқмам бўғзимда қолганча Маллаевга гарангсиб анграйдим: яна тўқияптими? Йўқ, мени кўрмаётгандек, тухум пўчоғига тикилганча сўзланиб ўтирибди.

— Бу Мадинага кимлар хуштор эмас эди, дейсиз! Э! Қўлимга бир гавҳар тушди-ю, мен нодон...

— Ие, ҳали...— дедим энтиқиб ва лоп этиб, Маллаевни бир ходимимизнинг тўйига хотини билан етаклашиб келгани ёдимга тушди.— Унда, қандай...

— Жудаям арзимаган нарса,— деди Маллаев ва сигарет сўради.— Шу даражадан майдаки, ҳатто ҳозир айтиб ўтиришга ҳам арзимайди. Файзуллажон, сиз жуда зукко йигитсиз, боя топиб айтдингиз. Шу гап менга қаттиқ таъсир қилди.

— Қайси гап?— дедим анқайиб.

— Айтдингиз-ку, Шумболанинг ёлғони деб... Тўғри.— Маллаев кўм-кўк тутунга кўмилди.— Бир оғиз ёлғон ўн оғизини бошлаб келади, бундан яна ёлғон туғилади, оқибат, кўрибсизки одам ҳам, оила ҳам, боринги, умр ҳам буткул эн... Мен буни уз билдим, кўрдим-билдим, ука.— Маллаев кўзларини юмиб, суяниққа ястанганча жим қолди.

Нима қиларимни, нима деяримни билмасдим — бу улкан гўдакка тасалли бергали сўз қаҳатдек эди.

— Мендан хафа бўлманг, Эшназар ака,— дедим хиёлдан кейин.— Ўзингиз тушунган одамсиз, мен сизни ҳурмат қиламан бир... акамдек, лекин бу лўттибозликнинг нима кераги бор эди? Ахир, у бечоралар бизга шунча иззат кўрсатди, биз эса, ёш боладек алдаб...

Маллаев бош ирғаб, уф тортиди.

— Ёлғонсиз яшаш қийин, Файзуллажон. Аммо, қанча қийналсангиз ҳам майли, лоақал сиз ёлғон гапирманг. Мен сизга буни бир умр алдаб-алданиб ўтган одам сифатида айтяпман. Тўғри, улар... мени шундоқ ҳам бошларига кўтаришарди, лекин... Ҳаммамиз ҳам одаммиз-да: сездин-

гизми, уларга мен машина олиб юрадиган одам сифатида кўпроқ маъқул бўлдим. Ўзим ҳам бунга баъзан буткул ишониб кетаман. Урасизми-сўкасизми, шундай-да.

— Таваб! Қўрқмайсизми?— дедим тирсагимни суяниққа тираб.

— Мен бу ерда ўн йил ишладим. Гуриллаган даврим эди, дўсту душман ҳозиргача етарли, кўрдингиз. Умидим шуки, уларнинг ҳеч бири Оҳангаронга келиб мени изламас. Энди, мени бундай абгор — ойига юз ўтти оладиган ҳолда лоақал шулар кўрмасин.— Маллаевнинг бўғриқиб кетган ялпоқ узларида, дўнг пешонасида тер томчилари йилтиларди.— Бир томчи ёшнинг қурбони бўлганман, ука. Э, майли! Жигаримнинг бир парчаси шунда, ҳар қалай...

Маллаевнинг пойинтар-сойинтар туюлган гапларидан бир нима илғамай, аста ташқари чиқдим.

Осмон тўла юлдуз, жимир-жимир жилваси кўнгилга ғулув солади. Поёнсиз дала йўли ўртасида тўхтаб ётган машинадан деразасидан милтиллаб хира ёғду таралади. Аллақайдан узоқлаб кетаётган поезд товуши эшитилади.

Тутзор томон оҳиста одимлаб борарканман, чигирткалар ноласига қулоқ тутганча, Маллаевнинг жумбоқ тўла ҳаётини ўйлар, унинг юрагида ўзи ҳам англаб етмаган, ҳал этмоққа ўзининг ҳам қурби етмаган аллақандай мубҳам дард пинҳон эканини ғира-шира пайқагандек бўлар эдим. Ҳаёлимда эса бир-биридан чигал саволлар теграмни қуршанган чивиндек чарх урарди: нима учун шундай? Нега шундай уддабурро одам, ўтган умрини эслаганда лаблари аламдан буришиб кетади? Нима учун у ўзи истагандек яшамасди? Алдамай, алданмай?.. Яшай олмадимми? Ким билсин!.. Айтмоққа осон. Агар бундан ўттиз йил бурун кимдир Маллаевга келажакини шундай башорат қилса, балки уриб ўлдирармиди? Мана, ҳозир Маллаевнинг устидан ҳукм юргизиб турибман, лекин ўн беш, йигирма йил кейин ўзим қай аҳволга тушар эканман?

Машинага қайтиб келганимда, Маллаев бошини кафтига қўйганча ухлаб қолган эди. Костюмимни елкамга ёпиб, қийшайганча мен ҳам аста ёнбошладим. Бироқ уйқум ўчиб кетган, оқсоқ Муртазо, пиёла чангаллаган Бердирахмат, тутларнинг ваҳимали кўланкаси, ерга тикилиб турган Мадина, Сафар Ашуровичнинг катта китоби, қамишзорда кулча бўлиб ётган илон, спорт газетаси — бари-бари ғалати, маххум тафсилотлари билан миямдан кетмас эди.

Эртаси тушга қолмай шаҳарга кириб келдик. Сафарга жўнашда Маллаевнинг ўзини олиб кетган эдим, қайтишда қуруқ суратини олиб келдим.

Якшанба ўтиб, душанба кун ишхонага бордим. Тушлик қилиб келаётсам, йўлакда кимдир билагимдан шаппа ушлади: Маллаев! Юрагим шув этиб кетди — тагин не балони бошлади экан?

— Ҳа?— дедим ҳовлиқиб.

Маллаев сирли илжайди:

— Бу ёққа юринг.

Тирсагимдан тутганча ҳовлига бошлаб чиқди. Бурчакдаги газета дўкони олдига етгач, тантана билан:

— Қалай?— деди чиптага ўраб, деворга суяб қўйилган аллақандай кўчатларга ишора қилиб.

— Нима бу?

— Хурмо! Икки тупи сизга, ҳовлига экасиз.

— Ия! Қаёқдан топдингиз?— дедим астойдил ажабланиб.

— Уғлим опкелди. Уғлим!— деди Маллаев оғзи қулоғига етиб.— Ана ўзи!

Газета дўкони ортида қари теракка суянганча жингалак сочлари сарғиш бир йигитча турар эди.

## Бир оғиз сўз



Т ушдан кейин райижроком раиси Соатовнинг ошқозони яна оғриди. Гўё ичига бир типратиқан кириб олгану ошқозонини аллақачон еб битириб, энди ичак-чавоқларини кемираётган-дек... Соатов ихраб, ҳайҳотдек кабинетда букчайганча

нари-бери юра бошлади. Кетворай деса, ярим соатдан сўнг мажлис қақриб қўйган. Шкафдан дори олиб ичди, диванга қийшайиб ёнбошлади. Беш-ўн дақиқа ўтгач, оғриқ пича пайсийиб, кўз ўнги ёришгандек бўлди. Соатов бу шифобахш лаҳзаларни шу тобда ҳеч нарсага алмашмас эди, фақат,

ҳозир кимдир кириб, оромидан айришидан балодан кўрққандек кўрқарди. Котибага, инсон зотини киритма, деб тайинлаб қўймоқчи бўлди-ю, бироқ, назарида, ўрнидан турса, оғриқ яна кўзғалиб кетадигандек туюлиб, ғужанак бўлиб ўтирганча мизғийверди.

Орадан қанча ўтди — беш минутми, беш соатми — билмайди, бир пайт алланарсанинг тарақлаб кетганидан сесканиб кўз очди. Ола-тасир шовқин қабулхонадан эшитиларди. Соатов ижирғаниб юзини буришгиди — у билан бирга жиндак мизғиган типратикан ҳам уйғониб, ебтўймас, ўткир тишларини тағин ишга солган эди.

Кабинетга бир-бирини сургагандек бўлиб икки киши кирди. Одамнинг қаттиқ жаҳли чиқса, афт-ангори ҳам буткул ўзгариб кетаркан, Соатов уларни аранг таниди: уккикўз, тақамуйлов дароз йигит — йўл қурилиш бўлимининг бошлиғи Манноп, Манноп Абдураҳимов; буниси — ўзининг кўлида ишлайдиган, икки йил аввал университетни битириб келган Обид деган маҳмадона бола.

«Яна не бало бўлди экан?», деб ўйлади Соатов қорнини чангаллаганча жойига ўтиб ўтираркан.

— Нега мени алдадингиз?! — дея лаби гезариб сўради Обид. У қип-қизариб кетган, мана ҳозир йиғлаб юборгудек бир алфозда титраб турар эди.

Соатов уни қачон, нега алдаганини эслаёлмади. Айтмоқчи, бу ўзи бир ҳафтадан бери ишда кўринмайди-ю, нимага бундай ўдағайлапти?! Асли, бошда ўздан ўтган: бутун районни зир титратган одам, шу мушздай болани букиб ололмади. Соатовга унинг ҳеч кимдан тап тортмаслиги, қандайдир ғалати гап-сўзлари, ҳатто, баъзан: «Мен областининг вакилиман!», деб унча-мунча ишдан бўйин товлашлари ҳам мароқли туюлар, шу боис «сўнгги марта», деб қайта-қайта «бир қошиқ қонидан кечар» эди. Обид табиат ва тарих ёдгорликларини қўриқлаш бўйича инспектор эди, буям Соатовнинг кулгисини қистатарди: ҳа, бу ер Самарқанду Бухоромидики, ёдгорлик қўриқласанг — тўрт томон қир-адир у тоғу тош, кимга зарур!

— Сен нима дейсан? — деди у Обиднинг гапини эшитмагандек, Маннопга юзланиб.

Манноп энди оғиз жуфтлаган эди, Обид бирдан алам билан чийиллади:

— Йўқ, олдин менинг арзимни эшитинг! Э, бу қанақаси! Мени алдаб лавлагига жўнатдингиз. Телага ҳеч ким тегмайди, деб ваъда берувдингиз. Мана бу акам бўлса, бульдозерини тираб турибди! Нега мени алдадингиз?

Соатов шундагина уни ўтган ҳафта «ғалаба» колхозига — лавлага юлаётган ҳашарчилар олдига вакил қилиб юборганини эслади.

— Ғирт жинни экан-ку бунингиз! — деди Манноп вишиллаб. — Бульдозернинг олдига ётиб олибди, эрталабдан бери иш тўхтаб қолган, тағин ҳам бульдозерчим инсофли бола, мен ўзим бўлганимда, тепа-мепасига қўшиб суриб ташлардим!

— Суриб бўлсан! Суриб бўлсан! Тағин ўзинг сурилиб кетмагин! — деб қичқирди Обид бўйинини чўзиб.

— Э, ирғишлама! Ирғишлама-е! Ҳе, сени ўша эрка қилиб қўйгандан ўргилдим! — деди Манноп ўдағайлаб.

Обид ҳам жўжаҳўроздек сапчиб турди. Соатов унинг билагидан тортиб, Маннопга хўмрайди:

— Қани, кекирдагинга зўр бермай жойингга ўтирларинг-чи! Отхонами бу ер!

— Кўрмайсизми... — деди Манноп бирдан паст тушиб.

— Кўраман! — деди Соатов жаҳл билан. — Шу идорадан ахир бир кун ўлигини судраб олчикасанлар-да. Ғавго устига ғавго, жанжал устига жанжал, билмайман, оналаринг калтакка бошқоронги бўлганми! Хўш, нима гап?

Негадир Манноп ҳам, Обид ҳам жим бўлиб қолди. Соатовнинг аҳвол-руҳияси бирданига уларни ўнғайсиз вазиятга солиб қўйган эди.

— Ҳа, гапирларинг энди?

— Э, кўрмайсизми, — деб такрорлади Манноп, — мен эрталаб областа кетувдим. Тушликка яқин қайтиб келсам, Бодомтепада қий-чув тўполон; иш тўхтаб қолган, бульдозерчи хуноб. Бу бўлса, тумонат одамни бошига йиғиб олиб, чуввос соляпти. Ҳеч гапга кўнмайди.

Соатов унинг гапини бўлиб, Обиддан сўради:

— Сен нега лавлагини ташлаб бу ёқда юрибсан?

— Лавлагини ит ҳам еяётгани йўқ, турибди! — дея қўл силтади Обид чўзинчоқ юзларига қон тепиб. — Ун беш минг йиллик тарих вайрон бўлиб кетяпти-ю, сиз лавлага дейсиз! Нега мени алдадингиз?

— Э, қачон алдадим? Тўтиқушга ўхшаб нуқул... — Соатов қорнидаги оғриқни ҳам, жаҳдини ҳам аранг босиб, муроса оҳангида гапирга бошлади: — Ҳой, ука, ёш боламисан? Биз ҳаммамиз йўлни байрамгача битирамиз, деб ўлиб-тирилиб ётса-у, сен бунақа қилиб... Уят-э!

— Нега уят бўлар экан? — деди Обид пинагини бузмай. — Халқининг тарихини яқсон қилдираётган мана бунга уят, билдингизми! Агар шунинг ёнини олсангиз, сизга уят, билдингизми!

Соатов дафъатан довдираб қолди. Э, бунинг авлодида лўли йўқ эди шекилли!

— Менга қара, — деди у оғир ҳансираб, — шу йўл лаънати битта менга керакми? А? Ё фақат мана бунга керакми?

— Ҳовлимнинг ярми йўлга тушиб бузилиб кетди, чурқ этганим йўқ-ку, — деб тўнғиллади Манноп. — Онам ҳар кунги обидида қилади. Хайрият-хайрият, уй-жойингдан бирор қарич ўтиб қолмагани! Унда, билмадим, бошимизни уриб ёрармидинг!

— Ахир, нега тушунмайсизлар! — дея бўғилиб қичқирди Обид. — Бодомтепани бузиш мумкин эмас! Галина опа нима дедди, эсингиздан чиқдимиз? — деди у Соатовга юзланиб. — Бу жой ҳали районингизнинг фахри бўлиб қолади, демаганмиди! Бу жойни кўришга ҳали бутун дунёдан одамлар келади, деганини ўз қулоғингиз билан эшитувдингиз-ку, Нормат ака!

— Бутун дунёдан одам келар бўлса, ўшаларга йўл керакми, ахир? — деди Соатов бўш келмай. — Уша Галина опанг келганда ҳам уялиб ўлганмиз, машинаси тиқилиб...

Обид мих устида ўтиргандек бетоқат типирчилай бошлади.

— Нормат ака! Манноп ака, наҳот мени йўлга қарши, деб уйласанглар? Э, йўқ! Йўл азобини мендан сўранг: институтда ўқиб юрганимизда ҳам, эгнимизда дазмолланган шим, автостанциягача эшак миниб тушардик, ахир! Лекин йўлга Бодомтепадан бошқа жой қуриб кетганми? Нарирокдан олиб ўтса ҳам бўлади, ер тўлиб ётибди-ку!

— Ол-а! Тўлиб ётганмиш! — деди Манноп кўзлари олақула бўлиб. — Смета-чи? Пул-чи? Ортиқча харажатни катта холамдан оламанми?

— Лойиҳа шундай, — деди Соатов календарга тикилиб. — У пайтда билмаганмиз-да Бодомтепангиз бунақа кароматини. Энди, сал четини қиялаб ўтиб кетади, бошқа иложи йўқ. Бўпти, келишдик.

— Нимани келишдик? Қанақасига келишдик? — Обид ҳуши учиб, бошини чангаллади. — Ахир, у ёқда Галина опа экспедиция тайёрлаб ётибди-ку, кўкламда келади!

— Э, қизиқмисиз, Нормат ака, пачакилашиб ўтираминми шу билан! — деди Манноп қўлини пахса қилиб. — Улгурломайман, деб жоним ҳалак, бу бўлса... Кеча ўртоқ Ҳамроев ҳам қақириб суриштирдилар.

— Ана, эшитдингми, ука! — деди Соатов ўрнидан туриб шафқ томон юраркан.

— Эшитдим, — деди Обид. — Майли, агар сиз ҳал қилмасангиз, ўртоқ Ҳамроевга ҳам қираман.

— Бемалол, бемалол. — Соатов шафқдан бояги дорисини қидираркан, мийиғида қулиб қўйди.

— Нормат ака, шошманг! — деди Обид ҳам жойидан ирғиб. — Сизда миллий гурур деган нарса борми?

Соатов шафқ эшигини қарсиллатиб ёпанча тутатиб унга ўгирилди.

— Йўқ! Йўқ! — деб бақира кетди у. — Гурурияям, ақлияям, маҳмадонагарчиликниям сенга йиғиб берган! Ҳаммасини фақат сен билсан! Ҳой, бола, ёшсан, орқа-олдини йўлаб гапир, тилингдан тойиб кетма тағин! Пахта — мана, менинг миллий гурурим!

— Нега жаҳлингиз чиқади? — деди Обид тап тортмай. — Майли, мен ҳеч балони билмай қўяқолай. Лекин Галина опа бир нарсани билар? Академик Пугаченкова билар? Ахир, у эрта-индин келиб қолса, нима деймиз?

— Қолганини кавласаям, ў, қанчага етади! — деб илжайди Манноп.

— Нима дердик, шундай аҳвол деймиз-да. — Соатов

чайнак тагидаги чойни пиёлага сирқитиб қуйди. — У сендай нодон бўлмаса керак, шароитимизни тушунар. Қолаверса, мен унинг аспиранти эдиммики, кўрқсам!

Обид, товуши товланиб, энди ялинишга тушди:

— Нормат ака, мени аспирантлигимни қўйинг. Лекин, ўзингиз ўйланг: ахир, бу тепаларнинг тагида ҳали, ким билсин, не хазиналар бор экан...

— Бе, тилла нима қилади бу ерда! — деб қўл силкиди Манноп энсаси қотиб.

— Нодон одамсиз, Манноп ака! — деди Обид афсус билан бош чайқаб.

— Ким, ким нодон?!

— Бўлмаса, шундай дермидингиз? — деди Обид ачиниб. — Бўлмаса, тиллодан минг-миллион баравар қиммат хазиналар борлигини тушунардигиз. Э, билмайман, бу бизнинг одамлар археологдан «Тилла қидиряписизми?», деб сўрашни бас қиладиган кунлар қачон келар экан!..

Соатов унинг жимиб қолганини кўриб, гапни яқунлади:

— Бўпти, бўлмаса.

— Шошманг! — деди Обид жонсарак аланглаб. — Жон Нормат ака, сиздан шу пайтгача бирор нарса сўраган эмасман, илтимос, бир оғиз сўзингиз, йўқ деманг. Йўлни шундоқ беш юз метрча наридан ўтказса бўлади-ку!

— Мени турмага тикмоқчи бу! — деб айюҳаннос солди Манноп. — Қамоқда чиритмоқчи! Ҳой, икки қулоғинг билан эшитиб ол: ярим сантиметр ҳам бурмайман, тушундингми?! Обид ҳамон Соатовга умидвор термилиб турарди:

— Бу тепаларнинг устида Бобур йигитлари билан гулхан ёққан, Нормат ака!..

— Ҳа, ёққан бўлса, ёққандир, — деди Соатов ҳорғин. — Нима қилай энди? Сен болага ҳайронман ўзи. Туппа-тузуқ одамга ўхшайсан-у, қаёқдаги култтепаларга ёпишиб олгансан. Ҳа, дуруст, илгари шундоқ бўлса бўлгандир, мен бир нарса деяётганим йўқ. Лекин, нега бугунги қилаётган ишларимизни мундоқ бир тананга ўйлаб кўрмайсан? Ана, ўзинг айтдинг боя, студентлигимда ҳам эшак миниб лойга ботиб юрардим, дединг. Ана шундоқ хароб Бешқашқангни шаҳар қиялпмиз! Тошкентнинг нақ ўзи бўлади! Ана, хув Шуварда нур станция қурялпмиз, битсин, кўрасан, райони-миз бутун Союзда ягона бўлиб қолади!

— Тўғри-тўғри, — деди Обид шоша-пиша бош ирғаб. — Биламан, зўр ишлар бўляпти. Аммо ҳали Бодомтепа бутун жаҳонда ягона бўлиб қолиши мумкин. Тангаларни кўрдингиз-ку, ахир!

— Ҳе! — деди Соатов белисанд. — Ваҳиманг оламни бузади, чиққани йигирмата мис танга бўлди, уям қалбаки экан!

— Э, ана шуниси қизиқ-да! — деди Обид ҳовлиқиб. — Биласизми, бу нимани билдиради? Галина опанинг тахминича, ўн аср бурун бу ерда улкан бир шаҳар жойлашган. Ҳатто сохта пул ҳам ясалгандан кейин, демак, ўзига яраша ривожланган маданият бўлган. «Труд»даги мақолани ҳам кўрсатувдим-ку, эсингиздами? Ажабмас, манави тепалардан лоп этиб Далавэрзиптепадагидек ноёб хазиналар чиқиб қолса! Галина опа билмаса, бир ишга киришмайди, ишонаверинг.

Соатов шляпасини кийди: беш минутдан сўнг мажлис бошланади.

— Ҳўп, ишондик, — деди у. — Майли, яна бир ўйлаб кўрармиз. Мундай ёқа бўғишишни бас қилинглр-да, иш-ишларингга боринглр.

— Э-э, Нормат ака? — деди Манноп анграйиб.

— Сен бульдозерингни ҳозир Дамарикқа юбор, икки соатлик иш бор — сув тошиб, мактабнинг кўмирхонасига уриб кетибди. Мен унчага бир маслаҳатлашай-чи.

Манноп билан Обид Соатовнинг ҳузуридан чала рақиб, чала дўст бўлиб чиқдилар.

Соатовнинг шу бўйи иши ҳам, мяси ҳам қайнаб кетди. Кечкурун ўн бир яримда дарвозаси олдида машинадан тушаётгандагина бирдан йўл можаросини хотирлади, бу тўғрида ҳеч бир ўйламаганини, ўйлаёлмаганини эслади, эслади-ю, энди барибир бирор нарсани ўзгартириш мушкул эканини ҳам эътироф этди.

Кечаси аллавақтгача уйқуси келмади. Ошқозони тагин оғриди. Қоп-қоронги шифтга тикилиб ётаркан, негадир Обид ёдига тушиб, гаши келди. «Бир оғиз сўзингиз», дейди.

Ҳе, нодон бола, билмайдики, бир оғиз сўз учун минг оғиз мулоҳаза даркор!

«Бошлиқ бўлиш қийин, — деб ўйлади боши ғувиллаб. — Лоақал теварақдагиларнинг ёлғон-яшиғига учмаслик учун ҳам қанча ақл, қанча куч керак!..»

Эрталаб ишга келиб, йўлақдан ичкари кираётганида, ҳар кунги одати бўйича «Район янгиликлари» деган лавҳа битилган ойнаванд тахтага кўз ташлаб ўтди. Тахтанинг қоқ ўртасида қизил сиёҳ билан ёзилган қандайдир эълон пайдо бўлибди:

## «НОЁБ ТОПИЛМА

Районимиздаги Бодомтепа тепалигидан яқинда археологик қазувлар вақтида бир қанча қимматли буюмлар топилди. Улар орасида сопол кўза ичидан чиққан мис тангалар айниқса диққатга сазовордир. Академик Пугаченкованинг аниқлашича, бу тангалар сомонийлар сулоласига мансуб бўлиб, X асрда зарб этилган. Қизиғи шундаки, текширишлар уларнинг қалбаки эканини кўрсатди. Тангаларда уларнинг Кавардак деган жойда зарб қилингани ҳақида белги бор. Кавардак эса районимиз территориясидаги Кавардон қишлоғининг қадимги номидир. Бу топилма хусусида «Труд» газетаси ҳам мақола босиб чиқарди.

Сўнг пастроққа газетадан қирқиб олинган «Фальшивомонетчик из X века» деган шопалоқдек мақола ёпиштирилган эди. Унг томонда эса, қоп-қорайиб кетган кўхна бир танга оқ сурпга қадалиб, тахтага илби қўйилган. Унинг тагидаги изоҳ ҳаммасидан ҳам ўтиб тушган эди: «Мана, ўша тангалардан бири. Бодомтепада ўн аср бурун яшаган қаллоб кимсалар тақдир не кечгани бизга қоронғи. Аммо уларнинг қалбаки иши, мана, ўн минг йилдан кейин ҳам очилиб турибди. Демак, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йил эмас, ўн минг йилдан кейин ҳам биланаркан. Ҳа, сохта сўз, ёлғон иш барибир қачондир фош бўлмай иложи йўқ!»

Бу «номанв аъмоллар» тагида эса кўк сиёҳ билан ингичка қилиб «О. Жумаев» деб имзо қўйилган эди.

Соатов, Обиднинг ўзидек қилтириқ ҳарфларга андак тикилиб турди, аввал кулгиси қистади, сўнг гўё кимдир писанда қилаётгандек туюлиб, аччиғи чиқди.

«Зумраша-ей! Индамасанг, бошга чиқиб олади! Ҳозироқ олдиртириб ташлаш керак!», дея кўнглига тукканча, шитоб юриб ичкарига кирди. Қабулхонада уни ўн беш чоғли одам кутиб турарди — бари арзғўй! Соатовнинг ҳуши учди, бироқ энди жойига ўтириши билан телефон жиринглади: обкомнинг янги секретари ўртоқ Валиев бир гуруҳ олимлар билан бирга нур станциясини кўргани келмоқда эди!..

Соатов арзғўйларни муовинига рўпара қилди-да, апил-тапил шляпасини кийиб чиқиб кетди.

Нур станциясидан тушдан кейин қайтиб келишди. Валиев хурсанд, шу боис бошқа раҳбарларнинг ҳам кайфияти чоғ эди: станциядаги ишлар кўнгилдагидек бормоқда. Район ижроком олдида машиналардан тушилгач, Соатов уларни ичкари бошлади. Валиев Москвадан келган оқ соч, қорақош кекса академикни қўлтиклаб олган, ниманидир аста гапириб келар эди.

— Қани, марҳамат! — деди Соатов зинапоёга етган ортига қайрилиб ва ранги қув ўчиб кетди: Валиев «Район янгиликлари» тахтасига тикилиб турарди.

«У, ярамас Обид! — деди Соатов хаёлан чапагини чалиб. — Шарманда қилдинг-ку, хумгазак!»

Валиев кўзойнагини тақиб, тахтадаги ёзувларга бир сидра кўз югуртиргач, Обиднинг «ижоди»ни ўқиб бошлади, қошлари чимирилди.

Соатов энди Обидни эмас, парижонлиги учун ўзини лаянатларди.

Валиев тахтадан нигоҳини узиб, бирдан жилмайди.

— Буни қаранг, Ян Борисович... — дея ҳамроҳининг тирсагидан тутди-да, ўқиганларини унга таржима қилиб берди.

Ян Борисович кулиб-кулиб, бош ирғаб эшитди, газета мақоласини ўқиб чиққач:

— Антиқа агитка бўпти! — деди.

Соатовнинг юзига қон югурди.

Меҳмонлар ўн беш минутча тўхтаб, нафас ростлагач, ҳамма қўшни районга жўнади: область қишлоқ хўжалик



ходимларининг кенгашини ўша ерда ўтказиш белгиланган эди.

Соатов ҳам «Газик»да изма-из йўлга тушди.

Кенгаш улар етиб келиши биланоқ бошланди. Биринчи бўлиб минбарга Валиев чиқди.

— Биз ҳозиргина қўшни райондан келяпмиз, — дея сўз бошлади у шойилмай. Соатовнинг юраги негадир шув этиб кетди. Чорва масаласи ҳам, ғаллаю полиз масаласи ҳам ёмон эмас, аммо, маълумки, «ёмон эмас» дегани — «яхши» дегани ҳам эмас-да! — Биз у ерда кўп маъқул ишларни кўрдик. Аммо мен ҳозир бу районда ҳўжалик соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида эмас, бошқа нарса тўғрисида бир оғиз гапириб ўтишни истардим. — Жимжит зал баттар сукунатга чўмиб, шифтдаги парракларнинг шитирлаб айланиши ҳам баралла эшитила бошлади. — Биласизлар, Бодомтепа деган машҳур бир жойи бор. Шу ерда археологик қазувлар натижасида қадимий тангалар топилди. Бу тангалар ўнинчи асрда зарб қилинган бўлиб... қалбаки экан. Райондаги ўртоқларнинг тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидай сақлашга интилишлари ибратли, албатта. Лекин улар бу фактдан жуда яхши кўргазмани кўрол сифатида ҳам фойдаланибдилар. Биз «Район янгиликлари» деган тахтада шундай сўзларни ўқидик: — Валиев чўнтагини ёндафтарчасини олиб, кўзойнагини тақди: — «Бодомтепада ўн аср бурун яшаган қаллоб кимсалар тақдири не кечгани бизга қоронғи. Аммо уларнинг қалбаки иши, мана, ўн минг йилдан кейин ҳам очилиб турибди. Демак, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йил эмас, ўн минг йилдан кейин ҳам билинаркан. Ҳа, сохта сўз, ёлгон иш барибир қачондир фош бўлмай иложи йўқ!» — Валиев ёндафтарчасини ёпиб, сув қуйгандек жимжит залга нигоҳ ташлади. — Бу, менимча, жудаям топиб айтилган сўз, ўртоқлар. Қанийди, шундай сўзларни ҳар бир идорамизга осиб қўйсагу уларга ҳамиша амал қилсак!

Қарсақ янгради. Соатов ҳам қизариб-бўртиб чапакка кўшиларкан, лолу ҳайрон эди: қачон ёзиб олишга улгурди экан, қачон?!

Валиев бежиз бундай муқаддима қилмаган экан — жойларда юз бераётган камчиликлар, кўзбўямачилигу

сохталиклар хусусида қарийб бир соат шундай куйиб-ёниб, қаҳр билан гапирдики, беихтиёр барчанинг кўнглидан: «Хаммасини биларкан!», деган фикр ўтди.

Соатов энди мажлисда қандай ўтирганини билмасди. Биров устидан бир челак сув қуйиб юборгандек музу мулзам тортиб борарди. Бетоқат типирчилаб дақиқа санаркан, Обиднинг кечаги илтижолари эсига тушар, бунга сари баттар ич-эттини ер эди: «Бир оғиз сўзингиз», деб шунча эланди-я!

Бир оғиз сўз! Улуғвор, қудратли сўз!

Нега шу ҳовлиқма Маннопнинг гапига кирди ўзи? Обид бечора шунча чиркиради-я! Смета, лойиҳа эмиш!.. Райижроком янги биносининг сметаси неча марта бузилган эди? Беш мартами?..

Соатовнинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Ҳозир зудлик билан Бодомтепага бориб Обидни топиш керак! Йўқ, аввал анави Манноп... Ишқилиб, у ўпкаси йўқ ишни расво қилган бўлмасин! Бу, Обид қаерда экан-а?

Мажлис тугади. Таниш-билишлар бир-бир келиб, Соатовни табриклай бошладилар. Аммо унинг қулоғига гап кирмас, «Раҳмат, раҳмат» деганча, атрофга олазарак аланглаб, эшикни қидирар эди.

Бир амаллаб ташқарига чиқиб олгач, шерикларини ҳам кутмасдан шофёрга:

— Ҳайда! — деди.

— Уйгами? — деб сўради шофёр мудроқ товуш билан.

— Йўқ, Бодомтепага! — деди Соатов сабрсиз оҳангда. — Тезроқ бўл, э, жонингни борича ҳайда!

— Бир оғиз сўзингиз! — деди шофёр.

Соатов унга ялт этиб қаради.

«Бу, Обид қаерда экан-а?», деб ўйлади яна.

Обиднинг шу тобда уқасининг самосвалида, яйдоқ адирлар аро юраги ёрилгудай бўлиб Тошкентга — Галина опанинг ҳузурига бетоқат елиб кетаётганини Соатов билмасди.

Машина чироқларини ёққанча гувиллаб борар, дераза ойнасидан ташқарига тикилиб ўтирган Соатовга, қоронғида гунгурдек бўлиб кўринаётган ҳар бир адир, ҳар бир тепнинг тагида бир гап бордек туюлар эди.

## Дўстим Эсонбой

**С**изга дўстим Эсонбой ҳақида гапириб бермоқчиман-у, зерикиб қолармикансиз, дейман-да. Чунки Эсонбойнинг оғиз тўлдириб айтгулик жиҳати кам: эрталаб ишга боради, кечқурун келади, биров билан иши йўқ, жиндак бўш вақт топса, рузгорини бола-чақасига андармон. У колхозда ишлайди, Хол аканинг боғ бригадасида. Аввал табелчи эди, икки йил бўлди, ўз ихтиёри билан топширди. «Нега бундай қилдингиз, Эсонбой?», деб сўрасам, у кулимсираб: «Қийин экан. Эрталаб ҳар кимнинг эшигида, жон ака, бугун хомтоққа бориб келинг, деб сарғайиш жонингга тегиб кетди», дейди.

Эсонбой кўкламда ток очади, боғ чопади, суғоради. Ёзда ўтоқ қилади, чуғурчиқдан кўрийдди. Кузда эса биринчилардан бўлиб, Бекободгами, Бўкагами, Оққўрғонгами «ўн кунга» пахтага кетади, шу кетган бўйи планлар тўлиб, ҳосил байрами бўлаётганда уйига кириб келади.

Дўстим Эсонбой билан ўн йил бирга ўқиганмиз. Ун беш йил бурун. Ушандан буён саккиз улфат бир давра бўлиб, куз, қиш кунлари «гап» еймиз. Бу давра шунча вақтдан бери тарқамай келаётган экан, буни фақат Эсонбойнинг хизмати деб билмоқ керак. У зиёфатларда жимгина чой куйиб ўтиради, гапирса ҳам, болаларининг қилиқларини айтиб кулади: «Кеча Жалолга «Амакин армиядан келса, шапкасини сенга беради», десам, «Амакин солдатми?», деб сўради. «Ҳа», десам, «Бизаникимми, немисми?», дейди».

Ҳар гапги ўтиришимизда албатта бир нохуш воқеа юз берган бўлади: улфатлардан бирининг хотини аразлаб кетган, кимдир қўшниси билан шайтон эчки устидан санманга борган, биров ишхонасида бошлиғи билан айтишиб қолган... Можаролар обдан муҳокама қилинган, элчилик вазифаси албатта Эсонбойнинг зиммасига тушади.

Дастлаб бунга жуда ҳайрон бўлардим. Эсонбойдек камгап, тортинчоқ одамга бундай юмушларнинг топширилиши соқовга азон айтишни буюргандек кулгили туюларди. Лекин, кейинчалик, у бир неча бор ўзимнинг ҳам мушкулимни осон қилгач, бунга тан бердим.

Дўстим Эсонбой билан уйимиз яқин — иккаламиз ҳам қишлоқнинг четига янги ҳовли қилиб чиққанмиз. Уйимизнинг нарёғи шундоқ далага туташиб кетган, гирдо-гирди қирлар... Эсонбой баъзан кечқурунлари чопонига ўраниб, ўғилчасини кўтарганча «ҳангамалашгани» келиб қолади. Хурсанд кутиб оламан — эшигидан дўст келса, яхшида. Чой устида ундан-бундан гурунглашамиз, лекин, асосан мен жаврайман, Эсонбой бош ирғаб жим эшитиб ўтиради. Баъзан жағим чарчаб, гап тополмай қоламан. Шунда бир-биримизга қараб, индамай чой ичаверамиз. Ниҳоят, Эсонбой ўрнидан туради: «Биз борайлик энди». «Оббо, Эсонбой, — дейман кулгим қистаб, — тоза мириқиб хангамалашдик-ку, а? У индамай кулимсираб қўяди. Уни кузатиб қайтар эканман, кўнглим доим тинч, осойишта бўлади.

Агар мен министр бўлганимда эди, ҳеч иккиланмай Эсонбойни ўзимга ёрдамчи қилиб олган бўлардим — камсуқум, камтар, камгап; қудуқнинг ўзи — истаган сирни айтиш мумкин. Лоақал генерал бўлганимда ҳам, ўйлаб ўтирмай Эсонбойни ўзимга адъютант қилиб олардим — қалқондек ишончли, садоқатли, асло панд бермайди. Афсуски, шу пайтгача на министр бўлдим, на генерал, бундан кейин ҳам бўлмасам керак — олти киши ишлайдиган шу «2-алоқа бўлимининг бошлиғи» вазифасидан нари ўтмаслигим тайин, негаки, ўтган йили областдан келган комиссия мени мақтаб, шу ердан пенсияга чиқасиз, деган.

Эсонбойнинг нодир салоҳияти куйиб кетаётганига ачинаман, муносиб жойга тавсия қилай, десам, бахтга қарши, на бирор министр, на бирор генерал билан ошнаман.

Мана, дўстим Эсонбойни ҳозиргина кузатиб қайтдим. Бу гал у бежиз келмаган экан, мени Маъруф билан ярашинг, деб даъват қилди. Маъруф — давредош улфатимиз, автосервисда уста, ўтган ҳафта хоккейдан тортишиб ўтириб, иккаламиз жиндак қизаришиб қолдик. У ҳам ён беришни истамади, менинг ҳам кейин узр сўрашга бўйиним ёр бермай, тумтайишиб тарқалишган эдик. Энди бу шанба Маъруфнинг уйига йиғилишимиз керак. Эсонбой шунга мандав хавотир олиб...

— Маъруф ўзи пушаймон. Эртага бормасангиз бўлмайди, болалар хафа бўлади, — деди у.

— Қандай қилиб бораман? — дедим қовоғимни солиб. — Узингиз кўрдингиз-ку, Эсонбой! Бу, Маъруф жуда шишиниб кетган экан, билмас эканмиз. «Сенга гапни ким қуйибди!», дейди! Йўқ, Эсонбой, оғзи қийшиқ бўлса ҳам боининг ўғли гапирсин, деган замонлар ўтиб кетган. Мандав хафа бўлманглар, шундоқ одам билан қандай улфат бўлай?

— Майли энди, кўнглингиздан чиқаринг, — деди Эсонбой гуноҳкорона ерга тикилиб. — У ўзи ҳовлиқмарок, биласиз-ку. Энди, ўзимиз оз қолдик, бундай бир-биримизга терсайишиб юрсак... Ҳаммамиз бир одам бўлсак...

Эсонбой секин, аммо шундай салмоқ ва салобат билан сўзлайдики, худди кинодаги Юсуфбек ҳожи дейсиз. Отабекка ўхшаб, гапини қайтаролмай қоласиз. Хуллас, эртага «гап»га бораман, Маъруф қизариб қўл чўзади, ярашарас, ўйин-кулги...

Эртаси кечга яқин ишхонада йўқолган бир телеграммани тополмай хуноб бўлиб ўтирсак, эшик аста қия очилди: Эсонбой. Ичкарига оҳиста мўраллади-да, «Ие», деб қайта ёлди.

— Кираверинг, кираверинг, — дедим.

Эсонбой ийманибгина кириб келди:

— Ишдан қўяман-да...

— Э! — дедим қўл силтаб. — Иш барибир чатоқ. Утиринг... Бўпти, қизлар, бораверинглар, яна бир яхшилаб қидириб кўринглар-чи.

Эсонбой стулга омонатгина чўқди. Мен унинг киртайиб кетган кўзларига, озгин, чўзинчоқ, аллақандай сирли ва ғамгин чехрасига қарадим. Эсонбойнинг юзи умри муттасил азобда кечган зоҳид қиёфасини эслатарди. Доим шунга ҳайрон бўлардим. Чунки у бадастур бир оилада ўсган, бағри бут — ота-онаси саксондан ошгани билан ҳали бардам-бақувват, ака-укалари шай, икки ўғилчаси бор, хотини — мулойим, зийрак Мастураҳон касалхонада ҳамшира, эр-хотин ўртасида гап қочганини биров билмайди. Лекин, нега у бу қадар ғамгин кўринар экан?

— Ҳа, дўстим Эсонбой? — дедим чой узатиб. — Қани, элликтдан отайлик энди. Олинг.

Эсонбой индамай кулди.

— Иш тугаб қолгандир? Кетмаймизми? — деди девордаги соатга кўз қирини ташлаб.

— Э, бир одам ўлган экан, шунинг телеграммаси йўқолибди, тополмай гарангмиз, — дедим нолиб.

— Чатоқ бўпти, — деди Эсонбой астойдил ачинаиб.

— Топилар, — дедим чой хўплаб. — Уларга-ку ўлиб бўпти, топилди нима, топилмади нима — бари бир, энди тирилтириб бўлмасан!

— Қўйинг-э, — деди Эсонбой ранжиб. — Мен ҳам қидиришворай бўлмасан?

— Қизлар қидиряпти. Хўш, оламда нима гаплар?

— Тинчлик. Фақат, шу бизнинг кучук йўқолиб қопти.

— Қуттиоёқми? Ия, нима бўпти?

Эсонбой елка қисди.

— Эрталаб Жалолтой, айланиб келсин, деб занжирдан бўшатиб юборган экан. Шу пайтгача йўқ, ҳайронман.

— Оббо! Овулига кетиб қолмадимикан? — дедим тусмоллаб.

Хўкиздек келадиған зотдор бу итни Эсонбойга уч йил бурун Ҳожикўлдаги қозоқ ошнаси Ускан оғай соғва қилган эди. Очиғи, менинг ҳам унга кўпдан ҳавасим келиб юрарди. Бирор ёққа борар бўлсак, Эсонбойдан Қуттиоёқни сўраб

олиб, ҳовлига боғлаб кетардик — на қулф, на калит керак, одам тугул чивинни ҳам йўлатмайди.

— Бориб келдим, йўқ, — деди Эсонбой бош чайқаб.

— Келиб қолар, — дедим унга далда бериб ва негадир ишонч билан такоррладим: — Келади, келмай қаёққа борарди, шундоқ ақли ит!

Бу гапдан кейин, худди кучугини топиб, жойига боғлаб бергандек, Эсонбойнинг кўнгли кўтарилиб кетди.

Эртаси чошгоҳда оёғимга резина этик кийиб, ҳовлидаги икки тўп анжирни кўмаётган эдим, йўлдан Эсонбой ўтиб қолди. Салом-алик қилдик.

— Бош оғрияптими? — дедим ҳорғин қиёфасига қараб. — Кеча...

— Э, йўқ, — деди у сигарет тутатиб. — Қуттиоёқни тополмаяпман.

— Ҳалиям келмадими? — дедим ажабланиб. — Ахир, мен айтудим-ку... — Бирдан тилимни тишладим. Нима, сен авлиёмидингки, ҳадеб айтганинг бўлаверсан! — Эълон берсакмикан? — дедим дабдурустан.

— Эълон? Қўйинг-э, ноқулай бўлар, — деди Эсонбой ўнғайсизланиб. — Мен-ку унча парво қилмаяпман-а, Жалолтой йиғлаб қўймапти. Урганиб қолувди.

— Нима қилсак экан-а? — дедим чиндан ҳам бошим қотиб.

— Мен яна товукферма томонларни бир қараб кўрайчи, — дея Эсонбой йўлга тушди.

У кетгач, кўнглимда ғашликми, хижолатга ўхшаш аллақандай бир ҳис туйдим. Бордию, менинг мушугим йўқолганда ҳам, Эсонбой ҳозир ёнимга кириб, пою пиёда, лей кечиб қидиришган бўларди!..

Кечкурун чопонга ўраниб, Эсонбойдан ҳол сўрагани бордим. Дарвозахонада енг шимариб сигирига терт қораётган экан, шу заҳоти қўлини артиб, уйга қистади.

— Ишни қилаверинг, кейин, — дедим-да, сал нарида турган бўш челаки тўнкариб, ўтирдим.

Эсонбой тоғорадаги сомоннинг сувини сирқитаркан:

— Сигир жонивор ҳам қариб қолган, — деди.

— Сотворақолмайсизми бўлмасан? — дедим маслаҳат бериб.

— Мастураҳон унамаяпти-да, — деди Эсонбой хо-муш. — Кейин, ўзимнинг ҳам кўзим қиймаяпти — қассоб сўяди-да.

— Э, қизиқмисиз, Эсонбой, мол бўлгандан кейин сўйилади-да, ахир! — дедим кулимсираб. — Ҳамма нарса инсон учун, деган гапни эшитганмисиз?

Эсонбой бу гапни эшитмагандек, сомон устига кепак сепаш бошлади.

— Кучукни топдингизми? — дедим ўрнимдан туриб; дарров оёғим увишиб қолибди.

— Тополмадим-у, дарағи чиқди, — деди Эсонбой, сўнг тоғорани оғилга олиб кириб қўйди-да, қўлини ювиб, тагин қистади: — Қани, юринг, ўтираминг гаплашиб.

— Раҳмат, — дедим. — Эртага идорада мажлис, ҳозир сизга қақшаб, чакагимни қаритсам, кейин ўзимга жавр бўлади. Ҳали соқол олиш ҳам керак. Хўш, қаерда экан?

— Қуттиоёқни айтяпсизми? Ҳа, боя Тиркаш сартарошни кўрувдим, шу айтди, кучугинг «генерал»нинг ҳовлисида, деб.

— «Генерал»нинг ҳовлисида нима қилади? — дедим анграйиб.

— Ким билади дейсиз, — деди Эсонбой энсасини қа-шиб, — боши оғиб бориб қолгандир-да.

— Барибир итингиз зўр! — дедим қойил қолиб. — Калласи ишлайди-да, адашган жойини қаранг — «генерал»нинг уйи-я!

Эсонбой жилмайиб қўйди.

«Генерал» деганимиз — Искандар ака, ўша машҳур Искандар Самадов. У илгари қўшни колхозда раис эди, беш-олти йил аввал уч-тўртта колхоз совхозга айлантйрилиб, агросаноат бирлашмаси тузилди. Искандар Самадов унга бош директор этиб тайинланди. Шунда мажлисда қатнашган Назар гаранг чойхонага чиқиб, «Искандар раис генерал бўпти», деган, шу-шу, унинг номи «генерал» бўлиб кетган. Биз этагимизни тугиб юрган кезларда Искандар раис гжжинлаган арғумоқ миниб юрарди, ўша пайтдаёқ

мункиллаган чолга ўшарди, ундан буён, ўх-хў, озмунча замон ўтмади, лекин у ҳамон от устида!

— Бордингизми? — дедим Эсонбойга.

— Бормоқчи эдим, — деди Эсонбой, — боя Ҳалима хола чиқибди, деразамнинг иккита кўзига ойна солиб бер, дейди.

— Ҳа, борасиз-да, — дедим хотиржам бўлиб ва Эсонбой билан хайрлашдим.

Эртасига эрталаб тўғри район марказига — мажлисга кетдим, тушдан кейин қайтиб келсам, қизлар: «Эсонбой ака сизни икки марта сўради», дейишди. Ҳайрон бўлиб ўтирган эдим, бир оздан кўнгу ўзи кириб келди.

— Ҳа, тинчликми? — дедим уни кўрган заҳоти.

— Тинчлик, — деди Эсонбой. — Телеграммангиз топилдими?

— Э, шунга икки марта келдингизми? — дедим таажжубланиб. — Қуттиоёқдан гапиринг. Опкелдингизми? Эсонбой деразага тикилганча бирпас жимиб қолди.

— Опкелдим, — деди ойнадан кўз узмай. — «Генерал» Бодомтепага кўчиб кетган экан-ку, янги ҳовлисига. Илҳом ақанинг «Волга»сини кира қилиб бордим.

— «ТЭА»ни-я?

— Ҳа. Плана тўлмаётган экан.

— Хўш, бердимми? — дедим бетоқат.

— Ўзи йўқ экан, хотинига айтувдим, сал ҳайрон бўлди, кабобчи Зайниддин ака опкелиб берувди, деди.

— Зайниддин ака? Нима бало, ўша ушлаб олган эканми? Эсонбой ғамгин бош чайқади.

— Унакамас шекилли. «Ўзим боққанман, қўлбола, Искандар ака тайинлаган эдилар», деганмиш.

— У, ярамас! — дедим кулишимни ҳам, аччиқланишимни ҳам билмай. — Майли, кучугингизни сизга тортиб, кабоб қилиб юбормабди, шунгаям шукр қилинг. Айтдингизми, ахир, Зайниддин ўғирлаб келганини?

— Йўқ, — деди Эсонбой. — Энди, ноқулай бўлди-да... Бир амаллаб олиб келувдим, кейин ишкали чиқиб қолди.

— Ҳа?

— Қуттиоёқни машинага ортаётганимизни уч-тўрт киши кўрган эди. Жойига боғлаб, боққа кетдим, бугун сув тегадиган эди. Бир пайт Илҳом ака бориб қолди, хафа. «Генерал» қақиртириб, роса сўкибди.

— Ия! Қизиқ-ку! Нега сўкади?

— Уғрисан, муттаҳамсан, дебди. Итимни ўғирлаб кетибсан, дарров жойига обориб қўй, бўлмаса, нақ тиқиб қўяман, делти. Шунга мени излаб борган экан, жон ука, бир этак болам бор, шу итни берсанг берақол, дейди.

— Ол-а! Сиз нима дедингиз? — дедим ҳаяжонланиб.

— Мен... — Эсонбой кўрсатғич бармоғи билан қошининг ўртасини сийпаб, бир оз тараддудланди. — Ҳайрон бўлиб турибман.

— Ие, нега ҳайрон бўласиз? — дедим бирдан кўтарилиб. — Нима, ё бир тил қисқикли жойингиз борми? Тўғри боринг-да, шундоқ-шундоқ деб айтинг. Йўқ, шошманг! Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, ҳеч қаёққа бормасдим. Ҳа! Керак бўлса, ўзи олдингизга келсин. Шундай қилинг!

— Мен ҳам бормоқчи эмасман, — деди Эсонбой ўйла-ниб, — Илҳом ака қўймапти. Кучукни бермасанг ҳам, бориб ўзинг бир жавоб-муомала қилгин, дейди.

— Э, нега бунча кўрқади, нима, жонини оладими? — дедим баттар тутаяиб. — Ҳай, борсангиз боринг, фақат, дадил-дадил гапиринг, тушундингизми?

— Майли, бўлмаса, — дея Эсонбой аста ўрнидан турди. «Тавба! Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик, дегани шудир-да», дедим ўзимча ғудраниб ва тоғдай уюлиб ётган ишга шўнғиб, бу жоҳарони пича унутгандек бўлдим.

Кечқурун ишдан қайтаётсам, Эсонбой гузарда турибди. — Кетдикми? — дедим.

— Ҳозир нон келар экан, оливолай, — деди у. — Шошмаясизми? Тагин сизни йўлдан қўймай?

— Ҳе! — дедим қўл силтаб.

— Мастурахон бугун навбатчи эди, нон опкелинг, деб тайинловди, — деди Эсонбой.

Нонни олиб, бирга жўнадик. Бояги ғавғо нима билан тугаганини билгим келиб ичим пишиб кетяпти, бироқ Эсонбой бамайлихотир, чурқ этмай боряпти.

— «Генерал»га учрадингизми? — дедим ниҳоят сабрим чидамай.

— Ҳа, «генерал»... — У мийиғида кулимсираб қўйди, кулганида юзи янада ғамгинроқ, янада маҳзунроқ кўриниб кетди. — Бордим.

— Хўш?

— Машинасига ўтириб энди жўнаб кетаётган экан. «Искандар ака...» деб оғиз очишим билан, «Ҳа, сенми Эсон дегани? Муттаҳамлар, дарров кучукни жойига боғлаб қўларинг!», дедию эшикни қарсиллатиб ёпиб жўнаворди.

— Индамадингизми? — деб сўрадим таққа тўхтаб.

Эсонбой ҳам гангиб тўхтади.

— Нима дейман? — деди менга ҳайрон боқиб.

— Э, шартта ёқасидан олмайсизми, ким муттаҳам, деб!

— Энди... — Эсонбой секин йўлга тушди. — Катта одам, ноқулай...

— Менга қаранг, — дедим унинг енгидан тортиб, — сиз ўзи газета-пазета ўқийсизми?

— Нима эди?

— Йўқ, ростини айтинг, газета оласизларми?

— Ҳа, — деди Эсонбой бош ирғаб. — «Ёш ленинчи» оламиз, иккита. Мастурахон ҳам ишхонасида ёзилган экан.

— Ахир, — дедим бўғилиб, — газета ўқисангиз, оламда нималар бўлаётганидан хабарингиз бордир? «Катта одам», дейсиз-а! Ахир, не-не катта одамлар нўхатдан ҳам кичкина, тариқдан ҳам кичкина бўлиб кетди-ю, сиз бўлса... Э, дўстим Эсонбой!

Эсонбой индамади, мен ҳам жим боравердим. Хийла вақт шу алфозда кетдик.

— Энди нима қилмоқчисиз? — дедим уйимга яқинлаш-гач.

— Нима қилардим, — деди Эсонбой қўлларини ёзиб, — майли, хафа бўлмасин, эрталаб олиб бориб бераман. Илҳом ака келадиган бўлди.

— Сираям оборманг! — дедим баттар асабим кўзиб. — Майли энди, шу битта кучукни деб...

— Э, гап кучукдами! — дедим надомат билан. — Гап кучукда бўлганда, бундай тутақиб ўтирармидим!

Эсонбой тўрхалтасини чап қўлига олиб, ўнг қўлини чўзди:

— Юринг уйга, ўтирамыз, — деди у хотиржам.

— Ростдан обориб берасизми? — деб норози тўнғилла-дим.

— Ҳа, энди... Ҳаммамиз бир одам бўлсак, арзимаган нарсага...

— Ана, ана энди ўзингизга келдингиз! — дедим аччиқ билан қувониб. — Сиз-ку шундай деяпсиз — отангизга раҳмат, лекин, ҳаммамиз бир одам бўлсак, нега у аблаҳ шуни билмайди?

Эсонбойнинг кўзларида яна ҳорғин бир учқун чақнади.

— Бу-ку бир ит экан, — дедим ҳужумни бўшаштир-май, — аммо сизга ҳайронман, шунча жанжалу жоҳаро-ларни тинчитган одам, ўзингизга келганда...

— Энди, эрта тагин кўз-кўзга тушади, шуларини ўйла-сан-да, — деди у аста.

— Тўхтанг! — дедим миямга келган фикрдан жонла-ниб. — Бундай қиласиз: эрталаб тўғри уйига борасиз. Бўпти, Искандар ака, ит — меники, деяпсиз, мен ҳам даъвогар, келинг, иккаламыз икки ёққа ўтиб турамыз, галма-гал чақирамыз, кимга келса, шуники бўлади, дейсиз. Уриш-жанжалсиз, энг ҳалол йўли шу, денг. Улсаям рози бўлмайди! Қалай?

— Қайдам, — деди Эсонбой чайналиб.

— Ланж бўлманг-да, Эсонбой! — дедим тумшайиб.

— Йўқ, бошқа нарса... — деди Эсонбой. — Кеча хотини айтди, шу, бултур бир ўғли ўлган экан, шундан кейин жуда одамови бўлиб қолган, дейди. Қуттиоёқ боргандан бери кечқурун-эрталаб бирпас-бирпас ўйнатаётган экан. Шундан сал кайфи очилади, дейди.

— Кайфини очса, бошқа ит қуриб кетибдими? Ана, Зайниддин яна топиб беради-да! — дедим. — Менга бари бир, лекин, ўғлингизга нима дейсиз?

Эсонбой бу гапдан сўнг бирдан хомуш тортиб қолди.

— Жалолтой йиғлайди, — деди анчадан кейин. — Май-ли, яна бир бориб кўрай-чи.

Кечаси алламаҳалгача баданим қизиб, уйқум келмади.



«Генерал»нинг сурбетлигию Эсонбойнинг бўшанглиги бир-дек аччиғимни чиқарар эди.

«Илгари,— деб ўйладим уйқу аралаш,— мулкдор мулк-сизни эзарди, энди виждонсиз виждонлини эзмоқчи бўлади...»

Эртаси кун бўйи Эсонбойни хавотир аралаш кутдим. Дарағи бўлмади. Ишдан келгач, нари-бери тамадди қилиб, уйига ўтиб бордим. Йўлакда остонага хумдек бошини қўйиб ётган Қуттиоёқ шарпамни сезиб кўзини очди, мени таниб, эркаланиб думини силкиб қўйди. Эсонбой ошхонасининг томидаги қийшайиб қолган мўрини тузатаётган экан, илдам тушиб келди.

— Э, Қуттиоёқ, эганга ишонма! — дедим ҳазиллашиб. — «Генерал»га ўз қўли билан элтиб беришига бир баҳя қолди-я! Юр, яхшиси, ўзим опкетақолай сени.

Эсонбой қўлини кир сочиққа артаркан, кулимсиради. — «Генерал»дан кутулиб, «полковник»ка тутиламани, десанг-чи, хумлар! — дея Қуттиоёқни секин туртди у.

Ҳовлидаги тахтаси йиғиштириб қўйилган сўрига суянганча сигарет тутатдик.

— Қалай бўлди? — дедим Эсонбойга тикилиб.

— Яхши, — деди у осойишта. — Эрталаб борувдим, йўқ экан, ишга чиқиб кетибди. Хотини ачиниб қолди, ҳафтасига икки кило гўшт еса керак, бизга берақолинг, деди.

— Бекорларнинг бештасини айтибсиз, демадингизми? — дедим тутун бурқситиб.

— Йўқ, — деди Эсонбой кулимсираб.

— Ишқилиб, энди ғалва қилмасмикан?

— Қилмас-ов. Боя Илҳом ака келувди, «генерал»нинг шофёри Аброрга айтган экан, у пайтини топиб сўрабди. «Ҳа, бир шашликчи бизни чалғитган экан», дебди.

— Ана, нима дедим сизга! — дедим қувониб ва елкамдан тоғ ағдарилгандек енгил тортдим.

Дўстим Эсонбойнинг озгин, маҳзун чеҳраси ҳам ёришиб кетди.

Ана шундай гаплар. Зерикиб қолмадингизми? Қани, юринг энди, бугун оқшом Эсонбойнинг уйида «гап»имиз бор. Э, тортинманг, азбаройи хурсанд бўлганидан, ўтқазгани жой тополмай қолади. Юринг, юраверинг, ахир, дўстим Эсонбой айтмоқчи, ҳаммамиз бир одам-ку!

## Ойбек ҳақида дил сўзлари

Ҳозир академик бўлган Ойбек ижодининг дастлабки даврларида «Уч», «Бахтигул ва Соғиндиқ» каби ажойиб поэмаларнинг автори сифатида танилган эди. Сўнгги йилларда у икки роман — «Қутлуг қон» ва «Навойи»ни яратди. Рус тилига ҳам таржима қилинган бу романлар совет прозасида мислсиз воқеа бўлган нодир асарлардир...

Александр ФАДЕЕВ

Бизнинг улкан романистимиз совет адабиётига салмоқли ҳисса қўшди. У фақатгина кенг халқ оммаси учун буюк ўзбек шоири образини ёрқин гавдалантириб қолмай, балки ўйлашимизча, бу роман — мутахассис адабиётшунослар учун ҳам ўзбек классик адабиёти руҳига чуқурроқ кириш ва кўпгина адашишлардан сақланиш имконини беради. Бунинг учун унга оламча ташаккур!

Евгений БЕРТЕЛЬС

...У ниҳоятда кўзга кўринган, ниҳоятда эътиборга лойиқ ва назаримда, ниҳоятда тийран ёзувчи эди. ...унинг насрий мероси ҳаётимизнинг кенг полотноси бўлиб, ўзига доимий диққат-эътиборни талаб этади.

Николай ТИХОНОВ

Юлдузларнинг бир-бирдан ўзини катта тутгани беҳуда, аммо ой туққанда уни бутун олам кўради. Бу ўхшатишим ўнчалик ўринли бўлмаса ҳам, мен Ойбекни қардош Ўзбекистон адабиёти осмонидоғи ой, деб ҳисоблайман. Ойбек яратган машҳур асарларнинг Ўзбекистон тўпроғига алангали нур сочаётганини ким тан олмайди!

Ҳар кимнинг ўзига яраша обрўси бўлади. Ўз юртида номи чиққани билан ўлкасининг ташқарисига овозаси кетмаган ёзувчи оз эмас. Муса Ойбек бўлса, фақат Ўзбекистонггина эмас, қолаверса, бутун Совет Иттифоқининг ёзувчиси. Унинг номи бутун жаҳонга машҳур.

Ўзбек халқи ўз фарзанди — Ойбек билан қанчалик ифтихор қилса, шунчалик ҳақлидир!

Берди КЕРБОБОЕВ

Мен Ойбекда унинг ижодиёти билан атрофидаги борлиқ чамбарчас боғлиқлигини, бу борлиқ образларга, мисраларга, роман саҳифаларига жуда тез айланиши хусусиятини кўп марта кузатганман. Ойбекда муайян образ, воқеа ҳамда мавзуну қандай гавдалантириш устида ўйлашга ҳожат қолмас, кўзи билан кўрдими, бас, уларни осонгина бадний ҳис қилар, улар Ойбекнинг онгига маълум бадний шаклга айланган ҳолда сингар, унга эса, буларни фақат ўзининг бой, содда ифодали тили билан тезроқ қоғозга тушириш, улар фаромуш бўлиб кетмасларидан олдин ёзиб олишга улгуришига қолар эди.

Сергей БОРОДИН



**Нафас Дўсанов**

**Қиш оҳанглари**

Сен баҳорни соғинмадингму?

Абдулла ОРИПОВ

Тантана қилмоқда айни қиш,  
Даврини сурмоқда қаҳратон,  
Юракда оловли орзиқиш,  
Мен сени соғиндим, баҳоржон.

Изғирин дайдийди беқарор,  
Пайт пойлар ёсуман елвизак.  
Дийдоринг кўрмоққа кўз хумор,  
Мен сени соғиндим, бойчечак.

Поёнсиз далалар қорлидир,  
Ястаниб ётибди паришон.  
Меҳрибон волидам бор эди,  
Мен сени соғиндим, онажон.

Тоғларнинг нигоҳи тунд, совуқ,  
Чўққилар виқорли бир армон.  
Қоядек эдинг сен, энди йўқ,  
Мен сени соғиндим, отажон.

Эригай вақт ўтиб бу музлар,  
Фасллар ҳам ўтар бетиним.  
Қорбўрон ййнашар шўх қизлар,  
Мен сени соғиндим, севгилим.

Февралнинг беқилиқ кунлари,  
Гоҳ илиқ, гоҳ сувлар тошқини.  
Ҳаётимнинг кўклам онлари,  
Мен сени соғиндим, ёшлигим.

\* \* \*

20 миллион! Муқаддас рақам —  
Ватанни қайтариб берган тақдирлар.  
Қора кўзли укам, олтинсоч акам,  
Уруш йўлларида қолган қабрлар.

Сокин ухлаётир мангу тириклар  
Меҳрибон, муштира замин бағрида.  
Ҳайкал бўлиб боқар жасур йигитлар,  
Поляк қишлоғида, немис шаҳрида.

Битмаган қўшиқлар, битмаган шеърлар,  
Мангу олов бўлиб кўкка интилар,  
Келинчақлар бағрин тарк этган сирлар,  
Қон бўлиб тупроққа сингиб кетдилар.

Эҳтиром сурати — тирик гулларга  
Бурканиб ётибсиз. О, бу улкан бахт!  
Миллати қаҳрамон халқ ўғиллари —  
Қаҳрамонга эса... ўлим эмас ҳақ!

**Турсунбой Адашбоев**

**Булбул бўлиш осонми?**

— Кушлар қандай кийинар?

— Бири содда, бири зўр!

Қора камзул, оқ кўйлақда

Ола қарға дирижёр.

Сариқ китель тиктирибди

Ёзга мослаб Зарқалдоқ.

Тўтиқушнинг қулоғида

Тақа нусха зар балдоқ.

Поча-пўстин тўғри келмай,

Қораялоқ хит-хуноб.

Малла камзил зап ярашиб,

Там-там босар Қарқуноқ.

Қизилиштон боши узра,

Энлик алвон тож билан

Чумчуқ юрар етаклашиб

Сергап читтак гоҳ билан,

Қалхат сўзлар — Пўнишакхон

Бугун жуда пўримсиз.

Булбул кийган усти-бошлар,

Хай, намунча кўримсиз?

Қалдирғоч дер, — дўстлар наҳот,

Қадр-қиммат кийимда.

Қанотимиз бўлса ҳамки,

Булбул бўлиш қийин-да...

**Обид Олимжонов**

Осойишта боқар дераза

Кенг оламни парча-парчалаб.

Ҳар бирида бир олам кезар

Бир оламдир ҳар бир дарчалар.

Бўлақланган оламда яшар

Нозиккина хонагуллари.

Лаънат билан эсга олишар


Илк тувакка келган кунларин.

Ташқарида баҳорнинг исси,

Қанотларин ёр куртақлар.

Нозик гуллар тутган илдизин

Ўзин замин билан тувақлар.







Тўхтамурод  
Рустамов .

## Танаффус

Биз мактабга бордик...

С. АЙНИЙ

### МАҚТАНЧОҚ ҲИКОЯЧИ МУҚАДДИМАСИ

#### МАКТАБ ҲИКОЯЛАРИ



анишинг: мана, бизнинг синф!

Эҳтимол, сиз: «Болапақир жуда таъкидлаб таништиряпти, синфи роса аломат экан-да», деб ўйлаётгандирсиз. Эҳтимол, бундан энсангиз ҳам қотгандир? Ҳайрон бўлманг-у, ҳафсалангизни пир қилишимга тўғри келади, бизнинг синф бошқа синфлардан сира фарқ қилмайди — бирон-бир фазилати билан ўтиб ҳам кетмаган, кам жойи ҳам йўқ. Ишқилиб, оддий бир синф-да! «Топган гапини қаранг-у, мактаб ҳаётини, устига-устак, ўзи ўқийдиган синфни ким билмас экан, у ҳақда қойилмақом қилиб ким ёза олмас экан?», дейишингиз мумкин. Тўғри айтасиз! Мана шунинг учун ҳам манави ёзаётганим жўнгина лавҳа, юқоридаги шубҳангизни тасдиқлайдиган ашъвий далил, холос. Каминанинг холис нияти эса, шу синф ҳаёти ва ғалати-ғалати болалар, яъни, ўзимнинг дўстларим билан сизларни яқиндан таништиришдир. Уларнинг хулқ-атвори, табиати ва ички кечинмалари орқали ўзингиз ёки партадош дўстингизнинг салбий ёки ижобий хислатларини илғаб олишингиз шубҳасиз. Камина эса, суфлёрга ўхшаб, воқеаларни бир чеккада кузатиб ўтираман, адашган жойингизда кўмак бериб тураман. Бор-йўқ хизматим — шугина. Энди, ҳурматли ўқувчилар, қимматли вақтингизни олиб ўтирмай-да, ижозатингиз билан ҳикоямни бошлай қолай. Токи, уйга берилган вазифаларни бажаришга ҳам фурсат қолсин.

Диққат қилинг, сизни асло саргузашт ё ҳаёлий бўлмаган воқеалар чорлайди!

Расми М. ШАМСИДДИНОВА  
чизган.

Илтимос, фирромлар ва йиғлоқлар ўқимасин. Йиғлайдиган кўғирчоқни истисно қиламиз. Эши ўн олтидан ўтган қизларни ҳам...

Бугун душанба. Кеча якшанба эди — ҳаммамиз учун хурматли якшанба. Кўз очиб юмгунча тугаб, бизни тонг қолдиравеганидан бир оз ғамгин (бу ҳол айниқса кечга бориб сезилади) дам олиш куни, яъни, «Як-40»дек учқур якшанба! Биз кун бўйи «маданий ҳордиқ» боғида юрдик: эрталаб нонушта қилар-қилмас Инқилоб хиёбонига жўнадик. Инқиллаб. (Ҳали уйқуга тўймаган эдик-да!) Ҳолдан тойгунча теннис ўйнаб, отўйинда учиб, моторли қайиқда сузиб, ҳалинчакда осмону фалакка парвоз этиб, ниҳоят, тўрт тийинлик сувлар олиб ичдик. «Буратино»га киришга ҳамён кўтармади. Кейин, бирор бахтли кунимиз, тахминан икки йилу икки ою икки кундан сўнг маош ёки стипендиямизни мана шу ерда совиришни кўнгилга тугиб, аста уйга йўрғаладик... Йилига ўн мартаба кўрадиган севимли фильмимиз қаҳрамони эса юзидаги кулдиргичларини кўрсатиб, тилло калити билан имлаб чақирганча қолаверди. Йўлда йўрғалаямиз-у, аммо «маданий ҳордиқ»дан кейинги кайфиятимизнинг носозлигини сезиб қолдик. Энди нима қиламиз? Ахир, «Кулги музейи» ҳали очилгани йўқ-ку! Шунинг учун ҳам йўлни Ньютоннинг тўртинчи қонунига биноан Кўйлик томон — ҳалқ оғзаки ижодининг нодир намуналарига бой бўлмиш, лекин кўй тугул кўзичоқ ҳам учрамайдиган Кўйлик томон бурдик. Пиёз, шолғом, гуруч, седанларнинг нархини сурштириб, қўлупнай билан гилосга кўнгиллар суст кетганча бироз бозор айландик. Гулини сотолмай, ошиқ-маъшукларни пойлаб турган оғайниларимизга далда бериб, трамвайда қайтдик. Буюк тижорат аҳлининг кенжа вақиллари эса, ёнларидидаги пистачи кампирга оқиб келаётган пулларни ғайирлик билан кузатиб, бурунларини тортганча қолиб кетаверишди.

Шундоққина бекатда Модалар ательесига йўл олган синфимиз қизларига дуч келдик. Лекин, улар бизни кўриб,

кўрмагандек тураверишди. Жаҳлимиз чиқди, «шириншакар» гаплар билан нақ йиғлатгудай сийладик. Не ажабки, бир зумда кайфиятимиз жойига тушди. Сўнг, «ўй-уйига, така — тўйига» ашуласини ватаванг қўйиб, маконимизга келдик. Яримта нон билан тушлик қилгач, то дадаларимиз ўчириб қўйгунча телевизор кўрдик. Ялинсак ҳам бефойда эканига ишониб, ўлганимизнинг кунидан дарс тайёрлашга ўтирдик. Ун беш дақиқа ўтар-ўтмас, масаланинг мураккаблигидан, миямиз дазмолдек қизиб кетди. Э-э, бош қотириб ўтирадиган аҳмоқ борми, жавобини китобнинг орқасидан кўчирдигу вазифани ҳам қойиллатиб қўйдик.

Кеч бўлди. Лўли отаридай тўдаланиб «Пахтакор»га жўнадик... Вах, ўзиям мириқиб футбол томоша қилдик-да, бақиравериш овозимиз хириллаб қолди. «Пахтакор» ютқазса ҳам (бунга кўнишиб кетганимиз), биз — мухлислар ютиб қайтдик. Роса зўр ўйин бўлди! Ана алдаб ўтишлари ана дарвоза туридан хурқадиган тўплар... Э-э, минг «Пахтакор»у «Спартак» бизнинг Аҳмадқалла тоштепар олдидан ўтаверсин. Аҳмад майдонга чиқса-ку, Пеле алаמידан ёрилиб ўларди! Шунинг учун у ўйинга қўшилмайди. Машҳур футболчини аяйди, раҳми келади.

Хуллас, стадионда шиша териб юрган болалар билан жанжал чиқмасин, дедигу тезда жуфтакин ростладик. Кичинтойларга бағишланган кўрсатувдан ропла-роса икки соату ўттиз дақиқа ўтгач, ўринга кирдик. Эртаси эринибгина мактабга йўл олдик. Келган заҳоти якшанба кунидан олган таассуротларимизни ўртоқлаша бошладик. Бусиз бўлмайди-да, биз — ўқувчилар жуда саҳиймиз, бор бисотимиз — гап, гапнинг эса, ўзингизга маълум, ўлчови йўқ; созураверамиз, созураверамиз, у яна қайнаб чиқаверади, чиқаверади. Қайноқ нарсани оғизда тутиб бўлмайди. Тил куяди. Шунинг учун ҳам душанба йигирма минутлик «оғзаки» машқлардан бошланади.

Шундай қилиб, синфхоналарнинг эшиги очилиши биланоқ ҳамма ичкарига кириб, гапга тушиб кетди. Қулай бўлсин учун бир неча гуруҳга бўлиниб олдик. Биров боғдан, бошқаси тоғдан олиб гапирди. Учинчиси эса, биргина лўқма билан икковини ҳам доғда қолдиради: «Фу, шуям гапми, мана бу...»

1984 йили проза бўлимига беш юздан ортиқ қўлёзма тақдим этилди. Булар орасида ҳикоя, қисса, пьеса, фантастик-саргузашт, таржима ва бошқа бир қанча «адрессиз асар» бор. Шулардан қирққа яқини журналимиз саҳифаларида ёритилди. Қолганлари эса [қанчаси қоляпти!], архивимиздан «муносиб» ўрин эгаллади. Нега шундай бўлди! «Чунки, журнал ижтимоияти чекланган, бизга келган ҳамма қўлёзмани эълон қилишга қўғозимиз етмайди», десак мантиқан тўғри, табиий бир жавоб берган бўлардик. Лекин, ҳақиқатда, аҳвол бутунлай бошқача: қолган «асарлар»нинг кўпи бадий ижоднинг энг ибтидоий, энг оддий талабига ҳам жавоб бермайди: ИШОНТИРМАЙДИ! Муаллиф эса, ўқувчини авраб-алдаб ишонтирмоқчи бўлади.

Айтайлик, нотаниш бир ёзувчи редакцияга ҳикоя олиб келади [ёки почта орқали жўнатади]. Уқиймиз. Биноидек туюлади... Бироқ ишонарсиз, деймиз, ёлғон! «Нега ёлғон бўларкан! Сиз қайёқдан билақолдингиз, бизнинг қишлоққа бормагансиз-ку!»

Мен ҳаётда бўлган воқеани ёзганман! Қишлоғимиз ҳаммомчиси балоғатга етмаган қизни зўрлаб қўйгани рост, бу ҳақда газетада пелетон ҳам чиққан, — дейди муаллиф тепа сочи тикка бўлиб. — Қолаверса, Хемингуэй айтиб қўйибди-ку [Мухаммад Солиҳнинг «Адабиёт» газетасида босилган мақоласини ўқидингизми ўзи!], ёзувчилар келиб-кетаверади, лекин уларнинг вазифаси ўзгармай қолаверади, бу вазифа эса — Ҳақиқатни ёзишдан иборат, деб!...» «Тўғри. Аммо сиз айтган ўша Хемингуэй муттаҳамликда айбланиб, судга берилгани, Нобель мукофоти билан тақдирланган «Чол ва денгиз» асаридан тушган қалам ҳақининг маълум қисми Сантьяго образининг гўё прототиби бўлмиш гаваналик кекса бир балиқчига берилиши шарт, деб талаб қилингани, ва ниҳоят, Хемингуэй ўз қиссасидаги воқеалару образларнинг деярли тўқима эканини исботлаш учун матбуот конференцияси уюштиргани ҳам факт-ку! Бундан ташқари, дўстларига ёзган хатларининг бирида у романларидаги аёллар ҳаётда ҳеч қачон бўлмаганини ҳам тан олган эди, шекилли.»

Умуман, айрим муаллифларимизга бадий ҳақиқат ҳамда яланғоч ҳақиқат ўртасида от билан тўядек фарқ брлигини тушунтириш амримаҳол.

Шунинг учундир, мабодо, редакцияга мактаб ўқувчиси роман ёки қисса кўтариб келса ҳам унчалик ҳайрон қолмаймиз. «Ҳамма нарсага шубҳа билан қараш керак», деган машҳур ибора мудом ёдимизда туради.

Хуллас, Тошкентдаги 216-ўрта мактабнинг сажкизинчи синф ўқувчиси Тўхтамурод Рустамовнинг қисса ва туркум ҳикояларини одатдаги кайфиятда — андак совуққонлик билан қабул қилдик. Кейин... ҳали машинкада кўчиртириб улгурмаган қўлёзмаларини ҳам сўраб олдик. Умид билан қўлма-қўл ўқиб чиқдик. Шубҳалар тумандан тарқаб кетгач, ушбу «қалдирғоч» ижодидан илк намуна сифатида «Танафус»ни сиз — азиз журналхонлар ҳўқмига ҳавола этишни лозим топдик.

Тилагимиз шуки, Тўхтамурод 9-синфни ҳам муваффақиятли якунласин. Саломат бўлсин!

Қани, одобдан бўлмаса ҳам уларнинг гапларига қулоқ салмайлик-чи. Бурчакдаги қизларнинг авзойига қараганда, аллақандай фильм «игнадан ўтказилапти».

Нодира: «Вой, қизлар, кечаги кинони кўрдиларингми? «Боши йўқ чавандоз». Анува-чи, калласини шер еб қўяди-ган...»

Маҳфуза: «Ие, энди кўрдингми? Мен минг марта кўрганман! Телевизоринг простой-да, шунинг учун илгари кўргансан».

Яна Нодира: «Вой, унақа дема, аввал ҳам кўрганман. Яхши кино бўлганидан кейин...»

Яна Маҳфуза: «Топган киносини қаранг-у, шуям кино бўлди! Бошидан охирига гап, гап, гап! Уртароғи сағал яхши».

Тагин Нодира (бўшабди): «Ўзинг китобини ўқиганмисан? Қизни отбоқар яхши қўради... Суддаям сотмайди. Ана шу-да, севги деганлари! Лекин, кассир Колхаун дегани росаям писмиқ экан! Ичиндан пишмай ўлгур, индамай-индамай охири опқочди-кетди бечора қизини. Хайрият, отбоқарнинг оти бор экан, бўлмаса ўлиб кетарди-я бечора... Кейин ҳалиги...»

Тагин Маҳфуза (чўрт кесиб): «Э-э, ҳеч қанақа «ҳалиги-палиги» эмас! Намунча мактамасанг, ҳаммаси ёлгон, ҳаммаси лоф, билдингми?! Простой телевизорларда шунақа бетайиң нарсаларни кўрсатишади. Шу!»

Нариорда мода ишқибозлари гап сотишяпти. Харидор топилгандаку бозорга опқиқиб сотишарди. Пулги бирорта ажбнабий кийим олишармиди... Лекин, харидор йўқ-да, бир-бирига «сотиш»га мажбур. Бор-йўғи олтига қиз: шунақанги кийинишадими, ҳай-ҳай, янги пайпоқ кийган кунлари хурсандлигидан ўзларини йўқотиб қўйишади. Чет эл матоҳи олинган куни-ку, асти қўяверасиз. Уларнинг сардори Дилбар дунёга ўт қўядиганлар хилдан: форма кийишни хоҳламайдилар, «Хўп», дейдилар-у, ўз билгича иш тутаверадилар. Ўзларининг «қарашлари» ҳам бор. Марҳамат, тингланг:

— Ҳей, қизлар! Намунча амманнинг бузоғидай кўкариб келасизлар? Нима, бошқа кийимларинг йўқми? Ҳа-а, ўқитувчилардан кўрқасизларми? Қийин, сизларга қийин. Тўғриси айтсам, агар мен директор бўлганимда мактабга формада келганларни сираям дарсга қўймасдим, бошқа кийимингни — байрамда киядиганингни кийиб кел, дердим. Ахир, осмон — кўк, дафтар — кўк, жинси юбка — кўк... Одам деган сал товланиброқ юриши керак-да! Мана, ҳайвонот боғидаги товус, бирам чиройлики, ҳамманинг кўзи унда, ёнидаги маймунга ҳеч ким қарамайди! Нега? Негаки, товус товус-да! Бечора маймун-чи, йиғламосираб катагида ўтираверади. Турқига қарашга кўрқасан киши: башараси қийиқ, оёқлари кир-чир, тирноқлари нақ қошиқдай! Тилини кўрсатиб, мазаҳ қилишига ўласанми. Тасқара! Анови Раҳматнинг гапини қаранг: «одам маймундан тарқалган» эмиш! Маймундан-а! Бекорларни айтибди, ўзи ўшандан тарқалган! Синфком-да, унга ҳеч ким ғинг демайди! Лекин, мен кўрқмайман, орқасидан бўлсам гапираман. Одам маймундан эмас, товусдан... Ие, вой ўлай, мен ҳозир...

Шу ерда қисқатгина интервьюмизни тўхтатишга тўғри келади. Сабаби — бу пайт остонада синфком Раҳматилла кўринди ва дастлабки лавҳамиз қаҳрамони товусдек кўзга «иссиқ» кўринмаслик учун фаррош хотин ашъларни турадиган жавон ортига ўтиб беркинди. Биз эса, синфдошимизнинг одатий бу қилигидан, худди сиздек, мийғимизда кулиб, «ўғил болалар бурчаги» томон йўналдик. Ахир, бўлажак аскарлар нималар ҳақида фикр юртаётганини билишимиз керак-да, шундай эмасми? Аммо, минг афсуски, умидимиз пучга чиқди. «Кечаги ўйинда, ўз маҳалласида, содиқ мухлисларнинг гиж-гижлашига қарамай, ютқазиб қўйган ялқов пахтакорчилар» шаънига ёғилаётган маломат тошлари ҳалқасини синалган «ҳарбий ҳийла» билан ҳам ёриб ўтиб бўлмади. Хуллас, ҳамма ўз иши билан машғул, ҳамманинг кайфияти кўтаринки.

Янги ҳафтанинг бошланиши чакки бўлмади. Шу кун ҳаво ҳар кунгидан очик, осмон булоқ сувидек мусаффо, қуёш ёғдуси ёпирилиб синфхонамизни эритмоқда эди.

Катта танафусда болалар йўлакдаги эълонлар тахтасини ўраб олишди.

— Ўҳ-ў, бугун роса ўладиган бўлди-да,— деди тўпқувар

Илҳом янги ёпиштирилган, «Ҳамма қатнашиши шарт!», деб ёзиб қўйилган эълонни кўздан кечирар экан.

— Уф-ф, мунча бу мудирамиз мажлисга ўч бўлмаса, а? Узи физикадаги «икки»дан кейин нима қиларимни билмай бошим қотиб турувди. Ҳойнаҳой, бугун уйдагилар яна этимни шилади,— деди беш дақиқада бир кило қулупнайнинг қорасини ўчириб, Хайрулладан қизил қаламтарош ютиб олган Зуфар.— Ҳа, бугун яна қоринни очқотиб, панднасиҳат билан сийлашаркан-да. Иссигим қирқдан ошиб кетмаса гўргайди.

— Ҳечқиси йўқ, Назира ўша «плюс қирқ»нингда аччиққина қайнатма шўрва қилиб беради, ярим коса ичсанг, бош оғриғинг бирпасда тарқайди-кетади, қоринг ҳам тўяди. Иннайкейин, ойингнинг насиҳатини маза қилиб эшитаверсан,— деди ошпазларнинг «шеф»и бўлишни орзу қилиб юрадиган Тоҳиржон.

Йўқ, биз ҳафтада бир марта бўладиган мажлисдан эмас, балки шу йиғинни олиб борувчи, 8 «А»-нинг комсорги плюс ташкилий ишлар мудираси (!) бўлмиш Назирадан норози эдик. Ҳаётда, очикроғи, мактаб ҳаётида шунақаси ҳам бўлиб турар экан. Бунинг албатта баъзи сабаблари бор. Сабаблари... Қани, айтнинг-чи, синф мажлиси нима учун керак? Кундалик дафтардаги «икки»нинг тагида: «Хўрматли Фалончиев Плиставончи илтимос, юқоридаги чиройли баҳонинг ёнига табаррук имзонгизни қўйсангиз-да, муборак пойқадамингиз билан мактабимизга ташриф буюрсангиз. Кейинги пайтларда малласоч (ёки қорасоч) эркатойингиз негадир қўлига китоб олишни эп кўрмаяпти», деган сўзларни қизил сиёҳ билан ёзиб қўйиш учунми? Ҳа, айбан шунинг учун. Яна, ҳар хил ташкилий ишларга яқун ясанб, фаолларнинг (улардан кўли борми!) ҳисоботини тинглаш учун ҳам, албатта. Шундагина «ишлар яхши боряпти», деб мактаб маъмурияти қаршисида кўкрак кериш мумкин. Акс ҳолда... Яхшиси, акс ҳолда нима бўлишини тилга олмайлик, тагин ўйлаганимиз ўнгидан келиб юрмасин.

Хуллас, ишлар яхши кетаётган эди. Қандай қилиб, дейсизми? Ишқилиб, яхши кетаётган эди-да!

Лекин... кунларнинг бирида, яъни, Назира комсорг қилиб сайланди... ер чаппасига айланди.

Йўқ, Назира илгари бунақа эмас эди. Ишонаверинг, биз биламизку, ахир, ўқишлари — аъло, ўзини туттишию саломалиғи ҳам жойида эди. Қисқаси, уни ҳаммамиз ҳўрмат қилардик, чунки аълочи бўлса ҳам ўзини катта тутмасди. Ердам сўрасак, чин дилдан, чин-ин дилдан ёрдам берарди, сира бурнини кўтармасди... Эҳ, одамга ҳўрматдан бошқа яна нима керак?! Қани энди, бизга ҳам шунча фазилат насиб этса! Минг афсуски, зиғирча ҳам йўқ... Назирада эса тўлиб-тошиб ётибди. Аниқроғи, тўлиб-тошиб ётган эди.

Эҳ, ташкилий ишлар...

Ҳаммамиз уни бир овоздан сайладик. Бироқ, худди ана шу «сыйлов» (сайлов эмас) Назиранинг ҳаётида туб бурилиш ясаши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлида йўқ эди. Шу кундан бошлаб Назира ўзгарди-қолди. Энди унга болаларнинг гаплари, ҳатто кулгиси ҳам ёқмас эди. Буни ҳаммамиз ҳис қилдик. Чунки у болалар тугул, сирдош дугоналари билан ҳам энди кам гаплашар, каттаю кичик танафусларда «муҳим жамоат ишлари» билан банд бўлар эди. У уюштирадиган ва олиб борадиган синф мажлислари зерикарли ўтарди. Унинг гапларини тишимизни тишимизга қўйиб, ўлганмизнинг кунидан зўрға эшитиб ўтирардик. Ахир, «Сайёрамиз табиий ресурсларини муҳофаза қилиш муаммосию» «Қабул пунктларига қоғоз қийимлари топширишнинг асосий хусусиятлари»нинг нима қизиғи бор? Уйлайманки, сизга ҳам унчалик қизиғи бўлмаса керак. Бунинг устига, болалар сал гап талашиб қолса ҳам Назира шошилч мажлис чақирадиган, «қизғин муҳокама» қиладиган бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида синф фаолларининг қайта кўчирилган рўйхатида «Ташкилий ва оммавий ишлар бўйича сектор мудираси Н. Валиева» деган ёзув пайдо бўлди. Бу янгилик ҳаммамизни донг қолдирди. Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол: «Тўппа-тузук Назирага нима бўлди?»

— Дард бўлди, бало бўлди!— деди Дилфуза болаларга, яъни, бизга қараб.— Шу мажлислардан ҳам кўнглим қолди. У қўлини паҳса қилиб гапирарди.— Э-э, ким қўйибди унга



бировларнинг ишига аралашини? Комсорг бўлса — ўзига! Эшитяписми? Узига! Қайси мажлисга кирма, тўрға ўтвозиб тўйбошловчидай: «Хурматли ўқувчилар, бугун биз бу ерга... учун йиғилдик», дегани деган. Дадамлардан ҳам ўтказиб юборади-я! Тўғриси-да! Анов гал, «Алишер стулга кинопка қўйибди, бундан редколлегия аъзомиз Раҳимов «азият» чекибди», деб икки соатча синфда олиб ўтирувди. Энди-чи, Темур билан Гулнорага ёпишяпти, «шахсий ишлар муҳокама-маси» эммиш. Ахир, «шахсий иш» бўлса, бурнимизни тикиб нима қиламиз? «Шахсий иш» тугул айбдор ҳам номаълум-ку! Энди яна битта мажлис чақириб, Назиранинг ўзини муҳокама қилиш керак. Ким рози?.. Бетарафлар?.. Қаршилар?.. Йўқ. Демак, бир овоздан қабул қилинди.

...Дарсдан сўнг синфда ҳеч ким қолмаган, ёлғиз Назирагина бурчакка илинган эълонни юлиб олиб, ёжимлаб йиртар, кўзларидан дувиллаб ёш оқар эди.

Темур Гулнорани яхши кўришини битта Саъдуллага айтди. У Гулнорани анчадан буён яхши кўрарди-ю, аммо бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очмаган эди. Мана, энди унинг бир неча йиллик пинҳоний муҳаббати фақат Саъдуллага, энг яқин дўстига ошкор бўлди.

Лекин...

Аслида-ку ўша лаънати совға «шумқадам» бўлди-я. Эҳти-ётсизлиги ўзига панд беришини ўйлаганида бу совгадан воз кечган бўлармиди? Лекин, совғада нима гуноҳ? Оддийгина совға: пионерлар саройида нақшинкор қилиб ясалган гулдор қути, ҳеч қандай сири ҳам йўқ. Бу билан Гулнорага ёмонлик ҳам тилаган эмас. Аксинча...

Воқеа бундай бўлган эди.

Темур совгани узоқ тайёрлади. Ҳали анча вақт борлигига қарамай, юраги ҳаприқаверди. Назаримда, кеч қоладигандек туюлаверди. Совгани эса, Гулноранинг туғилган кунига олти кун қолганида тайёрлаб бўлди. Кейин ўша олти кун олти йилдай чўзилди-да ўзиям.

У кечалари ухлай олмас, кўзини юмди дегунича алланималар... пешвоз чиқаётган оқ кўйлакли қиз, унинг шамол тўзғитаётган сочлари, қўлини тутаётган Гулнора кўринар эди. Кўзини очиши биланоқ қиз доира ҳосил қилиб, қоронғиликка сингиб кетар, Темур уни қайта кўриш ниятида яна кўзини юмган, аввал хира нурга айланиб, қоронғилик қаъридан аста чиқиб келар эди. Темур эса ширин хаёл оғушида ухлаб қоларди, фараҳбахш ҳаётга ўхшайдиган бу туш тўмтоқлигича қолиб кетаверарди. Эртасига эса...

У даярли бир ҳафта бўлгуси тантана руҳида яшади. Ниҳоят, ўша кун ҳам етиб келди. Темур мактабдан келибоқ юз-қўлини ювиб, оҳорли кийимларини кийди, бир оз ясан-тусан ҳам қилган бўлди. Совгани қорозга ўраб, чақириб ўтишни ваъда қилган Саъдуллани кутаётган эди, бирдан почтачи аёл телеграмма олиб келди. Бир парча қорозга шоша-пиша кўз югуртирдию... «Тезда етиб келинг тчк Бувим тилдан қолди тчк»

Турган жойида донг қотди. Гарангсиди. Кўз олдида чой ичиб ўтирган бувиси гавдаланди. Бошини чангаллади... Дераза раҳида эса мусича ку-қуларди...

Шунинг устига эшикни тақиллатиб, Саъдулла қириб келди. Темур шоша-пиша телеграммани яширди.

— Ке, Саъдулла.

— Нима, йиғладингми?

Темур кўзини олиб қочди.

— Йўғ-э, сенга шундай кўрингандир,— дея зўрма-зўраки илжайди.

Темур бўлган воқеани дўстига айтиб ўтирмади, чунки унинг кайфиятини бузгиси келмади; ёлғон гапирди: «Мен... боролмайман. Тоғасининг тўйига кетаётган экан, деб айтиб қўй. Мановини... унга берарсан», деди у.

Шу кун Темур ота-онаси билан қишлоққа жўнади. Уч кундан сўнг эса якка ўзи шаҳарга қайтиб келди. Ота-онаси келди-кетди тугагунча у ерда қолишди...

Мактаб... Ҳеч кимнинг у билан иши йўқ, алланималар тўғрисида гапиришгани гапиришган. Темур орқасига ўгирилиб, Гулноранинг аиллақандай истеҳзо билан тикилиб турганини кўрди. «Туғилган кунига бормаганимдан хафа,— деб ўйлади у.— Ҳозироқ ҳаммасини айтишим керак!»

Темур Гулнорага яқинлашди. Энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Гулнора ёнидаги дугонаси томон ўгирилди-да:

— Анови сўтак яна нима демоқчи? Томоша кўрсатгани кам эканми ҳали? Айтиб қўй, иккинчи отимни оғзига олмасин. Ақалли озгина қизарсачи, қилгуликни қилиб... Без-бет! — деди.

Темурнинг юраги гупиллаб, чаккасига қон тепди. У Гулноранинг аччиқ-тизчиқ гаплари кимга қаратилганини англаб-етган эди! «Нима бўлди ўзи? Нимга бундай деди? Сабаби бордир, ахир? Яна ҳамманинг олдида-я... Қизиқ, жуда қизиқ».

Эртаси куни Гулнора Темурнинг совғасини олиб келиб, юзига улоқтирди. Қутининг қопқоғи очилиб, писта пўчоқлари сочилиб кетди...

Бу воқеа фақат Мирзанигина ҳайратга солди. Қолганлар-ку: «Биламиз, ўзи ювошдан йўғони чиқади», дея қўл сийлатди. Лекин Мирза бунга ишонмади: йўқ, Темур ҳеч қачон бундай қилмайди! Бизнинг гап-сўзларимиз Мирзага зиғирча ҳам қор қилмади. Чунки у Темурни — жонанжон дўстини жуда яхши биларди. «Темур сенлар ўйлагандақ пасткак эмас!», дея қаттиқ туриб олди. Темурнинг Гулнорани яхши кўришини Мирза кўпдан сезиб юрарди. Шунинг учун қути ичига писта пўчоғини Темур солиб қўйганига у ишонмади. Ахир, севган одам...

Охири Мирза қандай бўлмасин воқеанинг тағига етишга аҳд қилди.

— Келинлар албатта келинлар, кутаман-а! Сен ҳам, Темур, ке...— Гулнора Темурни пинҳона яхши кўрарди-ю, лекин бунинг сабабини ўзи ҳам англамасди. «Нима учун... экан, а?», деб ўйларди у. Ҳўв бирдаги ёзма ишда ёрдам бергани учунмикан? «Наҳот, ўзим ишлаб олманган бўлсам ўшанда? Тўғри, касал бўлиб, дарслардан орқада қолиб кетган эдим, шунда у ёрдам берган эди... Наҳот, шунинг учунгина бўлса... Шунинг учун...» Сўнг хаёлига бир фикр келардию ўйларига барҳам берарди: «Ҳар бир одамга кимдир ёкиши керак. Мана шунинг учундир? Ахир, китобларда шундай ёзилади-ку!»

Қисқаси, қиз унга бошқача кўз билан қарай бошлаганини ҳис қилди. Лекин бу ҳис унинг юрагида пинҳона қолиб кетаверди, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмади — гурури йўл қўймади. Темур доим ўзини ундан олиб қочар, кўзига тикилиб қарамас, қарийб гаплашмас ҳам эди. Кунлар ана шундай, бир тусда, ўзгарисиз ўтиб борарди...

Туғилган кунига даярли ҳамма келди. Болалар Гулнорани табриклар, дастурхонга ўтириб ҳам бўлишдики, Темур билан Саъдулладан дарак бўлмади. Вақт эса тинмай илгариларди. Ҳамманинг диққати эшик кўнгириғида; Гулноранинг миёсида «Келмаса-я!», деган хавотир.

— Э-э, ҳозир келишадим,— дедик биз оғзимизни тўлдирганча ширин нон кавшам.— Доним бирга юришеди-ку. Шунга ҳам ташвишми?— Ичимизда эса: «Бай-бай-бай, бирам ширин бўптики, оғизда зрийди-я!», дея ўйлади.

Ниҳоят, эшик кўнгириғи жириглади, Гулнора югуриб бориб очди: хонага Саъдулланинг якка ўзи кириб келди. Темур кўринмади... Биз нон кавшашда давом этавердик. «Нима қипти келган бўлса, қақиргандан кейин вақтироқ келсин-да ё умуман келмасин! Ана шунақа, қоринни ўйлаймиз-у, тирик одамга қарашни эса унутамиз. Саъдулланинг Темур ҳақидаги гапларини эшитдиг-у, лекин кўзи ва юзи атрофидаги ишга, тугмаси узилган кўйлагига би-рортанимиз жиддийроқ эътибор бермадик. Кейин фикру зикримиз приёмникдан таралаётган мусиқага монанд дикир-дикир сакрашда бўлиб... Ахир, ичкари уйга кириб олган, мусиқани варанглатганча «машқ қилиб» турадиган акаю опаларига кимнинг ўхшагиси келмайди?.. Саъдуллани ҳам, «тўйга кетган» Темурни ҳам бир зумда унутдик... Кечга бориб тарқалдик. Ҳаммамиз хурсанд. Лекин...

Гулнорага ўзининг туғилган куни татимади. Чунки Темур келмади... Кел-мади! Демак, ёмон... Йўқ-йўқ, бўлиши мумкин эмас! Балки чиндан ҳам яхши... Ахир, бирор марта учини ҳам чиқариб қўймаган, у ҳеч нарса билмайди-ку. Эҳтимол, ҳозир тўйда юриб ҳам уни ўйлаётгандир, келмаганига афсусланаётгандир? Узи йироқда бўлса ҳам... Ахир, китобларда ёзилади, киноларда кўрсатилади-ку! Қайдам, ҳозирча бунинг ҳаммаси ўзини овутши, холос.

У ҳақда ўйлаш учун аввало яхши кўриши керак, ҳозирча Темур қизни севадим, йўқми — маълум эмас. Севмаслиги ҳам мумкин, севиши ҳам. Севиши ҳам мумкин, севмаслиги ҳам... Ҳа!

Гулнора қўллари титраб Темурнинг совғасини очди. Қоғоз қатидан чиройли, гулдор табрик қоғози чиқди. Гулнора уни қўлига олди. Хуснихат билан ёзилган сўзлар: «...Миллион-миллион қизил атиргул ва бундан ҳам кўп бахт-саодат тилайман!» Қиз ўз кўзларига ишонмай, қайта-қайта ўқиб чиқди: «...Бахт-саодат тилайман! Тилайман!» Энтиқди: «Тилайди! Демак, тилайди!» Бир оз ўзига келгач, совғани айлантириб оча бошлади. Қоғоз қатларидан тиззасига тўкилган тупроқни кўриб, бурнини жийирди: «Дарров қаёқдан илашди бу ўлгур?» У, юрагида ҳаяжон, қоғозни четга улоқтириб, совғани қўлига олдию беихтиёр: «Вой, қандай чиройли!», деб юборди: кунинг қўлида рангдор ҳаллари ажиб бир нур таратаётган кутича турарди. «Демак, тўғарақда ўзи ясаган. Менга атаб!»

«Сенга аталган...» Қандайдир овоз қулоғи тагида жарағлади. Кейин ақс садо берди: «Сенга... сенга...»

Уйдаги барча жиҳозлар бараварига олқишлай бошладилар: «Сенга аталган! Сенга... Сен...»

Гулнора, худди синдириб қўйишдан чўчигандай, кутичанинг жажжи зулфинини туширди: «Ичиди нима бор экан, балки бирон нима ёзилгандир? Нима экан?» Қути қоққоғини очдию... қорачиқлари кенгайиб, нималаргадир илҳақ нигоҳи бир ҳовуч писта пўчоғига тушди! Ҳа, ҳа, моҳирлик билан ясалган гулдор кутича тупроқ аралаш бир ҳовуч писта пўчоғига тўла эди...

Уша куни Саъдулла Темурларниқандай чиқиб, тикка Гулноранинг уйига жўнади. У темирйўл ёғочлари узра қадам ташлар экан, «Манави йўлнинг узунлигини-чи, охири кўринмайди-я!»— дея хаёлидан кечирди.— Э-э, охири ҳам бўлмаса керак, ер юмалоқ, бошқа йўлларга уланиб-уланиб, бутун ер шарини айланиб, яна шу жойга қайтиб келса керак. Шу, темирйўлчиларга маза-да, ҳамма шаҳарни кўришади, каттакон дарёлар устидан олиб ўтишади, ҳеч нарсадан кўрқиш йўқ, ишқилиб темир излар бўлса бас — баланд-баланд чўққиларга ҳам чиқиб кетаверишади. Агар паровозга қанот ўйлаб топишса борми, туннелнинг кераги бўлмай қолади: ҳув қуёшга ҳам чиқиси мумкин. Ўтхонасига ўтин қалайверасан-қалайверасан, у учаверади-учаверади... Қойилмақом хунар! Кийимлари нақ генералникидай! Шапкасини кўндириб, бувасининг орденларини тақиб олса борми, болаларнинг оғзи очили-иб қолади. Кейин қизларнинг кўзи кўйсин! Қойил-а! Саккизни битириб, поезд ҳайдовчиликка ўқисинмикан!..»

Саъдулла ўзининг бу паровозда Амазонка чангалзорларию Саҳрон Кабир қумтепаларини айланиб ўтиб, Миср эҳромларини ортада қолдирганча мотор заводи муолишидаги ахлатхонага — «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи» синадиган хилват майдончага бурилган ҳам эдики, у ерда отнинг тезагидек тўпланиб турган болаларга дуч келиб... сесканди. Оёқлари ўз-ўзидан тўхтади, юраги эса гурс-гурс тепа кетди: «Мана сенга маймундан тарқалган одамлар макони, етиб келдинг манзилингга! Тўхта...»

Унинг рўпарасида — аҳоли кечқурун ахлат чиқариб ташлайдиган жойда Асом булбул бошлиқ «ХХ аср қароқчилари», яъни, мактабни амал-тақал қилиб битириб, бирон-бир хунар-техника билим юртига бориб ўқиш ўринга дайдиб юришни маъқул кўрган болалар сират қолдиқларини тутатиб туришар, эски консерва қутилари тетишар эди. Уларнинг олдида ўтса, албатта жанжал чиқисини пайқаган Саъдулла ўйланиб туриб, орқага қайтмоқчи бўлди. Бироқ, уларнинг олдида ғурурини ерга уришни эп кўрмай олға жилди: «Боравераман, балки индашмас. Бирор нима дейишса-чи? Эҳ, нима бўлса бўлди!»

У аста-секин болаларга бақамти келди ва ўзи ҳам истамаган ҳолда қадамни тезлатиб, уларни кўрмаганга олиб ўтиб кетмоқчи бўлди. Лекин, озгина юрган ҳам эдики, кўзга кўринадиган жойига «Метво тов» деб ёзиб қўйилган айвони кенг кепкани бошига кўндирган Асом булбул ёнида читтақдай сапчиб турган пак-лакани Маъмурга қичқирди:

— Э-э, Беломор, бир пас ким тур! — У одамларни лақаби билан қақришни яхши кўрар эди. — Менга қара,

Беломор, анови Сардинка машина олганми дейман, танишларга салом ҳам бермай, гердайиб ўтиб кетяпти?

— Ҳа, яқинда «нўл олти» олган-да,— дея Маъмур бурнини тортиб ҳиринглади.

Асом булбул истехзо билан илжайди:

— Ҳа-а, шундайми? «Жигули» оптиларми? Унда ювиш керак экан-ку! Бойвачалар доим шундай қилишади. Бўлмаса, авария-павария деганларидек, а? Билиб бўладими, кўча тўла фалокат бўлса. Қани, Сардинка, бу ёққа ке-чи, консерва қутининг янгича усул билан би-ир ювайлик... Қани, бошла, Беломор! — дея кўз қисди Асом Маъмурга. — Топиб кел!

Маъмур ҳам унга кўзини қисиб, оёғи куйган товукдай қаёққадир чопқиллаб кетди.

Саъдулла кўрқа-писа Асомга яқинлашар экан, кепкасини кўриб кулгиси қистади: «Моховлиги шундоқ ҳам кўриниб турибди-ку, ёрликнинг нима кераги бор экан?»

Асом унинг юзидеги ўзгаришни ўзича тушунди, шекилли, кўришиш учун қўл узатган Саъдуллага қараб:

— Ҳа-а, Сардинка, роса ичиндан пишган кўринасан! — деди. — Чекмайман-чекмайман, деб дадангинини туя қилиб турсанг керак? Майли, чекавер, одам бўласан, асли сигарет — йигит кишининг овунчоғи. Лекин ҳозир қизлар ҳам чекяпти, сен чекмасанг уят-ку! Кейин, қизлар сигаретни қарнай қиладиганларни яхши кўришад, қулоғинга қуйиб ол! Хўш, йўл бўлсин, жа-а пўрим бўп кетибдилар? Қўлтигингдаги нима, а?

— Ҳеч нима. Қоғоз... — дея ғудиллади Саъдулла.

— Қани, кўрайлик-чи, ўша «ҳеч нима»ниги!

Саъдулла эсанкиради. Бир хаёли секин жуфтакни урмоқчи ҳам бўлди, лекин қочиб узоққа боролмаслигини сезиб... Ахир «қароқчилар» чангалдан қутулиб бўладими?! Булбулга қаради:

— Сен кўрмасанг итнинг кўнгли озармиди? Ким бўп қолдинг ўзи? — деди. Деди-ю, дарров кўлини мушт қилиб, кўзларини юмиб олди. «Уради, ҳозир уради», деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди. Лекин, муштдан дарак бўлмади. Ҳайрон бўлиб, кўзини очди. Не ажабки, Булбул ҳамон қаршисида илжайиб турарди. «Демак, гапим таъсир қилмабди».

— Нега кўзингни юмасан? Кўнгли айнийдиган итингни эсладингми? Нима, итинг касалми ё? Жа-а, ғалати бола экансан-ку сен. — Асом шундай дея Саъдулланинг қўлтигидаги қоғозга чанг солди. Аммо, у совғани юлиб олишга ҳарчанд уринмасин, Саъдулла уни қўйиб юбормади. Асом қорнини қашиб-қашиб, ҳеч нима бўлмагандай шимининг қўлгага қўл тикди.

Атаманларининг аллақандай мишиқидан мот бўлганини кўрган аскар болалар югуриб келиб, Саъдуллани ўраб олишди. Уни дўппослашга энди энг шармаришган ҳам эдиларки, Булбул бир ишора билан уларни тўхтади:

— Майли, кўрсатмаса кўрсатмай қўяқолсин. Нима, битта унда бор эканми!..

Шу пайт қаёққадир даф бўлган Маъмур келди ва Асомнинг қўлига бир нима тутқазиб, қулоғига шивирлади. Асом яна илжайди.

— А-ҳа, ўзининг маркангдан опкебсан-да, туллак! — деди у. Сўнг қўлидаги нарсани пуфлаб, Саъдуллага узатди. — Ол, янги матоҳни ювишнинг янгича усули шундай бўлади. Ўғил болалигининг бир кўрсат манави сўтакларга. Шунча ўргатсанг ҳам илжайишдан бошқани билмайди бу каллалар. Қачон қарама «Асом ака, ундай қилинг — Асом ака, бундай қилинг». Хайрият, аканг булбул бор экан бу дунёда! — У қўлидагини Саъдулланинг оғзига яқинлаштирди.

У нарс сарғайиб, титилиб кетган «Беломор» сигаретининг қолдиғи эди! Саъдулланинг хўрлиги келди, йиғлаб юборишдан ўзини зўрга тийди. Асом эса тиржайганча қўлидагини унга нуқиб турар, Саъдулла унинг рўпарасида қалт-қалт титрар эди. Асом баттар ёйилиб илжяди. Саъдулла кўзини юмди.

— Ҳўв, Асом! — дея Булбулга қараб қичқирди у. — Нима демоқчисан ўзи? Намунча катта кетмасанг? Қани, қўлингидини ўзинг чек-чи! Чек, деяпман сенга! Чекмайсанми! Мана сенга! — У Асомнинг қоқ пешонасига туширди. Булбулнинг афти бужмайиб, кепкаси бошидан учиб кетди. Лекин у оғриётган қаншари ва бетўхот қонаётган



бурнига ҳам эътибор бермай, кепкасига (ҳар қалай, асил мол-дал) ташланди. Саъдулла эса, энгашган Булбулнинг кетига — оппоқ жинси шими сириб турган жойига ўхшатиб тепди...

...Қулоқ чаккасига келиб тушган мушт уни ўзига келтирди.

— Чекмайсанми?— деб қичқиради Асом.— Чекмасанг, мана! Ҳе, ўша...— дея бўралаб сўкинди у ва Саъдулланинг жағ суягига тегиб оғриган кўлини силай-силаи нари кетди.

Саъдулла ҳеч нимани сезмас эди... Асом нари кетгач, шериклари тепкилаганини, отилиб кетган дўсти Темурнинг совғаси — жимжимадор қутича чиги Беломор ахлатда ётган писта пўчоқларини шоша-пиша солиб қўйганини ҳам билмай қолди. У фақат шуни биладики, ўзига келиб, ўрнидан турганида бели, биқини ва елкалари зирқираб оғриб, Темур берган совға нарироқда юмалаб ётар, харобазорда эса ҳеч ким қолмаган эди. Мотор заводидан чиқаётган шовкингина қулоқни қоматга кетирар, заводнинг баланд мўриларидан чиқаётган паға-паға қора тутун оқ-оппоқ булутлар қаърини ёриб ўтиб, мусаффо осмон бағрига сингиб, кўздан йўқолар эди...

Саъдулла алламаҳалда ўрнидан турди. «Ўзиям роса қутишаётгандир...» Белини ушлаб, ҳафсаласизлик билан совғани қозоғга ўради. «Йиқилиб тушганимда кўлимдан отилиб кетганга ўхшайди. Вой азаматлар-ей, роса боплашибди-ку! Тфу-у! Жа-а, ўзим ҳам урдим, шекилли... Қандай қилиб, а? Кўзимни юмиб олган эдим, урганимниям билмай қолдим. Тупроққа булғашибди, ювиниб олиш керак». У заводнинг чиқиндилари оқиб қичувчи ариқ сувига юз-қўлини ювиб, уст-бошини қоқди.

Темирийўлга қараб, кулгиси қистади: «Поездчи бўлармиш, паровоз ҳайдармиш... Ҳе-е, аввал манавинақаларга бас келсанг-чи, ана ундан кейин... Ҳай, майли, каратэни бир ўрганиб олай, кейин гаплашамиз. Ҳаммангни қийратмасам!»

У туғилган кунга кечикиб келганининг сабабини айтиб ўтирмади. Умуман, бу ҳақда сўраб-суриштирадиган одамнинг ўзи ҳам бўлмади. Гулнорага «Темурларникида ўшланиб қолдим», деди, холос.

Воқеа энди бироз ойдинлашди, шекилли. Ҳа, фақатгина бироз. Демак, писта пўчоғу тупроқни қутичага Темур солмаган. Гулнора эса буни ҳақорат деб тушуниб... «Наҳотки Темур мени?...», деган-да, алами кўзиган.

Ушандан кейин юз берган бошқа бир воқеа Саъдуллани бутунлай эсанкиратиб қўйди. Мактабда Темур («тўйдан келгач») унга еб қўйгудек тикилиб, саломига алик ҳам олмай нари кетди. Гулнора ҳам негадир гаплашмай қўйди. Саъдулла, иккови ўзидан хафа эканини англади, лекин сабабини билолмади. Билди, лекин анча кейин... Бу иш Асом булбул ва унинг ошналари қилган ифлослик эканини ҳам билди.

Айтгандай, Саъдулла каратэни ўрганиб, бутун дунёни ларзага солмоқчи эди-ку?! Йўқ, у эртасигаёқ ўзининг бу аҳдини унутди. Аниқроғи, спорт секциясига бормади. Бормади, вассалом! Ўзи шунақа, қизиқ устида бутун дунёни остин-устун қилиб юборишга аҳд қиламиз-у, кейин бунга журъатимиз етмай, ҳовримиздан тушамиз ё бўлмаса орқага сурамиз. Шу-дал..

Шундай қилиб, пўчоқ воқеаси ҳал бўлди. Айбдорлар аниқланди. Энди Темур, Гулнора ва Саъдулла бир-бирлари билан ярашиб, илгаригидай иноқ бўлиб кетишади. Биз бунга аминмиз. Чунки бир синфда ўқиб, бир ҳаводан нафас олишади. Муҳими — доимо бирга.

Мирза ҳам худди шундай ўйлади. «Тўғри,— деди у партасида ўтириб, хаёлга бериларкан,— улар ярашиб кетишади. Чунки, ҳар бир воқеа, худди катта-кичик роману қиссалардагидек, яхшилик билан тугаши керак, фақат яхшилик билан...»

Дарвоқе, асарларни фақат яхшилик билан тугатиш шартми?

«Тўғри, Темур билан Гулнора ярашиб, яна илгаригидай бўлиб кетишади. Чунки, бир синфда ўқиб бир партада ўтиришади. Муҳими — доимо бирга...» Лекин, Мирза ҳам

ниятига етармикан, Манзура билан яна кўришиш унга насиб етармикан? Ахир, у узоқ-узоқларда, қанчадан-қанча дарёю беҳисоб тоғлар ортида-ку...

Ҳўш, унинг ўзи ким эди, қандай эди, атиги бир йил аввал? Ахир, бир йил аввал у...

Синфхона эшиги тарақлиб очилиб, Мирзанинг хаёли бўлинди. Йўлакдаги шовқин бир зумда ичкарига ёйилди. Ғала-ғовур қилганча, сураткашлик билан шуғулланувчи Абдукарим кирди.

— Эҳ-эй, эртага овқат пулини аччиқ чайнайдиган бўлдиларинг — синфга янги бола келяпти!

У синфга қандай келган бўлса, шундай тез ғойиб бўлди. Ҳатто болалар унинг исмини сўраб олишга ҳам ўлгуришмади. У, яна келаман, деб ваъда ҳам бермади. Янги бола атиги бир кун ўқиди. У синфдаги ҳамма нарсага қизиқсиниб қарар, бунинг устига, қилиқлари ҳам ғайриоддий эди. Деворларига ҳар хил плакату кўргазмалар илиб ташланган синфхонани синчиклаб қараб чиққач, анча ғимир-ғимирлашиб қолган болаларни кузата бошлади. Уқитувчининг журнал тўлдириб учун чалганидан фойдаланиб нима-ларнидир тинмай «тушунтираётган» қўллар, орқа-ўнгига ўгирилиб сирли шивирлаётган лаблар, ўқитувчининг боши кўтарилиши биланоқ жим бўлган «оркестр»ни кўриб ҳайратдан қотди. Ҳар тугул, унинг қоп-қора кўзларига, буни остидаги ажиб бир жилвага қараб, биз шуни англадик. Ўзи шунақа, бирор янги жойга бориб қолсак, ҳамма нарса кўзимизга нотанишдай туюлаверади, янги жойда дом бўлакча ҳаяжонга тушамиз. Янги боланинг ҳозир кўнглидан: «Шаҳарлик болалар ҳам дарсда гаплашиб ўтирадимиз?», деган ўй кечаётган бўлса, ажаб эмас.

Танаффус пайтида биз уни ўраб олдик. Қизлар ўзларини бизчалик қизиқувчан тутмаётган бўлсалар-да, бутун вужудлари қулоққа айлангани шундоққина юзларидан, кўзларидан аён эди. Гавдали, қорачадан келган, уст-бошию ўзини тутишидан бегоналиги яққол кўриниб турган кирпи-соч бола эса, ён дафтарига доскадаги ёзувларни кўчирар, ўзини ўраб олган даврага аҳамият бермас эди. Қизиқ ҳолат: хонага жимлик чўккан; ҳамманнинг кўзи унда, унинг диққати — доскадаги ёзувларда, ёзув эса ҳали-бери тугай қолмайди... Охири, кимдир чидамади, сафни дадил ёриб ўтиб, тўнқадек гавдаси билан янги бола ўтирган партага энгашди. Қарасак, Аҳмад — синфимизнинг «додаси» ўша мақтанчоқ Аҳмад, бамайлихотир, худди ўз ишидан мамнун кишидек жилмайиб турибди: «Ҳо-ҳо-ҳо!»

Доска томон кўз ташлаган янги бола шундоқ қаршисида олайиб, икки кўлини белига тираб турган тўнгани кўрди. Унинг елкаси оша қарамоқчи бўлган эди, гавда бир газ юкорига кўтарилди. Тирсаги остидан мўралаган эди, шилқим гавда яна унинг олдини тўсиб, ён томонга эгилди. Вазият анча жиддий, Аҳмад энди нари кетмай демасди. Ниҳоят, «сичқон-мушук» ўйини жонига тегдими ёки бегона даврада сичқон бўлишга ор қилдими, янги бола ўзини ўнглаб, «мушук»ка тик қаради-да:

— Жўра, халақит берманг. Ё бирор гапингиз борми? Ҳозир манавини тугатай, кейин бемалол гаплашамиз, бўптимиз?— деди. Янги боланинг ҳадик аралаш кўзлари энди рақибига жиддий боқмоқда эди.

Дадасининг мўйловини ўйнай бошлаган пайтидан буён бундай муомалани кутмаган Аҳмаднинг чуви чиқиб, бироз қизаринқиради.

— Нима? Гапим керакми сенга? Агар гапим бўлмаса нима қилардинг? Пиширасанми, ейсанми? Ё қовурасанми, а?— У салобат учун аввал хўрпайди, сўнг ўзидан-ўзи пишиқиб, янги бола томон яқинлаша бошлади. Йўқ, у фақат кўринишдангина яқинлашаётгандек, аслида эса оёғини у ёқдан-бу ёққа ташлаб, жойида депсинаётган эди. Агар жойидан қимирлаганида ҳозир «синф ҳамшираси»нинг шафқатли кўлидан нашатир спирти ҳидлаб, «тез ёрдам» машинаси келишини кутаётган бўлармиди...

— Бир сўздан қайт,— деди доскага чиқса тилдан қоладиган Олим.

— Ву-уй, муштини кўряпсанми,— деди дам чап кўзи, дам ўнг кўзи, кўпинча икки чаккаси кўкариб юрадиган Илёс.

— Нақ бўйинингни узади-я!— (Афсус, бу луқманинг



эгасини кўролмайд қолдик, афтидан, у бўйининг пастлигидан болалар тўпига шўнғиб кетган бўлса керак.) Шу пайт яна жарангдор овоз янгради:

— Уйнашмагин Аҳмад, сени сийлар томат билан. Ҳи-ҳи-ҳи!— Мана, халқимиз маталларига ижодий ёндашшининг меваси!

Лекин бу гапонлару маталчиларнинг биронтаси янги боланинг ёнини олишга ярамади. Минг қилса ҳам, бегона ботирдан таниш кўрқоқ афзал-да!

Бир пайт ушбу хангомани жимгина кузатиб турган Темур биринчи бўлиб ўртага чиқди:

— Қўйсанг-чи, Аҳмад, нима қиласан тегишиб! Бекордан бекор жанжал чиқармоқчимсан?

Мен эса охириг партага ўтириб олиб, воқеани ипидан игнасиғача қозога туширар эканман, ичимда ўйлар эдим: «Э-э, кўлимдан нима ҳам келарди? Қаёқдаги... ни деб калтак ейишим керакми? Узи ҳам бундоқ ҳаракатини қилсин-да. Ҳимоя-пимояни биладимми ўзи?..»

Аҳмад Темурнинг гапларига эътибор бермади. Шартта янги боланинг ёқасига ёпишди. Орага энди Саъдулла суқилди:

— Ке, кўй энди. Ўзинг яхши боласан-ку, Аҳмад, уруш чиқариб нима қиласан? Ҳозир ўқитувчи-мўқитувчи кўриб қолса...— деди у. Ичида эса: «Шу, яхшилаб тумшугига тушириш пайти келувди-ю, лекин кечаги жисмоний тарбия дарсидан кейин белимини ололмай турибман-да. Бунинг устига, Аҳмад анави Асбоннинг укасига жўра бўлади. Яна тунов кунгидай...» деб ўйлади-ёв.

Аҳмаднинг ясама шахди пасайиб, қўлини тортиди. Лекин, даҳанаки жангни давом эттираверди:

— Калланга солийми, тасқара!..

Ёнимдаги партада нималарнидир ўйлаб ўтирган Мирза шартта ўрнидан туриб, лом-мим ҳам демай даврани кесиб ўтди-да, Аҳмаднинг бевош қўлини қайирди. Аҳмад тўсатдан қилинган ҳужумга дош беролмай, «ух»лаб ерга мункиди.

— Қўй... қўйвор қўлимни! Уҳ, қисмасан-чи... қараб тур, с-сени укамга... Ас-сомга айтмасамми!

Аммо, Мирзанинг баттар жаҳли чиқиб, унинг қўлларини яна ҳам қаттиқроқ буради; ногаҳоний оғриқдан Аҳмаднинг юзлари буришди, кўзидан тирқираб ёш чиқди:

— Хўп-хўп, тегмайман бошқа... индамайман. Майли, к-кўрамиз... Э, қўйвор-е, қўлимни!.. Тавба қилдим!

Ниҳоят, Мирза уни қўйиб юборди. Аҳмад қўлини сийпалаб нари кетди, негадир илжайди.

— Ҳ-ҳали кўрамиз, қўл синдириш қанақа бўлишини! Лекин, билмовдим бунақа чўққалигингни, қаёқдаги шўртум-шўққа сотдинг-а! Қип-қизил, ҳалиги... шипиён экансан!— У жаврай-жаврай бориб сумкасини олди.— Айтиб қўйларинг, мен мактабга келмадим. Адьо, бўлмаса!— дея эшик ортида ғойиб бўлди.

Айни пайтда қизлар пичир-пичирни бошлаб юборишган эди. Янги бола Аҳмаднинг ортидан ҳайрон қараб қолди, биз эса — унга. Бироз вақт ўтгач, у ботиниб-ботинмай, Мирзадан сўради:

— У... бир нима демоқчимиди менга?

Мирза, муғомбирлик қилмаяптими, дея ҳайратланиб унинг юзига тикилди, кўзларида қувликдан асар ҳам кўрмай, бизга маъноли бир қараш қилиб олди-да, жавоб қилди:

— Ҳеч нима! Тушунмадингми? Синфимизда шундай удум бор ўзи: биринчи галда янги келганларнинг асабини синаб кўрамиз. Агар синовимиздан ўтолса, сафимизга қўшамиз, ўтолмаса... Хуллас, шунақа.

Узи шунақа, дастлабки хайрли ишимиз кўпинча ёлгон изохга муҳтож бўлади, ҳа!

— Унда, нега?..

— Ҳм, мен сенинг... қанақа эканингни билмоқчи эдим. Қўлини қайириб турсам, уради, деб ўйловдим, мард экансан — тегмадинг. Лекин, Аҳмад ҳам аслида яхши бола.

— Ҳа-а!— деди чўзиб янги бола.— Одатларинг яхши экан. Биз ҳам жон деб синар эдик-у, келадиган боланинг ўзи йўқ-да! Э-э, қишлоққа ким ҳам борарди. Ана, битта агроном уч йил бурун бориб, уч кун ҳам турмай қочворди. Шийпонимизда ётган экан, тун билан чивин чақиб юзини шишириб юборибди. Кетиб қолди. Ҳозир ҳамма қишлоқдан кетяпти-ку ўзи. Мана, Соли сувчининг ўғли. Бултур ўқишга

кираман деб шаҳарга келувди, йиқилди. Қишлоққа қайтиб борибдики, қилган ишининг тайини йўқ. Магнитофон кўтариб, у ёққа ўтади, бу ёққа... сўраганга сигарет беради, дунё кўриб, кўп нарсани тушундик, дейди. Магнитофонга тиржайиб турган малласоч қизнинг расмини ёпиштирволган. Сўрасак, шаҳарда танишдик, ойимим, дейди. Э-э, роса алдаган экан, шаҳардаги ҳамма сумкага ўшанақа сурат ёпиштирилган экан-ку! Кейин ўша бола қаёққадир кетиб қолди. Дадасига хат ёзибди, новвойга шогирд тушдим, пул юборинг, деб.

Унинг гапларини эшитиб, жилмайдик.

— Ҳамма шаҳарга кетяпти, деб нолийсан, мана, ўзинг ҳам келибсан-ку?— деди Мирза кулиб.

— Э-э, менинг йўригим бошқа,— деди янги бола.— Зарил бўлмаганида келармидим.

— Уҳ-хў, ҳали муҳим ишлари ҳам борми бу кишининг?— дея гап ташлади Фарход.

— Бўлмасам-чи, ахир, кинода чиқмоқчиман-ку!

Ҳаммамиз донг қотиб қолдик. Қизлар эса бир нарсаларни шивирлаб, пиқир-пиқир кулишди.

— Опқоч-а, опқоч!— деди истеҳзо аралаш Фарход,— Буни қарангла: кинода чиқармиш! Ҳе-е, ўргилдим сендақа Тобшолтадан!

— Албатта, дарров кинога олиб қўяқолишмайди,— деди у яна ўша соддадиллик билан.— Олдин синовдан ўтказишди... Бултур пахта маҳали болалар билан шийпонда тушлик қилаётган эдик, радиода айтиб қолишди, қишлоқ қаҳидаги фильмга ўн тўрт ёшлардаги бола керак, деб. Шу бир омадимни синаб кўрай дедиму айтилган жойга расмимни юбордим. Э, буни эшитиб бутун қишлоқ: «Ҳайҳотдай шаҳарда артист куриб қоптими», деб устимдан кулди. Узим ҳам уялиб кетдим. Рост-да! Умидимниям узиб қўювдим, тунов кунни бирдан почтачимиз қозоғ ташлаб кетди. Қарасам, шаҳардан! «Кинопробаларда қатнашинингизни сўраймиз», деб ёзишибди. Хурсанд бўлиб кетдим. Бир томондан хижолат ҳам бўлдим. Ахир, ўртоқларим хафа бўп қолишида, энди ўзларини мендан олиб қочиб юришади, уялишади.

Ҳамма янги боланинг гапларини жимгина тингларди. Бир неча дақиқа аввал уни лофчиға чиқариб қўйганлар ҳам энди унинг сўзларига ишонгандай бўлдилар. Очиқкўнгил, соддагина бола ҳаммани қизиқтириб қўйди.

— А-ҳа, ҳозир мен сени бир мот қиламан,— деди ўзи мот бўлаётганини сеза бошлаган Фарход илжайиб.— Ҳалидан бери ундай бўлди-бундай бўлди, деб роса бошимизни қотиряпсан, ростдан ҳам кинода ўйнамоқчи бўлсанг, мактабимизда нима қилиб юрибсан, а? Индамаски, ҳали кинони мактабнингизда суратга олишади, ҳам дерсан. Барибир ишонмайман, алдайдиган аҳмоғини топибди!

Янги бола жилмайди, сўнг партага ўрнашиброқ ўтириб, деди:

— Э-э, ишонмаяпсизми? Шаҳарга битта ўзим келганим йўқ, колхозимиз зоотехниги олиб келган. Автобусдан тушган заҳотимиз у мени ўртоғининг уйига жойлаштирди. Ўғлининг оти Жоржик, танисаларинг керак, учинчи синфда ўқийди. Нуқул немисча гапирди... Кейин киностудияга ҳам бордик, зоотехнигимиз айтдики, менинг масалам ўша ерда ҳал бўлармиш. Қарасак, навбатда турганлар сон мингга — бари ўзимга ўхшаган болалар. Икки-уч кун кутиб турингла, дейишди. Навбат олиб қўйиб шаҳар айландик, роса метрода катаяси қилдик. Ҳамма бекатни кўрдик. Бугун вақтнинг бекор ўтказмай дедиму Жоржик билан мактабга келдим, суриштириб шу синфга кирдим. Э-э, сизларга роса ҳам маза экан. Муаллимларининг тушунтиришини қаранг, агар биз ҳам шунақа ўқисак борми, эҳ-ҳе... Нимаям қилардик, кимдир пахта териши ҳам керак-ку!..

Зуфарнинг энсаси қотди. Чукүр хўрсиниб, янги болага юзланди:

— Э-э, қўйсанг-чи, ўзиям сал ҳалигиндақароқсан, шекилли. Раз мактабингдан жавоб сўраб келган экансан, нима қилардинг ўқи? Маз-за қилиб шаҳар айланавермайсанми? Қолаверса, пахта теришининг нимаси ёмон? Мана — мен: жон деб далага чиққан бўлардим, ишқилиб дарсдан қутулсам бас эди. Ҳеч ким справка ҳам сўрамасди, даданга қўл қўйдириб ке, деб кундалик дафтарингга айбларингни ҳам ёзиб қўйишмасди. Муҳими — озодлик, хоҳласанг —

ишла, хоҳламансанг — қизлар териб қўйган пахтадан оз-моз ўғирлаб, дамингни олиб ётавер! Китобларда ёзишарди-ку...

Хаҳолаб юбордик. Сураткашимиз Абдукарим эса қўлини чўнтагига тиқиб, расмлардан тушган тангаларни жиринглади:

— Пул ҳам беришади. Зўр-ку!

Зуфарнинг гапларидан жон-пони чиқиб кетган қизлар эса пичир-пичирдан ошқора гап отишга ўтдилар:

— Дарсдан қутулгилари кеп қопти! Аввал «иккин»ни тузат, тунка!— деди аълочи Нигора.— Қараб тур, бир сени боппамасамми мажлисда!..

Тўғри-да, агар у бориб пахта терса, қатор-қатор «беш»ларни ким олади, ўқитувчиларнинг мақтовларини ким эшитади?

— Ҳо-о, сенларни деб лойга ботайми?— деди Шоҳида.— Мен кетсам, мушугим нима бўлади?

Айтгандай, бароқ мушугини кунора ким биғиллатиб чўмилтиради?

— Озодлик, дейсанми, ҳозир ҳам сени ҳеч ким ушлаб тургани йўқ, даф бўл ўша қишлоғинга!— дея захрини сочди бўлажак олиманимиз Феруза.— Ҳали қараб тур...

Ҳали қараб турсин, кўп томлик эсдаликларида унга ҳам жой топилади. Бир боппайди ўшанда.

— Подумаешь, гений!— дея мунозарага нуқта қўйди ўзидаги фалсафий иқтидорни кўпроқ ҳис қилувчи Абилова. Аммо, тили бир қарич қизларимиз ҳарчанд уринмасинлар, уларнинг сўзлари Зуфарга зиғирча таъсир қилмади.

Барибир эртага ёзма ишни кўчириб олишга бераверишади, мен сизга айтсам.

Лекин янги бола (буни кўпчилик сезди) бироз ўсал бўлди...

У атиги бир кун ўқиди, дарс саноғи бўйича олти соат... Келаман, деб ваъда бермади, лекин болалар уни кутишди. Эртасига ҳам, ундан кейин ҳам. Баъзилар истеҳзо билан, кўпчилик эса яхши ўйлар билан эслаб юрди, у иштирок этган фильмни кутганлар ҳам бўлди. Нотаниш, ҳатто исми ҳам номаълум «қишлоқи бола» шаҳарликлар қалбида озгина бўлса-да из қолдирди. Балки, ўзи истаган ё истамаган ҳолда ниманидир ўргатди, нимагадир ишонч уйғотди. Ва ҳоказо...

Шундай, бир йил аввал у... Айтишга тил ҳам бормайди. Лекин у ўз хатосини тўғрилашга улгурган. Бунга... Манзура сабаб эди, у эса ҳозир йўқ...

Мирза эски ошналарида доим ўзини нари олишга интиларди, чунки уларга кўзи тушгудек бўлса, дарров ўша воқеалар эсига тушаверарди. Бунинг ҳаммасига Асом (ўша қийиккўз Асом) — унинг ашаддий душмани сабаб эди. Йўқ, у Асомдан кўрқмасди, кўрқмагани учун ҳам ўзини ундан олиб қочарди. Уша кунги воқеа унинг асабларини шунақанги бўшаштириб қўйган эдики, Асомнинг укасига жўра бўлмиш Аҳмад билан тўқнашув ҳам уни яна гирдобга солиб қўйди...

Баҳорнинг ўша иссиқ ва дим куни Мирза лоҳас бўлиб кўчага қикди. Гузардаги газсув дўконининг ойнабанд пештахтаси ортида қатор тизилиб турган лимонад шишаларини қўриб, оғзининг суви келди. Чўнтагини кавлаган эди, қўлига уч тийинлик чақаю нон ушокларидан бўлак ҳеч нима илинмади. У бошини қашиб, нима қиларини билмай тураркан, шундай рўпарасида турган Асомни кўрди.

— Қалайсан, полвон, аҳволларинг яхшими?

Асомнинг ўзига ярашмаган ширинсўзлиги Мирзанинг энасини қотирди: «Нима демоқчи ўзи? Илгари бунақа демасди-ку», дея хаёлидан ўтказди у.

— Нима, пулинг йўқми?— деди Асом газсув дўконига ишора қилиб. Мирза жавоб ўрнига тамшаниб, ерга қаради. Сўраганини-чи...— Э-э, ошна шунгаям қовоқ-тумшугингни осилтириб ўтирибсанми? Қаёқдаги ширин сув деб, а? Мана, аканга айтмайсанми ўша дардингни. Ахир, ошначиликни нимага чиқарган? Биз эски кадрдонлармиз-ку! Ошнанг учун жонингни аяма, дейишган. Мана, кўр!— Шундай дея қўйлагининг чўнтагидан шилди роқ уч сўмлик чиқарди-да, пештахта устига ташлади:

— Шеф, иккита «пепискола».— Сўнг, худди хайрли иш қилиб қўйган одамдек, қув кўзлари қисилиб, Мирзага

ўсмоқчилади:— Ич, ичавер! Чин ўртоққа «даражали»гидан қўйиб бераманг ҳам кам. Агар у бунинг қадрига етмаса... Ҳаммаям дўстнинг қадрига етавермайди. Биламан, сен унақамасан...

Мирза унинг гапларини илғаб олиш мақсадида бир зум «пепси» ичишдан тўхтади; шишадан қийшайиб кўринаётган Асомнинг юзига кўзи тушди ва фикри дарров равшанлашди. Ҳўв бирдаги тўйда келин томон болалари билан зўр уруш чиққан эди. Ушанда улар камчилик қолиб, рақиб томонга катта болалар ҳам қўшилиб кетишган эди. Аҳволи вой бўлишини сезган куёв томон қочиб қолди-ю, Мирза тўппа-тўғри «нариги томон»нинг қўлига тушди. Сал бўлмаса, унинг ҳам ҳолига маймун йиғларди, хайрият, Асом келиб қолди. Ҳалигилар билан яқинлиги бор эканми, бу бизнинг ука бўлади, деб Мирзани қутқариб олди. Аниқ, ҳозир ўшани таъна қиляпти...

Мирза бир кўтаришда шишани бўшатди-да:

— Чўзмасдан айтавер, нима ишинг бор?— деди. Асом қийик кўзларини қисиб тиржайди...

Бироздан сўнг у Мирзани мотор заводи ортидаги хилват, камқатнов жой — ўша машҳур «бургутлар ошени»га олиб келди. Асом келасолибоқ заводнинг пасткам бетон деворига тирмашиб қикди. Унинг юзлари иссиқдан бўғриқиб кетган, бўйнига безак учун осган калитли занжирчаси кир қўйлаги ёқасидан ялтираб кўринар эди. У девор устига ўрнашиб олгач, қўлини Мирзага узатди:

— Қани, ушла!

Мирза унинг ёрилиб кетган қоп-қора қўлларини кўриб хайрон бўлди: «Шаҳарда туриб ҳам қўли ёрилибди-я... Қиз болага ўхшаб занжир осиб олгани-чи... Заводда унинг нима иши бўлиши мумкин?!»

— Ушла! Ушла, деяпман сенга,— дея шоширди Асом.— Бўлақол, тез!

Мирза бирпас ўйланиб турди-да, истар-истамай унинг қўлидан ушлаб, деворга тирмашди. Асом уни ёнига тортиб чиқарди. Сўнг деворнинг нариги томонидаги кўм-кўк ажриқ устига сакрадилар. Мирзанинг оёғи ерга тегishi биланоқ Асом уни ўт устига маҳкам босди. Кўрқиб кетган Мирза типирчилаб, бақирисга уринарди.

— Жим, тентаквой!— Мирзанинг оғзини қўллари билан бекитиб, шивирлади Асом.— Қоровул сезиб қолса... Типирчилама, ҳозир қўйвораман.

— Бу ерда нима қиламиз ўзи?— деб сўради Мирза оғзини Асомнинг кир қўлларидан ҳалос этишга уришиб.— Сени билмадим-у, лекин мен бу заводда отамнинг молини йўқотганим йўқ.

— Э-э, кўп бидирлама. Кейин билиб оласан. Қани, юр орқамдан...

Мирза охири қатор вагонлар турган майдончага бориб тақаладиган кўм-кўк майсазор бўйлаб, Асомнинг кетидан эмаклади. Нарирокда баланд осма кранлар гўдайиб туришар, қоп-қора завод биноси олдида эса коржома кийган ишчилар юришар эди. Улардан анча берида юкли вагонлар... Асом билан Мирза вагонлар уйилиб турган майдончага қадар эмаклаб, одамлар кўздан пана бўлгач, туриб юришди. Шу ерда Мирза яна ҳайратини яширолмади:

— Ҳей Асом, бу ерда нима қиламиз, айтсанг-чи?

Асомнинг кўзлари яна қисилди.

— Биласанми, вагонларнинг қайсидир бирида озгинагина нарса бор. Шуни.. энди бир бало қилиб олиб кетишимиз керак. Агар ёниб кетмасак, қарзимдан кутулдим деявер! Мирзанинг эти жимирлаб кетди.

— Нима, ўғрилиқми?

Асом зўрма-зўраки илжайиб, деди:

— Намунча титрамасанг? Кўрқоғ-ей!.. Кўрқма, ўғирлик эмас. Манави тизилиб турган вагонларни кўрпясанми? Булар ҳў-ўв ярим йилдан бери шу ерда ётибди, кераксиз шекилли.

— Ётса ётар, қачон керак бўла, эгаси олиб кетар.

— Э-э, кўп бидирламай, гапни эшит: ахир, булар ёздаям, қишдаям, куздаям жойидан қимирлагани йўқ, ташландиқки, бу ерда ётибди. Керак бўлганда, эҳ-ҳе, аллақачон... Уларга керак эмас экан, мана бизга керак! Манави вагоннинг ичида озгина темир-терсак бор. Менга керак эмас, лекин танишлар сўрапти-да. Бир яшик керак эмиш.



Йўқ деёлмадим, биласан, ўзимниям ишим тушиб туради уларга.— Асом гап орасида тиши орасидан чирт этказиб тупурди-да, Мирзани вагон томон бошлади. Мирза ўкрайиб унинг ортидан эргашди: «Қарзимдан қутулиб олай, кейин кўрамиз...»

Вагон тахталари ростдан ҳам ёмғир, қор остида туравериб, чириб қолган шекилли, Асом бир-икки ўхшатиб тепган эди, чарс этиб синиб тушди. Тўйнуқ очилди. Иши юришаётганидан хурсанд бўлиб кетган Асом қайси бир фильмдаги оқ қўлқоп кийган жанобнинг дўндиққина бир хонимга қилган муомаласини эсладими:

— Марҳамат қилинг, мадам!— деди Мирзага ўгирилиб.

Вагонга киришди. Ичкари қоп-қоронғи эди, яшиқларни зўрға илғашди. Асом темирскилиниб чоғроққина, лекин зил-замбил қўтини танлади.

— Уҳ-х, намуна бу м-матаҳинг оғир бўлмаса,— деди Мирза билагига зўр келаётган юкдан майишиб.— Заводдан бир бало қилиб олиб чиқасан-а, у ёғига опкетиб бўпсан!

— Кўтар-кўтар, у ёғиниям ўйлаб қўйганман. Девор орқасида арава қутиб туради,— дея инқиллаб-синқиллаб жавоб берди Асом.

Шу пайт ташқаридан йўтал товуши, сўнг эса кимнингдир талмовсираган овози эшитилди:

— Ҳой, ким бор пойизда, тез чиқ, йўқса отаман!

Мирзанинг баданига титроқ кирди, пешонасидан совуқ тер томчилай бошлади. Асом эса пинагини ҳам бузмай:

— Э-э, Лўли қоровул-ку! Қўрқма, отолмайди — милтиғи йўқ,— деди. Деди-ю, қўтини ташлаб тўйнуқдан сакради.

— Ҳой-ҳой, деялман, шайтон!— дея бақирганча Лўли қоровул ортда қолди.

Асом қочди, лекин Мирза юкни кўтарганча вагонда қолаверди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди: Лўли қоровул шундоққина бурни тагида турибди! Мирза оғир юкни аранг кўтариб турарди.

— Ҳай-ҳай-ҳай! Муштдаққина бачалар ўғирлик қилади-я! Кошки бу сабил энасининг маҳрига тушган бўлса, яна пойиздиям вайрон қилишади, ярамаслар! Рафиқ начальний кўрсалар борми, «Емон ишлаяпис», деб бошимни гаранг қилади. Э-э, нимасини айтмай, айб кимдалигини сўраб ҳам ўтирмайди. Бир нима бўлса, дарров ман, бир нима десам, қоровулсиз, у ёқ-бу ёққа қаранг-да, деб ёқамга ёпишади. Э-эй... Ие, тўхта, яна қайсинг бор?— Лўли қоровул қоронғиликдаги шарпани сезиб қолди шекилли, сергакляниб вагонга яқин келди.

Бошига осмон қулаб тушгандай сездди Мирза ўзини. Лўли қоровул эса...

— Қани, қўлингдигини ерга қўй-чи, йўғасам отуб, суф-ей, искаладда қоровуллик қилганимдан бери дузбаччани кўрсам дарров отгим келаверади. Одат-да. Ҳай, қани пастга туш-чи!

Мирза бир амаллаб яшиқни ерга қўйди, қўйди-ю, аста қоровулнинг олдига тушди. Унинг аъзойи бадани қалт-қалт титради, пешонаси терлаб, юзлари бўғриқиб кетган эди. Реза-реза тер юзидан оқиб, бўйни аралаш қўйлаги ичига тушарди. Юрагининг уриши ҳатто ўзига ҳам аяққол эшитилиб турибди: дук-дук-дук-дук... Қани энди ҳоли жой бўлсаю тўйиб-тўйиб йиғласа...

— Сан ҳам анавининг шеригимсан?— деб сўради Лўли қоровул бир йўталиб олиб.— Уша қилиғисовуқни илгари ҳам кўрувдим, шу атрофда айланишиб юривди. Пайт пойлаган экан-да! Хўш, сани қайси жин урди? Падаринг бордир? Модаринг-чи? Ҳаҳ бача-я, нима кам ўзи, падару модаринг ёнингда...

Мирза унинг гапини эшитмади ҳисоб. Аниқроғи, чолнинг гаплари қўлоғига кирмади. Ахйри қоровул чол гапиршдан тўхтади. Қўлини боланинг елкасига ташлади.

— Ҳай, майли, бачам, анча хафа қилиб қўйдим сани. Ман жийраки чолдан хафа бўлма. Эсинг бўлса, энди бу номақбулчиликни асло қила кўрма, уқдингми?... Балли! Энди кетсанг ҳам бўлар, Рафиқ начальний кўрмасидан борақол.

Мирза бошини ҳам қилганча кўча эшик томон йўналди. У қилмишидан хижолат, қутулганидан оз бўлса-да хурсанд эди. Шундай бўлса ҳам, нимадир унинг юрагини тинимсиз кемирар, нималигини ўзи ҳам билмас эди... Хўш, нима деган одам бўлди? Қаёқдан ҳам ўша Асомга қўшилди?..

Узининг мияси қаёқда эди? Биров юр деса, кетаверадимиз эргашиб? Ахир, Асом бурнидан ип ўтказиб судрамади-ку! Гурури қаёқда қолди! Қарз дейдимиз? Лаънати қарз... қарз учун ишлаб топсин эди. Ахир, ўғрилиқ... Бунга чидаб бўлармикан? Дадаси нима дер экан? Одамлар-чи? Агар билиб қолишса... яна ойиси, синфдошлари, мактаб, ўқитувчилар! Бориб турган шармандалик эмасми, бундан кўра қамоқда ётгани дуруст-ку! Э-э...

Кечгача Мирза ана шундай хаёллар билан юрди. Ичида: «Ул бу кунингдан!», деди. Лекин, қоронғи тушиб, уйқога ётган, бу фикрдан сал қайтгандай бўлди. Бирдан у яшашни истаб қолди, фақат яшашни, ҳеч бўлмаса тонггача... Минг қилса ҳам яшаш яхши-да! Айниқса, яхши бола бўлиб яшаш!

Чор атрофда ўткинчи бир қуюн чарх урар, гўё бор овоз билан вишиллаётгандек эди: «Ўзингни ўзинг таябияла, одам бўлиш яккаш ўзингга боғлиқ!»

Эрталаб Мирза аъзойи баданида аллақандай энгиллик тушиб, ҳеч нима кўрмагандай мактабига жўнади. У, бўлиб ўтган воқеадан ҳамма хабардор, аблаҳ Асом аллақачон уларга ошириб-тошириб етказган, деб ўйловди. Йўқ, бу воқеа кўпчиликка сир бўлиб қолди. Аммо мактабда Мирзани мутлақо ғаройиб воқеалар қутиб турарди. Бунга у ҳадиксираб синфга кириб келган заҳотиёқ кўрди: рўпарадаги эълонлар тахтасида ўқув секторининг «аълочи ва фаол жамоатчи Манзурага қолақ Мирзани бириктириб қўйиш тўғрисидаги қарор»и осилиб турарди. Мирза бунга кўриб ажабланмади: тўғри-да, ўқиши ҳалигидека, имтиҳонлар эса — буруннинг тагида. Фақат... Мирза ана шу «фақат»ни дарров миясидан чиқариб ташлади.

Унга аълочини бириктириб қўйишибди — бу, албатта, яхши. Устига устак, Манзура ўзининг яқин дўсти, бириктирмаса ҳам ёрдам бераверади, фақатгина бир оғиз илтимос қилса бўлгани. Мирза уни атиги икки йилдан бери билади, Манзура шу синфга келганидан буён, лекин дўстлашиб кетишган. Манзура шунақа қизки, ҳамма нарсани билади-ю, кам гапирди, биламан деб мақтанмайди. Четдан қаралса, жуда тортинчоқ, уятчандек бўлиб кўринади, лекин кўнгли очик, ҳеч нарсани яширмайди. Керак бўлса, бор иллатингизни юзингизга сочиб ташлайди. Шунинг учун баъзи қизлар ундан ўзларини четга олишади, орқасидан ҳар хил гапларни тўқиб чиқаришади. Манзура шунақа қиз.

Аммо... барибир Мирзанинг кўнглининг бир чети хира тортиб тураверди. Бир марта «аълочи»дан ёрдам сўраб, адабини еган. Ушанда ҳам уни қиз болага — Нигорага бириктириб қўйишган эди. Нигоранинг лаб буришларини зардали гаплари ҳозиргача эсидан чиқмайди. Қиз унга ёрдам беришдан бош тортган, бунинг устига ўқитувчилар олдига: «Танбал, гап уқмас!», деб шармандасини чиқарган эди. Йўқ, Манзура бундай қилмайди, у яхши қиз... борди-ю, у ҳам шунақа қилса-чи? Ахир, Мирза ўша воқеага қадар Нигорани ҳам бошқача тасаввур қиларди-ку!

У фикрини синфком Раҳматиллага айтди.

— Э-э, бошимни қотирма! — дея қўл силкиди синфком. — Аввалданоқ ўз аравангни ўзинг тортишинг керак эди. Энди билганингни қил! Менинг вазифам сендақаларни аълочиларга бириктириб қўйиш, бошқаси билан ишим йўқ. Ғиди-биди қилмай, олтинчи соатдан кейин пионерлар хонасига кир!

Мирза ўйлиниб қолди: кирсинми, кирмасинми? Индамай қочиб қолса, ким билиб ўтирибди... Ҳар ҳолда киргани дуруст, агар шубҳаси тўғри чиқса, этагини тугади-қўяди... Шундай қилиб, у олтинчи соатдан кейин пионерлар хонасига кирди, кирди-ю, шубҳаси тумандек тарқади кетди — Манзура ундай қилолмайди! У ҳатто қиз қақиде ёмон хаёлларга борганидан ҳам уялди. Чунки Манзура бошқача эди! Қиз ҳар бир жумласини чин юракдан, Мирза тушунадигандай қилиб айтар, вақтини аяғисини келмас, агарда Мирза бирон-бир нарсани илғамай қолса, юз маротаба қайтаришга ҳам тайёрдек эди.

Бир кунни у Мирзани кинога таклиф қилди.

— Э-э, йўқ, бормайман,— дея эътироз билдирди у,— ўзимизнинг киноларни ёқтирмайман. Агар ҳиндча бўлса...

— Ҳм-м... дидингни қара-ю, ҳиндча эмиш! Бирортаси ўзимизникига етармиди.

...Фильм Мирзага ёқди.



Ҳамма қатори ҳаяжон билан ўриндан кўзғалишди. Тўполонда Манзуранни йўқотиб қўйди ва фойеда чурвақалар билан валақлашиб турган Асомга кўзи тушди. Асом ҳам уни дарров илғади, шерикларини бошлаб, унинг ёнига келди.

— Ҳа, кўринмай кетдинг?— деб сўради у Мирзадан, сўнг шерикларига юзланди:— Манави акалар дунёдаги энг яхши дўст ва энг зўр укаларимдан бири бўлади. Танишиб қўйинглар: ўрнак олсаларинг ҳам зиён бўлмайди, исми — Мирза, лақаби...

Чурвақалар вижир-вижир қилиб, бирин-кетин қўлларини чўза бошлашди. Мирза истар-истамай бирма-бир уларнинг қўлини олди ва Асомга қараб:

— Менга қара, Асом...— деган ҳам эдики, пешонасида чумчуқнинг думидай бир тутам кокил қолдирган бола чийиллади:

— Асом акамлани лақаблари — «Булбул», доим шундай деб чақиринг. Бўлмасам хафа бўлалла, кўзисиз тагига гул солиб қўйишлари ҳам мумкин. Ака, битта сайраб беринг, жон ака!

Асом ҳар доимгидай қийиқ кўзларини қисиб илжайди, сўнг қўлини оғзига тиқиб, лунжини шишириди-да, Толариқда тирик қолган ягона қурбақага ўхшаш овоз чиқарди.

— Қалай, зўрми?— Болалар чапак чалиб юборишди. Мирзанинг кулгиси қистади.

— Ёмон эмас...

— Ана шунақа, ҳали манови «Чумчуқнинг думи»дан ҳам зўр булбул чиқади. Ҳозир тиришиб ўрганяпти, яқин орада сайраб қолса керак,— деди Асом унга маъноли бош силкиб ва бир нарсани эслаб қолгандай қўшиб қўйди:— Уша кўни жа-а ёмон бўлди-е, деволдан кўриб туравидим, роса тузлади сени...

Асомнинг сурбетлигидан Мирза ғазабга миниб, бақирди: — Жим! Гапирма!

Асом бунга эйтибор бермай, кинояда давом этди:

— Нима, гапларим ёқмадимми? Энди ақл кириб қолдимми сенга? Қаёқдаги лўли чол сасиганидан кейин-а?

Бу гал Мирза чидаб туролмади. Асомнинг қилиғи унинг қонини қайнатиб юборди. Қўли мушт бўлиб тугилди. Агар шу тобда Манзура аралашмаганида... Нега аралашди?

Мирзани болалар ўраб олганини кўрган Манзуранинг юраги ҳаприқиб, югуриб унинг олдига борди-да, мушт бўлиб тугилган қўлларидан торта бошлади:

— Ке, қўй, шулар билан тенг бўлма! Биласан-ку, қанақалигини. Юр, уйга кетамиз.

Асомнинг кўзлари баттар қисилиб, башарасида май-муннинг илжайишига ўхшаш ифода пайдо бўлди. Унга қўшилиб чурвақалар ҳам тиржайишди.

— Ана энди билдим кўринмай қолганингни сабабини,— деди Асом киноя билан.

Мирзанинг баттар жаҳли чиқди. Аммо Манзура унинг қўлидан судраб, анча жойга олиб бориб қўйган эди...

Мирза йўл бўйи миқ этмади, сукунатни Манзура бузди:

— Мирза, эртага борасанми?

Ҳали ҳам шашидан тушмаган Мирзанинг ғаши келди, чидаб туролмади:

— Ҳей, мунча менга ёпишиб қолдинг? Йўлингдан қолмасанг-чи, хира пашша!

Бундай муомалани кутмаган Манзура қизариб кетди, бир зум ўзини йўқотиб қўйди, қадам олиши сусайди. Мирза жадаллаб ундан узоқлаша бошлади. Манзура орқада қолиб кетди...

Уч кундан кейин эса улар дадасининг хизмат жойи ўзгаргани туфайли Узоқ Шарққа кўчиб кетишди.

...Чўзиб кўнғироқ жиринглади. Мирза чўчиб партадан бош кўтарди. Сўнги дарс бошланди.

## ВА НИҲОЯТ, ЗЕРИКАРЛИ ХОТИМА

(ЎҚИЛМАСА ҲАМ БЎЛАВЕРАДИ)

Бугун биз таътилга чиқдик. Яхши! Бағоят хурсандмиз. Энди уч ой ўқиш бўлмайди. Уч ой китоб ушламаймиз, уч ой масала ечиш учун бош қотирмаймиз. Уч ой югурамиз, ўйнаймиз, маза қилиб дам оламиз!

Ўқиш тамом бўлган кўни ҳаммамизни қурбақага ўхшаш автобусга ўтқазиб, шаҳардан ташқарига олиб чиқиб кетишди. Йўқ, ўйнатгани эмас, мактабимизни оталиққа олган колхозга ёрдам бергани. Ўзи, шунақа — ҳар йили бир марта биз уларга ёрдам берамиз, улар эса йилига ўн марта. Ҳатто мактаб залида турган каттакон пианиною ўқитувчидан беркитиқча пуфлаб турадиганимиз узун карнайни мана шу колхоз олиб берган. Шунинг учун ҳам «чин дилдан миннатдорчилик билдиргани» саккизинчи синфларни ҳар йили шу колхозга олиб бориб туришади. Бир марта. Ёрдамга. Шундай қилиб биз ўйдим-чуқур қишлоқ йўллари бўйлаб ишлагани — колхозчиларга сидқидилдан ёрдам бергани жўнадик.

Ва мен — зерикарли хотиманинг бош қаҳрамони бўлмиш каминани камтарин автобуснинг каттакон ойнаси ёнига талтайиб ўтириб олдим, йўл бўйи ойнадан дам қўлимни, дам бошимни чиқариб бордим. Шамол билан роса ўйнашдим. Бошқалар шамоллаб қолишдан чўчиб, ойналарни ёпиб олишди. Мен эса қўрқмадим. (Кўрдингизми, менинг кимлигим худди Сўнанинг асл номидай ҳикоянинг охирида маълум бўлди.)

Автобус ғириллаб, елиб борарди.

Атрофда бепоев даладар, узун-узун тераклар, уйлар... Уйларнинг томларида болалар варрак учиряпти. (Ҳойна-ҳой, улар ҳам шамолдан кўришмас.) Теракларда қушлар ғужғон, далаларда — одамлар... Барининг қўлида кетмон, бир болаларни чопишяпти.

Манзилга етдик. Бизни ҳалиги одамлар ишлаётган далага ўхшаш пайкалга олиб келишди. Бир нарсалар экилган, нималигига ақлим етмади.

— Манови майдондаги — қизилча,— деди кўзи қизарган бригадир, — манави — қизилчанинг пояси, атрофдагилар бўлса, бегона ўт. Майдонни шунақа ўтдан тазалаш керак. Бўлмаса, лавлагини сиқиб қўяди, шакарсиз қоламиз. Ҳаммаларингга бир қатордан, марра — ҳўв симёғоч.

Демак, лавлаги экан. Лавлагиси нима? Умиримда кўрмабман-а! Яширинча биттасини сўгуриб кўрдим: редискага ўхшаб кетаркан. Еб бўлармикан? Тишлаб кўрдим — оғзим ачиб, юзимни бурштириб юборди. Тупурдим. Одам деган оғзига ҳар нарсани тикаверадим!

Иш бошладик. Ҳе, ўтоқ ҳам осон иш эмас экан. Битта-биттадан юлавериб, ҳадеб букилаверганимдан белим оғриб қолди. Бундоқ чўзилиб қарасам, бошқалар паikkaга етиб қолибди, ишлари ҳам «қойил» — ўтнинг кўзга кўринадиган жойини, уч-учинигина чимдиб кетишяпти, холос. Э-э, ўтирамани амманнинг бузоғидай, дедиму синфдошларимнинг «тажрибаси»ни қўллаб, бир зумда маррага бориб қолдим. Қизилкўз киши: «Қаторнинг тозалигини қаранг, маладец!», дея елкамга шапатилади. Қўлидаги дафтарчага, фамилиямнинг тўғрисига «беш» баҳо қўйди. Зўрмиз-да! Бу вақтга келиб бошқа болалар ҳам ишни «қойиллатиб» қўйишди. Фақат ҳалолликда фариштага ҳам дарс берувчи Мирза билан Темургина ҳамон тер тўкишарди.

Шу пайт овқатга бонг урилди.

— Намунча анови ўртоқларинг қолиб кетди?— деди бригадир Мирза билан Темурга ишора қилиб.

— Э-э, улар ўзи шунақа: ношуд, ландовур!— дея жавоб бердик биз керилиб.— Яхши ўқишади-ю, ишга сал йўқроқ, пахтадай нозиклашиб қолишган. Битта ўтни юлалмай ўтиришгандир-да, энди. Мана, биз...

Овқатни туширдик. Чой йўқ экан, шийпонинг ортидаги қудуққа ўтдик. Суви муздай. Қизлар ичишмади, ичи тўла қурбақа, ҳаром-ку, дейишди. «Ичмасаларинг ичмаларинг», дедик биз.

Хуллас, овқатдан кейин кўплар ишни саранжомлагани кетди, биз эса дўппини қўлга олиб, қудуқ ёнидаги чинор остига ёнбошладик. Оҳ, манави роҳатихон шабадани қаранг, аллалаб ухлатади-я! Чинор устида эса чумчуқлар чирқиллайди. Афсус, чўзма калтаклар уйда қолган, бўлмаса-ку ҳозир ағанаб ётмаган бўлардик. Э-эҳ...

— Зерикмадиларингми?— дедим мен болаларга.

— Зериксаб нима, чидаймиз-да!— деди Ғустам чинор баргини ўйнаб.

— Шундоқ, сўрадим-қўйдим-да... Ҳўв, эгатнинг у ёғида бодринг бор экан... катта-катта, ўзиям пишиб турибди.

Ётганлар туриб ўтирди, турганлар қулоғини динг қилди. Мен бўлсам индамай, кўзимни юмиб ётавердим.

— Тохиржон, у ёғиниям гапир-да, нега жимиб қолдинг?— деди Ғустам қулт этиб ютиниб.— Бодринг бор экан, хўп, кейин-чи?

— Нима бўларди? Қоровули йўқ, нарироқда битта эшак ўтлаб юрибди...

Ҳамма бир-бирига қаради. Сездим, барининг кўнглига вазваса тушди — полиз вазвасаси. Аста кўзимни очдим: аввал бирини, кейин иккинчисини.

— Бўпти, қани бошла бўлмаса!— дейишди болалар. Эшаклаб кетдик. Болалар ўзларини сездирмаслик учун бошларига ҳар хил ўтларни чамбарак қилиб олишди. Худди ўта махфий топшириқни бажаришга кетаётган разведкачиларнинг ўзгинаси бўлди-қолди. Фақат, кўлимизда қуролу эгнимизда шода-шода медаль тақилган гимнастёркалар йўқ, холос. Мана, полизга — «мина майдони»га ҳам яқинлашдик. Уша махфий топшириқ — майдонни «мина»дан тозалашдан иборат. Майдонда ҳеч ким кўринмайди. Фақат нарироқда «душман танки» — елкаси яғир эшак турибди. Ишқилиб, сезиб қолмаса бўлгани. Сезса — тириллатворади.

Аста-секин «мина» теришга тушдик. Зарарсизлангилар «мина»лар бирин-кетин қўйнимизга тушаверди. То кўйлагимиз тўлгунча «топшириқни бажариб», аста-секин чекиндик: қолгани ўзларига сийлов!

Қудуқ ёнидаги «истеҳком»га қайтиб, ишимиздан мамнун ҳолда «мина»ларни гумдон қила бошладик. Уч-тўрттасининг ўзиёқ кўнглимизга урди. Тепамиздаги қушларни ўққа тутдик. Сўнг қорнимизни силаб ётавердик.

Шу пайт эшакнинг чўзиб ҳанграгани эшитилди. Ҳаммамиз ўша томонга ўгирилдик: «Ие, «танк» эсдан чиқибди-ю!» Тўғриси айтсам, эшакни бор-йўғи икки марта кўрганман. Биринчи марта ҳайвонот боғида, иккинчи марта эса уйимизга бозордан сомон олиб келганимизда. Ушанда ҳам сомонни эшакаравада олиб келган эдик.

— Ҳа, жуда ҳам ақлли кўринади, хўжайинининг мулкига жони ачийпти,— дедим мен қорнимни силаб.— Лекин, бодринг зўр экан-да!

— Э-э, шуям ақлли бўптими,— деди Ғустам қўл силтаб.— Бундан ўзимнинг Тобигим минг марта эсли. Қишлоқдаги тоғамнинг битта эшаги бор эди. Эгасидан бошқа ҳеч кимни устига миндирмасди, ирғишлаб отиб ташларди. Шунақа кўп ўт таширдики... э-э, унақа эшак кам бўлади. Турқидан маълум-ку эшакмаслиги. Устига етти ёт бегона минса ҳам кўтариб кетаверади. Ишонмасанг, ке, гаров ўйнаймиз?!

— Бўпти, қўлни ташла,— дедим мен ҳам рози бўлиб. Болалардан бири кўлимизни узди.

— Қани, юр, бир устига миниб кўр-чи, кўтарармикан?— дея уни яғир эшак боғланган жойга бошладим.

Бечора эшак эса ҳамон жойида ўт чимдиб турарди. Орасира ҳиқиллаб, чўзиқ-чўзиқ ҳанграб ҳам қўяди. Ғустам кўрка-писа унинг пешонасига қўл чўзди. Яғринини силади. Эшак қилт этмай ўт чайнайверди.

— Ҳозир-ҳозир,— деди Ғустам менга илжайиб ва эшакнинг ўнг томонига ўтди. Оёғини бор бўйи кўтариб, эшакнинг устига минмоқчи бўлди. Минолмади — оёғи етмади. Чап томонига ўтди. Яна оёғини кўтарди, яна минолмади. Мен бўлсам оёқларимни чалиштириб қаршимдаги манзарани бамайлихотир кузатиб турардим. «Қани, нима бўларкин?» Ғустам барибир эшакка минолмади — бўйи етмади. Бош-малдоғини оғзига тиқиб, бирпас ўйлаиб турди-да, югуриб бориб қудуқдаги пачоқ пақирни кўтариб келди. Эшак ёнига қўйиб, устига чиқди ва бир сапчиб миниб олди! Ғолибларча мағрур ўтириб олиб, менга қаради. Аммо мен...

Мен бу пайт ҳўв нарида югуриб келаётган учта барзанги-барзанги болани кўриб, қудуқ ортида кўздан йўқолган эдим. Шу сабабдан у мени кўрмади. Мен бўлсам биқиниб олиб, воқеалар ривожини кузата бошладим.

Уша болаларни Ғустам ҳам кўрди. Кўрдию ранги ўчиб, эшакдан тушмоқчи бўлди. Лекин, ҳарчанд уринмасин барибир тушолмади. Бунинг устига эшакка тескари ўтириб қолди. «Уч оғайни ботирлар» эса тезда етиб келишди. Уларнинг кенжаси Ғустамнинг аҳволига қулиб, тўнғичига бир нималарни шипшиди. Кейин ердан каттакон кесак олиб, эшакнинг орқасига чунонам туширдик, эшак осмон баравар сапчиб, устидаги Ғустамни ҳўв нарига улоқтириб юборди! Мен эса, оғайним адо бўлди, деб кўзимни чирт юмиб олдим. Аммо... Бироздан сўнг кўзимни очдим уқвониб кетдим: Ғустам шундоқкина рўпарамдаги дўнгда ўтирарди! Кўзлари юмиқ, қўллари мушт бўлиб тугилган, ҳойнаҳой, хаёлида — «уч оғайни ботирлар», бир балолар деб шивирлайди (ичида мени сўқяпти). «Хайрият, соғ қопсан, сўкиб хумордан чиқ», дедиму уни даст кўтариб қудуқ ёнига олиб келдим. Юзига сув пуркаб, бир оз елпиган эдим, ўзига келиб кўзини очди.

— Қ-қ-қаер... даман...

— Шу ердасан, шу ерда, Ғустамжон, ўша полизнинг олдида!..

Ғустамнинг боши шилқ этиб кўксимга тушди...

Шундай қилиб, ўқув йили тугади. Йил бошидаги ниятларимиз жуда ҳам улуғ эди, не-не қаҳрамонликлар кўрсатиб, не-не тоғларни талқон қилмоқчи эдик. Орзуларимизнинг бир қисмигина рўёбга чиқди, қолганлари режалигича қолиб кетди. Лекин бош эгмаймиз, чунки олдимизда тўққизинчи синф турибди. Қаҳрамонликни ўшанда кўринг! Ҳикоямиз эса ниҳоясига етди, зерикарли хотима ҳам тугади. Хайрлашиш навбати келди...

Аммо хайрлашмаймиз, ҳали яна учрашамиз, балки қаҳрамонликни ҳам бирга кўрсатармиз. Кўришгунча хайр, оғайнилар!



сл шоир, Белинский таъбири билан айтганда, «мангу яшовчи ва ҳаракат қилувчи ҳодисалар туркумига мансубдир. Бундай ҳодисалар ҳатто ўлимга дуч келган нуқтада ҳам сира тўхтамайдилар, балки жамият онгида ривожланаверадилар».

Ойбек худди мана шу ҳодисалар туркумидандир. Ойбек вафотидан кейин неча йиллар ўтмасин, унинг ижоди, унинг ўлмас сатрлари халқимиз юрагида қон каби гүпиллаб яшаб турибди.

Бизнинг Ойбекка бўлган муносабатимизга, Ойбек дунёсини англашимизга, унга бўлган сўнмас муҳаббатимизга фақат бир фазилат сабаб: Ойбекнинг бизга бўлган таъсирида ҳаммиша зухурли ва ижодий, руҳимизни озод ва пок қилувчи, маънавиятимизни тартибга солувчи зўр қудрат бор. Ойбек шеърлятида, Ойбек шахсида, Ойбек даҳосининг табиатида биз ҳаммиша ҳақиқий санъатга хизмат қилувчи мана шу буюк маънавий қудратни кўрамиз.

Ойбек шеърляти сирли, мўъжизаларга бой, тасвири гоёт мушкул түгёнлар қудрати жо ғалаёнлардир, ой шуъласидай ёруғ ҳислар бекинган қўшиқдир. Шу билан бирга залворли юрак кечинмаларининг кундалигидир. Мен бу шеърларни ўқиган пайтимда вужудимда шундай бир тасвири ноаён ҳайрат ва дард сезаманким, бу менинг дунёда яшашдан мақсадим — ундан олаётган ҳузурларимнинг энг гўзали ва ёқимлиси бўлиб туюлади. Менинг тасаввуримда кейинги йиллар шеърлятида Ойбекдай шоир йўқдирким, бир-икки сатрини [ўқтираман: сатрини] соатлаб ўқиб мароқланиш мумкин бўлса: «Қани, шеър, сўйла абадиятдан», «Ўтди ваҳший гўзал кунлар», «Шу кечам умримда ўлмасин», «Юлдуз каби жимирлайди жон», «Ариқда оқар нотинч, қора сас», «Чўпон уйқусига томчилар томди», «Булуларнинг алвони — бўронларга байроқдир!»

Яна қанчадан қанча гўзал, буюк сатрлар...

Шеърлят — юракнинг покляниш воситаси. У инсонни идрок этиш ва ҳис этишга ўргатади, инсон маънавий дунёси чегараларини тобора кенгайтиради, инсонда эстетик қарашларни тарбиялайди. Ойбек шеърляти — худди мана шу асл шеърлятдир.

Ҳақиқий шоирнинг истак ва талаблари ҳаммиша халқнинг истак ва талаблари билан ҳамнафас. Шоир ўз асарларида бу истак ва талабларни ўзининг юрак туйғуларига эмақдош қилиб сингдирмоғи лозим. Ҳақиқий шоир дунёни ўзгартириш жараёнининг фаол иштирокчисидир. У бутун умри давомида ноҳақликка, жаҳолатга, тенгсизликка қарши курашиб келади. «Асл шоир ёлғиз курашчи бўлиб туюлса-да, аслида у олмавий кураш иштирокчисидир» (Я. Рицос). Агар шоир фаолятининг қадр-қиймати бўлса, у шоирнинг инсон қайғу-изтиробини тўла англаши, инсониятни оғриқлар чангалдан олиб чиқа олиши ва зулмат қўйнида ёниб турган тафаккур ва муҳаббат чироғини шамолу бўронлар ҳамласидан асраб, унинг зухурли ёғдусини одамларга етказа билиши билан ўлчанади. Ойбек худди ана шундай асл шоир эди.

Шеърлятнинг ижтимоий томони, албатта, унинг бош хусусияти эмас. Лекин у энг сўнгги ва белгиловчи кучга эга. Шеър шоирнинг шахсий кечинмаларини бузиб чиқа олгандагина озодлик, ҳақиқат, бахт, ўлим ҳақидаги умумбашарий ўйлар даражасига кўтарилади. Фақат шундагина ижтимоийлик эстетик қарашлар билан кесишади. Ҳақиқий санъатнинг, ҳақиқий шеърлятнинг мангулиги ҳам шундандир. Буни Ойбек ўзи ижоди билан исбот этди.

Ойбекнинг ҳаёти, унинг таржимаи ҳоли: «Етма, ўғлон, уйғон, кўз оч, ухлама», «Абадий яшамоқ, кулмоқ истайман», «Курашади икки тўлқин, қараб турайми!» «Бир тола сочингми бўйинимнинг боғи!», «Йиғлар юрагимда Ватаним», «Ассалом, Навоий!..», «Гулханга отдилар дўстлар китобим», «Тўйиб ёзажакман бир кун соғайсам», «Кўнглимда ҳақиқат бир оз сўнмади...» каби мисраларга сингиб кетган.

Ойбек тунни севади. Исми бутун ижодига мос шоир худди ойдаи тўлиб, тун оғушидаги олам устида туриб уни сергак кузатади. Ойбекнинг тун ҳақидаги шеърларининг ажиб

Хуршид Даврон

# ЎЧМАГАН ОВОЗ, СЎНМАГАН ҚОН

(Ойбек ҳақида ўйлар)





фазилати шундаки, шоир тунни сукат ва уйқу билан эмас, бедорлик ва ҳаракат билан боғлайди. У бедор ва ҳаракатли тунда қуёш ёдини кўради. Шоир бизни тирик табиат билан суҳбат қуришга, уни севишга, уни англашга ўргатади. Юксак оғочлар учи қуёш сочлари билан секин ўйнаши ҳам, япроқлар бетига мудраган ой нурларию бутогидан айрилиб учган япроқ сасидаги баҳорнинг ёди ҳам бизнинг юрагимиздан ўтаркан, беиз кетмайди. Ойбек шеърларидаги табиат, кеча, кундуз, майса худди инсон янглиғ нафас олади, нафасимизга нафас кўшади.

Мақолаларидан бирида Жуковский шеърятини тасвирий санъат билан муқояса қилган эди. Буни эслашимизга сабаб шундаки, Ойбек шеърлари тасвирий санъатнинг тенгсиз намуналари каби жозибалидир. Унинг шеърларидаги рангин ташбеҳлар гўзал сувратлар чизади:

Тоғларда илинди қуёш этаги,  
Оғочлар узокда бир тўплам кўлка.  
Денгизда порлаган гуруб чечаги —  
Сувларнинг кўйида қизил машъала.

Гарчи Ойбек аввало прозаик сифатида машҳур бўлса-да, унинг шеърятини ҳам жаҳон адабиёти классиклари билан уйғунлики, оҳангдошликини кўриш мумкин. Масалан:

Олтин қуёш нуридан,  
Япроқлар суруридан  
Тўкилган хотиралар  
Кетмас мангу мен билан...

Бу сатрлар менинг ёдимга буюк испан шоири Федерико Гарсиа Лорканинг ушбу сатрларини туширади:

Тераклар ҳам ўтар-кетар,  
Аммо изи кўлдек зилол.  
Тераклар ҳам ўтар-кетар,  
Бизга эса қолар шамол

Мен бу ерда туйғунинг яқинлигини айтмоқчиман. Гарчи фикрлар гўё бир-биридан жуда узокда бўлиб кўринса-да, уларда яширинган оғриқ — туйғу битта. Лорка каби Ойбек ҳам инсон туйғуларининг, аниқроғи, руҳининг мангулиги ҳақида ишонч ва эҳтирос билан куйлайди. Бундан ташқари, Ойбекнинг «Кеч куз» шеърини асримиз бошида француз шеърятининг «янги реализм» оқимига асос солган улғу шоир Гийом Аполлинернинг «Куз» асарига оҳангдошликини сезиш мумкин.

Ойбек шеърятинидаги улғу фазилат: соддалик, дунё-дунё ҳис, ҳаяжон, фикр оддий сўзларга сингдирилганки, ўқиб ёқа ушлайсан. Масалан, «Қорахатин» шеъри бор-йўғи тўрт мисрадан иборат. Лекин бу тўрт мисрада тирик инсон образи катта маҳорат билан чизилган:

Бехосдан узилган шода дур каби  
Тўкилди умиднинг рангли барглари.  
Осилди бир онда қўллар мадорсиз,  
Ер қочди, қорайди қуёш зарлари.

Адиб бир суҳбатида айтган эди: «Мўҳим ва мураккаб масалалар ҳақида соддагина қилиб сўз айтиш мумкин экан. Қалбни забт этган ҳис-туйғуларни, чуқур лиризмин ифода этмоқ учун дабдабали шакл шарт эмас экан... Кундалик ҳаёт предметлари, одатий нутқ поэтик оламнинг бутун дабдабасини ва жозибасини йўққа чиқариб кўядигандай кўринарди. ...Амалда эса чинакам жозибадорлик ана шу соддаликда экан». Ойбек бутун ижоди давомида мана шу соддаликка интилди, ўз асарларининг кенг халқ оmmasига тушунарли бўлишига катта эътибор берди. Ойбек шеърятининг қудрати хусусан куйидаги энг содда сатрларда яққол намоён бўлади:

Кечаси... осмонга сокин боқаман,  
Кипригим устида чексизлик ўйнар...

Бу ерда айтилаётган чексизликини кўра билишнинг ўзи чинакам шоирликдир.

Ойбекнинг юраги гиёҳдай содда, тоғдай залворли ҳис-туйғуларга — шеърга тўла эди. Аммо унинг жисмоний қудрати кўпроқ қора кучлар, хасталик билан олишди. Ойбекнинг ушбу сатрларида фарзанди ўлиб, кўкраги сутга

тўлган, оғриқдан — ҳасратдан юраги зардобга тўлган ёш онанинг изтиробига уйқаш дардини туяман, кўзимга ёш келади:

Хастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб —  
Ой менга ҳамқадам — сокин юрамен.  
Соғайсам бир кун ёзаман тўйиб,  
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.

Кечалар юрармен телбадай ҳориб,  
Бошимда ой борур, менга ҳамқадам.  
Хаёллар учади машъалдай ёниб,  
Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам.

Ижод дардини туғуруқ дарди билан қиёс этадилар, ижод дарди — қалбнинг қаърида уйғониб, бутун вужудни ларзага солган оғриқ... Бу оғриқ аслида энг ширин лаззат, она алласи каби юлантирувчи, қуёш каби ҳаёт ва қувонч бағишловчи бир куч. Мана шу куч, мана шу оғриқ хаста Ойбекда тўлгин эди. Бу кучни, бу оғриқни идора қилиш учун катта маънавий қудрат зарур эди. Тилдан қолган, қўлларидан куч кетган шоир бу қудратни халқидан, муҳаббатдан — сеvimли ёридан олди. Муҳаббатдан яралган бу қудратли илҳом ҳар қандай ўжар фикрни, руҳнинг энг ингичка, энг тутқич бермас — «олтин қуёш нуридан, япроқлар суруридан» тўғилган жилваларини, юрак тубидан «ариқ ёқаларига яшил кўзли бойчечакдай мўралаган», «уйқуси йўқ баларнинг чучук лапари ёққан» ҳисларнинг мавжланишларини сўз орқали ажойиб тажас-сумлантирар, қатрада дарёларни мавжлантирар, учқунда қуёшларни айлантирар, ишқдан ҳаёт ясар, оддий ҳаётдан эса улғу, тийран афсоналар тўқир эди.

21 ёшида илк шеърини тўплами нашр этилган, 32 ёшида «Қутлуғ қон»ни, 37 ёшида «Алишер Навоий»ни ёзган ўзбек прозасининг илк йўлчиларидан бўлган Ойбек йўли текис кечмади. Унинг умр йўли шон-шухрат гуллари оралаб эмас, тошлар устидан, жарлар ёқасидан ўтди. Унинг йўли шеърини қолди! Ойбекнинг ушбу даҳшатли сатрлари шу оғир йўлни ўтишда намоён бўлган буюк жасорат сўзлари эмасми:

Гулханга отдилар дўстлар китобим,  
Йиғлаб, қалбларидан тўқдилар кўз ёш.  
Қоғозлар-ку ёнди — ёнимда шеърим,  
Қалб сўзи — олтин сўз, унда зўр бардош.

Гулханга отдилар даста китобим,  
Қалбим поралари куйди нақ кабоб.  
Куйди, кул бўлмади, чиқмади жоним.  
Учмади овозим, сўнмади қоним.

Бу сўзлар инсоннинг жаҳолат устидан қозонган тантанасининг, ўзига бўлган ишончининг, кўнгил ҳақиқатининг дарағи эмасми:

Тош экан бошим,  
Ҳеч ёрилмади —  
Ёғилди минг тош,

Қалам ҳамдардим  
Бир сирқимади  
Кўздан қатра ёш.

Гар қолдим нонсиз  
Ва бош паноҳсиз —  
Дарз кетмади қалб.

Кўнглимда ҳақиқат  
Бир он сўнмади.  
Гўё зўр қуёш.

Биз Ойбек ҳақида сўз юритганда, уни романист сифатида кўрсатишни кўпроқ севамиш. Лекин, Ойбек — биринчи навбатда буюк шоир эди. Шу нарса аниқки, танқидчилар Ғарбдан ўрганияпти, фалондан-писмадондан ўрганияпти деб номларини тилга олган ёшлар аслида Ойбекдан ўрганияптилар.

Биз ундан ҳаётни, дунёни қандай севишни ўргандик. У бизга бу ҳаётни, бу дунёни севиш учун унинг поклиги, тинчлиги учун курашиш зарурлигини аниқлатди.

Биз ундан тарихга, она халқимизга бўлган муҳаббатни ўргандик. Ватани севишни ўргандик:

Ватанин сев, тупроғини ўп,  
Ҳар қарчи муқаддас бизга.  
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп  
Жондан яқин юрагимизга.

Биз ундан қўлимизни, дилимизни пок тутушни ўргандик ва ўрганамиз...

«Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди — ижодий фаолиятнинг самараси билан ўлчанади. Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик фаолиятининг ҳар лаҳзасини ҳам самарасиз ўтказгани йўқ. Ойбек бу жиҳатдан ҳам ҳозирги ва келажак адабий авлод қаршисида устод бўлиб гавдаланади». Абдулла Қаҳҳорнинг бу ҳаққоният тўла сўзларида Ойбек ҳаёти ва ижодининг самараси тўла намоёндыр. Ойбек ҳамisha биз ва келгуси авлод учун устод бўлиб қолаверади, бугунги ва келгуси авлодлар уни қайта-қайта, ҳатто биз бориб етмаган қирраларини кашф этаверади.

Ушбу ўйларнинг сўнггида Ойбек ҳақида ёзган шеъримни келтиришга ич-ичимдан эҳтиёж сездим:

Ойбекнинг шеърини далага чиқиб  
Майсага ёнбошлаб ўқимоқ керак  
Ва сокин шивирини — оҳангни ўқиб,  
Ойбекми! Майсами! — деб толсин юрак.

Ойбекнинг шеърини тун кучган дарё —  
Шовқини аралаш тингламоқ зарур.  
Билмай қолсин юрак: сув узрами, ё  
Ойбекнинг шеърда ўйнайди бу нур!

Ойбекнинг шеърлари бамисли нигоҳ,  
Бу нигоҳ асрорин йўқдир поёни.  
Худди бўлмагандек майсага изоҳ,  
Йўқ Ойбек шеърининг тўла баёни.

Ойбек — бу майсага чўккан бужур тош,  
Ҳайратдан ёрилиб-ёрилиб кетган.  
Ойбек — бу дарахтзор устида қуёш,  
Нур то чумоли кўзига етган.

Ойбек — бу улкан бир чорбоғ ортида  
Ёввойи узумзор оралаб, титроқ —  
Қуёш тангалари ўйнаб сиртида  
Бирдан ёруғликка чиққан шўх ирмоқ.

Ойбек — бу оғриқни қарн тол каби  
Юракнинг тубида асраган сўзлар,  
Барча ҳасратини жим туриб лаби  
Энг яқин дўстига сўзлаган кўзлар.

Ойбек тирик ҳамон, у кўкда ҳилол,  
У — шамол, боғларда ҳамон еладир.  
У мени чорлаган ойдни бир хаёл,  
Кўкдаги Қаҳқашон унинг йўлидир.

## Ойбек ҳақида дил сўзлари

Ойбек прозада шоиру поэзияда прозаикдир. У энг майда икир-чикирларни ҳам шеърда куйлай биладиган талантли шоирдир. У кишилар портрети, кўз ва қош ҳаракатларини жуда аниқ тасвирлаб беради. Шу билан бирга, унинг прозаси лирик поэзия даражасига кўтарилади. Ойбек кишининг қалбига кира олади, юракнинг нозик торларини чертиб ўтади...

Ҳамид ОЛИМЖОН

...тан бериб айтиш керакки, Ойбек ғоят бардошли, қунтли, заҳматкаш ижодкордир.

Ойбекнинг серҳосил, ўткир ижодкорлигини бизнинг адабиёт тарихида кимга ўхшатиш мумкин!

Ойбекни ўзига, Ойбекка ўхшатиш мумкин.

Асарларини ўқиб улгурмайсан, янги бир асар билан «мана, мен» деб рўпарангда табассум қилиб туради.

Қандай яхши, яхши!..

Ғафур ҒУЛОМ

Талант қанчалик катта, қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар нечук юзада бўлмайди, конга ўхшаш ернинг қаърида бўлади. Бу кон — талантни қазиб олиш учун аввало катта ақл, ундан кейин катта билим, матонат, куч-ғайрат, буларнинг устига, дард бўлиши керак.

Катта талант эгаси Ойбекда мана шу хислатларнинг ҳаммаси мавжуд. Ойбек мана шу хислатлари билан халқимизнинг маънавий хазинасига катта бойлик қўшди.

Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди, ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади. Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик ижодий фаолиятининг бир лаҳзасини ҳам самарасиз ўтказгани йўқ. Ойбек бу жиҳатдан ҳам ҳозирги ва келажак адабий авлод қаршисида устоз бўлиб гавдаланади.

Абдулла ҚАҲҲОР

Агар талант, Л. Н. Толстой айтганидек, ишга, меҳнатга ва инсонга муҳаббат қўйишдан иборат бўлар экан, бу хислат, менимча, сеvimли адибимиз Ойбекнинг ҳаёти ва ижодида энг асосий ва ёқимли аломатлардан биридир.

Шубҳасизки, Ойбек совет адабиётида ижодий иш интизомини ўз ижодида темир қонда қилиб олган адиб сифатида ёшларга яққол ўрнак бўла олади.

Мақсуд ШАЙХЗОДА



Нурали  
Қобул

## Узаб кетмаган болалик

Дўстим БАКИРЖОНГА

ҲИКОЯ



изиология илмий тадқиқот институтининг ходими Носир Эгамов жума куни кечга яқин она қишлоғи — Нуротага жўнади. Акаси қўнғироқ қилиб: «Бир келиб-кетмасанг бўлмайди, бобойнинг аччиғи чиқяпти», деди ҳовлиқиб. Шундан сўнг ичига гулгула тушди. Чол бир ўкинса, анчагача кечирмайди.

Қишлоққа бориб келса, унинг асаблари жойига тушиб, ўз-ўзидан майин тортиб қолади. Болаликнинг қалб қатида қолиб кетган ширин хотиралари уйғониб, юракни ҳаётбахш ҳисларга лиммо-лим тўлдиради. Қани энди, қўлимдан келсаю ҳаммага яхшилик қилсам, дея ўйлайди. Нимагадир муҳтож, қўли калта одамларни учратганда бу фикр унга яна азоб бера бошлайди. Лекин, ҳаммага бирдек яхшилик қилиб бўлмаслигини тушуниб, маъюс тортиб қолади. Беш қўл баробар эмас-ку, ахир.

У «Икарус»нинг орқа ўриндиғига оғир чўкканча шулар ҳақида хаёл сулар, автобус эса кўм-кўк бедазорлар ва пахта далаларининг орта қолдириб елиб борар эди. Эртага куннинг илиқроқ бўлишидан дарак бергандек, уфқ ортини қизартириб қуёш ботарди. Мирзачўлни тенг иккига бўлиб оқадиған каналнинг лойқа сувида қуёшнинг хирагина акси кўзга ташланар, сон-саноқсиз гирдоблар ҳосил қилиб оқаётган бўтана сув Носирнинг кўнглидаги хижилликка ҳамонҳангдек эди.

«Бировларнинг ишига ҳакамлик қилгунча ўзининг аччиқ ичакдек чўзилган диссертациянгни тезроқ ҳимоя қилсанг яхши бўларди!»— деди сўнг ўзи ичида.— Олим бўламан деб, бутун бошли балони сотиб олган экансан. Ундан кўра, ўқишни битирибоқ Нуротага келиб, район шифохонасида юртдошларининг даволаб юрсанг одамларга ҳам, давлатга ҳам кўпроқ фойданг тегармиди! Шунда ҳозиргача Тошкентдай учи-қуйруғи йўқ шаҳарда кимлигинг номаълум бўлиб, ўз-ўзингдан норози бўлиб сандирақлаб юрмас эдинг. Олимлик учун ҳам рассомлик ёки композиторликка ўхшаб оз бўлса-да иқтидор бўлиши керак. Биз эса кун кўриш, бола-чақамизни боқиш қишлоқдошлар ва элу юрт олди-



да шарманда бўлмаслик учунгина диссертация ёқлашга тиришамиз. Ёзган ишимизни бирор ўқиса ўқийди, бўлмаса, айтса бир архивда саргайганча қолиб кетади. Чехов айтаганидек, кўпчилигимиз фаннинг соҳиби эмас, мардикоримиз. Менинг ишим аниқ бир муаммага бағишланган. Эпласам, янгилик яратган бўламан. Акс ҳолда ҳаё-ҳув деб қишлоққа қайтаман...»

Автобус йўл-йўлакай йўловчиларни олиб-тушириб, кечки соат саккизларда Самарқандга кириб келди. Шаҳарда ҳали ҳаёт қайнар, декабрнинг шамоли Ҳазрати Хизр масжиди кўбаларини ялаб, йўллардаги сўнгги барғихазонларни Шоҳизинда қабристон томон ҳайдар, бу Нурота тизмаларига ноябрдаёқ тушган қорнинг совуқ шамоли эди. Станцияда, одатдагидек, кечқурунги сертавшин югур-югур ҳўкмрон, қаршидаги йўл бўйига тизилишган йўловчилар ўтаётган машиналарга қўл кўтаришиб, манзилларини айтиб бақришар, бир-бирларини туртиб, тўхтаган машина томон югуришар эди. Шоҳизинданнинг деворига машинасини тақаб қўйган бесўнақай, мўйлови қорамтир юзига ёпиштирилганга ўхшаш хунук, қориндор ҳайдовчи қўлини пахса қилиб йўловчилар билан савдолашарди. Ҳайдовчидан узоқлашаётган йўловчилар эса ўзаро муҳокама қилишарди:

— Бормай ўтиб кет-э!

— Отасининг нархини сўрайди-я! Давлатнинг машинаси бўлса. Наҳотки буларни ҳеч ким тергамаса!

— Самарқанднинг етти қайтган безориларига ўхшайди. Фида-биди десанг ёқангдан олади!

— Фезли тор шаҳарлик-да,— дерди ёши бир жойга бориб қолган калта соқолли киши.— Сув кўрмаса, этик ечмайди. Подшолик кўрган шаҳарнинг одамлари шунақа...

Автостанциянинг сўл томони каттакон жарлик бўлиб, районларга кетадиган йўл ўтади. Қадимий Афросиёб девори шу жарлик ёқалаб ўтган. Неча минг йиллик бу обиданинг қолган-қутган бўлаклари негадир қаровсиз ётибди. Самарқандда жойлашган археология илмий тадқиқот институтининг олимлари наҳотки бунга бефарқ қарашса?

Станцияни шаҳар билан боғловчи, пиёдалар ўтадиган осма кўприк ҳорғин шаҳар ҳаётига ҳамоҳанг ғичирлар, рутубатли тун чўкмоқда эди. Носир автобусдан тушгач, елкасига осилган сумкасини қўлтиғига қисганча, салқин ва намхуш ҳаводан жунжикиб, туриб қолди. Хотини ЦУМда навбатда туриб олган ва кўстаб кийгизган янги қуён телпагини бостириб, плашининг тугмаларини солди. Хайрият, телпак кийган экан...

Шу ерлик дўст ёки таниш-билишларидан бирортасиникида қолсамикан ёки кетавергани маъқулми? Даҳбед автостанцияси ҳам шаҳарнинг нариги четида. Бирорта юк машинасига илиниб бўлса ҳам қишлоққа етиб олгани маъқул. Ёки курсдош дўсти Турдиқулникида қолсамикан? «Сўғдиёна микрорайонида тураман», деган эди. Жуда нобоп қурилган микрорайон. Бу ҳақда газеталарда ҳам роса ёзишди. Бибиҳоним мадрасасининг юқори қисмини оғир темир-бетон қурилмалари воситасида таъмир қилишяпти. Бинонинг асоси бундай оғир бетон бўлакларини кўтара олармикан? Меъморлик қўриққонаси ташкил этилиши керак бўлган Амир Темура ансамбли майдонида гугуртнинг қутисидек меҳмонхона қуришди. Хуллас, Самарқанднинг бугунги архитектураси ўтмиш меъморчилигига мутаносиб эмас. Самарқанддек буюк шаҳарга ҳар бир тошни етти йўлаб, етмиш ўлчаб қўйиш лозим. Кишилар дидини юксалтириш, тўғри яшай билишга ўргатиш учун улар қалбида, виждонидида инқилоб қилмоқ керак...

Область судида ишлайдиган Алишер Мавлонов билан ўқиб юрганда ораларидан қил ўтмасди. Шуникига борса қандай бўларкин? Бирйўла янги ишга ўтгани билан ҳам табриклайди. У ёш бўлса-да, масъул ишларда ишлаб юриб, ўз ёшидан илгарилаб кетган. Масъулият одамни шунақа—босиқ ва мулоҳазали қилиб кўяркан. Хотиниям фариштадек жувон. Турдиқулнинг хотини магазинда ишлайди. Меҳмонларни салмоғига қараб қаршилайди. Носирга ўхшаган аллақандай илмий ходимларга раҳми келган бўлиб, устидан бемалол кулади. Турдиқул ҳам гуноҳ қилиб қўйган боладек, хотинининг оғзига тикилиб ўтирверарди. Отасининг меъморчилик институти томонда яшовчи ошнасини кўриб кетса яхши бўларди.

У ана шу ҳаёллар билан осма кўприкни ғичирлатиб, Самарқанд бозори томон борарди. Бозор дарвозаси олдидан таксига ўтирмоқчи эди. Серқатнов йўлга келиб туташадиган жинкўчаларда ҳали одам гавжум, кечки бозордан

арзон-гаровга мева-чева, қовун-тарвуз харид қилган мазахўрак кишилар бозорлиқларини отлиғу пиёда уйларига ташишар эди. «Эртага бу меваларни икки баробарига пуллашади,— деб ўйлади Носир бозор дарвозасига яқинлашаркан.— Дунё шунақа. Ҳақиқат—бозор билан мазорда. Қорнинг тўйинчи, устинг бут бўлиши учун бозорга, кунинг битганда эса мазорга борасан».

Шу пайт кимдир орқасидан келиб унинг телпагини олди. «Дўст ёки танишлардан бирортаси кўриб қилиб ҳазиллашди», деб ўйлади у ичиди қувониб. Турдиқулмикан? Ёки Алишерми? У машинада юрса керак. Уйга борамиз, деб қистайди. Йўқ деса, хафа бўлади. У кулимсираб ўгирилганда ўн ёшлар чамасидаги бола телпакини қўлтиғига қисганча йўлка бўйлаб чопиб борарди. У бир оз ханг-манг бўлиб турди-ю, сумкасини қўлига олиб, боланинг ортидан югурди. Кимнингнинг елкаси билан туртиб юборган эди, сўкинди. Бола эса чап томондаги жинкўчалардан бирига ўзини урди. Носир уни кўздан қочирмай қувиб борарди. Бола кўнадан юз метрлар чамаси ичкаридаги каттакон тут дарахтига етганда тўхтаб, қўлидаги телпакини тўпланиб турган ўспиринларга берди. Безорилар ёқимсиз қичқириб, кулишарди. Улардан бири телпакини кийиб олди. Носир қадамни секинлатди.

— Кели-и-и! Бир пўстакни-и қоқи-иб қўй-го-он!— деди улардан бири баланд овозда.

Носир қаҳр билан бир оз тикилиб турди-ю, орқасига қайтди. Дили хуфтон бўлган эди. Усмирлар эса хаҳолашиб кулишарди. «Одам бўлиб энди битта тузук телпак кийган эдим», шуну ҳам шармандаларча тортиб олишди», деб ўйлади алам билан. Энди Маҳбубага нима дейди? Бу ёқимсиз ҳавода шомоллаб қолмаса бўлди эди. Бош омон бўлса, телпак топилар. Лекин...

У чопганда тўзиб кетган сочларини бармоқлари билан ўнг томонга тараб қўйди. Плашининг ёқасини кўтарганча йўлида давом этди. Кулги аралаш, йиғлагиси келарди. Хўрликка ўхшаган бир туйғу бўғзига тикилиб қолган эди. Энди эҳтиёт бўл, елкадангиз сумкани ҳам олиб кетишмасин!

Бозор дарвозаси олдиди тахсига ўтиришния, ўтирмасиниям билмай, гарангисиб туриб қолди. Утирганда, қаёққа ҳайда дейди? Турдиқул... Йўқ, иложи борича тезроқ қишлоққа етиб олиш керак. Шунда бирдан кўзига она қишлоғи ёниб кўринди. Соғиниш ҳиссидан юраги орзиқиб кетди. Тезроқ етиш керак қишлоққа...

— Даҳбед автостанциясигача!— деди у бўғик овозда ҳайдовчига.

Ҳайдовчи унга ҳафсаласизлик билан кўз қирини ташлаб, хўмрайди.

— Даҳбед автостанциясигача, рози қиламан!— деди у қаҳрини ичига ютиб.

— Утир!

У счётчик ишлаганидан икки баробар ортиқ тўлади. Ҳайдовчи ижирғанди-ю, индамади. Автостанция бўм-бўш, йўл бўйида икки йўловчи гаплашиб турарди.

— Йўл бўлсин, меҳмон!— деди ёши каттароғи унинг саломига алик олиб.

— Нуротага,— деб жавоб қилди у кўришаркан.

— Биз Пойариққа,— деди ҳалиги киши.— Узоққа бораркансиз. Биз ҳам ўғилни армияга жўнатдик,— деди хўрсиниб.

— Оқ-қорани таниб, русчани ўрганиб, зўр йигит бўлиб келади,— деди ҳамроҳи — чорпахил одам гапга аралашчи.— Тўғрими, ука? Мана, сиз ҳам армияда бўлгансиз...

Носир «ҳа» ишорасини қилди. Чорпахил киши отанинг кўнглини кўтариш учун бу гапни бир неча бор такрорлаган шекилли, ёшулли унга эътибор бермай, Носирнинг оғзига тикилиб турарди.

У Нуротадаги совхозлардан бирига кўмир ортиб бораётган юк машинасида қишлоққа соат иккиларда етиб келди. Ой сутдек ёруғ, теварак-атроф сокин эди. У тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Телпак можароси ҳам эсидан чиққандек эди. Яйловга туташ далада санқиб юрган Кўктой ой ёруғида уни таниб, югуриб келди. Фингшиб суйкалди.

Ҳеч кимга билдирмай, доимо эшиги очик меҳмонхонага кириб ётмоқчи бўлган эди, ота-онаси яшайдиган уйнинг чироғи ёнди... Қутишаётган экан. У эса...

Онаси уни ҳар кўрганда кўзёшини тўхта олмайди. Кузатаётганда ҳам. Нега шундай экан? Наҳотки инсон шу қадар меҳр-муҳаббатли бўлса? Онасининг ярим тунда қўлларини ёзганча: «Болажоним! Менинг мусофиргина болажоним!

Кўзимнинг оқу қораси! Мен бечорани шунчалик ҳам соғинтирасанми?» дея ҳаллослаб келаётганини кўрганда унинг кўнгли бузилиб кетди. Кўзёшлари қадрдон ҳид келаётган онасининг пахталик нимчасига сингунча бошини кўтармади. Болалигида, ҳали унча узаб кетмаган болалигида ўртоқлари билан ёқалашиб ёки бирор нарчасини йўқотиб қўйганда уйга йиғлаб келган ва онаси бағрига босиб, суйиб эркалаган дақиқалар бир зумга бўлса-да қайтиб келган эди. У бугун ҳам худди ўша алфозда уйга кириб келган ва қайтиб келмас ўша беғубор онлар ҳақиқига кўзёш тўкарди...

Индинига эрталаб у йўл ташвишига тушди. Онаси катта келинига патир пиширтириб, мешдаги суви қочган сузмани сурп халтага солди. Невараларига атаб кишлоқ магазиндан олган кийим-кечаклар билан сумкасини тўлдирди.

— Кетасанми?— деди отаси одатдагидек босиқ овозда.— Дунё шунақа экан, ўз пуштикамарингдан бўлган фарзандингнинг дийдорига тўймай яшар экансан. Ҳай, майли. Қаерда бўлмагин, бошинг омон бўлсин. Эрта-индин олим бўлмоқчисан. Студент болаларга ўхшаб бошланг юрма. Дўст ҳам, душман ҳам даставвал бош билан оёққа қарайди. Мана бу пулга телпак ол. Узоқ жимиб кетмагин. Мен ҳам, онанг ҳам юзга кирмаймиз,— дея паст овозда гапида давом этарди чол.— Бор энди. Йўлинг оқ, йўлдошинг ҳақ бўлсин!

У лаб-лунжини йиғштириб, отасига жавоб қайтара олмади. Бўғзига нимадир тиқилгандек эди. Бошини қуйи солганча

ютинди. Кўзи ёшланганини сездирмаслик учун ўгирилди. Бўғзига тиқилган нарса кўкрагига келиб тўхтаб қолган ва уни ўйга толдирган эди.

Машина куз ёмғирдан қорамтир тусга кирган яйловларни тенг иккига бўлиб илгарилар, димоққа ёмғирдан намиққан қуруқ хас-хашак ва куз қуёшининг илиқ нурларидан уйғониб, ниш урган барра ўт ҳиди урилар эди. У қуйилиб келаётган кўзёшларини беихтиёр енгилар билан артар, тошга айланиб қолган қўлларини чўзганча у билан хайрлашаётган қадрдон тоғ ва дараларга тикилар, бу ширин дақиқалар бахш этган соғинч ва армон туйғуси юрагини ўртар эди.

... Биз олимликнинг кетидан югураемиз, ўз мавқеимизни мустаҳкамлашга тиришамиз, квартира учун ижроия комитетдагилар билан ғижирлашамиз, гўштва навбатда туриб, яхши жойидан олишга интиламиз, турмуш ташвишларини унутмоқчи бўлиб ичамиз, хиёнат қиламиз... Лекин, аслида, бу билан унинг қийинчиликлари қаърига янада чуқурроқ сингиб бораётганимизни сезмаймиз. Наҳотки ҳаёт фақат шулардан иборат бўлса! Бу ерда эса... Мана шу чол ва кампир бағридан чиқиб кетган боласини кўтиб, соғиниб яшайди. Улар учун ҳаёт ана шу соғинч ва илинждан иборат. Биз эса, ақлимиз етмаганидан эмас, ўз ташвишларимиздан ортаганимиздан, кунимизнинг кетидан қувиб, наҳотки кўз олдимиздаги ҳақиқатни, оддий ва содда ҳаёт ҳақиқатини кўрмай, ўткинчи ташвишлар соясида қолиб кетсак?..

## Ойбек ҳақида дил сўзлари

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек замонамизнинг энг пешқадам интеллигентларидан, ўзбек совет адабиётининг илғор намояндаларидан биридир. Унинг бутун ҳаёти ва ижоди Ўзбекистонда шаклан миллий ва мазмунан социалистик илм-фан, маданиятни гуллатиш билан маҳкам боғлангандир.

МИРТЕМИР

Ойбекнинг тарихий мавзудаги бу асари давр муаммоларини четлаб ўтмаслиги ва бизнинг кунларимиз учун ҳам муҳим бўлган масалалар бадий ёритилганлиги билан қимматлидир.

Иван ПЕЙЧЕВ

Ойбекнинг «Навой» романи инсон тафаккури ва қалбини ёритувчи юксак эстетик асар бўлишдан ташқари, тарихимизни бузишга уринган кимсаларга қарши қақшатқич зарба ҳам бўлди...

Анвар ОЛИМЖОНОВ

Ойбек ўз прозаси билан социалистик реализмнинг шаклланишига жуда катта хизмат қилган. Айни вақтда Ойбек ўтмиш ўзбек адабиётининг традициясидан ҳам, янги, яъни совет даврида вужудга келган умумиттифоқ адабиётининг традициясидан ҳам кўп нарсаларни ўрганган ва ўзининг эришган катта муваффақиятлари билан бошқаларга ҳам кўп нарса берган.

Зоя КЕДРИНА



Бахтиёр Назаров

## Санъаткор олим

**О**лимлик ва санъаткорлик Ойбек даҳосининг қўш қаноти эди. Унинг бадий таланти илмий салоҳиятдан озик олди, илмий тафаккури эса бадий таланти кудрати билан ўткирлашди. Ойбекнинг танкидчи ва адабиётшунос олим сифатидаги фаолияти, айниқса, ибратлидир. Унинг бу йўналишдаги фаолияти айрим танкидчи ва адабиётшунослар сингари шунчаки, йўл-йўлакай, вақти-вақти билан адабий жараёнга муносабат билдирилиб турадиган даражада бўлган эмас. Аксинча, Ойбек бадий адабиёт таҳлили ва тарғиби билан ҳар қандай профессионал адабиётшунос ўрناق олса арзигулик даражада жиддий ва чуқур шуғулланган.

Унинг ўзи айтишича, Навоий ҳақидаги материаллари 1928 йилдан йиға бошлаган. Роман эса, 1942 йилда ёзиб тугатилди. Демак, «Навоий» ёзилгунча, муаллиф деярли 15 йил давомида илмий-бадий тайёргарлик ишларини олиб борган. Унинг Навоий ҳақидаги сўнги мақоласи 1968 йилда эълон қилинди. Бундан Ойбекнинг бу улуг сўз санъаткори ҳаёти ва ижоди билан деярли 40 йил давомида шуғуллангани маълум бўлади.

«Тарих сўқмоқлари изимдан чўтир», деган эди у нурли ва сермазун умрининг сўнгига ёзган шеърларидан бирида. Аслида, бадий йўсинда ифодаланган бу фикр замирида таҳайюл ҳақиқати ётади. Зеро, унинг серзаҳмат хаёли ва тафаккури илмий ва бадий ниятларини амалга ошириш мақсадида мозий сўқмоқларини тинимсиз кезди, ўзининг саволларига жавоблар излади. У ҳар бир тарихий фактни замон элагига солди, марксистик шуур нури билан ёритди ва ўз асарлари, тадқиқотлари учун зарурларини саралаб олди.

Ойбекнинг тинимсиз илмий ва бадий изланишлари синтези ўлароқ «Навоий» романи дунёга келди. Асарда теурийлар салтанатининг Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврини нафақат бадий, балки айтиш вақтда, чуқур илмий руҳ билан ёритгани сингари, тадқиқотларида ҳам Ойбек илҳом аргумоғининг жилловини эркин кўяди ва илмий ишларини кўпдан-кўп ёрқин бадий мушоҳадалар билан безайди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, Ойбекнинг Навоий ҳақидаги роман ва дostonларига илмий ишларидаги фикрлар ва ҳатто, жумлалар кўёш нуридек эркин ва табиий сингишиб кетадилар. Ва аксинча, бадий асарлардаги жуда кўп тугунлар, ситуациялар, концепциялар даставвал илмий ишлар дошқозонида тобланиди, қайта-қайта ишлов берилади. Мана, унинг Навоий ҳақида ёзган мақоласидан бир парча: «Қиш кунларидан бирида ўртага ёлқинланиб ёниб турган манқални қўйиб, Сабзавор ҳокими бир

гурух яқинлари, дўстлари билан суҳбат қилиб ўтирар эди. Суҳбат эртақдай қизиқ, рангли, жонли эди. Чунки йиғинчоқда ҳозир бўлганларнинг кўплари иш кўрган, қилич чопган, турли можаролари бошларидан кечирган одамлар эди... Уймақори гулдор эшик очилди, қалингина адас тўн кийган, ҳали 4 ёшга тўлиб етмаган бола думалаб-сумалаб ичкари кирди, эшикни ёпди. Кейин даврандан четлаб юриб, отасининг ёнига ўтирди. Худди энагасидан эртақ тинглагандек ақлли, туйғун кўзларини мўлтилатиб, катталарнинг гапига қулоқ солди... Бу бола Алишер эди.»

Илмий мақолани бу қадар бадий чечаклар билан безаш, ёзилаётган масалани, ҳодисотни суратлантириш, жонлантириш, уни имконича бадий асар янглиғ ўқимишли қилиш, манткий ва образли фикрлаш орасида ҳукм сурмиш сарҳадларни ажиб бир усталик билан эритиб, ёзаётган мақоласи тўқимасига синдириб юбориш олим Ойбек услубига хос бўлган фазилатлардан биридир...

Ойбек табиатан камтар инсон эди. 30-йилларнинг ўрталарида ёзилган салкам 8 тобоқ ҳажмли «Навоий ҳақида» деб номланган илмий иши ўз вақтида чоп этилмади қолади. У эҳтимол муаллифнинг ўзига яна қайтадан ишлаш лозим бўлиб кўрингандир ёки нашр этиш имкони топилмагандир. Ҳар қалай, бу иш ўз вақтида эълон қилинмай, ёзилганидан 1—2 йил ўтгач, номаълум сабабларга кўра йўқолади. Зарифа ая Саидносированинг айтишларича, таниқли навоийшунос П. Шамсиев қўлёмани топиб, 1955 йилнинг 26 мартида адиб хонадонига келтириб беради. Ойбек негадир шунда ҳам бу тадқиқотни нашр этишга шошилмайди. Ҳолбуки, бу иш шу вақтгача буюк Навоий ҳақида ёзилган ишлар ичида ҳавас қилгулик даражадаги теран ва чуқур тадқиқотлардан биридир. Унинг айрим қисмлари 1961 йилдагина Зарифа ая кистови билан эълон қилинади... Езган бир шапалоккина, чалакам-чатти, ночор тақризнинг сиёҳи қуримасдан туриб, редакция-ма-редакция юрган айрим тенкурларимизнинг, ёшларнинг ва ҳатто тажрибали адабиётшуносларимизнинг ҳаракатларини кўриб, Ойбек домланинг бу бағри кенглиги ва камтарлигига лол қолади, киши.

Ёзилган нарсани матбуотга бермоққа ошиқмаслиқнинг бундай мисоллари Ойбекда кўп учрайди. «Навоийнинг таржуман холи» номли иш ҳам аввал қисқартирилиб, ёзилганидан етти йил кейин — 1948 йилда ва тўлиғича 1967 йилда, деярли йигирма беш йилдан кейин босилиб чиқди. Каттагина ҳажмли «Хамса»нинг асосий образлари» номли тадқиқотнинг матбуот юзини кўриш тарихи ҳам шундай. Асар, ёзилгандан деярли ўттиз йил ўтгач, 1967 йил чоп этилди.

Ойбек илмий ишларининг яратилиш тарихини кузатиш ҳам мароқли. Бу материалларда муаллифнинг ўзига хос ишлаш тарзи, фикриётининг туғилиш, шаклланиш ва камол топиш жараёни акс ётади. Ақсар тадқиқотлари учун Ойбек аввал ниҳоятда пишиқ ўйланган план тузиб олади. Баъзи ҳолларда олим бўлажак тадқиқотнинг тезисларини қоғозга туширади. Айрим ишлари учун эса, бундан ҳам чуқурроқ тайёргарлик олиб боради. Яратилажак иш бундай кезларда айрим эскизлар, хомаки нусха сифатида тайёрлаб олинади. Вақт ўтгач, бу дастлабки материалларга яна шу қадар қаттиқ ишлов бериладики, ишнинг узил-кесил битган варианты аввалгиларидан ўзининг янги концепцияларга ва фактларга бойлиги билан кескин фарқ қилади. Натжида, у ёки бу тадқиқотнинг тайёргарлик вариантларининг ўзи ҳам бамисоли мустақил илмий ишдек таассурот қолдиради.

Ойбекнинг илмий ишларига хос яна бир услуб шундаки, муаллиф у ёки бу тадқиқотга тайёргарлиқнинг дастлабки босқичида ўрганаётган мавзуси ва масаласига алоқадор бўлган соҳа бўйича бирламчи манбалар ва уларга оид илмий асарлар билан атрофлича танишишдан ташқари, улардан анчагина батафсил конспектар тузиб олган. Масалан, Навоий ҳақидаги илмий ишларига тайёргарлик чоғида Ойбек «Зафарнома», «Рашоҳати айнул-ҳаёт», «Нузхатул-қулуб», «Мақомати Мавлавий Жомий», «Матлабил-толибин», «Комусул аълом», «Хамсатул мутахаййирин», «Мажолисун-нафоис»,



«Бобурнома», «Бадоеул-вақое», «Равзатус-сафо», «Вақфия»лардан ташқари Рюи Гонзалес де Клавихонинг «Дневник путешествия по двору Тимура в Самарканде в 1403—1406 гг» (1881), Н. И. Вавиловнинг «Земледельческий Афганистан» (1928), В. В. Бартольднинг «Улугбек и его время», С. Айнийнинг «Алишер Навоий ва тожик адабиёти» сингари асарларини жиддий ўрганиб чиқди. Бу-ку, Ойбекнинг катта ҳажмдаги кенг қамровли классик адабиётга доир тадқиқотлари учун кўрган тайёргарликлари. Узига ва қалами остидан чиқувчи ҳар қандай материалга ниҳоятда талабчан бўлган олим ҳатто кичик ҳажмдаги, газета ё журналга мўлжаллаган мақолаларига ҳам юқоридагилардан кам бўлмаган даражада тайёрланган.

Ойбек бадий ва илмий асарлари учун бирламчи манбалардан материал тўплар экан, ўрганаётган давр тарихи ва ҳаётини ҳақиқатга оид муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалардан тортиб шу қадар майда деталларгача аҳамият берадики, ҳайрон қолмай иложингиз йўқ. Масалан, адиб Бобур ҳақидаги дostonга тайёргарлик сифатида 37 саҳифадан иборат материални йиғган. Унда Улугбекнинг Самарқанддаги боғларидан бирида ётган тошнинг бўйи ўн беш, эни саккиз, қалинлиги бир қаричлигидан тортиб, ҳатто унинг дарз кетганлигига ҳам маълумот бор. Шу материалдан биз Бобур теракнинг куздаги сарғайган ҳолатини ниҳоятда хуш кўргани, Ҳиндистондаги «Саккиз жаннат» боғига узум, қовунлар эктириб, унинг ҳосилни кўргач, суюниб йиғлаганларидан воқиф бўламиз...

Ойбек жасур фикрли олим эди. Яқин-яқинларгача Бобур ҳақида турли зиддиятли фикрлар ҳукм суриб келган бўлса-да, Ойбек бундан деярли қирқ йил аввал Бобурнинг ҳукмдор бўлганини эътироф этгани ҳолда, бу нарса унинг бетакрор адабий таланти ва ёрқин шахсини ўрганиш ишига монелик қилмаслиги лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Умуман жасур фикрлилик, дадиллик, ўзбек танқидчилигига янги методологик принципларни олиб кириш Ойбекнинг 20-30-йиллар танқидий фаолиятига хос бўлган хусусиятлардандир. Ойбек 21 ёшида ёзган дастлабки ишидаёқ Фитратни жиддий танқид қилишга журъат этган эди.

Шу мақоласида Ойбекнинг ўзи биринчи бўлиб ўзбек танқидчилигига марксча социологик таҳлил методини олиб чиқдики, унинг бу хизмати ўзбек совет адабиётшунослигининг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Сўнги йилларда ўзбек классик адабиётининг қатор муҳим масалалари бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Булар танқид олимларининг чуқур изланишлари ва меҳнатлари натижаси эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, уларга айни вақтда, бундан 40-50-йил аввал Ойбек тафаккурдан тушган уруғларнинг мевалари, самаралари сифатида ҳам қараш тўғри бўлади.

Ойбекнинг 30-40-йиллардаги илмий ишларида классик адабиётимизнинг деярли барча атоқли намоянадалари ҳақида айтилган тезиснамо фикрлар, у ёки бу муҳим проблемалар ҳақида илгари сурилган қарашлар кейинчалик В. Абдуллаев, А. Қаюмов, Н. Маллаев, А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, Б. Валихўжаев сингари унинг шоғирдлари томонидан ривожлантирилди. Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ойбекнинг илмий ишлари ва адабий-танқидий мақолалари ҳам худди бадий асарлари янглиғ эҳтиёж фарзандлари, зарурат ҳосиласи сифатида майдонга келган ишлардир.

Маълумки, 30-йилларнинг бошларида илмий-маданий ҳаётимизда, матбуот ва нашриётларимизда, маориф соҳасида, таржима ишларида терминларни қўллаш борасида пала-партишлик, турли-туманлик ҳукм суриб келарди. Бу масалада муайян тартиб-интизомнинг йўлга қўйилиши нафақат илмий-маданий, балки катта социал аҳамиятга эга эди. Бу нарса улкан ички интизомли ва талабчан, халқ ҳаётидаги ҳеч нарсага бефарқ қарай олмайдиган Ойбекнинг назаридан четда қолиши мумкин эмас эди, албатта. Натижада «Фалсафий терминлар устида бир қанча сўз» мақоласи пайдо бўлди. К и н о я , и с т е х з о , м а н т и к , м у ш о ҳ а д а , т а ғ р и ф , с е з г и , и з

ч и л , ф а р а з , ш у у р сингари жуда кўп сўзларнинг ёзма нутқимизда термин сифатида ўзлашиб, мустаҳкамланиб қолиши бевосита уша мақола билан боғлиқдир.

Тил бадий асарнинг биринчи элементи эканлиги маълум. Бу муҳим масалага бағишлаб, Ойбек 30-йиллардаёқ «Ўзбек поэзиясида тил» деган махсус мақола ёзди. Шеърятимиздаги тил нуноқликлари танқидчилигимизда илк бор шу мақолада очиб ташланди. Ойбекнинг принципноллиги, ҳалоллиги, тўғри-сўзлиги ва одиллиги бу мақолада ҳам яққол намоён бўлади. У бу борада тенгқур дўстларининг, атоқли шоирларнинг ҳам камчиликларини рўй-рост кўрсатади. Муваффақиятлар ҳақида бир олам қувонч билан, ҳаяжон ва эҳтирос билан ёзиш ва айни вақтда камчиликларини ҳам дадил кўрсатиш ва танқид қилиш, ғамхўрлик руҳи билан суғорилган ҳақгўйлик Ойбекнинг танқидчиликдаги асосий аъмоли эди.

Ойбекнинг ўз тенгқур дўстлари ижодини чуқур таҳлил қилиш ва тарғиб этиш борасидаги қуюнчақ ва меҳрпарвар фаолияти ҳам кўпчиликка ўрناк бўларли даражададир. Умуман, бу борадаги Ф. Гулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қахҳор, Шайхзода, Миртемир каби санъаткорларнинг ўзaro бир-бирлари ҳақидаги талабчанлик билан йўғрилган, ҳайбара-қаллачиликдан узоқ самимий фикрлари ва мақолаларига ҳавас қилса арзийди. Ҳозирги ижодкорларимиз ва айниқса ёшлар бу устозларнинг асарларидаги маҳорат мактабидан ташқари табиатларидоғи мана шу фазилатлардан ҳам ўрнак олишлари мумкин. Ойбекнинг Ҳ. Олимжон, Ф. Гулом, А. Қахҳор, Шайхзода, Уйғун ижодига бағишланган қатор мақолалари уларнинг асарларини чуқур тадқиқ этиш ва омалаштиришдан ташқари, ўз даври адабий жараёни ривожига ҳам катта таъсир кўрсатган эди. А. Қахҳор ижодига бўлган Чехов таъсиридан нозик қирра ва нуқталарини биринчилардан бўлиб очиб берган ҳам Ойбекдир. Бундан роппа-роса 40 йил аввал ёзилган «Чехов ва ўзбек адабиёти» номли мақолада Чеховнинг Саид Аҳмад ижодига кўрсатаётган таъсири ҳақида ҳам илик фикрлар бор.

Ойбек ҳаракатдаги адабий жараёнга бағишланган мақоаларининг деярли барчасида ёш ижодкорларга алоҳида ғамхўрлик билан қаради. Деярли 40 йил ичида ёзилган ўнлаб мақолаларида у ёшларга муносабат билдирар экан, ҳеч бир ёш ҳамкасбини беҳуда кўкларга кўтармаган, у ёки бу камчилик учун аюҳаннос солиб, танқид қилмаган.

Ойбек наинки бадий ижодкорлар, балки адабиётшуносларнинг ҳам ишларини кузатиб борар эди. Унинг Ҳ. Екубов, Т. Жалолов ишларига юқори баҳо бергани маълум. А. Қаюмовнинг «Кўжон адабий муҳити» асари ҳақида эса, «муаллифнинг олтиндай асл фикрлари, мулоҳазалари кўп», деб ёзган эди.

Улкан адиб ва адабиётшунос олим Ойбекдан бизга ҳажми тахминан 50 тобоқ атрофидаги илмий мерос қолди. Бу мерос унинг 19 жилдан иборат муқаммал асарлар тўпламининг икки жилдини ташкил этади. Унда Маҳмуд Қошғарийдан тортиб Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Рабғузий, Ҳоразмий, Дурбек, Отойи, Саккокий, Лутфий ва Навоий асарлари тадқиқ этилган. Бобурдан тортиб Муҳаммад Солиҳ, Турди, Машраб, Мунис, Нодира, Увайсий, Маҳзуна ижодлари ҳақида фикр юритилган. Гулҳанийдан тортиб Маҳмур, Муқимий, Фурқат, Завқий поэзиясига баҳо берилган. Ҳамзадан тортиб, С. Айний, А. Қодирий, Ф. Гулом, Ҳ. Олимжон, А. Қахҳор, Шайхзода асарлари таҳлил ва тарғиб қилинган. Бу мақолалар билан Ойбек Совет даври ўзбек адабиётининг қатор долзарб назарий проблемаларини ҳал этишга, адабиётимиздаги партиявийлик, халқчиллик принципларини, умуман, социалистик реализм методини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган. Бу мақоаларни ўқир экансиз буюк, айни пайтда камтар, меҳрибон, шу билан бирга, принципнол адиб ва санъаткор олимнинг донишманд нигоҳи сизни кузатиб турганини, жасоратларга чорлаётганини сезиб турсиз. Зеро, Ойбекнинг нафақат шеър, қисса ва романлари, балки, адабий-танқидий мақолалари ҳам ёш ёзувчилар ва адабиётшунослар учун завоқ билмас адабий маҳорат мактабидир.



Саломат  
Вафоева

## Фарида

Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан,  
у ҳақда ҳамиша янги гап айтиш мумкин.

С. БУФФЛЕР



ҲИКОЯ

Фарида эрталаб кўрқинчли тушдан уйғониб кетди; фарқ терга ботибди. Нимагадир онасини эслади, эсладию бир нарса томоғига келиб тикилди, кўзларида ёш ғилтиллади. Эсини танибдики, ўгай она тарбиясида, ундан ҳадиксираб, ҳатто кўрқиб яшайди. Онаси кинолардаги «ўгай она»лардек золим, бағритош эмас-у, лекин барибир...

Фарида телевизор устида турган соатга қаради: иш вақти бўлибди. Ювинди, сочини тараш учун кўзгунинг рўпарасига келиб рўмолини ечди. Чатнаган кўзгунинг чеҳрасини иккига бўлиб кўрсатди. У кулиб кўйдиди-да, ойнага яқинроқ борди: қоракўз, юзи сал чўзинчоқ ғунчалаб бир гўзал қошларини чимирибгина қараб турарди. Утган куни райондан келган мухбир йигит, қайсидир артистга ўхшайсиз, деганида жаҳли чиққан эди. Ростдан ҳам ўхшайди, шекилли... Сўзана-нинг чап томонига осиглиқ эски суратга — онасининг суратига кўзи тушди. Кейинги пайтларда нимагадир онасининг тирик қиёфасини унута бошлади. Вақт бешафқат экан. У, опаси (ўгай онасини «опа» дер эди) шу суратни ўғринча кўлига олиб кўрадиган одат чиқарганини эслади.

Ҳисобчининг вайсаши ёдига тушиб, тез йўлга отланди.

— Қуёш тепага келгунча ётавераркан-да! — деди ҳисобчи киноя билан. «Айтганимдай бўлди», деди Фарида ичида. Бирдан унинг хаёлига ҳисобчи сичқонга ўхшайди, деган фикр келди; оёқлари калта, олдинга туртиб чиққан икита курак тиши лабини кўтариб туради. Фарида ўқариққа ташлаб кетган кетмонини олиб, чопиқ қилаётганлар қаторига қўшилди.

Тушга яқин ҳаво исиб кетди, этигини ечиб ташлади. Аъзойи баданидан жиққа тер оқа бошлади, лоҳасланиб, уйқуси келди. Оқ дуррасини қошларига тушириб қайта боғлади, узоқларга тикилди; қишлоқ четидаги оппоқ бино жимирлаб кў-

Расми А. БАҲРОМОВ чизган.

ринди. «Раъно магазинини оғандир». Кеча тушликдан қайтаётиб йўлда собиқ синфдошини учратган эди, нимагадир унинг ёнида туришга уялди, елкасидаги кетмонини қаёққа яширишни билмай, каловланиб қолди.

Фарида изига қаради, дугоналари энди пайкалнинг ўртасига етишибди. «Қоронғи хонага биттагина кўрпача ташланган бўлса, маза қилиб ухласанг». Пешбандини ечиб, жўякка ёйди-да, қўлини бошига қўйиб, эгатга узала тушди. Зах ер жоннинг роҳати эди. Бир-икки эснаб, кўзи илинди.

Кимнингдир иссиқ нафаси юзига урилгандек бўлди. Уйғониб кетди. Ғўзаларни босиб-янчиб ёнига ётмоқчи бўлаётган Давронни кўрди. Фарида сапчиб ўрнидан турди, шошиб у ёқ-бу ёғини тузатди.

— Нима қиялсан, Даврон?

— Ҳеч нима, ётмоқчиман, холос. Ҳамма сени қидирди, тополмади.

— Эсингни едингми!

— Ҳамманинг топган гапи — шу. Бўлмаса, ўзинг нима қилиб ётибсан?

Фарида индамай атрофга қаради, далада ҳеч ким кўринмас эди. Дугоналари аллақачон тушликка чиқиб кетишибди. Наҳотки, шунча узоқ ухлаган бўлса! Қиз этагини қоқиб, кетишга чоғланди.

— Даврон, сен нимага кетмадинг?

— Сени изладим. — Даврон чўккалади-да, ердан чигиртка тутиб олди.

Кўринишидан туппа-тузук йигитга ўхшайди, аммо ақли сал... Одамлар, ёшлигида ёнғоқнинг тагида ухлаб қолган, дейишади. Унинг эғнидаги бир пайтлар кўк рангда бўлган кўйлак ўнгиб, оқариб кетган эди.

Даврон чигиртканинг қанотини юлиб, эгатга қўйиб юборди, чигиртка гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қийшайиб қочиб кетди. У эса тиззаларини кучоқлаб қотиб-қотиб кулди. Шу тобда Фарида-нинг унга раҳми келиб кетди. Бирор нарса билан овунай деса, на ўқишни, на ёзишни билади. Бригададаги ҳамма оғир иш унинг зиммасида — станцияга ўғит келса, орқалаб тушириш учун уни юборишади; раисниқига ҳам шу боради; тиззадан лой кечиб паҳса уради. Қумга янтоқ чопишга бошқалар навбати билан борса, у бутун ёзни пашшага ем бўлиб ўша ерда ўтказди. У бошқаларга ўхшаб гап қайтармайди, қилган ишини миннат ҳам қилмайди, эшакдек ишлашни билади, холос.

— Юр, Даврон кетдик, далада биздан бошқа одам қолмабди-ку.

Шийпон ёнида қорнини мешдай қилиб турган бригадир Давронни чақириб олди.

Фарида илиб қолган ариқ сувидан юз-қўлини ювиб, чинор тагида чой ичаётган қизлар томон бурилган ҳам эдики, пахтазор четигаги тупроқ йўлда кетаётган одамга кўзи тушди: «Даврон-ку!» Фарида унинг тебраниб юришидан таниди.

— Даврон, ҳой Даврон!

Даврон қўлини пешонасига айвон қилиб, орқасига қаради.

— Қаёққа?

— Араққа кетяпман.

— Бормайсан! Ким ичса, ўша олиб келаверсин!

Даврон қайтиб келиб, кўлидаги тўрхалтани қозон кавлаётган ошпазнинг ёнига ташлаб, ўзи бир четга бориб ўтирди. Шу пайт Шарифа чечан гап бошлаб қолди:

— Қизлар, тушдан кейин катта йўл бўйидаги қартага борарканмиз?

— Нимага, нимага? — дея чувиллашди қизлар.

— Юқоридан топшириқ бўлибди, тушдан кейин ўша йўлдан Тошкентдан келган меҳмонлар ўтишар экан.

— У ерни кечагина чопиқ қилдик-ку! Бригаданинг бу бошидан у бошига боргунча чарчаб қоламиз. Тушда дам олиш керак, меҳмонлар келган бўлса — бизга нима, уларни катталаримиз зиёфат қилаверишини! — деди кексароқ хотин суҳбатга аралашиб.

Шийпон ичида кимдир: «Фарида, сени бригадир чақиряпти», деди. Қизлар бирпасда жимиб қолишди, сариққина келинчак оёғини йиғиб олди-да, Фаридадан узоқроқ сурилди.

Фарида шошилмай чойини қайтарди, чойнакнинг қопқоғини очиб, тови кўтарилишини кута бошлади. Унинг вужудида исёнкор бир туйғу бош кўтарди, бормасаммикан, деб иккиланган ўй ўрнини қайсарлик эгаллади.

Ичканидан ёши қирқлардан ошган пакана, қайсидир жиҳатлари билан ҳисобчига ўхшаб кетадиган бригадир чиқди. Тишла-





рини кавлаб, ариққа чирт этказиб туфлади-да, қизлар томонга юзланди.

— Сен кимсан ўзи? Давронга раҳминг келдими? Раҳминг келса — тег, нега тегмайсан?.. Мушдай бошинг билан ҳаммага ақл ўргатасан, катталик қиласан! Ҳалиям ўқимагансан, ўқиганингда... — Даврага сукунат чўкди. Қозон қираётган ошпаз ҳам қапирини ўчоқбошига қўйиб, шовқинга қулоқ сола бошлади. — Аҳмоқни сийласанг, чориғи билан тўрга чиқади, дейишади — тўғри гап экан, кўнгли ярим дедик, ўксимасин, дедик — мана оқибати! Яхшилик ярашмас экан сенга...

Фарида нажот истаб атрофга қаради, одамларнинг юзига бир-бир тикилди...

Одамлар гунг эди. Виждонлар — соқов!

Фарида шахд билан ўрнидан туриб, дала йўлга қараб чошиб кетди. У, нима учун дунёда яхши одамлар кам яшайди, деб ўйлади. Хаёлида Сталинград жангида ҳалок бўлган ўқитувчи тоғасининг сиймоси гавдаланди. Тоғаси ҳаёт бўлганида Фаридани албатта Тошкентга — ўқишга юборган бўлар эди.

Ҳовлига кирди, димоғига қайнаётган мураббонинг ҳиди урилди. Тутундан йўталаётган опаси бошини кўтарди.

— Нима бўлди, вақтли келибсан? — деди у Фариданинг афти-ангорига бир қур назар ташлаб.

— Мазам қочди.

— Сенинг соғ кўнинг борми ўзи! Йўлдош почтачининг дуварак қизча ҳам бўлолмайсан, сендан ёш, лекин ўн ҳисса кўп ишлайди.

Фарида тупроқ тўлиб қолган этигини ечиб, ичкарига кирди-да, ўрин солиб, ётиб олди. Ҳаёт мураккаб экан, ўқийман деди — ўқий олмади, кунлар эса зерикарли, қўшни қизларнинг кашта тикишлари унга ғалати кўринади. Ҳамма нарсага қўл силтаб, Тошкентга бориб ўқиса ёки ишласа... Сўнг ота-онаси қишлоққа қандай бош кўтариб юради, ҳамма қўлини бизиз қилиб, «Анавнинг қизи қочиб кетган», деб кулмайдимми?!

Ташқарида челақ даранглади, опасининг «жувонмарг бўл» деган қарғиши эшитилди. Фарида ўрнидан турди, боши лўқиллаб оғриди, ҳовлига чиқди. Бўш челақларни олиб кудук томон кетди. Челақларни тўлдирган ҳам эдики, Давроннинг онаси келиб қолди.

— Салом, Фаридажон, яхши юрибсанми, айланай?

— Салом, опа, кўринмайсан? Қайси шамол учирди?

— Даврон ҳозир даладан келувди, қўймай юборди. Бирпас туриб чиқаман дейишимга ҳам қўймади.

— Намунча...

— Бригадир билан нимага жанжаллашдинг? — деди Гулсара опа синовчан тикилиб.

— Э-э, — дея бош чайқади Фарида.

— Фарида, Даврон сенга уйланмоқчи.

Қиз ҳайрон бўлиб Гулсара опанинг серажин юзига тикилиб қолди.

— Мен Давронга...

— Айланай, биламан ҳаммасини. Нима қилай, жигар экан!.. — Гулсара опа кўз ёшларини артиб, орқасига қайтди.

— Опа, уйга кириб.

Гулсара опа бошини чайқади-да, муюлишдан бурилди.

Фарида яқинда бир тўйда бўлиб ўтган воқеани эслади. У самовардан чой дамлаётган эди. Ҳовлига қозон кўтарган Даврон кирди; қозоннинг панасида боши деярли кўринмасди. Қозоннинг оғирлигидан оёғи қалтирайди-ю, ёрдам берамиз деган одамларни яқинига йўлатмайди. Йигитлар қийқириб:

— Яша, Даврон! Сени Нуржон Ботирнинг невараси деб бекор айтишмас экан, яримта сеники! Қани, ҳа-а, баракалла! — дейишар эди.

Даврон бошидан қозонни олаётиб бир оёғи ерўчоққа тушиб кетди. Йигитлар қаттиқ хаҳолаб юборишди, биттаси Давронни турғизиб қўйди. Унинг тўйга кийиб келган оппоқ янги кўйлаги қоракуяга беланган эди. Озғин, баланд бўйли йигит кулавериб қорнини чангаллаб ётиб қолди.

Фарида уларга ғазаб билан қараб турар эди. Бир йигит, Фаридажон, тўйда ўйнаб-қулган яхши-да, деб кўз қисиб қўйди.

Уша кун Даврон тўй тугагунча хизматда турибди — чой ташибди, қозонга қарабди, ўтин ёрибди... Тўй сўнгидаги супрақоқдига йиғилганлар унга ҳам ичиришибди. Кейин маст бўлиб, ўзини билмай қолган Давронни йигитлар уйига элтиб ташлашибди. Даврон йигитларнинг биттасини «Фарида, Фарида», деб қўлига ёпишиб олибди.

Бу гапларни Фаридага Давроннинг онаси бир кун ёнма-ён эгатга тушиб чопиқ қилишаётганда айтиб берган эди...

— Фарида-ю-ю, қаёққа йўқолдинг, сигир ўлди-ку! — Опанинг товуши унинг хаёлларини тўзғитиб юборди.

Фарида сигир соғадиган пақирни кўтариб бостирма томонга юрди...

Сўрининг ўнг томонида, эски хонтахтада турган кичкина те-левизордан юракка яқин оҳанг эшитила бошлади.

Эсимдадир, вокзал, оломон,  
Эҳтиросли бўсалар тоти.  
Олиб кетди сени йироққа,  
Поездларнинг учқур қаноти.  
Кетма, қолгин, дея ёлвордим...

Фарида кўзларини катта-катта очиб, экранга тикилди. Одамлар қанчалик бахтли, кулиши ҳам ўзига ярашиқли, сочи қўғирчоқкига ўхшар экан. «Мен ҳам шундай қилсам... отам уйга киргимас. Қизча, қизгина, сенга ҳавасим келяпти. Нимага мен ҳам Тошкентда туғилмаганман? (Тошкентда туғилиш шартми?)»

Куз келди, пахта терими бошланди.

Қишлоқда қариялару болалардан бошқа одам қолмади, ҳамма далада...

Фарида қаддини ростлаб, пешонасидаги терни янгигина таққан оппоқ этагининг учи билан артди. Тугунни чамалаб кўрди; терган пахтаси бошқаларникидан оздай туюлдию яна эгатга шўнғиди.

Тўсатдан биров унинг устига гупиллатиб бир қучоқ пахта ташлаб юборди, қиз чўчиб бошини кўтарди: қаршисида Даврон илжайиб турарди.

— Салом.

— Қилиғингни қара-ю!

— Нима, оғридими?

— Йўқ... Пунктга бормадингни?

— Бораман.

— Ҳар куними?

— Сен менга тегасанми? Онамга анув кун менга Фаридани олиб беринг, десам, мени қарғади. Агар менга тегмасанг, мен ҳам сени қарғайман, ёмон қарғайман, ха-ха-ха!

Фарида унга қараб қошини чимирди-да:

— Майли, қарғайвер, — деди.

— Биласанми, мен қарғасам нима бўлади?

— Билмайман.

— Ҳой Даврон Мажнун!.. — Қартанинг у бошидан тракторчи йигит уни қақира бошлади.

Даврон яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, қўл силтаб, трактор томон чошиб кетди.

Пахта терими ҳам деярли тамом бўлиб, қировли қиш кунлари яқинлашиб қолди...

Фаридани қўшни қишлоқлик йигитга унаштиришди, унаштиришди-ю... Тортинчоқ, болалардай содда, баланд бўйли «куёв» унга ҳам ёққандай туюлди. Ширин хаёллардан Фариданинг боши айланди, хатто ўзини йўқотиб қўйгандай бўлди. Тўй кунини яқинлашган сари қандайдир бир ўзгартириш бўлишини (афсонавий бахтними-ей) кута бошлади. Келинчак деган сўз худди «сехрли қалпоқча»дек бутун бир янги дунё ваъда қилар эди унга.

Тўй кунини, Даврон йўқолиб қолибди, деган гап тарқалди. Келинчак либосидаги Фариданинг юраги увишди, унинг кўз ўнгида Давроннинг пахтазордаги ҳолати гавдаланди...

Ўзига яраша шодлигу ташви билан тўй ҳам ўтди. У ширингина келинчак бўлди.

Тун кунни туғди...

Деразанинг тагида трактор тариллади. Фарида кўзларини зўрға очиб, эри ётган томонга қаради: ўрин бўш. Дафъатан унинг хаёлига ҳовлини супириш, қор ёққан бўлса, кураш керак, деган ўй келди. «Бунча қисқа бўлмаса бу кечалар...» Тракторнинг овози ўчди. Ҳабиб моторни тузатаётган бўлса керак. Деразалар титраб кетди, трактор яна ўт олди. Сўнг шовқин тобора узоқлашиб-узоқлашиб эшитилмай қолди. Эри ишга кетди.

Фарида ўрнидан туриб, эринибгина хомуза тортиди. Қалин пахталигини кийиб, эшикни очди, кўзи кўмғонга сув тўлатаётган қайнонасига тушиб, лабини қаттиқ тишлади, кўзидан ёш чиқиб кетгандай бўлди.

Чолу кампир ва келин жимгина овқатланишди...

Ҳабиб ҳар кунгидай овқатга кечикиб келди. Фарида эрига аталган овқатни сочиққа ўраб ичкарига кирганида, у кўрпачада ухлаб ётарди. Келинчак бир муддат нима қилишини билмай,

остонада тўхтаб қолди. Кейин косани хонтахтага қўйиб, эрининг керосин ҳиди анқиб турган сочларини меҳр билан силади.

— Ҳабиб ака, турунги, овқат совиб қолади.

— Овқат егим келмаяпти, боя бригадирнигида ош еган эдим, — деди эри зўрға кўзини очиб. — Уринни сол, ётмасам бўлмайди, эртага фермага хашак олиб бориш керак, — деди у жағ суякларини қисирлатиб эснаркан.

Фарида кўлларини нягига тираб, эрига тикилди. Кеч киришини қандай орзиқиб кутган эди-я, у бўлса... Нима иш қилишаркан, шунақа ҳам чарқайдими? Ишнинг эса адоғи кўринмайди. Келади — таппа ташлайди, ўрнидан туради зипиллаб жўнаб қолади.

«Янглишаётган бўлма, Фарида, балки эрининг бошқа ёқтирган бордир», дерди ичиди бегона овоз.

Ойлар сувдай оқиб кетди. Фарида бўйида бўлмади. Гўё бўйида бўлмаслик оғир гуноҳдек, одамларнинг кўзига тик қаролмай қолди. Фақат, фақат қайнонаси ўша гапни ўртага солмаса кошқиди. Шундоқ ҳам Фариданинг дарди-дунёси қоронғи...

— Фарида, отинийнинг келини кўзёрибди, эшитдингизми? Кеҷқурун мол-ҳолларни эртароқ жойлаштирсангиз, бирга йўқлаб борардик. Сизда... бирон гап йўқми? — деди у Фариданинг қорнига ишора қилиб.

Шу-шу Фариданинг юрагининг бир бурчаги муз бўлиб қолди. У гапирмайдиган, соатлаб уйига қамалиб ўтирадиган одат чиқарди. Узини нима билан овутишни билмасди...

Бир куни кўшни кампирнигида ўтириб, кечроқ уйига чиқди. Эшик тутқичига қўл узатган ҳам эдики, ичкаридан эрининг дарғазаб овози эшитилди:

— Нима қилай? Айтнинг, нима қилай?!

— Нима қилишни билмасанг, жавобини бер! Мевасиз дарахтни кесиб ташла, қисир сигирни сўқимга боқ! Чиройига нон ботириб ейсанми унинг?

Фарида шахд билан ичкарига кирди-ю, тили калимага келмай, йиғлаб юборди. Қайнонаси аста чиқиб кетди...

Бу хонадонда Фариданинг дилига яқин одам қолмади, ҳеч ким билан очилиб гаплашолмайди. Эри кейинги пайтларда ичадиган, арзимаган нарса учун уни гап билан узиб оладиган одат чиқарди. Фарида кечалари совуқ кўрпага бошини буркаб юм-юм йиғлайди. Утган кунларни, тўйдан кейинги ширин дамларни ўртаниш билан эслайди. Қани энди ҳаммасини бошқатдан бошлашнинг иложи бўлса, деб пичирлайди. Бу уйдан бош олиб чиқиб кетиш керак, деган ўй миясида гир-гир айланади.

Фарида қадрдон уйига яқинлашганда, ҳали куёш чиқмаган эди. Бирдан унинг хаёлига, ўқитувчи тоғам ҳаёт бўлганида, бунчалик хўрланмасмидим, деган гап келди. Шу ўй билан уйига кирди, опаси ҳамма воқеадан хабардордек, ҳеч нарса демади. Отаси қовоқларини уюб олди...

Бир куни опаси кўчадан, қайнонаси Фаридани суюқоёқлиги учун ҳайдаб юборганимиш, деган гап топиб келди. Гўё қишлоққа тўйга келган Фариданинг қайнонаси шунақа деган эмиш. Қиз титраб кетди, одам ҳам шунчалик нонқўр бўладими, деди ичиди.

— Опа, мен кўшнларга, билиб-билмай ҳар хил гапни дастурхон қилиб кўтараверманглар, деб айтиб чиқаман.

— Қўй, кераги йўқ, эл оғзига элак тутиб бўлмайди...

Фарида эзилиб кетди, бекорчидан ҳамма безор, деб эртагаёқ далага чиқишни кўнглига тугиб қўйди.

...Фаридани икки-учта хотинга кўшиб шўр ювиш учун четки қартага жўнатишди.

Музлаган ерга белқурак кирмасди.

— Бу ерда эркаклар ишласа бўлар экан, — деди кимдир.

Бирдан унинг хаёлига чироқлари бодроқдай сочилган Тошкент келди-ю, кўзларидан ёш чиқди.

«Тошкент, Тошкент-а, лоақал шу қишлоқдан чиқиб кўрмагансан-ку!»

Изғирин юзларини ялаб ўтди. Оёғидан совуқ ўтиб, иликлари занғий бошлади. Хаёлига иссиқ кийиниб, чарогон кўчаларда гарч-ғурч қор босиб кетаётган қизлар келди. Бу ёрқин манзара кун бўйи унинг кўз олдидан нари кетмади.

Лой ёпишиб оғирлашиб кетган этикларини судраб, кечқурун уйига етиб келди. Яна ҳеч ким йўқ. «Икки кун бўлди-я, одам

меҳмонда ҳам шунча юрадимми?» Кўнгли айниб ўхчиди, нордонроқ нарса егиси келди. Кўнгли тусаса-тусамаса чой кўйди ва ошхонага ўтди. Қайтиб чиққанида эса... деворга юз буриб ҳайкалдек қотган паҳлавонтахлит бир кимсага кўзи тушди; юраги шиг-ғ этди. «Ким у? Қачон, қаердан кирди? Ие...» Беихтиёр оғзидан «Даврон» деган нидо отилиб чиқди.

Даврон деворга илинган суратга — Фариданинг газетадан қирқиб олинган суратига тикилиб турган экан, ўзининг исмини эшитиб кескин ўгирилди.

Негадир Фариданинг хўрлиги келди. Томоғини бир нарса ачиштирди, ачиштирди, ахйири ўша нарса кўзёш бўлиб юзага қалқиб чиқди. Нон ушлаб турган кўллари оғриқдан қотиб қолгандай бўлди. Яна бир муддат Давронга шуурсиз тикилиб туриб, ниҳоят ўзини ўнглаб олди.

— Салом, Даврон!

— Салом.

— Ке, ўтир.

— Кетаман ҳозир.

Фарида Давроннинг ўсиб паҳмайиб кетган сочларига, дарданми, бошқа нарсаданми киртайган кўзларига тик қараёлмади. Ичидан бир бегона овоз: «Узинг айбдорсан, Фарида, Давронда гуноҳ йўқ!», дегандай туюлди.

— Нима бўлди, Даврон, кўринмай кетдинг? — деди оғир ўй-азоблардан чалғимоқ мақсадида.

Даврон жавоб қилишга шошилмади, кўзини ердан узиб Фариданинг кўзларига қаради-да:

— Қабристонда эдим... — деди оҳиста.

Фарида ўзини бир зум тубсиз қоронғилик қаърида кўрди. Қўрқинчданми, ҳайратданми:

— У ерда нима қилдинг, ёлғиз... — деди.

Даврон индамади. Афтидан, ҳозир ундан бир оғиз ҳам гап олиб бўлмасди. Шу ҳолида яна пича турди-да, индамай чиқди-кетди.

Кўча эшиги омонатгина очилиб ёпилди...

Фарида тагин ўзи билан ўзи қолаверди. Шамол деразага ниманидир олиб келиб урган эди, бир сапчиб тушди. Эти жунжикди. Учоқдаги човғум қайнаб, тўкила бошлади.

Фарида ўтирди, турди, кўз олдидан Даврон кетмади, унинг ҳадик тўла кўзлари таъқиб этаверди, этаверди. Чой ичишни ҳам унутиб, беихтиёр телевизор мурватини буради: «Ахборот» бўлаётган экан. Фарида кўрпачага чўзилиб, лўққиллаб оғриётган кўзларини юмди. Шу алфозда қанча ётганини билмайди, бир пайт таниш шеър эшитила бошлади. У қаддини кўтариб, аранг кўзларини очди, телевизорда бир қиз кўзларини юмиб, шеър ўқимокда эди:

«...Кетма, қолгин, дея ёлвордим,  
Дединг, йўқдир ўзга имконим.  
Бугун эса умринг поезди  
Қай манзилга кетмоқда, жоним».

Фариданинг бағри ўртанди, кўзини юмиб бу шеърни қачон эшитганини энди эслади.

«Мевасиз дарахтни кесишади...»

Назариди, қайнонаси қўлида пичоқми, болтами кўтариб, унинг устига бостириб келаётгандек туюлди. Сапчиб ўрнидан туриб кетди. Боши айланиб, осмон — ер, ер осмон билан айқаш-уйқаш бўлгандек туюлди.

Шу пайт... юрагининг остида нимадир қимирлаётгандек, кимдир туртаётгандек бўлди. Наҳотки! Қалби ҳаяжондан энтикди, ҳозиргина саҳрога ўхшаб кўринган дунё ям-яшил водийга айланиб қолди.

...Кўз ўнгида турли-туман чироқлар чарх ура бошлади. Фаридида улкан кемага миниб, маёқ порлаб турган манзил томон сузиб кетди. Кемадаги йигит-қизлар тинмай: «Ана Тошкент, ана Тошкент!» деб бақирарди, қарсақ чалиб рақсга тушишар эди.

Кеманинг шаҳарга киришини кутиб турган тумонат оломон ичиди, оппоқ йўргакка ўралган чақалоқни бағрига босиб, суюб ўпаётган... Давронни Фарида аниқ кўрди. У ҳадеб Фаридидага: «Тезроқ кирмоққа чиқсанг-чи, қачонгача сувда юрасан, биз сени кутаямиз!», дея ҳайқирармиш...

Ташқарида шамол увиллади, эшик очилиб ёпилди, қаёқдан-дир келиб қолган ўғри мушук сўрида ётган Фаридани кўриб ўзини деразага олди.



## «Мен — комсомол»



Иброҳим Раҳим

# ЧИНИҚИШ

Автобиографик асардан боблар

Адабиётимиз оқсоқолларининг яхши бир анъанаси бор: улар бадиий ижод билан бирга ўз ҳаёт йўллари, умр сўқмоқларида учраган турли кишилар, турли тақдирлар, мамлакатимизда рўй берган оламшумул ижтимоий воқеалар ҳақида ҳужжатли тарзда ҳикоя қилувчи автобиографик мазмундаги асарлар ҳам яратганлар. Ойбекнинг «Болалик», Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар», Назир Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» қиссалари халққа манзур бўлган ана шундай йўсиндаги асарлардир. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим устоз адилларнинг шу тажрибаларини давом эттириб, «Чиниқиш» деган янги асар ёзди. Бу қиссада муаллиф ўзи гувоҳ бўлган тарихий воқеалар — республикамизда маданий инқилоб тантанаси, Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган буюк ғалабанинг шонли йўллари, тинч бунёдкорлик йиллари, ижодкор ва замон муаммолари ҳақида мушоҳада юртади.

Мазкур асарнинг «Мен — комсомол» ҳамда «Ўзбекистон» танк колоннаси» деган икки бобини эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

ен туғилган Фарғона музофоти, Қува волости, Сойкелди қишлоғида у вақтда туғилишдан гувоҳлик берадиган туғруқхона ҳам, туғилишни рўйхатга оладиган ЗАГС ҳам, ҳозиргидай қишлоқ Совети ҳам йўқ эди. Улуғ Октябрь инқилоби ғалабасидан кейин, қишлоқларда ҳам Совет ҳокимияти ўрнатилгач, бу ишлар аста-секин йўлга қўйилди. Унгача одамнинг туғилган йили мучали билан юритилар, унинг ёшини неча мучал кўрганига қараб белгилар эдилар. Бинобарин, йили тахминан аниқлангани билан туғилган куни камдан-кам ҳисобга олинарди. Анкеталар тўлдириш даври бошланган вақтда кўплар мучалчининг оғзига қараб қоларди. Шу даҳмаза менинг ҳам бошимдан ўтган.

Пионерликка ўтганимда туғилган йилим, ой, кунимни сўрадилар-у, аниқ ёзолмадилар. Ўзим билмасдим. Комсомол сафига ёзилиш вақтида (ҳа, «комсомолга ёзилиш» бор эди у пайтлар) ой, кунни ҳам аниқ ёзиш керак бўлиб қолди. Балиқ йили, кеч кузда, офтоб чиқиб турган кунда дунёга келгансан, дедилар онам Тўхтабиби. Бу гаплар мени қониқтирмади, тахминий санани қабул қилишни хоҳламадим. Аниғини билиш учун мучалчига йўлиқдим.

Мучалчи — қотма юзли, хипча, озғин Маҳмудхўжа ота кундуз кунлари ҳамиша қишлоғимизнинг қоқ ўртасидаги мачит супасида тасбеҳ ўгириб ўтирарди. Утган-кетган унга эгилиб салом берар, йўловчилар ундан йўл суриштирар, ўзи ҳам бозорчилардан нарх-наво сўраб қўяр эди. Бу қария қишлоқ ҳавосининг барометри, жонли энциклопедияси эди. У ҳамма нарсадан хабардор, билимдон одам бўлиб, каттаю кичик билан баб-баравар гаплаша оларди.

Маҳмудхўжа ота одатдагидек мачит олдидаги супада ўтган-кетганга савол ташлаб, сўровларга эринмай жавоб қилиб ўтирган экан.

— Ота, комсомолга ёзилмоқчи эдим, шунинг учун туғилган кунимни аниқлаб берсангиз...— дедим салом-алиқдан кейин.

— Ҳожимнинг ўғли Иброҳимжонмисан!— деди у овозимдан таниб. Унинг кўзи ўтмай қолган эди, одамларни овозидан, юришидан, оёқ товушидан танирди. «Одамнинг оёқ ташлашидан белида қанча пули борлигини биламан», дер эди у киши.

— Ҳа, Иброҳимжонман...

— Ҳожимнинг кенжаси ўша Иброҳимжон бўлсанг,— деди Маҳмудхўжа ота кўзини юмиб,— сен балиқ йили, пахта теримининг авжи палласида, ойнинг ўртасида, Тўхтасин мироб қора от сотиб олган кунни туғилгансан, бўтам.

Уша кезлар бизнинг қишлоқ аҳли от-уловсиз, қашшоқ яшарди. Шу боис бир деҳқоннинг бозордан от сотиб олиши ҳам жуда катта воқеа бўлган, албатта. Қишлоғимизда рўй берган ана шу «тарихий воқеа» мучалчи Маҳмудхўжа отанинг эсида қолган экан.

Маҳмудхўжа ота тўқсон ёшларда бўлиб, ҳали тетик-бардам, ниҳоятда хотираси пухта одам эди. У қишлоқда кечган ҳамма воқеани ёддан билар, кимнинг қачон, қаерда туғилганию кимнинг қачон ва қайси кишининг қизига уйлангани, уй солгани, ер сотгани, қаёққа сафар қилганини сира эсидан чиқармас эди. Уни ҳамма мучалчи-қомусчи, деб ҳисобларди.

Маҳмудхўжа ота мучалимдан келиб чиқиб, ўша йили қишлоқда қандай воқеалар юз берганини бир-бир санади-да, бояғидай хулоса чиқарди. Энди буни янги ҳисобга ўгириш керак эди. Ойни октябрь деб билдик. Кунини аниқлаш ҳам қийин бўлмади. Отни бозор кунни харид қилдилар, демак,



Октябрнинг ўртагидаги бозор кунини топамиз. Туғилган куним 15 октябрь бўлиб чиқди. Шундай қилиб, мен анкета-ларга «1916 йили 15 октябрда камбағал деҳқон оиласида туғилганман», деб ёза бошладим.

Дадам Абдурахим Али ўғли яна уч акаси билан деҳқончилик қилар экан. «Бу ўртада ўзининг ери йўқ, вақф ерини экарди», дедилар, унинг таржимаи аҳволини аниқлаб берувчилар. Кулларнинг бирида дадам, ҳали бўйдоқлик чоғида, теваарак-атрофдан ҳажга борадиган одамларнинг илтимоси билан уларнинг эшакларини ҳайдаб Маккага йўл олибди, аммо уларнинг ҳеч бири манзилга етолмабди, баъзилар йўлда қолиб кетибди. Ушалар қатори менинг дадам ҳам «Зоминдан берида, Сирдарёдан нарида» кимнингдир оҳагини пишириб, бир оз пул йиғиб, қишлоғига қайтибди-да, 25 ёшида уйланибди. Бу ерлардаги удум бўйича астойдил ният қилиб ҳажга йўл олган одам йўлдан қайтса ҳам, «фалончи ҳожиде» деб аталавераркан. Менинг дадамни ҳам «ҳожиде» деб атабдилар. Дадам мен туғилгандан салгина кейин, чақалоқ вақтимда сил касалидан вафот этган экан. Унинг қиёфасини мутлақо эслабмайман. Биз катта опам Сурмахон, акаларим Абдукарим ва Умрзоқлар ёлғиз онамнинг қўлига қараб ўсганмиз. Отамдан бизга ҳеч нарса қолмаган, битта сигир бор экан, уни ҳам отам ўлгандан кейин ўғриллар ўғирлаб кетган. Акамлар ёш бўлгани учун биттаю битта сигирни ўғирдан сақлаб қола олмаганлар. Қимматчилик, очарчилик даври эди, ўғри оғзимизни оқлаб турган сигирдан айиргач, оила ночор аҳволга тушгач, онам чарх йиғириб, ип қилиб тирикчиликни юргизиб турган. Катта оилага бир одамнинг тоғгани урвоқ ҳам бўлмаган, албатта. Натижада, катта акам ўн бир ёшидан Ашурали амакининг даласида ишлаган, кичик акам Умрзоқ мулла Нусрат деган одамнинг уйида қароллик қилган.

Қишлоқда Шўро ер ислоҳоти ўтказди, катта акам Абдукаримга ўн саккиз таноб ер теғди. Бутун оила жам бўлиб, шу ерларга экин-тикин экдик. Ер билан бирга ҳукумат акамнинг номига улов учун бир от ҳам берди. Мен болаликдан от етаклаб, ўсимир акамларнинг деҳқончилигига қўлимдан келганича кўмаклашиб юрдим. Отимиз тўриқ эди. Мен уни жуда яхши кўрардим. Аммо у мени сира аямасди: баъзан тишлар, баъзан тепар, қўпинча, ҳуркович бўлгани учун сал нарсадан ҳуркиб, мени йиқитиб қочар эди. Баъзан кун бўйи уни қидириб юрардим.

Мен туғилиб ўсган Сойкелди қишлоғи водийнинг бошланиш жойида, Ўзбекистон билан Қирғизистон чегарасида, адирга ёнбошлаб оқадиган Хўжаарик бўйида жойлашган эди. Бу ариқни Қайтарма ариқ ҳам дейишарди. Чунки бу ариқ суви гўё пастандан баландга, яъни ирмоқлар тушиб келадиган томонга қараб оқарди. Қачонлардир хўжалардан бирининг ташаббуси билан меҳнаткаш аҳоли қир бағирлаб ёнбошлама ариқ қавлаб, Қувасойнинг баланд жойидан шарқ томонга сув чиқарган ва адирнинг бекорчи ерларини пахтазорга айлантирган эди. Ҳозирги атама билан айтганда, ҳашарчилар кучи билан унча узокқа бормайдиган кичик канал қазилган эди. Каналдан баҳор, ёздагина сув оқарди. Қишда сув ариқ бошидан тўшиб қўйиларди. Натижада бизнинг қишлоқ аҳолиси қишда Ёвариқ деб аталмиш Қувасой ўзанидан оқадиган сувдан ичарди. Қиш келиши билан одамлар кўчани тўлдириб, челақда, кўзада, қумғонларда сув ташир эдилар. Мен ҳам ҳар кунини неча бор Ёвариқдан икки қақирим масофага обкаш билан челақ-челақ сув таширдим. Қишда неча бор тийганиб йиқилиб, сувни ўз устимга ағдариб, қайта-қайта сув ташиган кунларим бўлган.

Онам ўша вақтнинг саводли аёлларидан бўлиб, қишлоқда ҳамма уни «Тўхта отин» дер эди. У мактаб очмаган, аёлларнинг катта йиғинларида отинлик қилмаган, аммо китоб ўқишни билгани учун қўни-қўшиларнинг маъракалари, гурунглари онамсиз ўтмас эди.

Онам китоб ўқишни яхши кўрарди. Бўш вақти топилгудай бўлса, қўлига китоб оларди. Кечда, тунларда, кўпинча бизни сандал атрофига ўтказиб қўйиб, китоб ўқиб берар эди. «Жангома», «Минг бир кеча»ни тинглаб тонг отдириб юборардик. Онамнинг баланд овоз билан китоб ўқиб беришлари менда китобга, адабиётга болаликдаёқ муҳаббат уйғотган эди.

Қишлоғимизда эскича мактаб ҳам бор эди, у ерда болаларни Рисолат отин деган аёл ўқитар эди. Амакиларим ва қўшиларнинг қизлари тахминан икки қақирим ерга қатнаб, шу мактабда таҳсил олар эдилар. Уша опаларга эргашиб мен ҳам

эски мактабга қатнай бошладим. Тўрт-беш ёшимдаёқ «Чор китоб»ни тамомлаб, арабча ёзишни ўрганиб, классикларимиз асарларини ўқишга тушдим.

Рисолат отиннинг уйидаги дарс хоналарида қизлар ва бир неча ўғил болалар қатор тизилиб, ерда ўтирар эдик. Ичимизда катта-катта қизлар ҳам бор эди. Улар ўғил болалар билан ёнма-ён ўтирардилар. Улар кўпроқ нарсани билганлари учун бизга ёрдам кўрсатардилар. Ўғил болалар ҳам ўз навбатида қиз болаларга ҳурмат кўзи билан қарар, уларга нисбатан беодоблик қилмас эдилар. Танаффус вақтлари отиноий ҳовлисида, кўчада улар билан бирга қий-чув, тўс-тўполон кўтариб ўйнар эдик. Отинойи ҳовлиси олдида Ёвариқ билан ёнма-ён кичик бир ариқ оқар эди. Шу ариқда ҳаммамиз ёз кунлари, иссиқ пайтларда бирга чўмилар эдик. Уша вақтларда қизлар билан ўғил болаларнинг бундай дўстлиги яқкаю яғона ҳодиса эди. Отинойи ўзи ўқитган болаларни жуда яхши кўрар, меҳрибон, шу билан бирга жуда талабчан эди. Унинг қўлида ҳамаша хипчин бўларди. Интизомни бузган болаларни аямай саваларди. Мақтаниб айтишим мумкинки, мен бирор марта ҳам хипчин еб кўрмаганман.

Сойкелди гузарига учта чойхона бор эди. Учаласи — уч дунё. Масжид рўпарасидаги Салим ака чойхонасининг такяхонаси ҳам бўларди. Мис чилимда навбатма-навбат наша чекиларди. Кўприк юзидаги Сулаймон ака чойхонасида ҳалфанага палов қилиб, йигитлар бўза ичарди. Аҳрорхон тўра дўконида кўкнорилар тўпланарди.

Қишлоқ ҳайити ана шу чойхонаю такяхоналар ичида ўтарди. Болалар кўчада тухум уриштирар, соққа-ёнғоқ ўйнар, «даста отар» ёки «тўминди» қилиб кун ўтказарди. Мен ҳам болаларга қўшилиб соққа-ёнғоқ ўйнасам-да, ўйинни қиморга айланттирганларни ёмон кўрардим. Улар ҳақида деворий газеталарга ёзардим. Кейинча такяхонаю кўкнорхоналарга қарши кураш бошладик. Комсомоллар, пионерлар зўри билан такяхона, кўкнорхоналар ёпилди, аммо наша чекувчилар наякига, кўкнорилар ниёла кайфига ўтдилар. Ҳар ҳолда, афъюннинг ошқора бозори йўқотилди.

Бу ишлар учун мен район комсомол ташкилотидан раҳматнома олдим, аммо қишлоқда айрим тўралардан қарғишга қолдим. Бир кун мактабдан уйимга келаётсам Аҳрорхон тўранинг хотини, бангига ўхшаган қотмагина аёл йўлимни тўсиб:

— Ёмонлигиндан отангдан ажрагансан, етимча... Хў яшшамагур, етимча! — деб мени қарғай бошлади.

Бундан кўра ерга кириб кетганим афзал эди. Музладим-у, чидадим, лекин дилим тирналиб, яра бўлиб қолди.

Бошқа бир кун опамларнинг уйига кетаётсам, кўчада бир қизча мендан ниманидир сўради, мен жавоб қилиш учун йўлдан тўхташмани биламан, унинг амакиси — Аҳрорхон тўранинг жияни келасолик қулоғим тағига солиб юборди. Йиқилдим. У қорнимга тепкилаб-тепкилаб дархол ғойиб бўлди. Уримдан турсам, атрофда ҳеч ким йўқ. Устимни қоқиб, йўлимда давом этдим.

Ноҳақ қарғишдан ва калтакдан дилим қаттиқ оғриган бўлса-да, мен бу ҳақда ҳеч кимга кўзёш тўкмадим.

Кейинчалик қишлоқда совет мактаби очилди. Рисолат отиннинг талабалари ҳам шу мактабга кириб, ўқишни давом эттирдилар. Толмозор деган қўшни қишлоқда илк совет ибтидоий мактаби очилди. Бу мактабда араб алифбосида ўқитар эдилар. Акамга эргашиб бориб, шу мактабда ўқий бошладим. Кейин Эшакчи қишлоғида «тўм» деган тўлиқсиз ўрта мактаб очилди. Бу ўша атрофдаги қишлоқларнинг энг «юқори» мактаби эди. Ибтидоий мактабларнинг зеҳни баланд, ҳозирги тил билан айтилганда, аълочи ўқувчилар ўша ерга қақирлиб ўқитилар эди. Мен бу мактабда лотин ҳарфида саводимни чиқараётим, аини вақтда, саводсизликини битириш, чаласаводликини тугатиш — С. Б., Ч. С. Б. синфларида дарс бердим. У вақтда муаллифлар етишмас эди. Шунинг учун бирйўла тўрт-беш жойда дарс берардим, чунки ишлашга мажбур эдим.

Чаласаводликини битириш курсидаги бир воқеа ёдимга тушди.

Фаргона билан Қуванинг ўртасидаги Аввал қишлоғида сайилгоҳ жой бор эди. Атроф қишлоқлардан деҳқонлар қовунишигида от арваларда бола-чақалари билан Шоҳи-

<sup>1</sup> Ароқ маъносида.

мардонга ёки Аввалга келиб қовару сайли ўтказар, ёз-кун кузнинг боши дегандай худди Наврўз янглиг ёз маросимлари ўтказардилар. Ана шундай маросимларнинг бирида қариндошлар ва мени кўзбўямачиликда айблаб, текшириш ўтказишга келдилар. Тарқаб кетган болаларни тўплаб келдим. Ҳар бир болани биттадан синовдан ўтказдилар. Асосан ўқиш ва ёзишдан синаб кўрдилар. Болалар ўқув китобини шариллатиб ўқиб, доскада ҳам саводли ва чиройли ёзиб, текширувчиларни қойил қолдирдилар. Шундан кейин ўқитувчилар район конференциясида менинг бу тажрибаларимни бошқаларга ҳам тарқатишни тавсия этдилар. Узимни эса, «пастан юқори» қилиб район «Болалар Коммунистик ташкилоти»га раис қилиб сайладилар. У вақтда пионерлар алоҳида ташкилотга уюшган эдилар. Кейинчалик Бутуниттифоқ комсомоли қаноти остида бирикдилар. Мен бу янги ишимда қишлоқма-қишлоқ юриб чарчамасдим.

Районда ишлаб турганимда, ҳов бирда мени қарған Тўра хотин олдимга ялиниб келди-да, қўлимга бир шойи белбоғ тутқазиб, «Шунинг эвазига йўлкира беринг, болаларим олдига бормоқчиман», деди. Мен бу аёлини станцияга бошлаб чиқиб, поездга билет олиб, шойи белбоғига эса, йўлга етарли озиқ-овқат тугиб бердим.

Мени «етимча» деб қарғаб, дилимни яра қилган Тўра аянинг кўзидан ёш оқди. Мен эса, унинг қарғишини юзига солмадим, аксинча, унга оқ йўл тиладим. Кейин эшитишимча, у аёл «Иброҳимжон қарғанимни унутган экан, лом-мим демай хизматимни қилиб, мени поездга чиқариб қўйди», деганмиш. Мен бу гапни комсомол иши билан қишлоққа келганимда эшитдим.

Яша Шўро, Яша Шўро!  
Сен яшайдиган замон  
Ишчи ўғли,  
Шухратингдан  
Балқисин рўйи жаҳон!—

деган мисраларни доскага ёзиб, баланд овоз билан ўқиб берганларида маорифдан келган имтиҳон олувчилар ҳайрон қолган эдилар.

Қайтар дунё, деганларича бор экан. Сал вақт ўтмай, қишлоғимизнинг тўралари камбағал-батрақлар йиғилишида қулоқ қилиниб, мол-мулклари мусодара этиладиган бўлди. Мол-мулкларини рўйхатга олиш учун мен Аҳрорхонтўра ва унинг хешлар уйларига киришим керак эди. Мен бу ишдан бош тортдим. Уларнинг «Биздан ўч оляпти бу тирранча» дейишлари аниқ эди-да.

«Тўм»ни битиргандан кейин мени район маориф шўъбаси Толмозор қишлоғидаги бошланғич мактабга муаллим қилиб тайинлади. Мактабга бино қаёқда, дейсиз. Бир кишининг меҳмонхонасида мактаб очдим. Шу қишлоқнинг болаларини уйма-уй юриб жалб қилдим. Уттиз уч бола йиғилди. Ешлари ҳар хил бўлса ҳам уларни бир синфда ўқитдим. Болаларни мактабга жалб қилиш, уларнинг ҳар кун мактабга келишини таъминлаш қийин эди. Менинг кўп вақтим шу каби ташвишлар билан банд бўлди. Ҳар хил йўллар қидириб топдим. Шулардан биттаси — ибтидоий мактаб қошида иссиқ овқат ва чой-нон беришни йўлга қўйдим. Шундай усуллар ҳам қўлланиларди: боласи ўқишга келмаган ота-оналарга қишлоқ совети томонидан жарима солинар эди. Ундай одамларнинг рўйхатини муаллимлар тузиб берад, жаримани олтиқ милиционер ундириб кетар эди. Мен бирорта ҳам ота-онага жарима солдирган эмасман, чунки болаларни мактабга келишга қизиқтириш учун кўрган тadbир-чораларим менга жуда кўл келди. Юз фоиз бола ўқишга қатнаб турди, яхши ўқиди.

Уш, бу қандай тadbирлар эди!  
Авалло болаларнинг активлигини ошириш учун уларни ҳар хил жамоат топшириқлари билан банд қилардим, шу орқали уларнинг масъулиятини оширар, фаолиятини кучайтирар эдим. Синфда биронта ҳам бола эътибордан четда қолмади. Шундай қилиб ҳамма бола мактаб олдида ўзига яраша масъулият сезадиган бўлди. Мен бу усулдан жуда усталик билан фойдаланардим: бирор бола мактабга кечикиб келса, шўхлик қилса, яхши ўқимаса, уни ҳолироқ жойга яқка қақчириб, «Сен фалон ишга масъулиятли боласан-ку, ўзинг мактабга келмасанг, ёмон ўқисанг бошқа болалар бунга нима дейдилар, уят бўлади-ку, қанотингдаги болалар олдида обрўйинг тўкилади-ку, кейин сени қандай ҳурмат қилсинлар!», дер эдим. Бундай «ишлов»дан ўтган бола хатосини иккинчи бор такрорламасди.

Бўй-бастим, ёшим, кийимим жиҳатидан талабаларимдан унча фарқ қилмасдим: эгнимда узун чопон, оёғимда этик, бошимда чуст дўппис. Маорифдан келган вакиллар кўпинча: «Ўқитувчинг қани!», деб ўзимдан сўрар эдилар. «Ўқитувчи менман», десам ишонмас, ҳатто бор ўқитувчини топ, деб жерикиб ташлардилар.

Уқув йиллигини охирида галвир сувдан кўтарилди: синф бўйича битта ҳам қолоқ бола топилмади. Йиллик ҳисоботни олғач, район маориф шўъбасидаги ўртоқлар бунга ишонмадилар ва мени кўзбўямачиликда айблаб, текшириш ўтказишга келдилар. Тарқаб кетган болаларни тўплаб келдим. Ҳар бир болани биттадан синовдан ўтказдилар. Асосан ўқиш ва ёзишдан синаб кўрдилар. Болалар ўқув китобини шариллатиб ўқиб, доскада ҳам саводли ва чиройли ёзиб, текширувчиларни қойил қолдирдилар. Шундан кейин ўқитувчилар район конференциясида менинг бу тажрибаларимни бошқаларга ҳам тарқатишни тавсия этдилар. Узимни эса, «пастан юқори» қилиб район «Болалар Коммунистик ташкилоти»га раис қилиб сайладилар. У вақтда пионерлар алоҳида ташкилотга уюшган эдилар. Кейинчалик Бутуниттифоқ комсомоли қаноти остида бирикдилар. Мен бу янги ишимда қишлоқма-қишлоқ юриб чарчамасдим.

Районда ишлаб турганимда, ҳов бирда мени қарған Тўра хотин олдимга ялиниб келди-да, қўлимга бир шойи белбоғ тутқазиб, «Шунинг эвазига йўлкира беринг, болаларим олдига бормоқчиман», деди. Мен бу аёлини станцияга бошлаб чиқиб, поездга билет олиб, шойи белбоғига эса, йўлга етарли озиқ-овқат тугиб бердим.

Мени «етимча» деб қарғаб, дилимни яра қилган Тўра аянинг кўзидан ёш оқди. Мен эса, унинг қарғишини юзига солмадим, аксинча, унга оқ йўл тиладим. Кейин эшитишимча, у аёл «Иброҳимжон қарғанимни унутган экан, лом-мим демай хизматимни қилиб, мени поездга чиқариб қўйди», деганмиш. Мен бу гапни комсомол иши билан қишлоққа келганимда эшитдим.

## «Ўзбекистон» танк колоннаси

Фронтларга ўзбек халқидан бориб турган совғалар қаторида халқимизнинг бир улкан совғаси Гитлер Германияси устидан тарихий галабамизни таъмин қилган муҳим омилардан бири бўлиб хизмат қилди. Бу — Ўзбекистон меҳнаткашларининг жамғармасига сотиб олинган, фронтга юборилган танклар эди.

Бизнинг учинчи гвардиячи Танк корпусимиз Польшанинг Млава шаҳрида турганида сафимизга уч юзта танк, ўзюборар тўплар келиб қўшилди. Буларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг фронтга совғаси эди. Уша кунлари Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзкомпартиянинг йигирма йиллик тўйи ўтказилмоқда эди. Қўмондонликнинг буйруғи билан бу танкларга «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» номи берилди ва корпуснинг борлиқ қуролига бир кечада бу ном оқ бўёқ билан катта-катта қилиб ёзиб чиқилди. Бу ёзувлар узок-узоклардан кўзга чалиниб турарди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари юборган танклар қабул қилиб олинган кун 19-гвардиячи Ленин орденли, Қизил байроқли, Суворов орденли Минск танк бригадасининг жангчи ва офицерлари махсус қасамёд қабул қилди. Қасамёд бригаданинг борлиқ составига баланд овоз билан ўқиб берилди, унинг текстига ҳамма имзо чекди. Мен ҳам жон деб унга қўл қўйдим. Қасамёд текстини айнан кўчираман:

«Бугун бизга ўзбек халқи маблағларига сотиб олинган танкларни беришди. Бизнинг олдимизда «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» сўзлари ёзилган ушбу танкларда Гитлер Германиясини ўлимга маҳкум этиш тўғрисида ҳукм чиқарган Қрим конференциясининг тарихий қарорларини амалга ошириш вазифаси турибди.

Бизнинг олдимизда ўзбек халқи юборган танклар ёрдамида ана шу ҳукми ижро этиш вазифаси турибди.

Ўзбек халқи танкларини олатуриб, Ватанга ва барча совет халқларига рус солдат ва офицери шарафи билан рус қуроли шон-шўхратини юксак сақлаш ва оширишга қасамёд қиламан!

Армия жангчиси юксак номи билан Ишчи-деҳқон Қизил Армиясининг жангчиси шарафли номига доғ туширмасликка, гвардиячи байроқ шаънига доғ туширмасликка қасамёд қиламан!



Ўзбекистон меҳнаткашлари танклариди бизнинг гвардиячи шон-шухратимизни янада оширишга ва йўлимиздаги фашист унсурларга қирон келтириб, гвардиячи жанговор байроғимизни фашист тупроғига элтиб, уни Берлин устига тикишга қасамёд қиламиз!»

Қасамёд қабул қилиниб, унга имзолар чекилгач, Ўзбекистон халқига бир овоздан мактуб йўллади. Бу мактубнинг текстини ҳам эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман, негаки ўзбек халқи юборган танклар кимларнинг қўлига тушганини халқим билдиб қўйсин, дейман.

«Пўлат от»ларда Берлингача борамиз!», деб номланади хат.

«Қадрили ўртоқлар! Бугун бизга — гвардиячи танкчиларга Сизларнинг, яшнаган Ўзбекистон меҳнаткашларининг маблағига сотиб олинган танкларни топширишди.

Шу муносабат билан биз гвардиячи танкчилар, котельниковчилар Сизга хат билан мурожаат қилишга қарор қилдик. Уни ўқиб, Сизларнинг меҳнат маблағингизга сотиб олинган қудратли жанговар машиналар кимнинг қўлига текканини билишингизни истаймиз.

Танк қўшинларининг генерал-лейтенанти А. П. Панфиловнинг Қизил байроқли шонли 3-гвардиячи, Котельников танк корпусининг 19-гвардиячи бригадаси Сизларнинг танкларингиз билан қуролланган.

Бизнинг жанговар йўлимиз улкан ва шонли.

Бош қўмондон буйруғига биноан 1942 йил февралда ташкил этилган бригадамиз Улуғ Ватан уруши фронтларида душманга узлуksиз зарба бермоқда. У зафарли юриш билан Сталинграддан шарқий Пруссиягача, Волгадан Одергача бориб етди. 419 та танк ва ўзиюрар қуролни, 426 та қурол ва минометларни, 2118 та автомашинаси, 3119 та юк ортилган аравани йўқ қилди ва 20 мингдан ортиқ немис солдат, офицерини қирди.

Сталинград остоналарида, Украина далаларида, Белоруссия чўлларида, Прибалтика ўрмонларида бизнинг бригада ажойиб зафарларга эришиб, уруш тарихида шонли саҳифалар яратди. Сталинград остоналарида қамал қилинган группировкани ёришга интилган немис танклари билан курашда ҳамда Котельниковони олишда бригадамиз ва корпусимиз донг таратди. Натижада биз «гвардиячи» ҳамда «котельниковчи» деган шарафли номига сазовор бўлдик. Бош қўмондон бизга миннатдорчилик билдирди.

1944 йилнинг ёзида Белоруссияда бригадамиз шиддатли ҳужум қилиб Москва-Минск шоссесиди немисларни тор-мор келтирди ва Березина дарёсини кечиб ўтиб, Совет Белоруссиясининг пойтахти Минск шаҳрига биринчилардан бўлиб кириб борди, шундан сўнг Литва пойтахти Вильнюс шаҳрига кирди ва биринчи бўлиб Шарқий Пруссия чегараларига қадам қўйди. Бунинг учун биз «Минск шаҳри» номига муяссар бўлдик. Бригада Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Бош қўмондон бизга уч марта миннатдорчилик билдирди. Бизнинг шаънимизга Москва ҳам уч марта салют берди.

Бизнинг бригадамиз қаҳрамонларга бой. Юзлаб жангчилар, сержантлар ва офицерлар ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган. Уларнинг кўллари ўзбек халқининг фарзандлари. Шу жумладан, кўплар бундай мукофотга уч-тўрт, беш мартадан сазовор бўлганлар.

Биз Сизларнинг 1944 йил «оқ олтин» ҳосили учун кураш frontiдаги ғалабаларингиздан қувонамиз. Биз Қурбон отанч ҳам, Тожихон Асқаровани ҳам, барча пахтакорларни ҳам меҳнат frontiдаги, республика пахта далаларидаги мислсиз ғалабалари билан табриқлаймиз. Сизлар Ватан уруши мобайнида Қизил Армиянинг немис босқинчилари устидан ғалабаси учун кўп иш қилдингиз. Ана шундай куч-ғайратсиз ғалабага эришиш қийин эди. Биз Сизлар билан кучилишимиз, ўртоқлар. Биз кучлигимиз, чунки бизнинг ортимизда социализм мамлакатининг Сизлардек улўғ меҳнаткашлари бор.

Сизлар даладаги, дастгоҳлар олдидаги фидокорона меҳнатларингиз билангина кучимизга куч қўшаётганларингиз йўқ, яна бунга қўшимча равишда ўз меҳнат жамғармаларингиз ҳисобидан сотиб олинган ўз самолётларингизни, танкларингизни юбормоқдасизлар.

Биз Сизларнинг танкларингизда муқаддас жангга кирмоқдамиз. Танкларингиз эўр. Улар бизни сўзсиз ғалабага элтади. Бизга нисбатан қилаётган ғамхўрлигингиз учун Сизларга миннатдорчилик билдирамиз. Раҳмат ва яна раҳмат!

Орқамизда шундай қудратли таянчга эга бўлатуриб душман устидан ғалаба қилмаслик мумкин эмас. Халқларнинг шундай ёрдамига эга бўлатуриб Гитлер Германиясини тор-мор қилмай бўладими!

Биз немисларни мамлакатимиздан ҳайдаб чиқардик, биз уларни Руминия, Болгария ва Финляндиядан ҳайдадик. Польша, Чехословакия, Венгрия, Югославияни душмандан тозалаб бўлиш арафасидамиз. Қизил Армия душман ерида ғолибона одимламоқда. Биз Берлинда бўладиган кун узок эмас.

Биз гвардиячи танкчилар зирҳида «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» ёзуви бўлган даҳшатли жанговар машиналарни ифтихор билан, моҳирона бошқариб борамиз. Биз гвардиячилар жанговар гвардиячи байроқ остида тиз чўки гвардиячисига қасамёд қиламиз ва Сиз ўзбек халқига ҳам қасамёд қилиб сўз берамизки, биз бу жанговар машиналарни кўз қорачиғидек асраймиз. Уларни жангга моҳирлик билан бошқарамиз. Немис босқинчиларини аёвсиз қириб, Гитлер Германияси устидан ғолибона юришимизни давом эттирамиз. Гитлерчилар уларнинг тупроғидан, пойтахтларидан ўзбек халқининг танклари босиб ўтганини ҳис этсинлар, уларга Фарғона водийси, кўҳна Бухоро ва Самарқанд деворлари, Янгийўл олмалари ва Наманган ноқлари, Паркент узумлари, Қува анорлари, Катта Фарғона канали иншоотлари, бутун совет табиати, бутун совет халқи зарба бераётганини ҳис этсинлар.

Ўртоқлар! Меҳнат интизомини мустаҳкамланг. Бутун куч ва ижтимоиятларни Бош қўмондонга берган ваъдангизни бажаришга — 1945 йилда мамлакатга 1 миллион тонна пахта бериш учун сафарбар этингиз. Биз шунга ишонамизки, Сизлар ўз ваъдангизни шараф билан бажарасиз. Биз ўзбекларнинг сўзи билан иши бирлигини яхши биламиз. Биз Сизларнинг олдингизда қарздор бўлиб қолмоқдамиз. Гитлер Германияси йўлимга маҳкум. Бизнинг ғалабамиз яқин.

Сизларни меҳмонга таклиф қиламиз. «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танклари Германия пойтахти Берлинга кириб келган кунингиз тантанасига етиб келинглр. Ана ўшанда биз ғалаба байроғини шаҳар пештоқига тикамиз. Гвардиячи тўйимизга, бутун дунёда тинчлик учун тантанали қадаҳ кўтаришга келинг.

Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги!

Яшасин Совет Ўзбекистони!

Яшасин Германия устидан бизнинг ғалабамиз!

Жангчилар, сержантлар ва офицерларининг илтимосига кўра хатга қуйидагилар имзо чекишди:

Бригада командири гвардиячи подполковник Л. Куц.

Бригаданинг смёсий бўлими бошлиғи гвардиячи подполковник М. Пилецкий.

Бригада штаби бошлиғи гвардиячи подполковник П. Гуржиев.

Бригада инженерлик хизмати бошлиғи гвардиячи капитан Иброҳим Раҳимов.

Танк рота командири гвардиячи капитан П. Фешенко.

Танк рота командири гвардиячи лейтенант В. Шеляговский. Гвардиячи кичик сержант Барчиков».

Млава гарнизонининг бошқа қисмларида ҳам ўзбек халқининг бу нодир ёрдамига бағишланган митинглар бўлиб ўтди. Млава госпиталидаги митингга асосий сўзни мен айтган эдим. Митингга ярадор ўзбек жангчилари ҳам иштирок этдилар. Кейин билсақ, менинг акам пулемётчи Умрзоқ Раҳимов ҳам шу госпиталда оғир ярадор бўлиб ётган экан. Бехабар қолибман. Митинг иштирокчиларининг гап-сўзларидан мени билди олган Умрзоқ акам хат чиқарган чоқда биз «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танклари билан жангларга йўл олган эдик. Ярадор акамнинг бу мактубини менга бир ҳафта ўтгач, дала почтаси келтириб берди. Юз кўришолмаганимга афсусландим. Илож қанча, фронтда бундай тасодиқ ҳодисалар кўп бўлган.

Ўзбек халқи юборган танкларнинг биринчиси старшина С. Тимофеевга, биринчи ўзиюрар тўп эса ўзбек фарзанди лейтенант К. Умаровга берилган эди. Жангга кириш олдидан менинг олдимга старшина Тимофеев келди.

— Сизга мурожаат қилиш учун рухсат этинг, ўртоқ майор,— деди у менга.

— Марҳамат!

— Танк тўпининг сумбасидан мана шу хатни топдим,— деди



у ва сарғайиб кетган қоғозни берди.— Ҳарфлари бизниқига ўхшайди, алмо бошқача ёзилган. Таржима қилиб беришингизни сўрайман.

Мен тўп сумбасидан топилган хатни ўқидим. У катта дафтарчанинг бир варағига қалам билан ёзилган, ўзбекча эди. — Ассалому алайкум, ўртоқ танкист!— деб бошланар эди хат.— Мен бу танкини сизга, нотаниш танкистга юборялман. Фашистни янчинг, мажақланг! Менинг танким жуда ажойиб танки! Бу танк учун биз, ўзбек деҳқонлари пешона тери билан пул тўпладик. Буни Урал ишчиларининг раҳбарлиги остида ўзимиз қурдик. Бу танк узоқ умрли, пишиқ ва даҳшатли бўлсин!

Менинг танким қандай урушаётгани ҳақида хат ёзинг! Узингизнинг муваффақиятларингиз ҳақида ҳам ёзиб туринг.

Жангларда сизга муваффақиятлар тилайман, деб, меҳнат фронтининг жангчиси Карим НУРМАТОВ.

Кейинроқ аён бўлишича, танклар колоннаси қуриш, маблаг тўплаш ташаббусчиси — пахтакор Карим Нурматов партия чакриғи билан кўлаб колхозчилар қатори Уралга келибди. Уралда ўзбек деҳқонлари машинасозлик ҳунарига ўргана бошлабдилар. Урал заводлари «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» деган танклар колоннаси қуриш ҳақида буюртма олган чоғда Карим Нурматов стахановчи Глотов деган ишчига шогирд тушиб ишлар экан. Карим Нурматов ўзи пул тўлаган танклар колоннасини заводда ҳам ўз қўли билан қуриш шарафига эга бўлибди. «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танклари тахт бўлиб, фронтга жўнатилаётганда Карим Нурматов ўз танкида жанг қилиш учун колонна билан фронтга юборилишини талаб қилибди. Заводга ҳам ишчи кучи зарурлигидан уни фронтга юбормабдилар. Худди колонна фронтга жўнаб кетаётган чоғда Карим Нурматов нотаниш танкига шу хатни ёзиб, уни танк тўпининг сумбасига суқиб қўйган экан.

«Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танклари билан қуролланган гвардиячи танкчилар ўзларига ишониб берилган танкларини тўппа-тўғри жанг майдонида синовдан ўтказдилар.

Немис-фашистларнинг олдинги истеҳкомга биринчи бўлиб 19-гвардиячи, Ленин орденли, Қизил байроқли, Суворов орденли бригада танкчилари ҳужум бошлади. Мен ўша кезде шу бригаданинг инженерлик хизмати бошлиғи эдим. Не машаққатлар билан жон олиб, жон беришлар эвазига танкларимиз учун йўл очилди. Танклар сапёрлар очган йўлдан душман тепасига ташланган чоғда биз яна ҳужумдаги танклар брониға қиқиб олган эдик.

Немислар қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Ҳар бир қарич ер «ўзбек» танклари занжири билан ўйиб ташланган эди. Танклардаги «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» ёзувини кўрган немислар ваҳимага тушиб, «Asiten pahcervagen... Осиеликлар... Ваҳшийлар келяптилар!..», деб қиққира бошлаганлари ҳамон қулоғимда.

Мен трудармеец Карим Нурматов танкида жанг қилаётган Тимофеевни тез-тез учратиб, ундан ўзига хос «ахборот» олиб турардим. Тимофеев Халмерштайн шаҳри яқинидаги ўрмон четида илк жасорат кўрсатди. Бу ерда немисларнинг «Тигр» деган танки пистирмада турган экан, танкка қарши тўплар батареяси билан бирга зимдан ўқ узаётган «Тигр» авангард отрядни сира олға силжитмай қўйган эди. Уларнинг уинини ўчириш учун Тимофеев ўрмон панасидан бориб, батареянинг чап томонида ҳозир бўлди-да, тўпларни мажақлаб ўтгач, «Тигр»нинг устига чиқиб олди. Унинг зарбидан немис танкининг сумбаси эзилиб, ўз тўпидан ўзи портлади.

Уша куни фронтни ёриб ўтган танк қўшинлари оператив кенгликка чиқиб олгач, қочаётган душманнынг кетидан уч кечаю уч кундуз қувлади ва жанглар билан 200 қақирим йўл юриб, Помераниянинг катта Кёзли шаҳрига кирди-да, Кёзли — Данциг ўртасидаги немис-фашист қўшинларини «қоп»га қамаб олди.

Старшина Тимофеев бир куни менга хотира дафтарчасини кўрсатди. «Машҳур пахтакор Карим Нурматов совға қилган танкда душманнын икки «тигр»и ва уч замбарагини мажақлаб, юзлаб солдатларини янчиб ташладим».

Лейтенант Комил Умаров ҳам ҳарбий газета саҳифасида «Менинг жанговар варақамда душманнын иккита ёндирилган ўзиюрар тўпи ва битта танки бор», деб рапорт берди.

Танкчиларимизнинг жасоратиға оид жуда кўп жанговар эпизодлар кўз олдидам турибди. Душман қўмондонлиги ҳалокатли «қоп»дан чиқиб олиш учун катта куч тўплаб, қарши ҳужум бошлади. Фашистлар «Совет Ўзбекистонининг 20

йиллиги» танклари устига самолётлардан бомба ташлади. Кейин икки биқиндан танклар атакасини бошлади. 19-гвардиячи бригаданин штаби қуршовда қолди. Полк командири рақия орқали уч экипаж кўнгиллиларини тўплаб, муҳим топшириқ берди. Булар орасида Умаров ҳам бор эди. Улар ўз танклари билан билинтирмай немисларнинг орқасига ўтиб олдилар.

Умаров биринчи зарбадаёқ бир «пантера»ни ёндириб юборди. Немислар штабга атакани тўхтатиб, бутун кучини орқада пайдо бўлган совет танкларини мажақлашга ташлади.

Душманнын ўн бир танки ва бешта ўзиюрар тўпи учала қаҳрамон устига ташланди. Гвардиячилар оғир жангга киришдилар ва биқиндан отиб яна уч танкини ёндирдилар. Тўрт томондан қуршаб олиган гвардиячилар ўз жонларини аямай, жасурлик билан урушдилар. Фашистлар Воробьев танкини ёндириб юборди. Азимов танки шикастланди. Кичик лейтенант Никитченко шикаст еган танкини жангдан олиб чиқди. Никитченконинг жангдан чиқишини душманлардан қўриқлаб турган Азимов фашист танклари билан фауст гранаталари қуршовида қолди.

— Рус, таслим бўл!— дейишди фашистлар.

Азимовлар танк қопқоғини ёпиб олиб, шикастланган танк ичиде ўтиравердилар.

Фашистлар танк рақиясининг антеннасини олиб қўйиб, совет танкчиларини бригада штаби билан алоқа боғлашдан маҳрум қилди. Фашист солдатлари танк гумбазини болғалар билан тақиллатиб, агар таслим бўлмаса экипажини танк билан бирга ёндириб юбормоқчи эканликларини айтиб дўқ уришди. Лекин гвардиячилар таслим бўлмадилар. Шу пайт ўрмон четида қаттиқ жанглар бошланди. Гвардиячилар уларга мадад келаётганини сезиб, танк ичиде дадил ўтиравердилар.

— Қайсарларни Бумельсбургга олиб бориңг!— деб буюрди бир фашист офицери.

Фашист солдатлари бир шатакчи машина келтириб «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танкини шатакка олди ва шаҳарга қараб судрай кетди.

«Бир юз йигирма тўққизинчи» танк генерал фон Дичё олдига етмади. Душманга даҳшат солган «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танки учун фашист ҳайвонларига томоша бўлиш номус эди. Шатакчи машиналар Миуна кўпригидан ўтаётганда, Азимов шахд билан танкини чапга буриб юборди, танк бир шатакчи машинани ўзи билан судраб, дарёга тушиб кетди. Фашистларнинг иккинчи машинаси ҳам кўприкдан сувга қулади.

Қувғинга учраган фашистлар бизнинг танкини ҳамда ўзларининг машиналарини ташлаб қочиб қолдилар.

Танкларимиз кўприк устига келганда полковник Куц «йўқотилган» «бир юз йигирма тўққизинчи» танкини кўриб қолди. Танк саёз жойга тушган, сувга ботмаган эди.

Танкини дарёдан чиқардилар. Азимов бошлиқ экипаж ёруғликка чиқди. Генерал-лейтенант Панфилов бу қаҳрамонларни орденлар билан кутлади.

Совет танклари фашистларни қувиб, қуршовда қолган душман қўшинларига қарши жангларга равона бўлдилар.

Тимофеев ўз танкини кечагина немис кемаси якорда турган ва немис қирғоқ артиллерияси ўз пиёда аскарларига ёрдам қилиб бизни тўпга тутаетган жойда тўхтатди. Бу жойда, мажақланган тўпларнинг орасида, ботқоқ ва кўлмакларда фашист солдатларининг ўликлари ётарди.

Экипаж аъзолари бошларидан шёлмларини ечиб, денгиз сувидан олиб, ёғ бочкасиға қуя бошлади. Тимофеев денгизга қаради: узоқда немис қайиқлари ва кемалари сузиб юрибди. Ун томонда Данциг, чап томонда Гдиня... У ёқда жанг бораётир.

Тимофеев қисмга қайтди ва тўғри генералнинг кузатув пунктига борди-да, доклад қилди:

— Биз денгиз бўйига чиқдик, ўртоқ генерал.

— Энди душман қўшинлари яна иккига бўлинди,— дея генерал суюнди.

— Сизга совға келтирдик,— деди старшина.

— Қанақа совға!

— Денгиз суви.

Генерал жанговар экипажини муваффақият билан табриклади.

Гвардиячиларнинг секинчи ичига сиймай кетди. Бу жойда ўн кундан бери даҳшатли жанглар борлар эди. Мана, бугун — 25

мартда, фашист қўшинлари яна иккига бўлиб ташланди. Гвардиячилар шунинг учун ҳам хурсанд эдилар.

Тимофеев ва унинг экипажи Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

— Карим Нурматовга хат ёзайлик,— деди танк ҳайдовчи Ҳамроев.

— Яхши маслаҳат,— деди танк командири.

Энди адресини ёзиш қолган эди. Улар «Карим Нурматов» деган исм-фамилияни билишарди, холос. Аксига олиб, унинг мактубида ҳам ҳеч қандай адрес ёзилмаган эди...

«Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» номи билан ҳужумга ўтган бизнинг танк корпусимиз Помераниядан айланиб ўтиб, Данцигга озода қилиб, Ростоккача тўхтамай борди ва апрелнинг охирида иттифоқдошлар бўлмиш инглиз қўшинлари билан, сўнгра Америка Қўшма Штатларининг илғор отрядлари билан учрашди. Танкларнинг зирҳидаги «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» деган ёзувларни инглизлар, америкаликлар ҳам ўқидилар.

Биз Ҳукомпартия Марказий Комитетига, Ўзбекистон ҳукуматига ва халқимизга жанговар ишларимиздан тез-тез рапорт бериб турдик.

Танк қўшинлари гвардиячи генерал-лейтенанти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Панфилов гвардиячилар номидан 1945 йилнинг март ойида республикага қуйидагича рапорт юборди: «Гвардиячилар ўз қасамларини қандай бажараётганлари тўғрисида, сизларнинг танкларингизда қилинган жанговар ишлар тўғрисида хабар бермоқчиман.

Биз сизларнинг танкларингизда немисларнинг Помераниясида, фашист ваҳшийларининг инида жанг қилиш бахтига муяссар бўлдик.

Фронт ҳарбий совети корпусимиз олдида мураккаб вазифа қўйди: душман мудофаасини ёриб ўтиб, ҳужумни Вишефсвальд, Вальденбург, Поллно, Кёзлини йўналишида кескин кучайтира бориб, шу йўл билан Данциг ва Колберг ўртасида душмanning йirik гуруҳини ажратиб қўйиш вазифаси топширилди.

25 февралда корпус икки йўналишда ҳужумга ўтиб немисларнинг қаршилик кўрсатиш нуқталарини яқсон қилиб, техника ва жонли кучларини йўқ қилди. Биринчи куннинг сўнгида «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» гвардиячи экипажлари душман томон эллик чақирим олға силжиб, душмanning Штегерс ва Вальденбург кучли таянч пунктларини эгаллади. Иккинчи ва учинчи кунлари шиддатли жанглар давом этди. Бублиц, Древин, Поллно районида танкларимиз душмanning танклари, ўзиорар тўплари, бронепоездлари, авиацияси ва фауст гранатачиларига қарши жанг олиб борди.

Немис қўмондонлиги бизни денгизга ўтказмаслик учун ҳамма чораларни кўрди.

— Гвардия — ғалаба, демакдир!— дейишди гвардиячилар.

— Кийик ўтган жойдан гвардиячи танкчилар ҳам ўта оладилар. Кийик ўта олмаган жойдан ҳам гвардиячи барибир ўта олади, — дейишди улар.

Усул ишлатиб айланиб ўтиб, ён томондан зарба бериб, душмanning яқсон қилдик ва немисларнинг қаршилик кўрсатиш нуқтасини, темирйўл ва тошйўл узелларини, Бублиц, Гребин, Поллно, Кёзлини шаҳарларини эгалладик. «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танклари Болтиқ денгизи соҳилига чиқди. Вазифа муваффақиятли бажарилди.

«Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танклари тўхтамай яна ҳужумга ўтди, душмanning ажратиб ташланган гуруҳини яқсон қилишни мақсад қилиб қўйди. Корпусининг қисмлари ва қўшинмалари тазйиқи остида Штольц, Лупов, Лауебург, Нойштадт шаҳарлари таслим бўлди.

Штольц шаҳрида ўн саккиз нафар номаълум ўзбекининг қабрини кўрдик. Немис ваҳшийлари асирга олинган жангчиларни қийнаб ўлдиришибди. Ваҳшийлар уларни тириклайин ерга кўмишибди. Гвардиячи танкчилар номаълум қаҳрамон ўзбеклар қабри устида бош эгдилар. «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танклари қаҳрамонлар шарафига салют берди...

Биз ишонамизки, тарихий байрамингиз куни — Совет Ўзбекистонининг 20 йиллигида ҳам бизни янги танклар билан қуроллантириш учун яна маблағ тўплайсиз. Биз эса қарздор бўлиб қолмаймиз. Чунки гвардиячи дегани — ғалаба демакдир!

Танк қўшинлари гвардиячи генерал-лейтенанти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. ПАНФИЛОВ».

Карим Нурматовлар, ўзбек меҳнаткашлари ўз жамғармаларига сотиб олиб, фронтга жўнатган танклар немис фашист ҳарбий машинасини мажақлаб, аскар ва офицерларини тумтарақай қилиб, Берлингача борди. Совет Армияси ғалаба байроғи Рейхстагга ғолибона ҳилпиради.

Тимофеев Карим Нурматовни урушдан кейин ҳам қидириб тополмади. Бундай камтарин қаҳрамонлар халқимиз орасида озмунчами! Ҳар бир совет кишиси ғалабамизга шерик! Уларнинг номи унутилмасдир!

Бу ҳақда дастлаб «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танклари Германия «юрагида» сарлавҳали очерк ёздим. Сўнгра «Фарҳодининг жасорати» деб аталган бадий кинофильм дунёга келди. Уша қаҳрамонларининг кўплари оладан ўтди, айримлари ҳаёт. Улар тинчлик ишини мустақамлаш фронтларида ишламоқдалар.



Наим Каримов

# ШАФФОФ ТУЙГУЛАР ШАЛОЛАСИ



Ойбек мансуб бўлган авлоднинг барча вакиллари серқирра истеъдод соҳиби эдилар. Уларнинг бири шеърятда, иккинчиси насрда беқиёс из қолдирган бўлишларига қарамай, «қўшни» адабий турларда ҳам самарали ижод этдилар. Ойбек эса бу соҳада ҳам ўз тенгдошларининг пешқадами бўлди. Улкан истеъдод соҳибининг дастлабки лирик шеърларини ўқиган китобхонлар уни аввало шоир деб билганлар. «Қутлуг қон» ва «Навой» романларининг пайдо бўлиши билан Ойбек носир сифатида машҳур бўлган. Айни пайтда илм аҳли уни ўзбек адабиётшунослиги фанига тамал тошини қўйган олимларнинг бири деб билса, яна бир ғуруҳ зиёлилар Ойбекни бадний таржима санъатининг усталаридан бири деб иззат ва ҳурмат қилади. Аммо, аслида, Ойбек ўзбек совет адабиётига шоир сифатида, нозик ва нафис туйғулар куйчиси сифатида кириб келган ва бутун умри бўйи шеърятга содиқ қолган. Дарвоқе, мактаб доирасида кечган ва кечаётган адабий сабоқларни симирган китобхон Ойбекнинг «Курашади икки тўлқин, қараб турайми!» мисраларю «Фанга юриш», «Днепрострой» каби шеърларини яхши билади. Аммо бу шеърлар шеърятимиз тарихидан қанчалик мустақкам ўрин олган бўлмасин, уларда шеърятни кишиларга яхшилик қилиш шаклларида, инсон қалбига эзгулик ва гўзаллик уруғларини сочиш воситаларидан бири деб билган шоир қалбини тўла ҳис этмаймиз. Шоир қалби, унинг инсоний моҳияти мактаб дарсликларига кирмай қолган кўпгина шеърларда ёрқинроқ кўринади. Шундай шеърларнинг бирида Ойбек шеърятни юлдуз киприги каби нозик ҳодисаларга қиёс этган:

Дейдиларин, шеър — фақат қуш тили,  
Маъносин туяди хассос кўнгиллар.  
Ёки у кўр қалбнинг кўз ёш томчис,  
Тошларга томади ё тақар гуллар...

Ойбек кишиларни, ҳаётни ва умуман, бутун коинотни шеърятнинг сеҳр тўла нигоҳи билан кўриш салоҳиятига эга. Шунинг учун ҳам унинг лирик шеърлари ниҳоятда сезгир ва дилгир нигоҳининг мевалари бўлиб, уларда оддий кўз билан илғаб олиш маҳол бўлган ранглар, чизиқлар, лавҳалар, манзаралар бутун нозиклиги, шаффофлиги ва дилбар ҳолати билан жонланиб кетади.

«Навой» романида бир эпизод бор. Мирак Наққош ўзининг ёш, ҳали исми ҳеч кимга таниш бўлмаган шогирдини улуг шоир ҳузурига бошлаб келади. У эскигина жуздонни очиб, шогирди чизган расмларни бирма-бир кўрсатар экан, Навоий бу мислсиз санъатдан ҳайратга тушади. «Мирак Наққошнинг таърифича, қўли олтин боланинг чизгани жилвир-жилвир гуллар, барглар, чизиқлар нозиклиги, жонлилиги, бемисл шеърятни билан гўё унинг кўзларини, руҳини сеҳрлаган эди. Бўёқларнинг нафис оҳанги тонг чоғи тоза зангори уфқларга тарам-тараф югурган нурлардаги каби, бениҳоят нозик товланар эди! Навоий ором ва ҳаяжон билан нафас олди. Иккинчи расми кўрди. Айни руҳ, лекин яна бойроқ, яна нафисроқ... Мана, ой тасвири. Оҳулар гўё қоғоздан сакраб ўйноқлаб кетаётгандай туюлади. Бунда ҳар бир нуқта кўз каби жонли. Навоий ўнга яқин расмини бениҳоят тўла завқ билан томоша қилди... Ниҳоят, шоир, кўзларида ёнган қувонч билан, ёш рассомни табриклади:

— Бу кўҳна жаҳон, — деди у шавқ билан, — сизнингдек санъаткорни ҳануз кўрмаган эди. Қаламингизнинг ҳусни ҳар қандай таърифдан бениҳоят баланддир...»

Шубҳасиз, «живир-живир гуллар, барглар, чизиқларнинг нозиклиги, жонлилиги, бемисл шеърятини» аввало Ойбекнинг ўзи теран ҳис этмаганида, асарда бундай самимий сатрлар бўлмаган, Навоийнинг бой ҳиссий олами бу даражада ёрқин тасвирланмаган бўларди.

Ойбекнинг мусаввира навоҳи табиат ва қалбнинг пинҳона мулоқотини ҳам кўришга имкон беради. Гўзал туйғуларга бой шоир қалби эса бу фараҳбахш лаҳзаларни сўзлар билан сувратлайди:

Ёр кўзларининг ишқини, ҳуморини ёд эт!  
Кўк гулшани дурлар каби порлайди бу оқшом,  
Ҳар тоғдаю ҳар қирда ётар нозли хуш ором,  
Дунёдаги кўзлар аро шахлосини ёд эт!

Кўксимни эзар ҳажрида қалбимдаги туйғу.  
Тепамда қуяр куйини булбул яна шўх, шан.  
Гуллар қадаҳни кечки шамол аста тўқаркан,  
Ёдимга тушар сен каби дилбар, гўзал орзу.

Ёлғиз кезамен шарқираган сув ёқасинда,  
Ёдингни қучиб ўлтирамен тош каби сокин.  
Олам қочади, сен кирасен қалбга шу чоғ тин,  
— Ширингина рўё каби оқшом қорасинда.

Бу сувратда «бўёқларнинг нафис оҳанги» китобхонни ром этмай қолмайди. Мисралардаги энгил мусиқа доно нигоҳда жилваланган сокин табиат билан уйғун ҳолга киради. Шеърнинг лирик қаҳрамони «ҳар тоғдаю қирда ётган нозли хуш ором» оғушида қолиб, «дунёдаги кўзлар аро шахлосини ёд» этар экан, унинг тепасида булбуллар ўз куйларини шўх-шан куйлайдилар, кечки шамол эса гуллар қадаҳини аста тўқади. Дилбар ва гўзал орзу билан маст лирик қаҳрамон қаршисида суронли олам чекинади-да, «кўк гулшани дурлар каби порлаган оқшом» қорасинда муҳаббат туйғуси унинг қалбига ширин бир орзу мисол оқиб киради.

Муҳаббат — ҳар қандай қалбини забт этувчи, унинг қудрати ва гўзаллигини намойиш этувчи куч. Лекин қалб фақат ишқий кечинмалар билангина яшамайди. Муҳаббат инсон қалбидagi гўзаллигининг бир рангигина, холос. Ойбек лирикасида ҳам фақат муҳаббат тароналари эмас, балки, бой, ранг-баранг ва юксак инсоний туйғулар ҳамда кечинмалар шалоласи жўш уриб туради. Зеро, ёр муҳаббати Ойбек лирикасида Ватан, халқ ва кишиларга, ҳаёт ва табиатга, гўзаллик ва эзгуликка



бўлган муҳаббат билан беадад ва беҳудуд бир уммонни ҳосил этади. Ана шу уммонга келиб қуюлувчи ҳар бир шеър, ҳар бир мисра Ойбекнинг улуғ ва сахий қалбидан, покиза ва чароғон туйғуларидан жон ва қон олади. Ойбек учун табиат ва инсон ажралмас бирликка эга. Шоир оддий бир гул ҳақида ҳам катта меҳр билан ёзади:

Нафис чайқалади бир туп наъматак  
Юксақда, шамолнинг беланчагида...

«Шамолнинг беланчаги» — бу, афтидан, нафақат 1936 йил учун, балки ҳозирги давр учун ҳам ажойиб топилма бўлса, ажаб эмас. Шоирнинг муҳаббатли тасвири туфайли оддий бир гул кўз ўнгимизда тирик инсондай гавдаланади:

Пойида йиғлайди қумуш қор юм-юм...  
Нафис чайқалади бир туп наъматак.  
Шамол инжуларни сепар чашмадек,  
Бошида бир сават оқ юлдуз — чечак,  
Нозик саломлари нақадар маъсум!

Қумуш қор ҳам, наъматак гуллари ҳам оппоқ. Аммо шоир қандайдир ботиний туйғу кўзи билан наъматак гулларининг оқ юлдузларга ўхшаш эканлигини кўради. Агар биз қор учқунларининг ҳам оқ юлдузчалардан иборат эканлигини айтсак, улар ўртасидаги яқинли яна ҳам кучаяди. Бошқача айтганда, улар табиатдаги уйғунлиқнинг тимсоли ўлароқ намоён бўладилар.

Иккинчи томондан, шоир наъматақнинг шамол беланчагида тебраниб, эгилишини салом бераётган инсонга муқояса қилади. Шу тарзда, шеър тўқимасида табиат билан инсон ўртасида кўприк пайдо бўлади. Шеърда катта нафосат билан тасвирланган табиатнинг инсон билангина гўзал эканлиги ўқтирилади. Бу манзара-шеърнинг нафоси ҳам худди шу нарсада жилва бериб туради.

Ойбекнинг шу даврда ёзган яна бир шеърда эса тунги манзара тасвир этилар экан, «юлдузлар чамани»нинг гуллаганлиги қайд этилади. Бу каби жонлантиришлар шеърини тил ва услубнинг оддий безаклари эмас. Зеро, «Кечанинг оғуши латиф, жим... юлдузлар чамани гуллаган» деган сатрлар ҳатто Ленинграднинг оидин тунлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин бўлмаган тасвир ва таърифдир.

Шу нарса бежиз эмаски, шарқона кўтаринки шеърини бўёқларга умуман бефарқ ва ҳатто қарши бўлган рус шоирлари ўзбек диёри билан ошно бўлгач, ўзлари ҳам, ўзбек шеърятига яқин бўлган бир услубда шеър ёзадилар. Чунончи, Анна Ахматованинг уруш йилларида Тошкентда ёзган шеърларини олинг. Уларда ҳам «юлдузлар чамани» билан ҳамоҳанг бўлган ташбеҳ ва тасвирлар жаранглаб туради. Гап шундаки, «юлдузлар чамани гуллаган» ибораси билан фақат Шарқ, эҳтимол фақат Совет Шарқининг бегубор ёз оиларидаги чароғон тунги манзарасини ифодалаш мумкин. Айтмоқчи: мизки, ўзбек шеърятини, хусусан Ойбек шеърларида табиатни жонлантириб кўрсатиш, кўтаринки бўёқларда тасвирлаш тасодифий эмас. Бу ҳол табиат билан шеърят, бинобарин, табиат билан инсон ўртасидаги абадий уйғунлик қонунияти негизда рўй беради.

Ойбек учун шеърят нафосатнинг энг олий ва энг нозик соҳаси эди. Лекин давр шеърятдан кураш қуроли бўлишни талаб этган йилларда у оташин қақриқларни, публицистик ҳароратни шеърларига олиб кирди. Хусусан, Улуғ Ватан уруши йилларида Ойбек шеърятинида граждонлик лирикаси, сиёсий лирика биринчи ўринга чиқди.

Ҳақиқий шеърят тарихий давр ва шароитга бефарқ қараб турмайди. Давр ва шароит унинг нафасини, ҳароратини, услубий товланишларини белгилаб беради. Ойбек урушнинг авжи қизғин палласида Москва остоналарида кечаётган жанг манзараларини ўз кўзи билан кўргач, унинг шеърларини гўзалликка ишора бўла олувчи ташбеҳлар буткул тарк этди. Бўёқлардаги кўзга ва дилга ҳузур бағишловчи нур ўз ўрнини қасосга ундовчи яширин кўз ёшларига бўшатиб берди:

Йиғи келмайди сира,  
Ғазабдан қақраган кўз.  
Бу йилларнинг ахидек  
Лабимда қотибди сўз...

Қошлар, киприқлар қирон  
Юраман ҳушсиз, ҳайрон.

Қорим оч, эсга келмас  
Халтамдаги гиштдек нон...

Шоир уруш сўқмоқлари бўйлаб, собиқ қишлоқ ва увалар бўйлаб юрмоқда. Қаҳратон қиш чилласи... Ақл бовар қилмайди жанг жиноятлар... Уларни кўриб, шоир лабидида сўз ҳам ўша йиллар яхидек қотиб қолган. Ҳатто йиғи ҳам келмайди. Ҳамма нарса шоир ҳалқумига келиб қолган тошдек қаттиқ. Ҳатто... нон ҳам. Гўё теварак-строф, ҳатто шоирнинг ўзи ҳам ҳаракатдан қолган. Лекин сунги банд ушбу даҳшатли манзарага ойдинлик киритади:

Куйган уйларда увлар  
Қиш қуюни бетиним.  
Танҳо кезамен. Йиғлар  
Юрагимда Ватаним...

Қандай совуқ бир тўфон билан тўла сатрлар!

Демак, ҳаёт давом этмоқда. Ҳаракат тўхтагани йўқ... Лекин бу ҳаракатнинг бирдан-бир ташқи кўриниши куйган уйларда увлаётган қиш қуюнидир. Шунинг учун, ички ҳаракат ифодаси ҳам ушбу ҳолат билан ҳамоҳанг: шоир кўзларидан ёш оқмагани ҳолда, юрағидида Ватан қон йиғламоқда.

Юрағидида Ватан... Демак, унинг юрағидан ташқарида ҳам Ватан бор. Аммо бу Ватан, аччиқ тасодиф туфайли, ҳозирча фашизмнинг ифлос оёқлари остида. Шунинг учун ҳам шоир юрағидида Ватан фиғон ва фарёд чекмоқда, озодлик, эркинлик учун курашга ундамоқда.

Даҳшатли жанглар авж олган бир шароитда яшаш фронт сафаридида Ойбек учун ҳам бехатар эмас эди. У неча бор бомбардимон остида қолди, неча бор ўлим гирдобидан омон чиқди. Ана шундай дақиқаларда ёзган бир шеърда у ўзига кўри шурожаат этиб ёзади:

Йўқ, бомба бас келмас, қалбинг топ-тоза,  
Ҳали айтилмаган қўшиқларга бой.  
Бескид тоғин, конин сендай ким севар!  
Улардан ким сендек қўшиқ тўқига!

Сен минглаб қақримлар Ватандан узок;  
Боқ: титрар шаҳарлар ва мамлакатлар.  
Тингла, қонли аср безгакдек титроқ,  
— Уз асринг-ла дардлаш ва куйчиси бўл!..

Муса Жалилнинг «Маобит дафтари»ни ўқиган китобхон қаҳрамон шоирнинг муқаррар ўлим олдидаги мағрур ва жасур қиёфасини кўз олдига келтирган ва бундан ҳайратланган бўлса, ажаб эмас. Мусо Ойбек ҳам ўлим билан юзма-юз келган дақиқаларда ўз табиатига хос матонат ва жасоратни ажойиб бир равишда намоиш этди. У фронтда ёзган бирор шеърда шу ерда ўлиб кетишим мумкин, деган гапга имо ҳам қилмади. Аксинча, шаҳарлар ва мамлакатларнинг титраб, қонли даврнинг эса безгак тутган кишидек қалтираб турганини кўр; шоир ўз асрининг куйчиси бўлиши, унинг дарди билан яшаши лозим, дейди. Бу фикрни у ақлли китобларни ўқиб айтмайди, балки бомбардимон пайтида, устига ўқ ва тупроқ ёмғири ёғилаётган бир пайтда шундай фикр-хулосага, ижодий ҳаётининг бош сабоғига келади.

...Уз асринг-ла дардлаш ва куйчиси бўл!

Бу — буюк шоирнинг васияти. Буюк шоир ҳаётининг асосий шиори. Унинг ўзи шу шиорга амал қилиб ижод этди. Унинг барча шеърлари ана шу шиор остида туғилди, яшади ва яшамоқда. Аммо улар ани пайтда гоёвий куч ва қудрат билан, порлоқ мундарижа билан тўйинибгина қолмай, бадий жиҳатдан мукамал, гўзал бўлганлиги учун китобхон қалбига кириш ва ўрнашиш, унинг қалбини чароғон этиш қувватига ҳам эгадирлар. Шунинг учун Ойбек шеърлари, унинг романлари янглиғ, мангу яшайди.

Ойбек «рус шеърятининг қуёши» А. С. Пушкинга бағишланган сўлим шеърларининг бирида «Шоир нур, ақлга, ҳақиқатга ёр», деб айтган эди. Унинг нур ва ақл билан тўла ўз лирикасида шаффоф чашма каби жўшқин ва офтоб сингари порлоқ туйғулар шалоласи мавжланиб туради. Биз ва келажак авлодлар ана шу жўшқин шалолада ўз ҳиссиёт ва интилишларимизни поклаб ва шаффофлаб оламиз.



- Йўл бўлсин, йигит!
- Насиб этса, олгани!

Нақл қилишларича, Юлий Цезарь Рим империяси тасарруфидаги юртлардан: «Veni. Vidi. Vici», дея қисқа-қисқа хабар юборишни яхши кўрар экан. Ишончимиз комилки, курраи замин чаппа айланиб, Цезарь қақшатқич зарбага учраганида, Римдаги суянган тоғига бошқачароқ мазмунда хат жўнатган бўлар эди. Тахминан, мана бундай: «Азизим Марк Антоний! Мен фалон жойда (айтайлик, Миср эҳромлари яқинида) нақ Сфинкс билан юзма-юз турибман. Аҳволим оғир. Ҳолимга маймунлар йиғлаяпти. Сендан илтимосим шулким, қолган-қутган баҳодир римликлардан имкон қадар каттароқ қўшин тузиб, мададга етиб кел! Акс ҳолда, Миср қироличаси — Клеопатранинг қоп-қора оёқчасини ўпишга ёки жанг майдонини ташлаб, шармандаларча қочмишга мажбурман... Салом билан, садоқатли дўстинг Юлий».

Набижон Боқиев

# ЙЎЛ БЎЛСИН, ЙИГИТ?

Ана энди хаёлингизга озгина эрк беринг-да, афсонавий лашкарбошининг учқур отининг бўйинига ёпишган кўйи чўлу биёбонларни чангитиб, орқа-олдига қарамай қочиб бораётганини кўз олдингизга келтиринг! Кулгилими! «Об-бо шоввоз-эй, Цезарь ҳам олчоқ Жўнандхондек, дўппи тор келганда жуфтаникни ростлаб қолишга устаси фаранг экан-ку!», деб ўйлаш ундан ҳам кулгили бўлса керак. Беихтиёр, орқасидан «Йўл бўлсин, йигит!», дея пичинг қилгингиз келади. Гап отдингиз ҳам дейлик. Жавоб қайтарармикан!..

Шундай қилиб, қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа дафъатан кўҳна Рим тарихини ёдга солади. Аниқроғи, Цезарь хатларининг пайровига, «қуён» бўлаётган ҳунар-техника билим юрти талабасининг «Насиб қилса, олгани!», дея гердайтишига ўхшайди.

Яқинда «Тошкенткабель» заводининг 2-ётоқхонасига Андижону Намангандан олтмишга яқин йигит келиб жойлашди. Бир-икки кун пойтахтнинг сўлим парklarини томоша қилиб хумордан чиққач, заводда иш бошлашди. Бир ойча «тер тўкишди». Кейин, бирин-кетин ғойиб бўлиб, тўрттасигина қолди, холос. Нега!

— Уйларини соғиниб қолишибди.

— Шаҳар ҳавоси ёқмабди.

— Оталари: «Боргин. Кўргин. Мўлжалингга тўғри келмаса, чопонни елкага ташлаб қайтиб келавер — уйлаб қўяман», деган экан...

— Бир куни кампания бўлиб стадионга тушишган экан, «Пахтакор» йирик ҳисобда ютқазиб қўйибди. Аламига чидаёлмай кетиб қолишди.

— Ёппасига политехника институтининг кечки бўлимига ҳужжат топширишган эди, афсуски, имтиҳонлардан ўтишолмади.

— Биринчи маошдан сўнг кадрлар бўлимида тўполон кўтаришибди: «Нега унча эмас, бунча ёздинлар!» У ерда: «Унча мояна олиш учун лоақал станокда мустақил ишлай олиш керак-да, йигитлар!», деб жавоб беришган экан, хафа бўлишибди.

— Ва умуман, юрагида ўти йўқ болалар экан...

— Қочиб юборишди, азаматлар!

Булар, адабиётшунослик термини билан айтганда, «халқ оғзаки ижоди». Яъни, ҳақиқатга қанчалик яқин бўлмасин, лекин айнан ҳақиқат деб бўлмади. Чунки «оғзаки ижод», кўпчилик олдида «фақат ҳақиқатни гапирман», дея қасам ичилгандан кейингина айтиладиган «оғзаки кўргазма»дан мутлақо фарқ қилади. Шунга қарамай, бевосита «оғзаки кўргазма»га мурожаат этишдан аввал кичкина лирик чекиниш қиламиз.

Колхоз клубида «Ким бўлсам экан!» деган мавзуда (албатта, кеча сўнгида текнига ҳиндча фильм намойиш этилажяги ҳаммага маълум қилинган) суҳбат уюштирилиши табиий ҳол. Ўз-ўзидан равшанки, «Тошкенткабель» заводи номидан борган вакил ёшларни ишчилар сафига таклиф этиб, маошлар ҳақида ҳам қисқача маълумот берган дейлик: «Бир ойлик маош ўртача

Республикамиздаги турли-туман ҳунар-техника билим юртларини ҳар йили юзлаб йигит-қизлар битириб чиқиб, малакали мутахассис дипломига эга бўладилар:

Билим юрти остонасидан кейин уларнинг тақдири қандай кечмоқда? Ишчилар синфига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш борасида ҳамма ишлар кўнгилдагидек боряптими? Еш ёзувчи

Набижон Боқиевнинг ушбу мақоласида ана шу долзарб ва муҳим масала хусусида фикр юритилади.

Зеро, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, «ишлаб чиқариш» қувватларидан ёмон

фойдаланилаётганини кўпинча ишчи кучининг етишмаслиги билан изоҳлашга уринмоқдалар, ҳолбуки,

ресурслардан янада тўла-тўқис фойдаланиш, тубжой аҳолини илтимосий ишлаб чиқариш ва аввало

индустрия соҳасига кенг жалб этиш муҳим иқтисодий ва социал вазифадир».

икки юз-икки юзу эллик, уч юз сўмгача боради». Ташвиқотчи тўғри гапирган. Айни вақтда, залда ўтирган ёшларнинг кўпчилиги: «Уҳ-хў, уч юз-а! Бир йилда уч минг олти юз, икки йилда яп-янги — «Жигули», ўн йилдан кейин-чи!..», дея хомчўт қилгани ҳам рост. Умуман, бундай ўйлашнинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Лекин, миёда қуруқ рақамлардан ўзга нарса бўлмаса-чи!..

30-цехнинг смена мастери М. Мирсолиев:

— Уларнинг кетиб қолишига объектив сабаблар бор. Биринчидан, заводдан квартира олиш учун қаида ўн йилча навбат куттиш керак. Масалан, мен етти йилдан бери ишлапман...

— Сиз ҳам боппадингиз-ку! Менимча, қўнимсиз йигитлар ҳақида гапирмоқчи эдингиз, шекилли!

— Э-э, дўстим, азага келган одам ўз дардини айтиб йиғлайди-да!.. Иккинчидан: баъзи цехлардаги агрегатларда икки киши ишлаш ўрнига битта «тажрибакор» улоқ чопади. Бу — тўқимачилар ўртасида машҳур бўлган: «Бир йигирув машинаси ўрнига, бештасини бошқаришни ўрганайлик!» деган ширдек бир гап эмас. Балки бир киши икки сменалаб, ҳатто дам олиш кунлари ҳам ишлаб ётади, дегани. Бу оммалаштирадиган «ташаббус» эмас, шунчаки, пулининг кетидан қувши! Албатта, пул ҳаммага керак. Лекин одам темир эмас, саломатлигини ҳам ўйлаши лозим. Бундай «ташаббус» билан бир-икки йилдан ортиқ ишлаб бўлмайди. Бу факт. Кейин-чи!.. Афсуски, цех маъмурияти ана шундай «килғор»ларни рағбатлантиради. Чунки уларга биринчи галда план керак. Янги келган одам берилган топшириқни бажарадиган бўлгунча анча-мунча фурсат ўтади. Шунинг учун ҳам янги келганлар кўпинча «запасдаги ўйинчи» бўлиб юришади. Бир кун тоби қочиб ишга чиқмаган одамнинг ўрнида ишласа, эртасига майда-чуйда юмушларни бажаради ва ҳоказо. Учунчидан. Ётоқхона хароб: на телевизор бор, на спортхона мавжуд; душ ишламайди, буфет қўлф; заводга практикага келган тўда-тўда қизларни эркаклар ётоғига тикиштиришади, шовқин-сурон... Тўртинчидан... Яна санайберайми!

— Бўлади. Қолганини ўзим қўшимча қиламан.

— Ие, сиз ҳам биз тараф экансиз-да!

— Албатта.

Ётоқхона «иккинчи уй» дейишади. Биринчи уй эмаслиги маълум: овқатингизни ўзингиз пиширасиз, кирингизни ўзингиз ювасиз, хонангизни ўзингиз тартибга соласиз... Лекин булар «қочоқ» йигитларни оқлаш учун етарли далил бўла оладими! «Бўлмасам-чи!» дейиши мўмкин ўттиз тийинлик лотереяни ҳидлаб, «бензиннинг иси» анқиётганига ўзини ишонтириб ўтирган кўкнорихаёл йигит. Бошқалар қандай фикрда! Ётоқхона ошхонасида картошка қовураётган йигит нима деркин!

— Шу ҳам баҳона бўлди-ю, бу ахир оддий арпа-ку! Мана, Ҳосилбек, Муқимжон, Қозиму Незматжонлар қолишди. Политехника институтининг кечки бўлимида ўқишяпти. Ҳозирча нолишаётгани йўқ... Қийинчиликдан чўчимаслик керак. Одам шаронтнинг қули эмас. «Шаронга кўникиш лозим» дейдиганлар бекор айтибди! Ҳар қандай шаронтни ўзгартириш мўмкин, бу унчалик мушкул иш эмас. Бобурни биласиз-а, у икки юз йигити билан буюк бир империя тузган. Тўғри, биз уни подшо сифатида қоралаймиз. Лекин, довураклиги барибир таҳсинга сазовор-да! Гапнинг пўсткалласини айтсам, йигит киши бир ишга қўл урдими — бас, тутган жойини маҳкам ушлаши зарур. Кечирасиз, қовурдоқ пишиб қолди, қани, хонамизга марҳамат қилсинлар!

— Раҳмат, ош бўлсин! Пиёз арчаётган анави йигит билан бир-икки оғиз гаплашамиз...

— Мени айтмасизми! — дея бошини кўтарди кўзлари ачишиб, ёшланиб турган йигит.

— Ҳа-да, отингиз нима!

— Отим — Отавой, фамилиям — Памилчой.

— Сизнингча, ўзини қаёққа уришини билмай юрганлардан бири мувозанатини йўқотиб, адашиб заводга келиб қолса, нима бўлади!

— «Ушлаган жойини қўйвормай», жонини койитиброқ ишласа, анча-мунча жамғариши мўмкин.

— Кейин-чи!

— Кейин... «Биз ер юзидаги бир нечта энг катта шаҳарларнинг кўчаларида олтиндан умумий ҳожатхоналар қурамиз». Бу кимнинг гапи, биласизми!

— Биаламан.

— Билсангиз яхши...

— Айтинг-чи, юртларига қайтиб кетган йигитларни топиб, «Юринглар, у ёқда мўмайгина пул топишдан ташқари, одамга ўхшаб яшаш ҳам мўмкин экан», десак, қайтиб келишармикан!

— Мутлақо қайтишмайди.

— Нима учун!

— Уйлайманки, уларнинг кўпчилиги уйланган. Олахуржун бўйинга тушган. Энди оилани тебратиш керак. Қандайдир ишнинг бошини тутган бўлишлари мўмкин. Шунинг учун: «Дарахт бир жойда кўкаради» ёки «Узоқнинг донидан, яқиннинг сомони яхши», дейишлари турган гал. Ишқилиб, ўзларини ҳимоя қиладиган бирорта «ҳикматли гап» топишади-да. Севимли шоиримизнинг шеъри эсингиздами!

«Ҳикматли гапларга қулоқ солмоқ даркор,  
Қулоқ солмоқ даркор халқнинг сўзига.  
Лекин одамларнинг бир одати бор,  
Мақол тўқийдилар мослаб ўзига...»

Энди уларни «К-700» билан ҳам ўринларидан қўзғатиб бўлмайди. Қумлаб қолишган... Шошманг, сиз намунча ўша болаларга ёпишиб олдингиз!

— Узр, мен фақат бу ҳақидаги кўпчиликнинг фикрини билмоқчиман, холос.

— Ушалар ҳақидагими!

— Йў-ўқ, заводларга нима учун ёшлар худди бўйнидан боғлагандек, истар-истамас келаётганининг сабабларини билмоқчиман. 660-поездга миниб «кўён» сурганлар эса (нима десак экан), жонли мушоҳада учун бир баҳона, холос.

— Бўлмаса, уларни тинч қўяйлик. Чунки «тасодифий» ҳодисани ушлаб олиб, умумий ҳулосалар чиқариб бўлмайди. Ҳа-ҳа, ишонаверинг, улар «тасодифий ҳодиса» эди. Лекин ётоқхонамиздаги уч юзга яқин йигитни «тасодифий» деб бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси бошқа областлардан келган, тахминан етмиш фоизи турли олий ўқув юртларининг кечки бўлимларида таҳсил олмоқда. «Узбексельмаш»да бундай йигитлар биздагидан икки ҳисса, «Трактор» заводда эса ўн баравар ортади. Улар катта мақсадни қўзлаган, мустақил йигитлар. Мен атайлаб қизларни қўшмаяман. Чунки уларнинг ётоқхонасига ҳеч бормеганман. Аммо, таклиф этишса, меҳмон бўлиб бориш ниятим бор...

— Асосий мавзудан четга чиқаяпсиз.

— Йўғ-э, менимча бу ҳам ўша мавзунинг ажралмас қисми. Майли, сиз айтганча бўлақолсин (Лекин, гапимни бўлмай турганингизда ҳикоянгиз сюжети анча қизиқарли ўзанга тушиб кетарди). Сиз «ЦУМ», «ГУМ»ларнинг теварагида тўдалашиб юрадиган оломонни кўрганмисиз!.. Ишим тушиб, қачон ўша томонга ўтсам, туппа-тузук йигитлар тўдалашиб юргани юрган: бирорта камёб матаҳ сотилиб қолгудай бўлса, қунюндек ёпирилишади. Ҳаваскор чайқовчилар! Улар ҳам бирор жойда ўқиса ёки ишласа керак, ахир! Нега ҳеч ким уларни суроқламайди! Ана ўшаларни фойдали меҳнатга жалб қилиш керак. Биласизми, мен университетга кирган йилми факультет комсомол ташкилотининг секретари ўнта студентга комсомол йўлланмасини тўтқазиб: «Сизлар диплом олгандан кейин ишлайдиган соҳадан йироқ экансизлар. Шунинг учун, марҳамат қилиб, фалон заводга бориб ишлайсиз. Икки ҳафта муҳлат берамиз. Агар шу муҳлат ичида деканатга биз юборган жойда ишлаётганларнинг ҳақида справка олиб келмасангиз, ўқишдан ҳайдаласизлар», деган эди. «Ахир биз ҳам заводда ишлаймиз-ку! У ерга ўрганиб қолдик. Бизга ўша ер маъқул». «Йўқ, сизлар фалон заводга боришларинг керак. Чунки у заводни шаҳар комсомол комитети оталиққа олган». Ундан кўра, шаҳар кўчаларидаги кичкина-кичкина газ-сув дўкончалари торлик қиладиган комсомолларни юборсаларинг бўлмайдимми!» «Сиз бизга ақл ўргатманг, яхши йигит! Нима қилиш кераклигини ўзимиз яхши биламиз». Шундай ҳангома бўлган эди ўшанда. Кейинги йиллардаги биринчи курслар билан ҳам ўшанда «суҳбатлар» уюштириляптими, йўқми — билмадим. «Коммунистик ёшлар Союзи ҳар бир ишда ўз ёрдамни кўрсатадиган, ўз ташаббуси ва фаолиятини кўрсатадиган зарбдор группа бўлмоғи керак. Союз шундай бўлмоғи керакки, ҳар бир ишчи бу союздаги кишиларнинг таълимотига, башарти тушунмаса ҳам, ушбу таълимотга бирданига ишонмаса ҳам, лекин уларнинг жонли ишида, уларнинг фаолиятида бу кишиларнинг ҳақиқатан ҳам ўзига тўғри йўл кўрсатадиган кишилар эканлигини кўрсин» [Ленин].



— Кечирасиз, ҳеч бўлмаса қайси факультетда ўқийшингизни айтарсиз-а!

— Тарих. Лекин мен ўтмишни замбаракдан ўққа тутадиган тўпчи эмас, «кинсоният яратган барча бойликларни билиб, ўз онгини бойитган» ҳақиқий тарихчи бўламан.

— Ниятингиз йўлдош бўлсин!

Демак, Сфинкс қаршисида Цезарь ҳам ожизу нотавон. Унга мадад кучи керак! Жуда катта мадад... Фараз қилинганки, Цезарь ҳунар-техника билим юртидан мадад сўрапти...

— Йўл бўлсин, йигит!

— Сафаримиз қариди...

Тошкент шаҳридаги 214-ҳунар-техника билим юрти асосан Тошкент шаҳрида жойлашган саноат корхоналарини, жумладан, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини юқори малакали ишчилар билан таъминлашга ихтисослашган. Масалан, бу йил эллик етти нафар дипломли кадр «Ўзбексельмаш»га ишга келди. Орадан икки ойлар чамаси вақт ўтгач эса [1984 йил, 5 сентябрь кuni]... ишлаб чиқаришни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган 214-билим юрти битирувчиларининг масаласи Киров район партия комитетида муҳокама қилинди. Йигирма уч йигит-қиз дом-дараксиз «йўқолибди». Қаёққа кетди! Нима учун!.. Эҳтимол, аввалги йиллар ана шундай кўнгилсиз ҳол рўй бермагандир!

Мана, «Ўзбексельмаш» заводининг кадрлар бўлиmidан олинган жавобнинг қисқача мазмуни: «1983 йилда 214-ни битириб заводимизга ишга келганларнинг тўрттасигина, 1982 йилги битирувчилардан фақат битта йигит ишляпти, холос. Ундан олдинги йилда битирганлардан эса ҳеч ким қолмади. «Қаёққа кетди», дейсизми!.. Бу йил келганларнинг қаёққа кетгани номаълум. Қуён бўлишди, вассалом. Ишдан бўшатишимизни сўраб, ариза-париза ёзиш ҳам — насия. Ҳатто «меҳнат дафтарча»ларини-да бизга эсдаликка қолдириб кетишди!.. Бир кун қарабсизки, цех бошлиқларидан биринкетини ёзма рапортлар кела бошлайди: «214-ҳунар-техника билим юртининг битирувчиси, токарь Н. А. Мирзаевани ишдан бўшатишимизни сўрайман. Чунки мазкур ўртоқ йигирма кундан буён ҳеч қандай сабабсиз ишга чиқмапти». Шундан кейин бизнинг қўлимизда «юқори малакали ишчи» ўринга бир парча қоғоз қолади, холос. Албатта, баъзи битирувчилар заводдан узрли сабабларга кўра кетади. Масалан, ҳарбий хизматга чақирилади. Ҳарбийдан сўнг қишлоқга бориб, тирикчилик измини тутати-да, дипломини сандиққа ташлаб қўяди. Бизни тўғри тушунишингиз учун қуйидаги рақамга диққатингизни тортаман. Битта юқори малакали ишчи тайёрлаш давлатга салкам икки минг сўмга тушади. Ик-ки минг сўм-а! Тасаввур қилиясизми!.. Бухгалтерия тилига яхши тушунмасангиз, бу рақамларни «жонлантириб» беришимиз мумкин. Мана, эшитинг: бир кило бугдойнинг давлат нархи ўн олти тийин туради. Икки минг сўмга эса 12,5 тонна бугдой сотиб олиш мумкин. Энди ўзингиз чамалаб кўринг: битта муттаҳам пайдо бўлсаю давлат омборидан йигирма уч маротаба 12,5 тоннадан бугдой ўйирлаб чиққунча ҳам, ундан кейин ҳам Киров миқ этмаса! Бу — 287,5 тонна бугдой талон-тарож қилинди деган сўз, ахир! Энг ачинарлиси шундаки, шу бугдой осмонга учдимиз, сувда оқиб кетдимиз — ҳеч ким билмаса ёки билиб, ўзини билмаганга солиб тураверса!.. Сўроқлайдиган одам йўқ экан, деб давлат маблағини шамолга совуравериш ярамайди-ку! Ахир, биз ўзимизни ўзимиз бошқаришни, идора қилишни ўрганишимиз керак. Бизнинг жамиятимиз мана шу жуда содда принцип асосига қурилган. Бу — коммунизм принципи. Яъни, виждони бўлган ҳар қандай одам тушуниши мумкин бўлган принцип. Биз шаҳар ҳунар-техника билим юртига қишлоқдан келган ёшлар қабул қилинамиз керак, деган фикрдан йироқмиз. Фақат, келажакда жамиятимизга айнан муайян соҳада фойдаси тегадиган йигит-қизларингизга билим юртига қабул қилинишини истаймиз, холос».

Нега бундай бўляпти!

214-ҳунар-техника билим юрти директорининг ўринбосари С. Сайфиддинов:

— ...Ҳар қандай ота-она қизини кўёвга узатгач, қудасининг уйда бўладиган майда-чуйда гапларга аралашавермаслиги лозим. Нима бўлса ўзлари ҳал қилсин-да! Шунга ўхшаб, биз ҳам ўқувчиларнинг қўлига диплом бердикми — бас, боши-

миздан оширдик ҳисоб. Ёшлар заводдан кетиб қолаётган экан, бунга заводдагиларнинг ўзлари айбдор. Негаки, ўз вақтида коржом билан таъминлашмайди, маошларини ўз вақтида беришмайди...

Хонага муаллима мўралади.

— Кечирасиз, бир минутга мумкинми!

— Кириг-чи

— ...Характеристика сўраб келишибди.

— Ким!

— Ота-онаси.

— Ҳа-а, кейинроқ кириг. Бандман.

— Домла, хижолат бўлмай, бафуржа гаплашаверинглар, мен халақит бермайман. Агар қизиқроқ гап бўлса, мақоламга «деталь» сифатида киритиб юбораман.

Директор ўринбосари ҳайрон бўлди. Муаллима елка қисди.

— Ростдан айтяпман, опа, тортинмай гапираверинг.

— Шунчаки, характеристика сўрашяпти.

— Қаерга!

Муаллима «айтаверайми» дегандек, С. Сайфиддиновга қаради. У индамагач:

— Битта ўқувчимиз милиция терговига эди... Танишларининг енгил машинасини эгасидан сўраб, миниб кўраётиб, симёғочга уриб олибди. Озгина кайфи бор экан, шекилли... — деди.

— Бўпти. Ёзиб берамиз, қандай бўлса — шундай, объектив, — деди ўринбосар. Сўнг: — Соат ўн иккига ўқитувчиларни мажлисга чақириб қўйган эдим. Пахта масаласида. Яна йигирмата ўқувчи юборишимиз керак. Ҳаммаси дўхтирдан справка келтириб берган. Жуда бошим қотиб қолди... — дея узр сўраб хонадан чиқди.

«Танаффус».

Столда 1984—85 ўқув йилида билим юртига қабул қилинган ўқувчилар рўйхати турибди. Бир-бир варақлаймиз: Киров районидан 162та ўқувчи қабул қилинган. Лекин 92 таси ўқишга келмаган.

Собир Раҳимов райони — 44 тадан тенг ярми минус.

Октябрь райони — 28 тадан ўн еттита минус.

Чилонзор райони — 11 тадан саккизта минус.

Куйбишев райони — 11 тадан олтита минус.

Ҳамза райони — 5 тадан учта минус.

Рўйхатдаги «минуслар» рўпарасидаги изоҳлар ҳам хилма-хил эди: «Турмушга чиққан», «Тошкентдан кўчиб кетибди», «Уйига бордик...», «Ҳужжатларини қайтариб олди», «Ҳужжатларини қайтариб беришимизни талаб қилипти», «Отаси билан ишляпти»...

Билим юрти коридори ёп-ёруғ, кенг-мўл. Деворларига «Ўзбекистон ССРнинг жиноят кодекси»дан 94-, 114-, 115-, 116-каби моддалар яъни, «Тубандаги жиноятларга қўл урган шахслар уч йилдан беш йилгача, саккиз йилдан ўн беш йилгача... то ўлим жазосигача ҳукм қилинадилар» мазмунидаги сўзлар катта-катта плакатларга кўчирилиб, осиб қўйилган. Бу «кўргазмалар қурол»га кўзи тушган одамнинг тиззалари қалтираб кетади. Беихтиёр, бу плакатлар билан ёшлар таълим олаётган даргоҳни «безаш» шартмикан, деб ўйлайсан киши. Булар ҳам «ёшлар психологияси»га салбий таъсир кўрсатмайдими! Ахир, жамиятшунослик дарсида «жиноят кодекси»га етарлича соат ажратиш мумкин-ку!

«Пахта масаласи»га бағишланган мажлис тугаб, коридор бошида директор ўринбосари кўринди. Хонага кирдик.

— Гапимиз қаерда тўхтаган эди!

— Мен ўқувчиларнинг рўйхати билан танишиб чиқдим. Давомадининг мазаси йўққа ўхшайди. Ёки...

— «Минус»ларни назарда тутаясизми!... Бўш ўринларни ўз кучимиз билан тўлдириб қўйганмиз.

— Қандай қилиб!

— Қашқадарё, Фарғона водийси томонлардан ўқувчилар йиғиб келганмиз.

— Янглишмасам, фақат Тошкент шаҳрида яшовчилар қабул қилинади, шекилли!

— Илоҳи бўлмагач, нима қиламиз — билим юртини ёпиб қўйиш керакми!

— Бунинг учун Ҳунар-техника таълими давлат комитети сизларга раҳмат айтмас...

— Уларга барибир, плани бажарсак бўлди.  
 — «Ўзбексельмаш»-чи!  
 — Уларга... планда кўрсатилган юқори малакали ишчиларни ўз вақтида етказиб берамиз.  
 — Кўпчилик ёшлар ишламай, кетиб қолишяпти-ку!  
 — Бу саволингизга суҳбатимизнинг бошидаёқ жавоб берганман.  
 — Уша жавобингиз — жавобми!  
 — Бўлмасам-чи!  
 — Дайтинг-чи, нима учун сизларга ҳужжат топширган йигит-қизларнинг аксарияти ҳужжатларини қайтариб олади.  
 — Чунки уларнинг кўпчилиги билим юртига «қабул» қилинганидан ҳужжатлари расмийлашгач хабар топади.  
 — Ота-оналар ўз фарзандларининг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмай иш қиладими!  
 — Аксинча, кўпича мактаб маъмурияти на ота-оналарнинг, на ўқувчиларнинг истаги билан ҳисоблашмай, ҳужжатларни бизга келтириб топширади.  
 — Сабаб нима! Батафсилроқ гапириб бера олмайсизми!  
 — Энг аввало, республика Ҳунар-техника таълими давлат комитетида бизга: «Бу йил шунча миқдорда ўқувчи қабул қиласан», дейилади. Яъни, план берилади. Айни чоғда горУНОга ҳам «Фалон билим юртига фалонча ўқувчи етказиб берилсин!» мазмунида кўрсатма бўлади. ГорУНО райОНОларга, райОНОлар эса мактабларга топшириқ беради. Мактабдаги масъул ўртоқ топшириқда кўрсатилган ўқувчининг ҳужжатларини бизга келтириб беради. Сўнгра, мактаблар райОНОга, райОНОлар горУНОга, горУНО эса юқорига рапорт бериб юборади. Қарабсизки, олам гулистон. Ҳамма иш хамирдан қил суғургандек битади-кўяди. Биринчи сентябрда эса, қоғозларда қайд қилинган ўқувчилар ўрнига, ўзимиз чекка областлардан йиғиб келган йигит-қизлар ўқиб бошлайдилар. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Фақат харидорлар, яъни завод...  
 — Қоғозбозлик бўлар экан-да!  
 — ...

Ҳурматли ўқувчи, ижозатингиз билан ҳамсуҳбатимизга ўйлаш учун, фикрини жамлаб олиши учун озгина муҳлат берсак-да, шоир дўстимизнинг бир шеърини эслайлик:

«Қоғоз!  
 Қоғоз!  
 Ҳаммаси қоғоз!  
 Мана бу одамнинг юзи — газета!  
 Мана бу сулувнинг чеҳраси — журнал.  
 Мана бу кўзойнак олтмиш йил яшаб  
 Ўн жилд қоғоз ёзди!  
 Эҳ, носоз ёзди!  
 Бу гуноҳи учун уни бир кун  
 Муқаддас Сўз ҳаққи,  
 Ҳақиқат ҳаққи,  
 Абдулла Қаҳҳорнинг руҳи уради.  
 ...Эълолар қуршовга олар дунёни.  
 Дунёда қоғозлар бўрони!  
 Сиз уйқудан уйғонмай,  
 тонгда  
 Эшикларин қоқади қоғоз.  
 Планлар инграйди қоғозлар аро.  
 Нутқлар — қоғоздир. Ютуқлар — қоғоз!  
 Архивлар — чап босган,  
 тахланган асрлар —  
 Қоғоз қасрлар!  
 Қайлардадир шовуллайди яшил ўрмонлар —  
 Бўлажак қиссалар, рўмонлар!  
 Сизин  
 [Умрингизда гуллар ўрнига  
 Пуллар очилади —  
 Наслингиз қоғоз!]  
 Қандай қайтарайин одамийликка!  
 Мен нима қилайин —  
 Аслингиз қоғоз!»

«Ишга тор маҳкамачилик назари билан ёндашиш, халқ маорифига раҳбарликдаги расмиятчилик ва бюрократизм кўринишлари қатъиян тугатилсин, иш услуби такомиллаштирилсин. Мактаб фаолиятининг барча ҳаётини масалаларини ҳал этишда кўпроқ ташаббускорлик, қатъият ва ишчанлик кўрсатилсин».

[КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1984 й.) пленумининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ҳақидаги қароридан]

Суҳбатимиз давом этади.

— ...Шароитимиз оғир, бизга деярли мактабда «қора рўйхат»дан ўрин олган ўқувчилар келади.

— Кечирасиз, янглишмасам, ўзларинг йиғиб келасизлар, шекилли!

— Ҳа, ўзимиз олиб келамиз. Чунки мактабда яхши ўқиган болаларнинг ҳаммаси олий ўқув юртига боради-да!.. [Ҳурматли журналхон, сиздан илтимос, «Нима учун!» деган савол устида ўйлаб кўрсангиз!]

— КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1984 й.) пленумида «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ҳақида қарор қабул қилинган эди. Билим юртида ана шу пленум қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун яқин йилларда қандай амалий ишлар қилиниши режалаштирилган!

— Ўқувчилар сонини икки ҳисса ошириш кўзда тутилган... Биз ҳамсуҳбатимизнинг сифат ўзгариши ҳақидаги фикрини билмоқчи эдик. Таассуфки...

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 214-ҳунар-техника билим юртидан норози. Бу — факт. Лекин... Қисқаси, гап бундай: билим юртида махсус ойнаванд жавонга солиб қўйилган бир неча «Фахрий ёрлик» бор. Шулардан биттаси «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан берилган. Мана ўша рангдор қоғоздаги битик: «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 214-ҳунар-техника билим юрти коллективига корхонамизини юқори малакали ишчи кадрлар билан таъминлашдаги улкан хизматлари учун ташаккур эълон қилади» [Юмалоқ муҳр. Масъул ўртоқларнинг имзолари]. Бун қандай тушуниш мумкин — шунчаки пай-ровми ёки одатдаги қоғозбозлик! Афсуски, кейингиси ҳақиқатга яқинроқ. Ибботми! Марҳамат: бирлашма маъмурияти билим юрти устахонасини жиҳозлаш, ўқув биноларини ремонт қилиш учун зарур бўлган моддий ёрдамини ўз вақтида бермаган. Ўрнига, юпатадиган қоғоз билан сийлаган, дея фарз қилсак лоф бўлмас. Шу ўринда битта ҳақли савол тугилиши мумкин: хўш, билим юртида жиддий сифат ўзгариши бўладими!.. Ахир, ишчиларга уй-жой қўриш учун ажратилган маблағ билим юртининг ремонтига сарфланса-ю, ҳунар ўрганган кадрлардан эса, ҳеч қандай наф бўлмас! Бундан кейин ўз-ўзидан совуққонлик рўй беравермайдими!

Республикаимиз ишчи кучи ресурсларига ниҳоятда бой. Фақат, уларни йўналтира билишимиз зарур. Бизнингча, бу улкан ишнинг дастлабки босқичи сифатида ўқувчиларнинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда махсус гуруҳларга ажратиб ўқитиш тажрибасини синаб кўриш лозим, шекилли. Айтайлик, саккизинчи синфни тугатаётган ўқувчининг қизиқиш доираси, бирон бир ҳунарга [илмга] нисбатан лаёқати асосан шаклланиб қолади. Энди уни тўққизинчи синфдан бошлаб лаёқатга қараб ташкил қилинган синфларда ўқитиш лозим. Бошқача айтсак, келажакда юқори малакали чилангар бўлишга иқтидориню потенциал имконияти мавжуд йигитга «мафойлун, мафойлун, фойлун»нинг қизиғи кам. Ёки фанлардан шу пайтгача айтарли ўзлаштира олмаган ўқувчиларга ўнинчи синфга бориб ҳам «икки қарра икки — тўрт»ни ёдламагани учун «2» баҳо қўйишининг таълимий аҳамияти йўқ, яхшиси, уни бирон бир ҳунарга ўқитган [мактабларни ҳам шунга ихтисослаштира бўлади] маъқул. Бу деганимиз, тўққизинчи, ўнинчи синфларда мажбурий таълимни бекор қилиш керак, деганимиз эмас. Аксинча, асосий ургунни ўқувчининг табиий лаёқатига бериш керак, демоқчимиз, холос. Ўз-ўзидан равшанки, қанчадан-қанча соатлар «иктисод қилиб» қолинади. Ўша соатларни, масалан, айни дамда кадрлар тақчил бўлиб турган соҳага яқинроқ келадиган амалий машғулотларга сарфлаш мақсадга мувофиқ эмасми! Уйлаймизки, шеър ёки монологни, олимона ўйлаб топилган, чалкаш теорема ёки қондаларни мажбурлаб ёдлатишдан — эски мактаблардан мерос бўлиб қолган қуруқ ёдлатишдан кўра, ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш, уларда амалий фаолиятга кўникма ҳосил қилиш фойдалироқ бўлар; ўшанда қандай бўлмасин институт дипломига эга бўлиш илинжида минг тусдаги ҳийла-найранглар ўйлаб топадиган ёки ўнтағидаги диплом билан музқаймоқ, газ-сув, пиво сотиб қўирадиган лоқайд кимсалар — тўқликка шўхлик қилиб, ёшлар эътиқодига раҳна солувчи кимсалар ўн марта камаймаса-да, ҳар ҳолда икки ҳисса камроқ бўлар эди. Тўғри, икки — кичкина рақам. Лекин, Ватанимиз иқтисодий қудратининг, халқимиз моддий бойлигининг икки баробар ортishi жуда катта гап.

«Мен шуни айтишим керакки, Ёшлар союзи ва умуман коммунизмга ўтишни истаган барча ёшлар коммунизмни ўрганишлари керак, бу — биричи ва энг табиий бир жавобдир. Бироқ, «коммунизмни ўрганиш керак» деган бу сўз жуда умумий бир жавоб. Коммунизмни ўрганиш учун биз нималар қилмоғимиз керак! Коммунизм билимини олиш учун умумий билимларнинг ҳаммасидан нималарни ажратиб олмоғимиз керак! Бунда биз учун бир қанча хавф бор, агар коммунизмни ўрганиш вазифаси нотўғри қўйилса ёки бу вазифа жуда бир ёқлама тушунилса, у вақтда бу хавфлар ҳар қадамда пайдо бўлаверади.

...Ишламай, курашмай, коммунизмни коммунистик брошюра ва асарлардан китобда ёзилганича ўрганишдан ҳеч қандай фойда йўқ, чунки бу назария билан практика ўртасидаги эски узилишни, эски буржуа жамиятининг энг разил хусусияти бўлган эски узилишни давом эттириш бўлар эди, холос». [В. И. Ленин. Коммунистик ёшлар союзининг Бутунроссия III съездида сўзланган нутқ.]

Демак, жамиятимизга муносиб кишиларни тарбиялашдек муқаддас ишда «назария билан практика ўртасидаги эски узилишни» такрорлаш, «ўқиган — ўзар, ўқимаган — тўзар» дея боланинг пешонасига чертиш кони зиён! Бундай «тарбия» ёшлар онгида нотўғри тушунча уйғотиб қўяди. Бунинг ўрнига, ота-оналар, мактаб муаллимлари, умуман, кенг жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб, ўсиб келаётган ёш авлоддаги яширин қобилиятни юзага чиқариш ва уни асосий ўзанга буриб юбориш керак. Имкони борича тезроқ ва оқилона буриб юбориш керак.

Бизнингча, саноат корхоналарининг ишчи кучига бўлган эҳтиёжини «тасодифий» одамлар ҳисобига қондириб бўлмайди. Балки ҳунар-техника билим юртлари тайёрлаб берадиган кадрлар сифати яхшилангандагина ижобий натижаларга эришиш мумкин. Зотан, замонавий техника билан жиҳозланган завод-фабрикада ишлаш учун ҳам юқори малакага эга бўлган кадр талаб қилинади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида алоҳида таъкидланганидек: «Ишлаб чиқариш қувватларидан ёмон фойдаланилаётганини кўпинча ишчи кучининг етишмаслиги билан изоҳлашга уринмоқдалар, ҳолбуки, ресурслардан янада тўла-тўқис фойдаланиш, тубжой аҳолини ижтимоий ишлаб чиқариш ва аввало индустрия соҳасига кенг жалб этиш муҳим иқтисодий ва социал

вазифадир». Шунинг учун «ишга тор маҳкамачилик назари билан» эмас, балки халқ ҳўжалигимизнинг янада ривожланишига омил бўладиган томонларни кўзлаб ёндашиш керак. Шаҳар ҳунар-техника билим юртларига қишлоқ ёшларини «планини қоплаш» учунгина йиғиб келиш ўрнига, қишлоқ мактаби муаллимларининг «қора рўйхати»дан жой олмаган, «ишчи ҳазрати олийлари» деган юксак номга муносиб ёшларни жалб этиш йўлларини қидириш зарур.

Бундан ташқари, биз ҳўрматли тенгдошларимизга, эртаиндин ўрта мактабни битирадиган йигит-қизларга, қолаверса, ёшлар тақдирига муайян даражада дахлдор бўлган масъул ўртоқларга: «Нега ўрта мактабни битирган кўпчилик ёшлар зўр бериб олий ўқув юртига киришга, уни амал-тақал қилиб битиришга интилади!.. Ҳунар-техника билим юртлари фаолиятини яхшилаш учун қандай тадбирларнинг амалга оширилишини таклиф қиласиз! Сизларни нималар қониқтирмапти: ўқитиш методими ёки бошқа ташкилий масалаларми! Ва умуман, сизнинг ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз қанақа!.. Юқорида баён қилинган мулоҳазалар ҳақида сиз нима дейсиз!» каби саволлар билан мурожаат қилишни истардик.

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг сўнгги армони ҳам рўёбга чиқсаю Цезарь ҳаётга қайтиб, ҳунар-техника билим юрти талабаларининг гурас-гурас бўлиб заводга кетаётганларини кўрса... ёқасини ушлармиди!.. Албатта. Ишончимиз қониқки, энди у тахминан мана бундай нома битарди: «Келдим. Кўрдим. Қойил қолдим! Ҳақиқий баҳодирлар бор экан: ажабким, икки минг йил давомида менинг измимдан чиқмаган аҳмоқона тарих тархи янгитдан, оқилона тузилмоқда! Мен энгилдим. Қурол-аслаҳаларни қуюв цехига топшираман. Узим эса, ижозат берсаларингиз ҳунар-техника билим юртига кириб ўқисам...» Эҳтимол, Цезарь ўта такаббур бўлгандир, шундай хат ёзиш етти уҳлаб тушига ҳам кирмас. Лекин биз унинг ҳунар-техника билим юртида таълим олишини, бунёдкорлик ишига сафарбар бўлишини жуда-жуда истардик. Вайрон қилиш осон, лекин яратиш мушкул, ахир!

- Йўл бўлсин, йигит!
- Бизга ҳам чопон тегди, кийгани кетяпман.
- Қанақа чопон экан!
- Коржомо-да!
- Мартабангиз яна ҳам улуғ бўлсин, йигит!

**РЕДАКЦИЯДАН:** Азиз журналхон, мана, ёш ёзувчининг ишчи ворислари тақдири ҳақидаги баъзи ўй-мулоҳазалари билан танишдингиз. Уйлаймизки, бу фикрлар сизни ҳам лоқайд қолдирмас керак — баъзи мулоҳазалар маъқул бўлар, эҳтимол, мақоланинг айрим ўринлари сизда эътироз уйғотар. Шундай бўлиши табиий. Чунки бу мақола шу хусусдаги узил-кесил ҳукм эмас, балки ёш адибнинг муайян факт атрофидаги кузатишлари, бадий мушоҳадаларидир. Мазкур мақолани эълон қилишдан бизнинг ҳам кўзлаган мақсадимиз шу — журналхонларни жонли, қизғин мунозарара тортишдир.

Умри дастгоҳ олдида ўтган мўътабар ишчи отахон ва онахонлар, сиз бунга нима дейсиз! Тақдирини ўз қўли билан яратишга киришган қадрли тенгдошлар, сизнинг бу ҳақда фикрингиз қандай! Ҳўрматли мутасадди ташкилот раҳбарлари, сизларнинг фикрингиз-чи! Зеро, мазкур соҳа муаммолари, ўйлаймизки, кўп жиҳатдан сизларга аёироқдир.

Жавобларингизни кутамиз, азиз журналхонлар!





Шарифа Шарипова

# Ардоқли адиб

Темиркул Уметалиев таржима қилган парчалар эса 1948 йилдаёқ «Қизил Қирғизистон» газетасининг 12—15 май сонларида эълон қилинди. Мазкур асарларнинг қирғиз тилига тиржима қилиниши тасодифий ҳол эмас. Чунки Ойбек асарларида Урта Осиё халқлари онгининг уйғониши ёрқин акс эттириб берилган...

Меҳнаткашлар оmmasига зўр муҳаббат, унинг юксак фазилатларини улуғлаш руҳи, пролетар гуманизми ва халқлар дўстлиги ғояси билан суғорилган «Қутлуғ қон» романи қирғиз адабиётида ҳам мана шу мавзудаги асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди, ҳатто айтиш мумкинки, замин тайёрлади. Қирғизистон халқ ёзувчиси Аали оға Тўқомбоев ҳам: «...Ҳеч муболағасиз айтишим керакки, менинг «Қонли йиллар» номли шеърый романимнинг яратилишида Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романининг таъсири сезиларли бўлган», деб эътироф этган ва китобининг биринчи нусхасини Ойбекка соғва қилганди. Бир пайтлар устоз Ойбек завқланиб мутолаа қилган бу китоб ҳозир Ойбек уй-музейида авайлаб сақланмоқда. Китобнинг илк саҳифасида Аали оға Тўқомбоев ёзган куйидаги дастхат аниқ кўришиб туради: «Қандаш, суулаш, қоломдаш достум Айбекка автор Аалыдан — 16/VII—40».

Бундан кўринадики, Ойбек асарлари, ҳали қирғиз тилига таржима этилмасиданоқ, бу халқ вакиллари орасида маълум ва машҳур бўлган.

Қирғизистон партия ва ҳукумати раҳбарлари номидан 1948 йили юборилган «Ҳукумат телеграммаси» ҳам фикримизни тасдиқлайди. «...Сизнинг ажойиб тарихий романингиз «Навой»га юксак баҳо — Давлат мукофоти берилганлиги билан ғурурланамиз ва севинчларимизни изҳор этамиз. Уйлаймизки, Сизнинг келгусидаги ижодий режаларингизнинг амалга ошуви Сизга, қолаверса, бутун ўзбек адабиётига янги зафарлар бахш этгусидир...»

Шоирнинг шахсий архивида Қирғизистон Ёзувчилар союзи правлениесининг ҳам шу мазмундаги телеграммаси, шунингдек, А. Тўқомбоев, К. Жонтошев, Т. Сидиқбеков каби атоқли қирғиз адибларининг Ойбек таваллудининг эллик, олтмиш йиллик юбилейлари муносабати билан юборган табрик телеграммалари ҳам сақланмоқда. Уларнинг ҳар бирида устоз Ойбекка нисбатан самимий ҳурмат ва эҳтиром нафаси сезилиб турибди.

Бу ҳурмат, бу эҳтиром телеграммалардан бирида куйидагича ифодаланган: «...Қирғиз халқи Сизнинг асарларингизни зўр қизиқиш билан ўқийди, қардош Ўзбекистоннинг улкан сўз санъаткори бўлган Сиз билан фахрланади».

Қирғизистон ССР, Ўш областининг Ленин районидаги Алишер Навоий номли ўрта мактабнинг солиқ ўқувчиси Арофатхон Мамасолиева эса Ойбек таваллудининг олтмиш йиллиги муносабати билан 1965 йилнинг 5 февралда юборган табрикномасига кичик шеърый парчани ҳам илова қилиб, ҳурматини куйидагича изҳор этади:

«Авалло Сизга йўллайин салом,  
Ҳурматли ва меҳрибон устоз!  
Фахрла олиб қўлимга қалам,  
Сизга атаб қанча ёзсам оз...»


Устоз Ойбекка бўлган бу ҳурмат-эҳтиромнинг боиси аниқ. Қирғизистон халқ ёзувчиси Аали оға Тўқомбоев сўзлари билан айтганда: «...Фақат ўзбек маданияти, ўзбек совет адабиёти эмас, балки бутун совет адабиёти хазинасининг бебаҳо дурдоналар билан бойишига салмоқли ҳисса қўшган бу буюк зот айни чоғда руснинг ҳам, украиннинг ҳам, қозоқ ва тожикнинг ҳам, туркман ва грузиннинг ҳам, ўзбек ва қирғизнинг ҳам ўлмас фарзанди ва севимли ёзувчидир.»

**М**усо Тошмуҳаммедов Ойбек том маънода олмос истеъдод соҳиби эди. Ўзбек совет адабиётида, аввало, проза жанрининг янада юксалишига катта ҳисса қўшган бу улуғ зотнинг таланти серқирра бўлганлиги учун ҳам, уни ҳақли равишда «адабиётимизнинг устунларидан бири», деймиз.

Чинакам талант эгаси фақат бир халқ эмас, балки қардош халқлар адабиётининг ҳам ривожланишига таъсир қилиши шубҳасиз. Шу маънода, севимли адибимиз Ойбекнинг қардош қирғиз адабиётига кўрсатган таъсирини алоҳида таъкидлаш ўринли. Зеро, қирғиз ўқувчилари ҳам Ойбекни ўз адибларидек чуқур ҳурмат қиладилар, унинг асарларини севиб ўқийдилар.

Қирғизистон халқ шоири Қувончбек Маликов «Дўстлик гуллари» номли мақоласида «ўзбек совет адабиётининг классикларидан бири бўлган Ойбек — бизнинг ҳам ардоқли адибимиз», — деб ёзгани бежиз эмас.

Маълумки, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романининг А. Жалолов таржима қилган нусхаси 1959 йили Фрунзеда нашр қилинган эди. Қарғизларнинг таниқли шоири Суюнбой Эралиев эса, Ойбекнинг «Болалик» повестини ва бир қанча шеърларини таржима қилган. «Навой» романидан Қирғизистон халқ шоири



Ойбек

## Қайтадан яратиш санъати

Аксар юксак бадий асарларнинг негизда халқ ижоди ётади. Чунки, халқ ижодида чуқур фикрлар, катта ижтимоий-фалсафий проблемалар акс этган бўлади.

...

Бадий асарнинг руҳи асосан қахрамон образидадир. Асарнинг ғоявий шоирона мумтозлиги образларнинг бадий тўлғинлиги билан ўлчанади.

...

Воқеалар тасвири лириканинг зарурий ўнсори эмас. Лирика кўпинча шоир фикрларини, туйғуларини ва орзулари, кайфиятларини куйлайди. Воқеалар тасвир этилса-да, мақсад маълум бир ҳаяжон уйғотиш учун восита излашгина бўлиб қолади. Лирикада воқеалар ривоядаги характерда эмасдир... Гап шундаки, ривояда воқеалар, ҳодисалар ва уларнинг очилиши, инкишофи биринчи ўринда туради, лирикада, шеърда эса субъектнинг воқеага муносабати, яъни тасвир қилинаётган турмуш воқеаларини кечинишни, ҳис этиш катта роль ўйнайди.

...

Кўп кишилар лирикани фақат туйғу, ҳисдан иборат, деб ўйлайдилар. Бу тамоман нотўғри, идеалистча қарашдир. Чунки улар фикр ила туйғуни механик айлриб кўядилар. Ҳақиқатда, фикрий мазмун ила боғланмаган «муस्ताқил» туйғу, ҳис йўқдир.

...

Инқилобий, ташвиқий шеърларда фикр ва туйғулар, воқеалар автоматик тарзда берилмаса, босма қолип (шаблон) жумлалардан тузилган бўлмаса, куруқ риторикадан озод бўлса, бу инқилобий-ташвиқий шеърлар ҳам лирика асари аталади.

...

Ҳар бир танқидчи, санъат, адабиёт тўғрисида Маркс-Ленин концепциясига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда нафис асарлар ва уларнинг яратувчиларига берилган баҳолар ҳар қандай илмий асосдан маҳрум бўлиб қолади. Бизда эса танқидчилар шоирларни ё сўкиш, уриб парчалаш ёки уларга мадҳиялар тўқиш билан қаноатланадилар... Танқидчи асарларни конкрет анализ қилиш натижасида ўз ҳукмларини чиқариши керак.

...

Асарнинг шохобчаларини эмас, новдаларини эмас, балки туб идеяни, новдаларини тутиб турган она ёғочни, илдизни салмоқлаб кўриш керак... Ҳар ҳолда «қисм»ни кўриб, «бутун»ни унутмайлик.

...

Энг учиди бигиз ташиган танқидчининг ғолибона қарашлари нақадар пуч...

Ифода сиққлиги шеърда муҳим масалалардандир. Жонли сиққ тил учун, объектни бир чизги билан кўрсата олажак, конкрет образлар ишлаб чиқиш учун тиришув керак. Узбек поэзиясида сиққлик эмас, ёйилмалик ҳукм суради. Бир қанча йўл — сатр билан ифода қилина билажак фикрга саҳифалар бағишланади. Шоирларимизнинг кўплари ҳали содда, ихчам, ифодали, таъсирли тил яратиш устида ишламайдилар. Ҳатто, баъзи ёш шоирларнинг тили таъсирчанлиги, соддалиги билан эмас, балки, тамом «ғалча»лик сифати билан айрилади.

• • •

Умуман, бизда бадий формага аҳамият бермайдилар. Ҳатто баъзи танқидчилар бу масалага кўз қирини ҳам ташламайдилар. Улар шоирнинг асарларини бадий формадан ташқари тушунадилар, мазмунни формадан механик суратда айриб олиб, идеология ҳақида умумий гап сотиш билан қаноатланадилар.

• • •

Социалистик реализм одамни, қаҳрамонни ижтимоий практикада, бутун муҳити доирасида, типик воқеаларда, индивидуал чизиқлардан маҳрум қилмасдан, маълум коллектив ва табақани ифода қила биладиган йўсинда кўрсатади. Қаҳрамонларнинг образи конкрет заминда, бутун алоқалари, тамойиллари, синфий характеристикаси билан берилади. Социалистик реализм аввалдан бичиб-тикилиб қўйилган образларга, маълум схемаларга бутунлай қаршидир.

• • •

Ёш шоирларимиз турмуш лавҳасини тўғри чиза олмагандан кейин, уни «гуллар», «садафлар», «ёқутлар» билан безаб, юзи ялтироқ, ичи қалтироқ асарлар яратадилар. Баъзилар нўноқликни, фикр-идея томонидан камбағалликни қалтироқ жумлалар, ўтакетган «қизил сўз»лар билан ёпишга тиришадилар.

• • •

Кишиларнинг шууридаги капиталистик қолдиқларни йўқотиш ва умуман шуур ҳамда психологияни ўзгартиришда бадий адабиётнинг ролини ҳеч ким инкор қила олмас. Бу вазибаларни бажариш учун ёзувчи, шоирлардан Маркс-Ленин таълимотини ўзлаштириш ва умуман катта проблемаларни чуқур англай оларли маданий савия талаб қилинади.

• • •

Ҳажвий асарларда тил ва услуб ҳам махсус кайфиятга эгадир.

• • •

Тарихий бадий асарлар яратиш гуноҳ эмас. Пролетар ёзувчиси, шоири ҳам ўз ижодиётида тарихий даврларга мурожаат қила олади; тарихий даврдаги, мозийдаги ҳаётни кўрсатажак асарлар ёза олади.

• • •

Муҳим тарихий воқеаларни бадий шакллаш, тарихий тараққётни образларда акс эттириш катта аҳамиятга моликдир. Масала тарихга, тарихий воқеалар, ўзгаришларга қандай қараш, қандай ёндашиш, уларни қандай ёритишдадир.

• • •

Тарихий сюжетга молик романдан тарихий ҳақиқатга бадий образлар орқали эришув ва мозий картинасини аслига монанд бериш, асарларга кўмилган ҳаётни бадий қайтадан яратиш, образларда жонли ҳаётни кўрсатиш талаб қилинади.

• • •

Тарихий даврнинг тўғри картинасини чизиш, ҳаёт ҳақиқатини очиш учун ёзувчи тарихий давр проблемаларига синфларнинг кураши нуқтаи назаридан қараши лозим.

• • •

Тавсиф бошқа, образ — характер бошқа. Воқеалар образлардагина конкрет тажассумга, типик чизгиларга эга бўла оладилар

• • •

Ҳар бир эпизод, ҳар бир картина ва детал сюжетнинг таркибий қисмига кириши лозим.



Реалистик бадий асарларда ҳар бир шахс тип даражасига кўтарилиши керак.

• • •

Одам образининг реал бўлиши учун тип индивидуал кайфиятни йўқотмаслиги лозим... Тип маълум бир план ила чизилган схема эмас. Тип биринчи галда ижтимоий характердир. Аини замонда қаҳрамон, тип инсоний сезгилардан, фақат шу одамга хос индивидуал сифатлардан маҳрум бўлмаслиги керак.

• • •

Яхши сюжет яратиш — асарни бадий шакллаш демандир.

• • •

Шоир учун дунёда энг олий нарса — озодлик. Бу халқ учун бахт юлдузи. Озодликсиз халқ учун ҳаётда бахт ва нашъа йўқ...

• • •

Бизнинг ёзувчиларимиз ўз асарларининг бадий формаси устида, сўз устида, тугалланган, мукамал асар яратишда муҳим роль ўйнайдиган «майда-чуйда» тафсилотлар устида жуда кам ишлайдилар. Бизда, ҳақиқий ёзувчи муттасил ишлаши, ўз маҳоратини доимо мукамаллатиши, янги-янги формаларни тинмай излаши кераклигини кўпинча унутадилар.

• • •

Халқ — тарих ижодкоридир. Бу фикр билан баҳс этишга бирон кимса топилмаса керак. Бизда биринчи планда халқ орасидан чиққан инсон фаолияти тасвирланмаган бирорта тарихий роман топилармикин!.. Тарихий романга «халқ орасидан чиққан» зарурий одам керак эмас, балки, ким бўлишидан қатъий назар, у Пётр ёки Федька бўладими — барибир инсоний ҳақиқатга сўянган, орзу ва ҳис-туйғулари мураккаб бўлган инсон керак. Халқ ана шундай чин инсонлардан ташкил топганлиги учун ҳам тарихнинг ижодкоридир.

• • •

Инсон ўз ишини севиши керак, бу ҳар бир касбнинг қонунидир. Бироқ санъат кишиси учун бундай муҳаббатнинг ўзи кифоя қилмайди. У кимдир чиройли қилиб айтганидек, танланган ишининг ўзига кўнгли борлигига ҳам ишониши керак. Бошқача айтганда, у талант ўзига беғараз муҳаббат учун ҳуқуқ беришини чинакамига тушунмоғи даркор. Чунки, яширишининг нима кераги бор, бизнинг машаққатли касбимиз ширин дамлар ҳам бахш этади. Гап ҳатто шухрат деб аталган нарса, яъни номинг минг марталаб тилга олинишида ҳам эмас. Калланганда туғилган, ўзинг тузган ва айтган жумлани қандайин баҳолашларидан қатъий назар, мингларча одам ўқишини кўз ўнгингга келтиришининг бениҳоя нашъалидир. Муаллифликнинг ана шу ширин заҳри бошқа ҳамма нарсадан ҳам тезроқ қонга ўтиб, кўпларни заҳарлайди, баъзиларни эса ўзига ҳушёр муносабатли бўлишдан маҳрум қилиб қўяди. Ҳар бир ёзувчининг китобхонга ҳавола қилган айрим китобларини кўздан кечирганда, бунга ишонч ҳосил қилиш мушкул эмас. Бироқ мен биргина китобхонларни эмас, балки, авторларнинг ўзларини ҳам биламан. Мен мутлақо, ўзларини жуда баланд тутадиган, ёзув столидаги жойларини офтоб тушадиган яхши жой, маънавий ва моддий фойда келтирадиган нарса деб ўйлайдиган кам сонли бебурдларни кўзда тутаяётганим йўқ. Мен адабиётни ва ёзувчиликни дилдан севадиган, унга ўзларини бағишлаган кишиларни гапиряпман. Уларнинг баъзилари изланишга тўлиқ ўнларча йилларни бошларидан кечирганлар, ўзлари ёзган ўнларча китоблари жавонларида турибди. Шундай бўлса ҳам уларнинг адабиётга муносабати Чеховнинг бир қаҳрамони бошига тушган кулфатни — «иккита боласи борлигидан хотинини ноилж севиб юрган» кишининг кулфатини эслатади.

Менинг навқирон дўстларим, адабий ҳаётларини ўйлаётган ёшлар, сизлар бундай қисматдан сақланинг. Бундан аянчлироқ нарса йўқ. Адабиётни қанчалик севишингиздан қатъий назар, ўзингизни бир эмас, минг марта текширинг, қонуний никоҳдан ўтгунча шеригингиз ўзингизни севишига ҳам ишонч ҳосил қилинг.

Чунки бунда севи тўфайлигина никоҳ жоиздир.





Қодиржон Собиров

## Оламда гуллар бор экан...



шлик» журналининг 1984 йил 7-сонида «Токи сен бор экансан дунёда...» сарлавҳали очерким босилганидан сўнг жуда узоқ қишлоқларнинг биридан кўнғироқ қилиб қолишди.

— Очеркингни ўқиб жуда таъсирландим, — деди нотаниш овоз, — биз томонларга бир келсангиз бўларкан. Нурбаҳорни кўриб кетардингиз!

— Ким дедингиз, Гулбаҳорми?

— Йўқ-йўқ, Нурбаҳор. Сиз тасвирлаган нарсга ҳаётнинг бир парчаси бўлса, Нурбаҳорнинг тақдири — иккинчи парчаси... Бир келинг, дунёда шундай муҳаббат ҳам бор...

Кейинги ҳафта ўша қишлоқ томон йўлга чиқдим.

Рости бу жуда ажойиб манзара эди. Катта, кенг ҳовлидан кириб боришингиз билан кўз олдингизда торгина, узун асфальт йўлакча бошланарди. Йўлакчанинг икки томони гул. Оқ гул, қизил гул, сафсар гул, пушти гул... Унда гул, чадда гул, ҳар ён гул... Фақат бош устида кўм-кўк, тип-тиниқ, ложувард осмон. Тик йўлакчанинг юқори томонида, икки гилдиракли аравачада йиғирма тўрт-йиғирма беш ёшлардаги гўзал бир жувон ўтирарди. Аравачани олтишларга бориб қолган, сочлари оппоқ, қадди бироз бўкки киши туртиб борарди. У аравачани аста олға силжитар, аёл эса қўлидаги сув селгич билан гулларга сув қуяр, бу ишдан ўзи завқ топар ва пичирларди: «Дадажон, бунни қаранг, гулларга жон қирипти, ана буниси бир сесканиб тушди. Қаранг, тирилиб кетди улар».

У гуллардан худди ёш бола каби завқланар, оппоқ, озғин юзларида сезилар-сезилмас табассум пайдо бўлар, кўкси узра тушиб турган икки ўрим, тун каби қоп-қора сочлари юзларининг тиниқлигини, беғуборлигини яна ҳам бўрттириб кўрсатарди. Аравачани аста силжитиб юрган киши — аёлнинг дадаси эса дам қизига, дам ҳақиқатан ҳам сув тегиб, жон қира бошлаган оқ, қизил, пушти, сафсар гулларга ўйчан тикиларди. Бир нарсга шубҳасиз эди: токи дунёда мана шу гуллар бор экан, отанинг жигарбанди бир умр қувонч қучоғида. Ота учун эса ўз фарзандининг юзларида табассум кўришдан ортиқ қандай бахт бор!

Ота-бола аста шивирлашиб олдилар.

— Бу меҳмонни танимадим, дада...

— Сенинг бошингдан ўтганларни эшитиб келибди. Нима дейсан, яна бир марта сўйлаб берасанми!

— Майлингиз, дада.

— Аммо бундан не фойда, қизим!

— Билолмадим, дада, бироқ ҳар сафар бошимдан ўтганларни кимгадир сўйлар эканман, анча енгиллашгандай бўламан. Токи бошқалар эшитиб бундан бир сабоқ олса дейман.

— Ундай бўлса, сўйлай қол...

Қуёш шарқдаги тоғларнинг қатор-қатор ўрқачлари устидан

аста кўтарилиб келар, зангори осмон юзида онда-сонда пайдо бўлиб қолган юпқа булутларни қип-қизил рангга бўяган эди.

Нурбаҳор қаёқларгадир узоқ-узоқларга ҳорғин кўзлари билан тикилди. Дарахтларнинг бутоқларида қушлар чўғур-чўғур сайрай бошладилар.

Аёл менга қаради. Гўё мен билан жуда кўп йиллардан бери суҳбатдош бўлиб юрган одам каби, самимий жилмайди.

— Эшитяпсизми, яна шивир-шивир бошланди. Гулларнинг шивир-шивири... Гўё анови гулзорда кўзга кўринмас биров бору, гуллар билан суҳбат қилаётгандай... «Энди сенга нелар айтайин, недан бошлаб, недан қайтайин...» Ешлигимда «Зайнаб ва Омон»ни ёддан билардим. Бошидан то охиригача. Мен ҳам нимадан бошласам экан... Ҳа, майли, қулоқ тутинг.

Биз Зафар акам билан севишиб турмуш қурдик. У киши институтнинг биринчи курсида ўқиётган пайтларидаёқ биз бир-биримизни яхши кўрардик. Бизнинг севгимизга оппоқ-ойдин кечалар шохид бўлди. У киши айтарди: «Мен шундай бахтлиманки, шундай бахтлиманки, Баҳор, ҳатто баъзан кўрқиб кетаман. Мабодо иккимиздан биримиз Австралиядами ёки Африкадами туғилиб қолган бўлганимизда, унда нима қилардик!»

— Шунга айтинг, — дердим мен унинг дағал сочларига бармоқ тегизиб, — мабодо иккимиздан биримиз юз йиллар аввал ёки кейин дунёга келганимизда-чи! Даҳшат-ку бу! Ҳатто ўйлаб кўриш ҳам даҳшат!

— Унда мутлоқ бир-биримизни кўрмай ўтиб кетардик.

— Аммо бахтли бўлармидик бир-биримизсиз...

У кишининг севган тўрт сатр шеъри бўларди. Дамба-дам кўзларимга тикиларди-да, шу шеърни такрорлашни яхши кўрарди.

Кезар бўлсанг боғингда  
Шитирлагум мисли барг.  
Куйиб сенинг доғингда  
Бўлмасайдим жувонмарг...

Ҳали турмуш қурмасимиздан аввал мен кўпинча мана шу боғимизда танҳо кезар бўлсам, Зафар акамнинг ўша шеърини эслар, гулларнинг шивир-шивири эса менга у кишининг дилрози бўлиб туюларди.

Турмуш ҳам қурдик. Турмушимиз ширин ўтарди. Зафар акам қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилар, мен касалхонада ҳамшира бўлиб ишлардим. Лекин турмушимизга раҳна солаётган бир нарсга бор эди, холос. У ҳам бўлса — қайнонам билан муносабатимиз. Мен ўзим етим ўсганим учун қандай қилиб бўлса ҳам у кишига ёқшига ҳаракат қилардим. «Қани энди менга она ўрнида она бўлиб қолсалар...» «Онам билан тил топишиб кетсангиз бўлгани, — дер эди турмуш қурмасимиздан аввал Зафар акам, — биласизми, у кишининг ўзлари танлаганлари бор эди. Лекин мен сизни дедим...»

— «Ҳечқиси йўқ, Зафар ака, — юпатардим мен, — ахир у киши ҳам одам-ку! Юраги бор, қалби бор. Айланиб-ўргулиб, ўзимни яхши кўрсатиб оламан, мана, қараб турасиз ҳали...»

Лекин, афсус, чучварани хом санаган эканман. Турмушимиз бошланди-ю, бутун ҳаракатларим зое кетди. Қайнонам гўё ҳеч ким ва ҳеч қачон ишғол эта олмайдиган мустақкам бир қалъа эди! Ҳатто жилмайишни ҳам эф кўрмасди ўзига. Бир ўкрайиб қарашларидан аъзойи баданимдан тер чиқиб кетарди. Фақат Зафар акамгина иккаламизнинг ўртаимизда кўприк бўлиб турарди. Дам у кишига ён босарди, дам менга.

Роса ярим йилдан сўнг Зафар акамни армияга чақириб қолишди. У ҳали ҳарбийга бормаган эди. «Бутун қишлоқ бизни кузатади, — деди у кетиш олдида, — ана Лайли-Мажнунларнинг аҳволи, дейишади. Нима бўлганда ҳам онам билан тинч яшаб туринглар. Икки йил дўппи бир айлангунча ўтади-кетди...»

— Хўп, — дедим, — қўлимдан келганини қиламан.

Лекин бўлмади. Зафар акам армияга кетдию, бошланди

ғалва-жанжал, бошланди... Утирсам-ўпоқ, турсам сўпоқ... Қайнонам, қайсингилларим ҳар бир қадамимни санайдиган бўлдилар... Бир кун қайнонам шарт қўйди.

— Ишингизни йиғиштиринг, келин бола, биз шунга келишдик. Битта қорнингиз бўлса, тўйиб қолар.

Юрагим остида кичкина бир жоннинг юракчаси тепиб турарди.

— Декрет отпускамга яқин қолди, ая, — деб ялиндим, — унгача ишлайин ҳеч бўлмаса.

— Йўқ, — деган қатъий жавоб эшитдим, — йиғиштирасиз ишингизни. Бола бечора йиғитлик қарзини ўтаб, қаёқларда юрса-ю, сиз бўлсангиз бировларга тишингизнинг оқини кўрсатиб...

— Вой ўлай! — дедим, — ахир қачон, кимга!

— Узингиз яхши биласиз.

Кейин шу нарса ни гапириб беришди: «Тез ёрдам» да қаҳриққа борганимизда мен шофёр йигитнинг ёнида ўтириб олиб, ҳадеб унга илжармишман. Кўрганлар бор эмиш! «Қизик, — дедим ўзимча, — ўлимдан хабарим бор, аммо бу ишдан хабарим йўқ...»

Хуллас, ишдан бўшамдим. Гап декрет отпускасиди ҳам эмасди. Мен уззу кун уйда қайнонамнинг қовоғига қараб ўтиришни ўзимча тасаввур қилолмасдим. Бу ҳаёт эмас, заҳар бўларди мен учун.

— Биз сизга бир айтиб қўйдик, иккинчи бор айтмаймиз, — деди қайнонам маънодор қилиб.

Ҳовлимизнинг ўртасида эски бир кўр қудуқ бўларди. Эшитишимча, қишлоққа водопровод сувни келмай туриб, мен келин бўлиб тушган хонадон ўша қудуқдан сув ичаркан. Аммо йиғирма-ўттиз йиллар бўлибдики, ундан бирон кимса фойдаланмас эмиш. Бир кеча туш кўрибман: Зафар акам айтармиш: «Мени жуда соғинсангиз, боғ ораланг. Гуллар сизга шивирлайди. Бу гуллар эмас, юрагимдаги ҳасратларимни айтиб мен шивирляпман. Мабодо кўзимиз кўзимизга тушишини хоҳласангиз, ой тўлган кунни ҳовлимиз ўртасидаги қудуқ ёнига келинг. Қудуқ тубига боқсангиз, ойнанинг аксини кўрасиз. Мен студентлик йилларимизда сизни жуда соғинар бўлсам, қудуқ ёнига келиб, тубидаги ойга тикилардим. Билмайман нега шундай, аммо руҳим енгиллашарди. Ой баркашининг пастда, қудуқ тубида эринмай чайқалишини кўрсам, сизнинг юзингизни кўргандай бўлардим.»

Шу-шу, ҳар сафар ой ўн тўрт-ўн беш кунлик бўлганда ўша қудуқ тепасига келаман. Қудуқ тубидаги сув юзиди ойнанинг олтин баркаши кўринади. «Салом, Зафар ака, — дейман ўзимча, — мана, мен келдим. Сизни жуда-жуда соғиниб келдим. Худди сизни кўргандай бўлдим. Тезроқ қайтинг, сизсиз бу ҳаёт менинг учун ҳаёт эмас...»

Тўрт ой-беш ой бўлдики, мана шу аҳвол. Ой тўлишини орзиқиб кутаман. Чунки у фақат тўлишгандагина, ўн тўрт-ўн беш кунлик бўлгандагина қудуқ устига келади.

...Ўша май оқшоми ҳам тун ярмида қудуқ ёнида ўтирардим. Ҳовлида қайнонамдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Мен юрагим остида кичкина бир жоннинг юракчаси тепиб турганлигини сезар, ўзимча ўй сурадим: «Мана, Зафар ака, келишингизга совға бўлади бу. Аммо ўғилмикан, қизмикан... Нима бўлганда ҳам сизнинг фарзандингиз. Сиз билан менинг ораимиздаги муҳаббат ғунчаси...»

Мен қудуқ ёнида ўтирар, қайнонам эса шу яқин-атрофда юрарди. «Ҳой, келин, нега ўйлангиз қолдингиз!» деганини узоқ-узоқлардан эшитгандай бўлдим. Аммо хаёлларим дунёсига гарқ бўлиб кетибман. «Нега жавоб бермайсиз!» деди яна қайнонам. Қўққисдан иягимга бир зарба келиб текканини сездим. Бир вақт қарасам, ўзимни қушдай енгил ҳис қиляпман. Тубсиздай кўринган чоғга, қудуқ ичига тушиб бораётганимни бир сония ҳис қилдим, холос. Зим-зиё қоронғликда сув юзиди тўлин ойнанинг баркашига кўксим билан урилдим. Қаттиқ оғриқ зарбидан еру-осмон айкаш-уйқаш бўлиб кетди. Ҳушдан кетиш олдидан шу нарса ёнимда қолди: жуда-жуда юксакларда тўлин ой сузиб юрарди. Қулоғимга қандайдир бир чинқириқ урилгандай бўлди:

— Войдод! Ёрдам беринглар! Келиним ўзини қудуққа ташлаб юборди...»

Орадан бир минут ўтдим, бир йилми — билмайман. Кўз очсам, касалхона палатасида ётибман. Ҳаммаёқ оқ—шифт ҳам, чойшабар ҳам, ҳамшираларнинг кийимлари ҳам. Сўроқ белгиси каби бўкилган қаддига оқ халат ташлаб, бошим устида дадам ўтирибди. Дадам, ўзининг меҳрибон дадажоним!

Ахир дунёда ундан бошқа ҳеч кимим йўқ меннинг. Онам уч ёшимда оламдан ўтган экан. Мени ўғай она қўлига топширмаслик учун дадам бошқага уйланмаган.

— Нималар қилиб қўйдинг, қизим! — деб сўрайди-ю, кўзларида ёш қалқади. — Нималар қилиб қўйдинг, жон қизим! Нахотики икки йил айрилиққа дош беролмаган бўлсанг! Ахир уруш йиллари хотинлар эрларини беш йиллаб, ўн йиллаб кутишган-ку! Оҳ, қизгинам, қизгинам!

Қўлларим қимирлар, аммо оёқларимни сезмасдим. Гўё бу оёқлар ҳеч қачон бўлмагандай... Йўқ, улар бор эди. Бироқ жонсиз, тирик танадаги ўлик бир нарса эди, холос. Бироздан сўнг доктор ёнимга келди.

— Хафа бўлманг, — деди у меҳрибонлик билан, — ҳали ёшсиз, оёқларингиз тузалиб кетса бас. Кўп куйинманг — ҳали бир этак фарзанд топасиз...

Шундагина даҳшатли ҳақиқатни англаб етдим: юрагим остидаги бошқа бир тирик жоннинг юракчаси тепмасди...

Кўз олдидан ўша машъум тун манзаралари бир-бир ўта бошлади. Мана, иягимга қаттиқ бир мушт келиб тегди. Еру осмон гир-гир айлана бошлади. Қаттиқ, таъриф этиб бўлмайдиган даражада оғир бир зарб ила қудуқ тубига қуладим. Бошим устида эса, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, ой жилмайиб турарди. Сўнг чийиллаган бир товуш: «Войдод! Келиним ўзини қудуққа ташлаб юборди!»

Демак, ҳаммага, шу жумладан дадамга ҳам «Нурбахор қудуққа ўзини-ўзи ташлади» деб тушунтиришибди-да! Энди нима қилмоғим керак! О, қайдасан, адолат! «Йўқ, мен ўзим ташлаганим йўқ, қайнонам итариб юборди», десам-чи! Ахир қайнонамни қамаб қўйишди-ку! Зафар акам нима дейди кейин! Турмушимиз қандай давом этади!

— Ҳа, — ёмон бўлди, — дедим, — қудуқ ёнида ўтириб қолган эканман, бирдан бошим айланиб, қулаб тушдим...

Кунлар ҳафталарга, ҳафталар ойларга уланиб кетди. Зафар акамнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ. Ҳар хатида «Онамни асранг, Баҳор, у кишини мен сизга ишониб топшириб келганман» деб ёзади. Бу сўзлар ярамга қанчалик туз сепишини билсангиз эди. Қайнонам, қайнонам... Бирон марта касалхонага келиб, хабар олиб қўйса ҳам майли эди. «Ўз жонига қасд қилгани бандаси ҳам, ҳукумат ҳам кечирмайди, ундай келиним йўқ» дебди. Юзи чидаб шу гапни айтибди...

Тўрт ойдан сўнг дадам олиб кетди мени. Ўзимнинг уйга олиб кетди. Докторлар очик-ойдин айтишибди: иккала оёқдан ҳам қолган эмишман. «Билолмади, — дейишибди улар, — ҳозирча аниқ бир нарса айтиш қийин. Балким қачонлардир бир кун тузалиб кетар. Бу — организмнинг ички кучларига ҳам боғлиқ...»

— Қизим, энди бутунлай ўзимники бўлдинг, — деди дадам уйга олиб кетар экан мени. — Ешлгингда ҳам ўзим опичлаб катта қилган эдим, энди ҳам ўзим боқиб оламан.

Кейинги ҳафтада мана шу кўриб турганингиз аравагани олиб келиб, мени ўтказди. Мана, бир неча йилдирки, шу аҳвол. Ишдан бўш вақтларида ўзи мени сайр қилдиради. Қолган пайтларда эса мен ўзим... Йўқ-йўқ, бу қийин эмас. Филдиракларни аста туртиб қўйсангиз бас, араваганинг ўзи кетаверади... Мен гулларга сув қуйишни яхши кўраман. Биласизми, бунинг ажойиб гаши бор. Гулга сув қуйсангиз у бир сескангандай бўлади. Сўнг жилмаяди. Йўқ, кулманг, ҳақиқатан ҳам у жилмаяди. Фақат унинг жилмаганини пайқай билиш керак, холос. Масалан, мен пайқайман. Сўнг, шабада елса, шивирлайди. Бир нарсалар деб шивирлайди. Ҳа, балки бу гуллардир, балки... Ёдингиздами, «Кезар бўлсанг боғингда, шитирлагум мисли барг...».

Ҳа, сезиб турибман. Сиз Зафар акам ҳақида сўрамоқчисиз... Саволингиз ҳақли, тушунарли... Бу — менинг дардим, қувончим, изтиробим... Хўп, эшитинг бўлмаса.

...Боғимда гуллар яшнаб очилган кунларнинг бирида у кириб келди. Ўзим ёлғиз ўтирардим. Самолётдан тушибоқ, уйга келган экан, мени кўрмабди... Онаси ва сингиллари тушунтиришибди: «Ишлар ёмон, «Тез ёрдам» шофёри билан кўз уриштириб юрган экан, танбеҳ берсак, ўзини қудуққа ташлаб юборди... Бир балоси бўлгани учун, қўрқиб ташлаган-да!»

Шундай қилиб, у кириб келди. Солдатлик гимнастёркасини ҳам ечмаган. Келиб, юзларимдан, қўлларимдан жимгина ўпди.

— Нега шундай қилдингиз, Баҳор! Айтинг-чи, мен нима дейишим керак эди! «Мен ўзим қилганим йўқ бу ишни, сенинг онанг қилди. Сени ҳали дунё



юзини кўрмаган фарзандингдан айирди, мени эса бир умр мажруҳ қилиб қўйди», дейинми! Ахир унда она-бола тоабад кўришмайдиغان бўлиб кетмайдиларми!

— Эшитганларим ростми, Баҳор! — сўради у.

— Қайси эшитганларингиз!

— Ҳалиги... айтишга ҳам тил бормаиди... «Тез ёрдам» шифери билан...

Мен унинг кўзларига тик боқдим.

— Бу нарса виждонингизга ҳавола, — дедим. — Шу иш менинг қўлимдан келишига ишонсангиз — ростлигига ҳам ишонинг. Бўлмаса ўзингиз биласиз.

У пешонасини чангаллаганича ўтириб қолди.

— Энди нима қиламиз, Баҳор!

— Эндими, энди... мен билан бахтли бўлолмайсиз, Зафар ака, — жавоб қилдим мен, — қишлоқда ким кўп, қиз кўп. Бирон бир тенгингизни топарсиз.

— Сиз-чи, сиз...

— Менми! Пешонамга битилганини кўраман...

У юрак-бағри эзилганча чиқиб кетди. Такрор келмади. Орадан аллақанча вақт ўтгач, хабар топдим. Уйланибди... Уша, ойиси танлаган қизга уйланибди. Ҳа, майли дедим, қўша қаришсин, дедим, бахтли бўлишин, дедим...

Ҳаёт шу зайилда давом этяпти. Иккимиз ёлғизмиз. Дадам ва мен. Мен ва дадам... Мен унга суянаман, у киши менга. Ҳар баҳор гуллар очилади. Тонг отарда, оқшом чўкиш олдида шивир-шивир қилишади. Балки бу шивирлаётган ҳақиқатан ҳам гуллардир, балки...

Гуллар... Жуда ажойиб улар. Юзларига сув сепсангиз, бир сесканиб олади, сўнг жилмаяди. Ҳа-ҳа, жилмаяди. Кейин эса, кунлар ўтгач, қуёш ҳароратига дош беролмай, сарғая бошлади. Қурийдди, барглари тўкилади...

Менинг учун ягона завқ, ягона ором мана шу гулларнинг очилиши, пичирлаши, шивирлаши, ловиллаб яшнаши.

Орадан уч йил ўтгач, Зафар акам яна келди. Келди-да, бир сўз ҳам айтмай, жонсиз оёқларимга бош ташлади. Кўзларига қатра-қатра ёш кўрдим. Эр кишининг йиғлагани — мўдҳиш манзара.

— Бор гапни, ҳақиқатни энди тушуниб етдим, Баҳор, — деди у, — энди менга ҳамма гап аён бўлди. Сизнинг пок эканлигизга ҳеч вақт шубҳа қилмагандим...

Кейин айтиб берди: яқинда онаси оғир касалдан чиқибди. Уч-тўрт кун ана кетди, мана кетди бўлибди. Шунда яқкаю-ягона ўғлини, яъни Зафар акамни ёнига чақириб олиб, бор гапни айтибди. «Уғлим, — дебди, — бу ёғи яқин қолди шекилли... Мен сенинг олдингда гуноҳқорман, ўғлим. Нурбаҳор қудуққа ўзини ўзи ташлаган эмас. Мен касофат сабабчи бўлдим. Мана, уволи тутди...»

Зафар акам ҳайкалдай қотиб қолибди. Нима қилсин, нималар десин! «Онасиз-да, она, бўлмаса-ку...» дея олибди, холос.

— Юринг, кетайлик уйимизга, Баҳор, — деди Зафар акам қўлларини ушлаб ўша кеч, — менга ҳеч нарса керак эмас. Ёнимда юрсангиз бўлгани. Энди сизга ҳеч ким озор бермайди. Ҳаётимизнинг қолган кунларини сизнинг хизматингизда ўтказаман.

— Йўқ, Зафар ака, — дедим мен, — ҳаммасини биламан. Оилангиз, бир эмас, иккита ширин-шакар фарзандларингиз бор.

— Жавоб бераман ҳаммасига...

— Керак эмас! Уларда нима гуноҳ! Менинг мажруҳ бўлганим етмагандай, уларни ҳам бахтсиз қилмоқчимисиз!

— Биласизми, Баҳор, — деди у, — тўғри, оилам бор, бола-чақаларим бор... Аммо ҳозирги хотиним билан биз бутунлай бошқа-бошқа одамлармиз. Гўё адашиб, бир поездга чиқиб қолган йўловчилардай... Борар манзилларимиз бутунлай бошқа-бошқа... Аммо ўртада фарзандлар бор... Улар бегуноҳ. Гапингиз тўғри.

— Сиз бахтли бўлсангиз шу бас менга, — дедим базўр жилмайиб, — иложини қилсангиз, уч ойда, тўрт ойда бир келиб, ўзингизни кўрсатиб кетинг. Сиздан ҳеч нарса керак эмас менга... Фақат сизни... дамба-дам кўриб турсам бўлгани. Сизни кўрсам... ўша бахтли ёшлик йилларимизга, оппоқ-ойдин кечаларимизга қайтгандай бўламан. Иложини қилолсангиз — келиб туринг. Келмасангиз — гулларнинг шивир-шивирига қулоқ тутиб ўтиравераман. Фараз қиламанки — у сиз...

Индамайгина чиқиб кетди.

Урмимиз мана шундай ўтиб бормоқда. Мана шундай. Икки

ойда, уч ойда бир марта Зафар акам келади. Ярим соат ўтираман, бир соат ўтираман. Оғиз очмай, жимгина сўхбатлашамиз. Қалбларимиз сўхбатлашади. Очилмаган бахтимиздан, ёришмаган иқболимиздан гап очишади. Оҳ, ҳаётимиз қанчалар ширин кечиши мумкин эди-я, қанчалар ширин!

Сиз бу ҳикоя бахтли хулоса билан хотималанса керак, деб ўйлагандирсиз. Афсуски, ундай эмас. Мана, кўриб турибсиз. Не илож, бу ҳаёт экан. Унда ҳар нарса учрар экан. Сизнинг очеркингизда айтилади-ку: «Дунёда феруза осмон бор. Унинг эса, момақалдироғи бор, ёмғири бор, қори бор. Гул ёнида тикон ўсади. Бахт билан бахтсизлик, қувонч билан ташвиш ёнма-ён яшайди кўпинча...»

Аммо мен ҳам бахтлиман. Узимча бахтлиман. Эрта тонг қуёш тоғ ортидан бош кўтарган пайт боғимиз жуда-жуда гўзал бўлиб кетади. Гуллар — гўё жони бордай. Нозик япроқларида кўз ёшлари каби мусаффо, тип-тиник шудринг томчилари...

Гуллар шабадада ҳар томон ҳам чайқайди, гўё ёлғиз салом беради. Қуёш қиздира бошлагач эса, япроқларидаги томчилар бирин-кетин ғойиб бўла бошлади. Шунда мен уларга аста сув сепаман. Гуллар бир сесканиб тушадилар... Жилмаядилар. Ҳа, жилмаядилар, ишонаверинг. Фақат буни пайқаш керак, холос. Енгил шабада ела бошлагач эса, улар ўзларича бир нималар деб шивирлашга тушадилар. Бу шивирлаётган ҳақиқатан ҳам гуллардир балки, ё...

Машина тоғ йўлларида ғизиллаб пастга, водий томон тушиб борар, мен эса узундан-узоқ хаёлларга асир эдим. Бир умр мажруҳлик аравачасига маҳкум этилган Нурбаҳорнинг оппоқ чехраси, зулукдек қоп-қора сочлари, ўйчан нигоҳлари кўз олдимда жонланарди. Мен гулларнинг сесканишини пайқаш сеҳрини қалбимга жо қилгандай сезардим ўзимни. Уларнинг шивир-шивири, пичир-пичири сирини тушушундай бўлардим. Қулоғим остида ўша ўлмас сатрлар жаранглари: «Кезар бўлсанг боғингда, шитирлағум мисли барг...»

Мен бу шеър тарихин жуда яхши биламан. 1959 йилнинг охирлари эди. Биз, ҳозирги болалар шоири Турсунбой Адашбоев иккала республика «Қирғизистон ҳақиқати» газетасида ишлардик. Кунларнинг бирида «Редакцияга Миртемир келармиш» деган гап тарқалиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам тушдан кейин Миртемир ака редакцияга кириб келди. Биз ҳаммамиз катта бир хонага тўпландик. Уша пайтда ўзининг навқирон 48 ёшига тўлган Миртемир ака Фрунзе шаҳрига қирғиз халқининг машҳур «Манас» эпосини таржима қилиш хусусида келганлигини, яқинда Қорақалпоғистонда бўлганлигини, у ерда бир туркум шеърлар ёзганлигини сўзлаб берди. Шу шеърлардан бир нечтасини ўқиди. «Мен сени инжитмайман...» шеърини ўшанда илк бор шоирнинг ўз оғзидан эшитгандим. Мана, менинг ёдимда қолганлари:

Мен сени инжитмайман,  
Ва лекин тинчитмайман...  
Чарх уриб бўз тўрғайдай  
Бўзлашим бор бошингда.  
Эй, сочларинг тўлқини  
Тун сингари сиз сизёх,  
Хол каби пайдо бўлгум  
Ёноғинг ё қошингда,  
Эй, эларинг тубори

Кўзларимга тўтиё,  
Саратонда сел бўлиб,  
Лолазор яраттайман,  
Қаҳратонда ел бўлиб  
Гул атрин тараттайман.  
Кезар бўлсанг боғингда  
Шитирлағум мисли барг.  
Куйиб сенинг доғингда  
Бўлмасайдим жувонмарг...

Ва яна эсимда қолган тўрт сатр:

Ўзинг билмайсан, сенда  
Қанчалар меҳри гиё...  
Сендақасини кўрмаган  
Африқою Оснё.

Миртемир ака дафтариини қўйин чўнтагига солиб қўяркан, хаёлкаш кўзларини деразага қадаганча деганди:

— Қани энди мана шу ёзганларимнинг бирор сатри қайси бир шеър шайдосининг қалбини жизиллатса, бир умрга ёдида қолса.

Ҳаёт мўъжизаларга тўла. Шоирнинг бир оғиз каломи кимларга севги, кимларга бардош ато этаркан. Нурбаҳорга эса иккисини ҳам ато этгандай эди, назаримда.



## «ЕШЛИК» АНКЕТАСИ

1. Қилаётган ишингиздан хурсандмисиз? Касбингизни ихтиёран танлаганмисиз ёки...

2. Меҳнат фаолиятингиз бошлангандан буён маънавий ҳаётингизда ўзгариш рўй бердими? Дунёга, одамларга муносабатингиз ҳозир қанақа?

3. Сиз ишлаётган коллективда ёшларга ишонч, иззат-ҳурмат жойидами? Уларга масъулиятли вазифаларни ишониб топширадиларми?

4. Сиз ҳар жиҳатдан тўқис деб биладиган, эргашадиган одамнингиз борми? У сиз учун ҳали ҳам ҳурматлими ёки ишончингизни йўқотганми? Нега?

5. Касбдошларингиз орасида лаёқатсиз бўлса-да, тузуккина лавозимни эгаллаб турганлар борми? Сиз уларга боқиб нималарни ўйлайсиз? «Тиргак» сиз, ўз кучи, билими билан обрў қозонган танишларингиз озми, кўпми?

6. Чин муҳаббатнинг борлигига ишонасизми? Ёки бу — китобий гап, деб ҳисоблайсизми? Ўзингиз севиб, севилиб (оилали бўлсангиз) турмуш қурганмисиз?

7. Оила қуришда ота-онанинг розилиги шарт, деб ўйлайсизми? Ёки сизнингча, эскирган тушунчами?

8. Танлаган йигитингиз (қизингиз)нинг қайси фазилатига кўпроқ эътибор берасиз? Умуман, сиз одамлардаги қандай хислатларни қадрлайсиз?

## ШАҲЗОДА, 36 ёшда, журналист.

1. Қишлоқ хўжалик министрлиги ўқув-методика кабинетида редактор бўлиб ишлайман. Ўз ишимдан хурсандман. Касбимни ихтиёрий танлаганман.

2. Дастлаб меҳнат фаолиятимни ўз соҳамда эмас, ноилжликдан бошқа соҳада бошлагандим. Менга дўст бўлиб, ичимга кириб юрганлардан бир нечаси иш талашиб, менинг бошимга шундай кунлар солишдики... Дунёда яхши одамлар кўп, лекин ёмонлар ҳам бор эканлигига, тили ширин ҳар бир инсон дўст бўлавермаслигига ишондим. Ҳар бир қадамимни ўлчаброк босишни, хушёрроқ бўлишни ўргандим.

3. Мен ишлаётган жойда ёшларга ишонч билан қаралади. Камситилмайди. Ҳар қандай масъулиятли ишларни ҳам ишониб топшириладиларми.

4. Бундай одамни учратмаганман.

5. Бор. Бундай кишилар ишхонада валақлаб юриб, кунини бекорга ўтказадилар. «Улар ҳар ойда икки марта маош ведомостига қўл қўйишгаётганда виждони олдида уялмасмикан!» деб ўйлайман. «Тиргаксиз» обрў қозонган танишларим кўп, лекин «тиргаги» борлари ҳам анчагина.

6. Чин муҳаббат борлигига ишонаман. Севиб-севилиб турмуш қурганман. Уч фарзандим бор. Ҳаётимдан мамнунман.

7. Оила қуришда ота-она розилиги бўлиши керак. Ота-она ҳеч қачон фарзандларининг бахтсиз бўлишини истамайди. Лекин улар ҳам янглишларни мумкин.

8. Мен одамийлик, ҳалоллик, очиққўнғиллик каби хислатларни қадрлайман.

Тошкент шаҳри.

## ШАҲОДАТ, 28 ёшда, инженер-экономист.

1. Ўз ихтиёрим билан шу касбни танлаганман. Ешликда инженер бўлишни орзу қилардим. Шу билан бирга адабиётга ҳам қизиқардим. Мактабни аъло баҳоларга битириб, институтга кирдим. Институтда ҳам ўқишим яхши эди. Лекин барибир шеърга қизиқишим ортиб борарди. Институтни тугатгач, ўз мутахассислигим бўйича ишладим. Касбимни яхши биламан, деб ўйлайман. Адабиётни барибир севаман.

2. Умр ўтган сари кишининг ҳаёт таърибаси ортиб боради. Меҳнат фаолиятим бошлангандан ўйлаб қарасам, студентлик йилларимга нисбатан бироз ўзгаргандекман. Борган сари орзуният ошаяпти-ю, гўё мен буларнинг ҳаммасига улгурмай қоладигандекман. Умр эса шиддат билан ўтиб борапти. Дунёни, одамларни, умуман ҳаётни жуда севаман.

3. Коллективимизда асосан ёшлар ишлайди. Бошлигимиздан тортиб оддий ишчиларгача — кўпчилиги ёшлар. Бундан кўриниб турибдики, бизда ёшларга ҳурмат, ишонч катта. Биз ҳам, албатта, бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

4. Мен ҳар жиҳатдан тўқис деб биладиган одамлар кўп. Уларга ҳавас билан қарайман ва улардек бўлгим келади. Ундан ташқари мен кўпроқ буюк ёзувчилар, олим ва шоирлар ҳаётига ҳавас қилиб, доимо улардан ўрнак олгим келади ва шунга ҳаракат қиламан.

5. Ёмон бўлмаса яхшими билиб бўлмаганидек, албатта, ҳаётда ҳар хил одамлар учраб туради. «Тиргак» тўфайли гердайиб яшаётганлар ҳам бор. Унақаларни кўришга кўзим йўқ.

6. Чин муҳаббат... Бу сўз мен учун шу қадар қадрли, шунчалик ардоқлики, мен ҳаётни усиз тасаввур қилолмайман. Гарчи шахсий ҳаётимда [агар бахтсизлик дейишга арзиса.] чин сеvgида адашган бўлсам ҳам, барибир бу сўзнинг қадрли пасайгани йўқ.

...Мактабни тугаллаб институтга кирдим. Кўпгина қариндошлар, танишлар мени келин қилмоқчи бўлиб юришарди. Уларнинг ҳаммаси обрўли, ҳурматли кишилар эди. Мен сўнгги курсга ўтганимда, бирга ўқийдиган бола билан дўст бўлиб қолдим. У келишган, ақлли, самимий йигит эди. Дунёда менга ундан, унга мендан азизроқ одам йўқдек эди. Бир-биримизсиз туролмасдик. У Жиззах областидан эди. Онлаларида энг кенжа фарзанд бўлиб, отаси вафот қилган, қари онаси, акаси бор эди.

Ўқиб тураганда, бирга Жиззахга йўлланма олдик. Томонлар розилиги билан олти-етти ой ишлаганимиздан сўнг тўйимиз бўлди. Биз шундай яхши турардикки, ҳамманинг ҳаваси келарди. Ўғлимиз туғилди. Турмуш ўртоғим эса негадир ўзгариб бораётгандек эди. Бировни севсанг, севганингнинг нуқсонини ҳам кўзга кўринмас экан. У ҳам аввалига ақлли, самимий бўлиб кўринганди. Кейинчалик унинг мақтанчоқ, ёлғончи, худбин эканлигини сеза бошладим. Тўғри, у келишган йигит эди. Шунинг учун ҳам уни бошқалардан қизганардим. Рашиқ курсин. Агар бир-икки ёлғонини сезмаганимда ҳам, унга ишонардим. У бўлса, кўп ёлғон гапирарди.

Ўғлимиз туғилганда ҳам яхши турардик-у, лекин турмушимиз дарз кетаётгандек эди. У ичмасди, чекмасди-ю, пул кетидан қувадиган бўлиб қолганди. Қандай йўл билан бўлмасин пул топишга уринарди. Мен эса ҳаром пулларга ўрганмаганман. Ундан тўғри, ҳалол яшашни талаб қилардим. Ҳаром топилган пул кишини бузар экан. У шунчалик ўзгариб кетдики, охири оқибат севгимга ҳибнат қилди.

Ҳозир ажрашиб кетганмиз. Ўғлим яқинда бешга тўлади. Энди бор кучимни уни яхши одам қилиб тарбиялашга сарфляяман.

7. Оила қуришда ота-онанинг розилиги албатта шарт. Чунки улар кўп нарса билишади, катта ҳаёт тажрибасига эга. Улар нима қилишса ҳам ўз фарзандларининг бахтини ўйлаб қилади. Лекин, баъзан улар нотўғри йўл ҳам тутишади. Фарзандларининг бахтини бир томонлама ўйлашади. Масалан, «Бой-бадавлат оила билан қўда бўлса, яхши яшайди», деб фарзандларининг ҳис-туйғуси билан ҳисоблашмайди.

8. Мен одамлардаги камтарлик, поклик, самимийлик, бирсўзликлик, меҳнатсеварлик, мардлик каби сифатларни қадрлайман.

Тошкент.

М. Х. 25 ёшда, жисмоний тарбия ўқитувчиси.

1. Қилаётган ишимдан хурсанд эмасман. Аммо касбимни ихтиёрли таниганман. Ешлик қилганман. Уша пайтларда мени тўғри йўлга солиб юборадиган одам бўлмаган. Оқибатда адабиётни севганим ҳолда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлдим. Баъзи пайтларда бу фандан яхши мутахассис эмаслигим сезилиб қолади. Шунда, «Агар филология факультетида ўқганимда бунақа бўлмас эди», деган фикр тез-тез ҳаёлимдан ўтади.

2. Ўқишни битирганимдан кейин ишлаш учун институтда олиб қолишди. Дастлабки ойлардаёқ кўпчилик касбдошларимдан кўнглим қолди. Негаки, уларнинг аксарияти ўз мутахассисликларини яхши билишмас эди. Инсонийлик қиёфалари ҳам аста-секин ёқмай қолди. Ишдан кўнглим совий бошлади.

3. Истеъодли ёшлар ҳамма жойда иззат-ҳурматда... Коллективимизда шунақа ёшлар бўлганда, улар ҳам ишонч қозонарди, деб ўйлайман.

4. Мен ҳар жиҳатдан тўқис, деб ҳисоблаган бир киши бор. У ҳеч қачон ишончимни йўқотмас керак.

5. Ёш бўлишига қарамай «тиргаксиз», ўз кучи билан обрў қозонган ва қозонаётган одамларни биламан.

6. Чин муҳаббат борлигига ишонаман. Аммо чин муҳаббат соҳиблари озчилик. Севги — бу китобий сўз эмас. Мен севганман. Яхши кўрган мактабдошим айрим сабабларга кўра турмушга чиқиб кетгандан кейин бир қизга ўйландим. Турмуш ўртоғим мени яхши кўради. Балки ўйланишимга шу нарса сабаб бўлгандир. Уйланганимга ҳали бир йил бўлгани йўқ. Лекин кейинги пайтда ўзга бахт деб, ўз бахтидан кечиб, ҳаётимда муҳим бир нарсани йўқотганимни сездим.

7. Оила қуришда ота-она билан ҳисоблашиш шарт. Бу тушунча эскирмайди.

8. Мен биринчи навбатда одамнинг меҳнаткаш бўлишини истар эдим. Кейин хушмуомалалик, кенг фикрлилик, ўзига ҳисоб бериб туришлик, қадим урф-одатларимизни ҳурмат қилишлик, ҳамиша янги марраларга интилиш каби фазилатларга эга бўлган кишиларни қадрлайман.

Самарқанд области.

Гулжаҳон ҚУВОНДИҚОВА, 25 ёш, инженер-гидротехник.

1. Қилаётган ишимдан хурсандман. Пахтачи районидаги Свердлов номли колхоз комсомол ташкилотининг секретари-ман. Колхозимизда 740 комсомол аъзоси бор. Мен уларнинг қалбини билишга интиламан. Тенгдошларимни қизиқтирган нарсаларга жавоб қидираман. Гоҳида шундай қувониб кетаманки, улар катталарга қараганда мени яхши тушунишади. Ҳамма нарсага оққўнгиллик, софлик билан қарайдилар. Бошида, бу вазифага тайинлашганда бироз кўрққан эдим. Ҳозир эса комсомол ишларисиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайман.

2. Меҳнат фаолиятим бошланганига уч йилдан ошди. Бу давр ичда одамларни ўргандим. Яхшини ёмондан фарқ қила бошладим. Ҳар бир масалага чуқурроқ қарашни, қилинган ишнинг натижасига кўпроқ эътибор беришни, принципал бўлишни ўргандим. Агар мен ҳал қилган масала бирор кишини кўрсатирса, озгина бўлса ҳам одамларни ишонтира олсам ва ҳақлигимни исбот қилсам янада хурсанд бўлиб кетаман. Нотўғри иш бўлгудек бўлса, сабабини қидириб топаман. Шошилибман, демак бундай бўлиши керак экан, деб ўйлайман.

3. Ёшларга эътибор... Нима десам экан... Агар сизни бирор вазифага қўйишганда астойдил ишлаб, урдасидан чиқсангиз, ҳар қандай вазифани ишониб топширишади. Аммо хато қилсангиз ёки қоқилсангиз, аяб ўтиришмайди. Хатоингизни кўрсатиб, йўл-йўриқ бериш жуда кам ҳолларда учрайди. Натижада энг яхши кадр ҳам ёшлик қилибми ё бошқа сабабданми, хатога йўл қўйса, роса «дўппосланиб», охири ишдан озод этилади. Ушани тарбиялаб, хато қилмаслик даражасигача етказиш мумкин эди-ку! Нега катталар бу нарсага бефарқ қарашади, ҳайронман.

4. Мен ҳар жиҳатдан тўқис деб, эргашадиган одамим бор. Мен одамларга муносабатни, кўпгина инсоний фазилатларни ўша кишидан ўрганганман. Унинг иш услугига, муомаласига ҳавас қилса арзийди.

5. Коллективимизда лаёқатсиз бўлса-да, тузуқинна лавозимни эгаллаб турган кишилар йўқ эмас. Улар жамиятга фойда келтиришни эмас, кўпроқ ўз манфаатларини ўйлашади. Уларнинг умри қисқа, деб ўйлайман. Ўз кучи билан обрў қозонган дўстларим унча кўп эмас.

6. Чин муҳаббат! Тўғриси айтсам мени ҳам кўпдан бери унинг бор-йўқлиги қийнаб келади. Муҳаббатни ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Менимча, чин муҳаббат бор. Агар у бўлмаса, инсондаги шунча эзгуликлар қаердан пайдо бўлади! Шахсан мен учун ҳам усиз на яшашнинг, на ишлашнинг қизиғи қолмаган бўларди. Биз айрим севишганлардай киноларга ҳам, хнёбонларга ҳам, базмларга ҳам атайлаб бормаганмиз. Бир-биримизга «оҳ-воҳ» қилиб, тиз чўкиб, севги инҳор ҳам қилмаганмиз. Аммо бир-биримизга шундай ўрганиб қолганмизки, биз учун ҳар галги учрашув — соғлигимизни билиш, хурсандчиликни баҳам кўриш, ташвишни баргалиқда бартараф қилиш — бир олам қувонч бахш этади. Балки бу севги эмасдир. Икки дўстнинг бир-бирига самимий ҳурматидир...

7. Ҳеч қайси ота-она фарзандининг бахтсиз бўлишини истамайди. Аммо баъзи ота-оналарга ҳайрон қоламан. Улар соддалик қилибми, ё бошқа сабабданми, бу масалага чуқурроқ эътибор беришмайди. «Тезроқ тўй бўлса тинчиб кетади» деб ўйлашади. Уларнинг бефарқлиги оқибатида фарзанди бир умрга бахтсиз бўлиб қолади.

8. Танлаган кишим биргина менинг эмас, ҳар бир яхши одамнинг кадрига етишини, лафзи ҳалоллигини, ростгўйлигини, принципиаллигини ёқтираман.

Пахтачи райони.





# Ҳапалакда ҳалфана

*Кўҳна адабиётимизнинг тарихида ҳам, ҳозирда ҳам бир талай қулғили образлар дунёга келганки, қуйида эълон этилаётган ҳажвияда уларнинг айримлари билан қайта учрашасиз.*

*Ўзига хос бу учрашув жойи қилиб ҳаммамизга таниш Ҳапалак қишлоғининг танланиши бежиз эмас. Бунинг ҳозирда Фарғона областидаги мазкур ном билан аталадиган қишлоққа сира алоқаси йўқ. Шу маънодаки, «Ҳапалақ» Махмур, Муқимий, Завқий каби алломаларнинг шарофати билан ўзига хос адабий макон сифатида эл ичра машҳур бўлиб кетган. Айни чоқда, муаллифнинг ҳажвдан кўзлаган андак нияти ҳам бор, бунисини зеҳнли журналхонларимизнинг ўзлари илғаб оларлар.*



урматли редакция меҳнаткашлари! Ҳорманглар! Менким, 8-сон ўрта мактабнинг нафис адабиёт муаллими Бақоев Боқижон, сизларга бир ажаб ҳодиса тўғрисида мазкур хатни битмақдаман. Шу йил сентябрининг йигирма еттинчи кунда камина эртанги дарс ҳаёли ила банд бўлиб, яъниким, «Алишер Навоий яшаган даврга қисқача характеристика» мавзуида конспект ёзиб ўтирган эдим, иттифоқо, тепамда шу маҳалгача порлаб турган чироқ лип этдию ўчди-қолди. Ишим ҳали ниҳоя-ланмаган эди, зеро ёзишга улгурганим сўнгги жумла ушбу бўлди: «А. Навоий гарчи вазир вазифасида ишлаган эса-да, ўзи тарихан чекланган шахс эди. Бинобарин, у ўз вақтида Амриқога экспедиция уюштирамаган, уюштира олмасди ҳам! Оқибатда андалусиялик Христофор Колумб...» Шундан кейин чироқ ўчди. Эртасига дарсни илҳом билан ўтатуриб, худди шу ерига келганимда туртиниб қолдим. Дўсту душманни нозик маҳалларда айириб ол экан. Қўшним Зайнишуф Баширнинг Ашурчик деган беандиша ўғли шартта ўрнидан туриб, «Нимага шу ишни қилмаган, а? Ахир, бу жуда осон-ку!», деб оёғини тираб олди. Камина қизариб, ноқулай аҳволда қолдим: нима қиларимни, нима деяримни билмайман...

Демоқчиманки, бизнинг Ҳапалак қишлоғимизда электр чироқлари вақт-бевақт ўчавериб жонга тегди (ёки: «пичоқ бориб суякка қадалди», деб ўқилсин), боз устига, илму урфонга чанқоқ юзлаб ўқувчи-ёшларимизнинг билим даражалариға ҳам ғайри таъсирини ўтказмакда. Яъниким, келажак авлодимизнинг мияси равшанлашмай қолмакда.

Ҳурматли редакция заҳматкашлари, бу ғавғога ўзларинг бош қўшмасаларинг, аҳволимиз чатоқ, деб

БАҚОЕВ Боқижон.

## Хат босилмади-ю, лекин...

Газетхон Бақоев Боқижон ўртоқнинг куюниб бизга йўллаган хатини редакция ўз вақтида тегишли идорага жўнатди. Уша хатда юртимизнинг чекка бир қишлоғида нурли чироқларга эътибор ғоят сусайиб кетгани рўй-рост танқид қилинган эди. Шикоят юзасидан биз район электр тармоқларининг бошлиғи Султон Алихўжа Ҳакимжон Икксов ўртоқдан жавоб олдикки, қуйида эътиборларингга ҳавола этмоқдамиз.

«Абадий танқид» бўлими

## С. А. Ҳакимжон Икковнинг расмий жавоби

Бақоев Боқининг шикоят-хатини тармоғимиз аҳил коллективи қизгин муҳокама қилди. Танқидлари асосан тўғри деб топилди. Шу билан бирга, муаллимнинг фикрларида сал чалқаш, ҳатто, айрим хато ўринлар ҳам йўқ эмас. Аввало, узоқ текширишлардан маълум бўлдики, чироқнинг «лип этиб» ўчганида тармоғимиз аҳил коллективининг зигирчаём айби йўқ экан. Воқеа бундоқ рўй берган: биласизларки, ҳамма қишлоққа

биттадан ё иккитадан подстанция ўрнатиб қўйганмиз. (Ҳапалакдаям шундан битта бор.) Улар тўрта темир-бетон оёққа маҳкамланган. Шу йил сентябрининг йигирма еттинчи кунда Ҳапалак қишлоғига иккита мусича учиб (қаёқданлиги номаълум) келгану ана шу темироёқларнинг теварагига қўнган. Табиийки, бироз нафасини ростлаган, сўнг беозор ку-кулаб, сал муддат бирга-бирга сайр қилишган. Баногоҳ ўрталарида қандайдир низо чиққан-да, ҳозиргина беозор ку-кулаб юрган мусичалар... чўқиша кетган. (Биз мазкур ҳолни изоҳлаб беришни ўша Бақоев ишлайдиган мактабнинг биология муаллимидан сўраганимизда, у айтдики, қуш ва ҳайвонлар оламида бундай оилавий можаролар тез-тез рўй бериб туради.) Хуллас, мусичалар қанотдан мадор кетгунча чўқишаверган. Кейин улардан бири жонҳолатда ўзини четга олиб қочмоқчи бўлган-у, бахтга қарши, подстанциянинг панжарасига урилиб, тирқишдан кириб кетган. Хўш, энди мусичани шу ҳолда қолдирайлик-да, гапни мушукдан эшитайлик... Уша подстанциянинг орқа тарафида икки паҳсали, чала урилган девор бор. Бир мушук (кейинчалик эгасининг тан олишича, пешонасида қашқасиям бор бўлган) баданини офтобга тобла-аб шу деворнинг устида ётган. Бинобарин, бояги иккита мусичанинг подстанция тагига қўнганини ҳам кўрган, уларнинг ўзаро жанжалини маза қилиб томоша айлаган. Мушук — зийрак жонивор, шу билан бирга, бекорга офтобга чиқмайди. Демак, унинг ўша палла бир нима илинжида бениҳоя ҳушёр тургани тушунарлидир. Мусичалардан бирови подстанция ичига кириб кетгач, ўйлаб-нетиб ўтирмай мушук ҳам ўзини ўша ёққа отган. (Чангалидан мусичанинг пати чикди, биз мазкур патни ёрқин ашёвий далил сифатида ҳузурларингга жўнатмоқдамиз.) Натижада, ёвуз мушук ток юрадиган сим билан ток юрмайдиган симга кўндаланг чирмашиб қолгану... у ёғи энди биз тугул, зиёкорлар ишдан йироқ турадиган, масалан, сизларга ҳам маълум.

Иккинчидан, Бақоев Боқи ҳодисанинг бу томонида эътибор бермайди-да, «конспект ёзаётган эдим», деб гапни чалғитади. Ваҳоланки, маълум бўлишича, чироқ ўчган маҳал муаллим ўз уйида эмас, чойхонада — ҳалфанага ош еб ўтирган экан. Навоий тўғрисидаги гапиниям қоғозга қораламаган, улфатларига оғзаки айтган. Боз устига, сизларга нотўғри ёзибди, аслида бундай деган: «Навоий зўр шоир бўлгани билан узоқни кўра билмади: Амриқо кашф этилмасаям эл фаровон турмуш кеचираверади, деб ўйлади ва ўзи ҳам шунга қаттиқ ишониб яшади. На илож, хазинани Мажидалидин ўмариб кетган-да, кема қуришга пул қаёқда дейсиз...» Бақоев Боқи айтган гап айнан шундай!

Хўш, подстанциянинг куйгани, майли, бизга тан. Чироқнинг ўчгани масаласига келсак, хотиржам бўлинглар, шошилишч чоралар кўриляпти. Ҳозирча Зайнишўф Баширдан юз сўм миқдорида жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилдик. Яна кўп ишлар қилмоқчимиз, деб

**Султон Алихўжа Ҳакимжон ИККОВ,**

(кун, ой, йил; думалоқ муҳр)

## Иккинчи хат

Менким, Бақоев Боқижон, каминанинг хати юзасидан сизлар эълон қилган текшириш натижаларини ўқиб туриб, ушбуни битмасам бўлмаслигини чуқур ҳис қилдим.

Бу, Икков ўртоқнинг каминадан хатолик ахтаргани қизиқ-ку! Магарам конспект ёзмаган эканман, демак, эртанги дарсга тайёрланмадим ҳисобми? Қизиқ-ку! Оббо, Икков ўртоғ-эй! Эҳтимол, каминанинг иш методини билмассиз? Билмасангиз, қулоғингизга қуйиб олинг: камина дарсга тайёргарлигини аввало улфатлар даврасида синовдан ўтказиб оламан. Мабодо қойил қилсам, имоним комилки, эртасига уларнинг зурёдларини ҳам инонтирман. Буни метод дейдилар, Икков ўртоқ, дарсга ижодий ёндашиш дейдилар! Демак, Навоий хусусидаги ўша гапимни дафтарга ёздим нимаю оғзаки айтдим нима! Али Хўжа — Хўжа Али, шундай эмасми? Уртада илик сарсон бўлмасин-да. Бошқача айтсак, бизга моҳият керак, м о ҳ и я т! Тўғри, чироқ ўчганида камина чойхонада Навоийни сўзлаб (ахир, методим шунақа) ўтирган эдим, айнан нима деганим, майли, Икков ўртоқ айтганидек бўлақолсин, лекин Зайнишўф Баширдан жарима ундиришга қарор қилингани

қизиқ-ку! Рост, Баширнинг ўғли Ашурчик дарсимни кўпол равишда бузган, бироқ ўз вақтида унинг таъзирини берганман, яъни, қулоғидан бир-икки чўзиб қўйганман. Тунов кунни бозорда кўриб салом берган эди, эшитмаганга олдим. Каминанинг ожиз фикрича, шу жазоларнинг ўзи унга етарли эди, отасининг жарима тўлаши ўлганнинг устига тепган бўлмайдимиз?..

Подстанция ишга туширилмади, одамлар қоронғида яша-япти. Қимматли вақтларингни аямай, ёритиш ишига яна бир марта аралашинглар, деб ҳурмат ва эҳтиром ила:

(имзо)

**БАҚОЕВ Боқижон,**  
нафис адабиёт муаллими.

## Район ижроқўмига редакция йўллаган мактуб

Ҳурматли Раис! Ушбу хатларни шахсан ўзингизга юборишга қарор қилдик. Фактлар билан яхшилаб танишиб чиқиб, ишнинг натижаси ҳамда айбдорларга кўрилган чора-тадбирлар хусусида бизни хабардор қиларсиз, деган умиддамиз.

(имзо)

(кун, ой, йил)

«Абадий танқид» бўлимининг мудирини

## Расмий жавоб

Қадрли редакция! Бақоев Боқижон ўртоқнинг шикоятларини Султон Алихўжа Ҳакимжон Икковнинг жавоб хатлари билан танишдик. Камчиликларимизни рўй-рост, аямай бетимизга айтганларнинг учун раҳмат! Навбатдан ташқари мажлисимизда шу масала кўриб чиқилди. Ҳақиқатан, шу йил сентябрининг йигирма еттинчи кунда Ҳапалак қишлоғида чироқ «лип этиб» ўчган; Бақоев Боқи ўртоқ бу пайт ҳақиқатан чойхонада бўлган; боз устига, Султон Алихўжа Ҳакимжон Икков ўртоқ тўғри таъкидлаганидек, Навоий тўғрисида ҳақиқатан ўшанақа гаплар қилган. Биз буни яна батафсилроқ текшириб чиқамиз. Бироқ, шикоятчи Бақоев ўртоқнинг «эртанги дарсга тайёрланмаётган эдим», дегани бизда кизгин шубҳа уйғотди. Чунки, хабарларинг бор, мана, бир ойдирки, ўқувчиларимиз заҳматкаш деҳқонлар билан елкама-елка туриб, пахта далаларида жавлон уришяпти. Бундай палла Бақоев Боқи муаллим қандоқ қилиб эртанги дарсга тайёргарлик кўрсин?!

Салом билан, райиҷроқўм ходими: (имзо)

(кун, ой, йил; думалоқ муҳр)

Р. С. Сизларнинг илтимосларинг ҳамда бизнинг ошиғич топширигимизга бинован район электр тармоқларининг бошлиғи бир «Тушунтириш хат» битган эди, шунини илова қиламиз.

## Тушунтириш хат

Райиҷроқўм ходимининг фикрларига тўла қўшилган ҳолда, тагин шуларни маълум қиламан:

а) ёдларингизда бўлса, ўтган галги хатимда бир қашқа мушук ва унинг подстанция ичига қандай йўл билан кириб қолгани хусусида ёзган эдим. Уша мушук Зайнишўф Баширники бўлиб чиқди! Икки паҳсали, чала урилган девор ҳам ўшаники! Шундай экан, давлатимизга етказилган зарар мушук ва девор эгаси Зайнишўф Баширдан ундирилмай кимдан ундирилсин?! Мушукнинг уники эканини далиллар асосида бўйнига қўйганмиз (бу ҳақдаги ёзма иқрономаси жарима тўғрисида биз чиқарган буйруққа тиркаб ташланган);

б) шу ўринда, подстанция ишлаб чиқарадиган завод маъмуриятига ҳам баъзи эътирозларимиз бор. Яъни, подстанция эшигидаги панжаранинг оралари ниҳоятда кенг — кўрсангиз, тирқиш эмас, Худоёрхоннинг дарвозасими дейсиз. Унга мушук-ку мушук, ҳатто, мундайроқ ит ҳам бемалол сиғаверади. Тармоғимизга мендан олдин раҳбарлик қилган марҳум Ўрик домла бир нақл айтган: унинг даврида подстанциянинг ичига бўри кириб олган экан. Энди подстанциялар ўзгариб кетди, атрофда бўри уруғи қолмади, лекин... Шу, тирқишнинг торроқ қилиб чиқаришнинг иложи йўқмикан;

в) яна бир гап. Бақоевнинг ўқувчилари орасида тартиб-интизом жар ёқасига келиб қолган. Болалар кўпинча ўйинқароқлик қилиб подстанция эшигини очиб қўядилар. Очиқ жойга мусичами, мушукми албатта киради-да! Ҳапалаклик монтернинг айтишича, илгарилари у панжара-эшикни каноп билан боғлаб қўяр экан, энди эса, йўғонлиги ўрта бармоқдек келадиган пўлот сим ҳам дош бермаётган эмиш. Қачондан бери шунақа, яхшилаб эслаб кўр, десам, «Ит йилимида... ишқилиб жавзо ойлари эди... Ҳа, топдим: Ғайбар кўпинча оли сугирини илон чақиб ўлдирган йилдан бу ёғисига шу аҳвол», дейди монтер. Бизнинг юртларда ҳамма билади: Ғайбар соқовнинг ола сугирини илон чаққан йили мана шу Бақоев Боқи институтни битириб, мактабга ишга келган. Демак, хулоса битта: Бақоев ўртоқ ҳадеб Навоийни гапиравермасдан, ўқувчилари орасида подстанция эшигини очиш-очмаслик борасидаям кенг тарбиявий иш олиб борганида, табиийки, Ҳапалакда чироқ ўчмаган, одамлар қоронғида ўтирмаган, ниҳоят, биз — халққа зиё тарқатувчиларнинг машаққатли меҳнати муносиб қадрини топган бўлур эди.

Майли, ўтган ишга саловат, аммо-лекин ўзимизга ҳам танқидий кўз билан қараб-қараб турибмиз. Монтерни область марказига — малака ошириш курсига юбордик. Бошқа тегишли хулосалар ҳам чиқардик. Қишлоқ подстанцияларига бўлган эътиборни янада кучайтирамиз!

(имзо)

Султон Алихўжа Ҳакимжон ИККОВ.

Электр тармоқларнинг бошлиғи.

## Соғинчли салом хат

Ассалому алайкум, редакция ходимлари! Мен Ҳапалак қишлоғидики Зайнишуф Баширжон бўламан. Хат ёзишдан мақсадим — бошимга тушган бир савдонни баён қилишдир.

Мен тинч меҳнат кучоғида юрган бир одам эдим. Районимиз электр тармоқларининг бошлиғи ҳе йўқ-бе йўқ бўйнимга юз сўм жарима солди. Тўладим. Тўладим-у, айбим нима эканини тўзукли англаёлмай қолавердим. Айтишдики, қўшним Боқи-жон муаллим устимдан юқорига, яъни, сиз — азиз ходимларга шикоят ёзган эмиш. Эшитиб, жинни бўп қолай дедим. Тонмайман, сентябрнинг йигирма еттинчисида қишлоғимизда ёппасига чироқ ўчди. Кейин суриштириб билсак, подстанциянинг ичига менинг мушугим кириб қолган экан. Хўш, шугинани деб устимдан ёзиши инсофданми? Аввало, у мушукни астойдил «Меники!» дейишга тил бормаиди, негаки, уни атайдан боқиб олганим йўқ. Бу мушукнинг отаси — сизларга шикоят ёзган ўша Боқи муаллимнинг қашқа мушуги эди. Афсуски, ҳозир у йўқ — ўлган, бўлмаса-ку пешонасидаги қашқаси мана мен деб бор ҳақиқатни айтиб берарди. Бу ёқда ўтган йили онасиам қазо қилди... Шу етимча бизнинг ҳовлида ризикни териб, тирикчилигини эплаб юргани учун энди мен қизаришим керакми?! Қолаверса, Боқининг ўзи бир гал: «Уй ҳайвонлари одамларнинг жонажон дўстларидирлар, уларнинг калласини доим силаб туришимиз даркор!», деб айтган. Майли, юз сўм менга жалка эмас, аммо-лекин ҳақиқат синмасин дейман. Тагин бир нарсани айтиб қўяй: ўша кунни чироқ ўчган маҳали тенгқурлар ҳаммамиз чойхонада ҳалфана ошининг пишишини кутиб ўтирган эдик, қўшним Боқи дастурхон устида Навоий деган одамни роса ғийбат қилди. Узининг ҳақиғи йўқ экан, лоақал Колумбанинг «Санта-Мария»сига ўтириб, Амриқони кашф қилса бўларди, деб сўқди. Вақтини бекор

кетказиб, Астрободга бориб юрибди-я, деди. Мен гапни Вафо атторга буришга икки марта уриниб кўрдим, бўлмади — Боқи ғийбатини тўхтатмади. Боз устига, Навоий шатранж ўйнаган одамларни ёмон кўрарди, деб айтди. Бизни гўсхўр фаҳмлади, шекилли. Муаллим эмасмиз, лекин ақлимиз етади: майли, Навоий деган ўша киши Амриқони очгани бормагандир, майли, ўзининг кемаси ҳам йўқдир, бироқ бу дегани унинг шатранжни ёмон кўрганиданми?! Боқи шуни билатуриб атай гапираверди. Кўпчилик оғзини очиб ўтираверди. Мен бир тинч меҳнат кучоғида юрган одамман, индамадим. Умуман, шу Боқи сўттакка ҳайронман, оғзини қисиб юрса бўлмасмикан?! Мана, биз ҳам қоронғида яшаймиз, лекин миқ этмайпмиз-ку!

Шу билан, қисқа калом — хатим тамом,  
деб жабрланувчи  
ЗАЙНИШУВ Баширжон.  
Жавобини сабрсизлик  
билан кутаман, деб  
ЗАЙНИШУВ Баширжон.

«Авиа»  
конвертида  
келган  
хат

Яна-тагин камина сизларни безовта қилаётирман. Ҳа, менким, яна-тагин Бақоев Боқи-жондирман. Уятдан ёняпман, ҳижолатдан куйяпман, лекин шу сафар ҳам ёзмасам, қоврилиб ўламан!

Ўтган йилнинг йигирма еттинчи сентябрида ўчган чироқ ҳалигача ёнгани йўқ! Иккинчидан, каминага қарши қўйилган даъволарнинг тағи пуч. Олдин: «Бақоев Боқи ўртоқнинг чироқ ўчган палла конспект ёзиб ўтирганига ишонмаймиз, чунки у ўз уйда эмас, чойхонада эди», деб мағзава ағдаришди. Кейинроқ: «Улфатларига Навоийни гапириб тургани рост-у, бироқ буну у дарсга тайёрланиш мақсадида айтмаган, чунки ўқувчилар ёппасига далага чиқиб кетган эди», деб шубҳа билдиришди. Ҳм-м, ахир, гап менинг қаерда ўтирганим тўғрисида ё далада эмас-ку! Ўша кунни улфатларга Навоий даврисдан гапирдимми, йўқми — шу хусусда-ку! Айтганим эса, чин! Ана, тирик гувоҳларим бор! Тўғри-да, Навоий Амриқо қитъаси кашф этилишининг туб моҳиятини англаб етмади, чунки унинг дунёқараши чекланган эди. Та-ри-хан! Бу — илм, ака ўртоқ Зайнишуф, асло ғийбат эмас!

Дарвоқе қўшним Зайнишуф Баширнинг мактубини «Хат босилмади-ю, лекин...» рубрикаси остида ўзимга жўнатганларинг соз бўлибди. Ҳарфма-ҳарф ўқиб чиқдим: турган-битгани бўҳтон! Саёқ мушуги келиб-келиб меникидан туғилган эмиш. Нима, тепасида турганимдинг, ҳайвон!.. Бир марта шу Башир менга: «Неваралар муборак, Бақоев, мушугимиз кўпайишдилар. «Скорий» қақирувдик, келгунича ўн иккитасини думалатиб қўйдилар. Қўшнининг қўшнида ҳақи бор, ҳар ҳолда, бир пайтлар сизники бизникига оталик қилган, бувакчаларининг ярмини киритиб берайми ё алимент тўлаб юраверасизми?», деб ўртоқларнинг олдида калти қазил қилган эди. Шундан ғазабим жўшиб, бояқиш тарғилни тутиб, калласини ўроқ билан шартта узиб ташлаганман. Алам ўтган экан, ўлигиниям олдим учимда: «Мундан бу ёғига, ҳақим бор, деб меникига кўзингни олайтирма!», деб кечаси қўрадан оширдим-да, Зайнишуфнинг чорбоғига кўмиб юбордим. Энди, жигаргўшалари подстанцияга кириб, жамиятга зарар келтириб турган бир пайтда отасини эслаб қопдилар-да! Ҳе, ўргилдим! Буз ҳам гўсхўр эмасмиз, ака ўртоқ Зайнишуф!

Редакция ходимларига ҳурмат  
ва эҳтиром ила: (имзо)  
БАҚОЕВ Боқижон.



# Район электр тармоқлари бошлиғига редакция йўллаган мактуб

Бизда йиғилиб қолган материалларни (шу жумладан, сизнинг хатларингизни ҳам) папкага жойлаб, тағин ўзингизга юбормоқдамиз. Энди масалага қатъият билан ёндашишингизни сўраймиз ва жиддий жавоб кутамиз!

«Пиликсиз чироқ» газетасининг редактори:  
«Абадий танқид» бўлимининг мудир:

(имзо).

(имзо).

(кун, ой, йил; думалоқ муҳр)

## Жиддий жавоб

Материалларни тўлиғича олдик. Раҳмат! Подстанция масаласи билан пишиб етилган масала сифатида жиддий шугулланишимизга тўғри келди. Ишнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, беш кишидан иборат комиссия (раиси — ўзим) тузишга мажбур бўлдик. Шикоятчи ўртоқнинг фикрларидаги кечириб бўлмас чалкашликлар ҳадеганда ишимизнинг олға силжишига ҳалақит бераверди, бироқ биз ҳам тиришиб-тортишиб моҳият сари кириб боравердик. Масалан, бир жойда Бақоев айтадики, Навойнинг Амриқога йўл олмаганига сабаб — унинг ўша пайтда Астрободда бўлганида, дейди. Хато фикр. Аниқлашимизча, Навой Астрободга Колумба Амриқога жўнамасидан беш йилча аввал борган. Демак, бизнингча, Навой Ҳиротдагиларга билдирмай, Астрободдан ўшанақаси Амриқога ҳам ўтиб келса бўлаверарди. Қайтага, шунча гап-сўздан қутулар эдик. Иккинчидан, Бақоев Колумбани андалусиялик дейди, билсак, кениялик экан... Хуллас, ўн беш кун деганда комиссия аъзолари столимга икки қўлтиқ қоғоз келтириб қўйдилар. Бир маҳаллий ёзғучи укамиз немисча машинкасида босиб берди: тўрт қўлтиқ бўп кетди. Уларни ўрганиб чиқишга яна икки ҳафта вақт кетди. Ниҳоят, бир битимга келдик ва аҳил коллективимиз яқдил қабул қилган қарорларга суянган ҳолда 32-сон буйруқ чиқардик. Сизларга шу буйруқнинг учинчи нусхасини жўнат-япмиз. (Биринчи нусхасини ишхонамизга кираверишдаги симёғочга ёпиштириб қўйдик.)

Султон Алихўжа Ҳакимжон ИККОВ,  
Электр тармоқлари бошлиғи.

## Район электр тармоқлари бўйича 32-сон буйруқ

1. Нафис адабиёт муаллими Бақоев ўртоқнинг шикоят-хати тармоқнинг барча шохобчаларида қатъият билан ишлаб чиқилсин!

2. Осма қулф учун тармоқнинг бўлинмас фондидан 2 сўму 39 тийин маблағ ажратилсин ҳамда малакаси ошиб, тағин Ҳапалакка қайтган монтерга топширилсин!

3. Огоҳлантириш белгиси сифатида айни дамгача қўллаб келинган иккита шиллик суягию одамнинг бош чаноғи тасвири барча подстанция ҳамда симёғочлардан ўчириб ташлансин! Урнига мусича ё мушукнинг қуяётган ҳолати кўринарли қилиб чизилсин!

4. Навойи масаласи Маориф органларига оширилсин, бироқ бу кишининг бизнинг ишга алоқадор жиҳатлари ҳам бўлгани учун маорифда тузиладиган комиссияга тармоғимиздан икки ё уч аъзо киритилиши таъминлансин! Имкони топилса, йўлини қилиб, шу Навойининг ўзини жинойи жавобгарликка тортиб, қутулиб қўяқолинсин! Ўзи вазир бўлатуриб Колумбани қўлдан чиқариб юборгани эвазига, марҳамат қилиб, жарима тўлаб қўйсин!

а) Навойдан ундирилган жарима тармоғимиз истиқболни йўлида харжлансин!

Электр тармоқларининг бошлиғи: (имзо)

Султон Алихўжа Ҳакимжон ИККОВ.

Бошлиқнинг котибаси: (имзо)

САДОҚАТЛИЕВА Хатуба.

(думалоқ муҳр)

## Редакциядан

Нафис адабиёт муаллими Бақоев Боқижон ўртоқнинг шикоят-хати муносабати билан «Абадий танқид» бўлими сон-саноксиз хатлар олди. Шуниси диққатга сазоворки, кўпчиликнинг фикри деярли бир ердан чиққан. Айниқса, подстанция ишлаб чиқарадиган завод раҳбариятининг электр тармоқлари аҳил коллективи чиқарган буйруққа юз фоиз ҳамоҳанг фикр билдиргани қувонарлидир. Демак, бизнингча, юқорида эълон этилган 32-сон буйруқ яқин бир йилдан бери газетамиз саҳифаларида давом этиб келган баҳс-мунозарага сўнгги нуқтани қўйган.

Ҳурматли газетхон ўртоқлар, ҳаммаларингга ташаккур! Энди сизлардан бошқа тармоқларнинг иши юзасидан ҳам ана шундай хатлар кутамиз.

«Абадий танқид» бўлими

## Кечиккан «Шоши- линч телеграмма»

«Абадий танқид» бўлимининг мудирига  
Қишлоғимизда ҳамон чироқ ёнгани йўқ Одамлар ҳали ҳам қоронғида ўтирибди Навойига тегманглар Уни ўзимга қўйиб беринглар

Бақоев

Н. О. ЯЯПАНЛИК



# Хумий куллиёти топилди



қинда Самарқанддаги новвой акахонларимдан бири (илтимосларига биноан исмларини келтирмадим) тандир учун Афросиёб харобаларининг чеккасидан тупроқ олаётиб, бир хум топиб олибдилар. Яширинча уйларига келтирилган ушбу хумдан маҳсилик чармга ўроғлиқ қўлёмалар чиқди. Кўзланган нарса чиқмаганлигидан дарғазаб бўлган акахоним ҳаяжонлари боиси бўлмиш ана шу қоғозларни тандирга тиқиб ёқмоқчи бўлганларида хабар топиб, у кишини бундай бад ниятдан қайтардим. Жаҳл устида қўлёмаларни хум-пуми билан менга ҳадя қилдилар. Аробий имлода ёзилган бу дастхатлар девон, баёз каби китоблар учун тартиб берилган ва ягона муқова ичида жамланган куллиёт бўлиб, муаллифи адабиёт тарихида ҳозирча маълум бўлмаган Хумий тахаллусли қандайдир бир шоир эканлигини аниқладим. Бахтга қарши, шоир туғилган йили ва таржимаи ҳолига доир ҳеч қандай маълумот қолдирмаган. Балки у адабиёт мухлисларига яхши таниш уста Гулмат Шошийнинг замондошидир? Уста Гулмат Самарқанд азимати айлаганда шоир Хумий мазкур биродарининг ташрифига махсус ғазал бағишлагани фикримизга далилдир, деб ўйлаймиз.

Куйидаги ғазаллар ана шу куллиётдаги «Девони Хумий» номли қўлёма китобидан олинди.

## Дебоचा

Сани битгон муаллифдин букун шундоқ ҳукум бўлди:  
Санға ётдир ёруғ олам маконинг ушбу хум бўлди.

Бирор ношир боса олмас, сани шоир сота олмас,  
Бўнакча ҳам ёза олмас, ёзолғонлар сўқум бўлди.

Сен-эй, сен ранги зардимсан, қиёмат-қойим дардимсан,  
Шаттада чиққан гардимсан, манға қанча ҳужум бўлди.

Ғазалимсан, асалимсан, сани кимға ишонай ман,  
Ҳижоларни санаб ношир деса: «ўн тўрт бўғум бўлди».

Замон ноширлари каззоб, замон ноширлари қассоб,  
Аларни боғига зоғим, лабиға уч бугум бўлди.

Сани хумға тиқиб қўйсам, шояд янги либос кийсам,  
Масжид меҳробига...<sup>1</sup>, нетонг шундоқ удум бўлди.

Келиб бокирароқ авлод сани этгунча озод, ёд  
Манингдак шоири мумтоз ила девони гум бўлди.

<sup>1</sup> Қўлёманинг шу жойи сарғайиб кетганлигидан ўкиб бўлмади.  
(Ношир).

\* \* \*

Кумри қушинг боласисан, қаргани ёр айлама,  
Бўлса қушлик номусинг гар, ўзлигинг хор айлама.

Ё қизилиштон бўлиб келдингми дунёга демак,  
Ул қизил иштон қолиб, ўзингни бозор айлама.

Ғоз керибсан қоматинг курка ила дон олишиб,  
Каклигим, бойқуш ила суҳбати ғор айлама.

Майнасиз майна букун каптар ила «ғув-ғув»лашур,  
Синчалак, осмон қолиб, чумчуқни пойдор айлама.

Эй Хумий, ҳар бир қушинг бирла мукамал бу ҳаёт,  
Қай бирини йўқ этиб, сан қай бирин бор айлама.

## Уста Гулматнинг Самарқандга ҳижрати борасинда

Бузоққа ўт ўройин деб чархлаб турсам ўроғимни  
Кириб келди Гулмат Шоший мани айлаб сўроғимни.

Ялашдик, юлқашиб ду дўст, сақол-мўйлов бўлиб шилта,  
«Қадаминга фидо ўлсин», дея сўйдим бузоғимни.

Аюҳаннос солиб келгон хотунни бир тепуб эрдим,  
Ушал кундин бери боқмас текизсам ҳам дудоғимни.

Зиёфатға келуб эрди туман дўсту биродарлар  
«Гулматдан бир ўқинг энди», дея ерлар қулоғимни.

Бола-бақра босиб кетди, ўшал кун уй ичи бозор,  
Синдиришди сўнги тишин букиб сақол тароғимни.

Шаробға нон тўғраб бермай, омон бўл-да, аё Гулмат,  
Майнинг хуммори ўлдирди хумға ташлаб Бароғимни.

Яна такрор келур бўлсанг тадорукни кўриб кел, дўст,  
Мен-эй, Хумий, сотиб бўлдим ўйим-ла бор яроғимни.

Хумий қўлёмаларини бугунги имлога кўчирувчи:  
Мирзо Жамол СИРОЖИДДИН ўғли

# Ўртоқлик ҳазиллари

Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Эстрада-симфоник оркестри солисти Надежда ЧУРАДАЕВАга

*Агар жўшиб куйласа Надя  
Гитара ҳам тилга киради.  
Ешлик завқин этар у ҳады,  
Оҳанг билан дилга киради.*

СССР Давлат мукофоти лауреати, монументалчи  
рассом Баходир ЖАЛОЛОВга

*Жонсизга жон, тирикларга абадият,  
Ато этмоқ мусаввирнинг буюк сири.  
Қаламингиз эзгуликка қилсин хизмат,  
Омон бўлинг, санъатимиз Баҳодири.*



Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият уйининг «БАХТЛИ БОЛАЛИК» хореографик ансамблига.

*Рақсингизда мужассамдир бахт-саодат,  
Хур замоннинг қувончлари, орзулари.  
Қамол топинг, улгайингу сизни абад  
Тарк этмасин болаликнинг туйғулари.*



«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг  
пардозловчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати  
Мавлуда МИРАЗИЗОВАга

*Ишчи номин улуғлаган оқила қиз,  
Қалбингизда ҳеч сўнмасин бу шижоат.  
Ажаб эмас, жило берган қўлларингиз,  
Тошкентимиз мебели ҳам топса шўҳрат.*



Хуршид ДАВРОНга

*«Шаҳардаги олмалар»ни эслайди гоҳо  
Ҳазин кезиб яйдоқ қолган «Тунги боғлар»да.  
Қушлар билан шод учгиси келади аммо  
Чўнг мукофот ногоҳ ёдга тушган чоғларда.*



Расмларни Ҳ. СОЛИҲОВ чизган.



## АВТОРЛАРИМИЗ

**Саломат ВАФОЕВА.** Хоразм об-ластининг Шовот районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомламоқда. Ҳикоялари вақтли матбуотда эълон қилинган.

**Бахтиёр НАЗАРОВ.** 1945 йили Тошкентда туғилган. ТошДУнинг филология факультетини тамомлаган. Бир нечта адабий-танқидий мақола-лар тўплами чоп этилган. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида хизмат қилади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати. Филология фанлари кандидати.

**Иброҳим РАҲИМ.** Фарғонада туғилган. «Ихлос», «Ҳилола», «Чин муҳаббат», «Оловкор», «Тақдир» «Фидойилар», «Одам қандай тоб-

ланди» каби қисса ва романлар автори. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси. Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати.

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.** Сирдарё областида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Қатор шеърий китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати. «Саодат» журналы бош редакторининг ўринбосари.

**Нурали ҚОБУЛ.** Жиззах областининг Бахмал районида туғилган. «Ойқор», «Салом, тоғлар!», «Тубсиз осмон», «Каптарлар қайтмаган кун» каби китоблари нашр этилган. «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг бош редактори.

## АВТОРЛАРИМИЗ



Тошкентда қиш.

Н. Муҳаммаджонов  
фотоси.

«Ешлик» («Молодость») —  
ежемесячный литературно-художествен-  
ный и общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИҲОВ

Техник редактор: В. УРУСОВА

Корректор: М. НАБИЕВА

Журнал макетини М. ОВСЯНИКОВ тузган

Адресимиз: 700000. Тошкент-П.  
Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар:

Бош редактор ўринбосари — 32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърият, адабий танқид ва санъат бўлим-  
лари — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортик  
роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар  
кўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма  
листгача бўлган асарлар авторларига қай-  
тарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра  
амалга оширилган таржима асарлар кўл-  
ёмаларинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»-  
дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 3.12.84 й. да туширилди.  
Босишга 2.01.85 й. да рухсат берилди.  
Р-13504. Қоғоз формати 84×108<sup>1/16</sup>. Қоғоз  
ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82.  
Нашриёт ҳисоб листи. 12,5. Тиражи 200433.  
Бюртма 5021. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-  
тети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ  
орденли босмаҳонаси. Тошкент, 700029.  
«Правда Востока» кўчаси 26.

© «ЕШЛИК» № 1. 1985.

«Еш гвардия» нашриёти